

ISSN 2181-8738

ВОДАЙНОМА

АПРЕЛЬ-ИЮНЬ
2017 ЙИЛ
№2 (4)

Ижтимоий-тариҳий, илмий ва оммабоп журнал



«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

АПРЕЛЬ-ИЮНЬ 2017 ЙИЛ № 4

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция
жамоат фонди

Бош мұхаррір:

Рустамбек Шамсұтдинов

Бош мұхаррір үрینбосасы:

Абдулла Шаропов

Таҳрір ҳайъаты:

Абдулхамид Анербоев
Екатерина Смесова
Махбуба Темирова
Мирсадик Исҳоқов
Музробжон Абдуллаев
Мұхаммаджон Исимиддинов
Наим Каримов

Пойн Равшанов
Ташманбет Кененсариеv
Шамсиддин Камолиддин
Шұхрат Ризаев
Масъул котиб:

Мәймуржон Сайдхонов
Техник мұхаррір:
Ахрорбек Отаконов
Жамоатчилик кенгашы:
Абдухалим Эргашев
Бахтиер Аминов
Дилмурод Куров
Махмуд Ҳасанов
Мансур Ҳужаев
Сойибжон Ҳошимов

Масъул мұхаррір:
Абдурәхмон Исҳоқов

Техник мұхаррір:
Ахрорбек Отаконов

Жамоатчилик кенгашы:
Абдухалим Эргашев
Бахтиер Аминов
Боқижон Матбоев
Дилмурод Куров
Махмуд Ҳасанов
Мансур Ҳужаев
Сойибжон Ҳошимов

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан 2016 йил 18 майда № 04-049 рақам билан
рыйхатта олинган

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р. Т. Шамсұтдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри Университет
кучаси 129-й.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiyonomat@inbox.uz

Босишига рухсат этилди:
Көзөз бичими 60x84 1/16. Босма тобоги: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози
Адади: 1 400 дона.

Баҳоси келишилган нархда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган
фикр-мулоҳазалар таҳририят нұқтай назарига мөс
келмаслиги мүмкін. Келтирилген факт ва рақамларнинг
анинва холислиги учун мұаалиф жа沃бгар ҳисобланади.

Муқода дизайни ва орыгинал макет
«Akademnashr NNM» МҰЖ томонидан тайёрланған
«Akademnashr NNM» МҰЖ болмахонасыда чоп этилди.
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
20^а-мавзе 42-үй

МУНДАРИЖА

БҮЮК БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИ ВА УНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ

Рустамбек Шамсұтдинов, Музробжон Абдуллаев

Бобурнинг илк сиёсий-ҳарбий кураши 2

ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

Бош мұхаррір минбари

Буюк Ғалаба чизгилари 12

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

Адолат Сайтова

Фарғонанинг фатҳ этилиши ҳақида янги маълумотлар 20

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

Наим Каримов

Исхоқхон Ибрат – советча қатағон қурбони 24

Рустамбек Шамсұтдинов

1916 йили водийдан олинган мардикорлар тақдирига доир 31

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Рустамбек Шамсұтдинов, Ахрорбек Отаконов

«Фронт ҳақиқати» саҳифаларидага жанглар тафсилоти 42

Одилжон Абдуқаҳдоров, Беҳзод Қаҳҳоров

Ватан қаҳрамонлари 49

ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Рустамбек Шамсұтдинов, Одилжон Абдуқаҳдоров

«Босмачилар» ҳужжатлар талқинида 55

ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

Отрывки из воспоминаний Гафура Хайдарова 64

Дурбек Мұминов

Миллий санъатимиз дарғаларидан бири 67

МУНОЗАРА МИНБАРИ

Мирсадик Исҳоқов, Тұлқин Пұлатов

Тарих – ҳаёт ибрати 71

Наим Каримов

Абдулла Қодирий ва Амир Умархоннинг канизи 82

ТАРИХИЙ ШАҲСЛАР

Рустамбек Шамсұтдинов

Абдуллаев Ҳабиб Мұхамедович (1912 – 1962) 91

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига.

Буюк инсон андижонликлар нигоҳида 99



БОБУРНИНГ ИЛК СИЁСИЙ-ҲАРБИЙ КУРАШИ

Рустамбек Шамсутдинов.
Музробjon Абдуллаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти сайловчилари билан бўлган учрашувдаги нутқида тарихга назар солинса ҳам, бутунги кун бўйича баҳо берилганда ҳам Андижон заминидан турли соҳалар бўйича буюк инсонлар етишиб чиққанини, миллат, эл-юрт тақдири учун қайгуриш, миллий гурур, ор-номус учун бел bogлаб майдонга чиқиш Андижон аҳлига хос азалий одат эканини таъкидлаб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтди: «*Мана, улуг аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни олайлик. Бу буюк зот ўн икки ёшидан бошлаб Темурийлар давлатини сақлаб қолиши учун ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам қўрқмади. Қирқ етти ўшилик умри давомида бир зум ҳам ҳаловат билмасдан ўтди. Ўз авлодларига ватанга бўлган буюк муҳаббатни, эзгу фазилатларни мерос қилиб қолдирди.*»¹

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг серқирра ҳаёт йўли, улкан мероси, айниқса, у асос солган салтанатнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси фарҳ ва ифтихор манбаига айланган. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев Бобурнинг андижонликлар учун ниҳоятда қадрли ва мўтабар эканини таъкидлаган ҳолда 2017 йилни

Андижон вилоятида «**Заҳириддин Муҳаммад Бобур йили**» деб эълон қилди ва шу муносабат билан Андижонда Бобур номи билан bogлиқ бунёдкорлик ишлари ва қатор тадбирларни амалга ошириш йўл-йўриклири белгилаб берилиди.

Андижонда 2017 йилда амалга ошириладиган маданий-маърифий ишлар қаторида вилоятдаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларида «**Бобурнийлар салтанати ва унинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни**» мавзуида ўқув курслари, суҳбатлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан журналисимиз саҳифасида Андижоннинг буюк фарзанди Бобур асос солган салтанат ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида туркум мақолалар бериб боришни лозим билди.

Амир Темур асос солган улкан салтанат XV аср охири – XVI аср бошларида чуқур инқизорни бошдан кечираётганди. Темурийзодаларнинг таҳт учун ўзаро кураши салтанатни таназзул ёқасига олиб келди. Салтанат ич-ичидан емирила бошлади. Темур ҳаётлигига исён туғини кўтаришга журъят эта олмаган бир қатор давлат ҳукмдорлари пайтдан фойдаланиб ўз мустақиллигини ўзлон қилдилар.

Фақат Шоҳруҳ мирзо отаси асос солган салтанатнинг қатта қисмини қирқ тўққиз йил давомида ўз қўли остида сақлаб туришга эришиди. У отаси ўгитларига амал қилиб мамлакатни адолат билан бошқаришга интилди, ўз тасаруфидаги шаҳару қишлоқларни обод ва кўркам қилиш учун анчагина хайрли ишларни амалга

¹ Узбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев – Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқи // Andijonnoma. 2016-yil 5-noyabr.



ошириди, мамлакатда тинчлик ва осойишталиқ қарор топди. Илм-маърифат, санъатни юксак қадрлаган Шоҳрух мирзо даврида пойтахт Ҳирот маданият марказига айланди, оламга машҳур тарихий ва маданий ёдгорликлар қад кўтарди. Бироқ Шоҳрух мирзонинг қатъий ҳаракатлари ҳам бу салтанатни таназзулдан сақлаб қола олмади.

Темурий ҳукмдор Мирзо Улугбек ўз даврининг фозил, зуққо кишиси сифатида шуҳрат қозонди. У кўпроқ шоҳлар шоҳи эмас, балки олимлар шоҳи сифатида машҳур бўлди. Мирзо Улугбек темурий ҳукмдорлар ичида мисли юлдуз каби порлади, мингдан зиёд юлдузлар туркумини чуқур ўрганди. Бироқ унинг ҳаёти фожия билан тугади, ўғли Абдуллатиф томонидан қатл этилди.

Ундан сўнг Темурийлар давлатини тасарруф қилганлардан бири Абусайд мирзо бўлди. Самарқандни ўзига пойтахт қилган Абусайд мирзо (1455 – 1469) ўзининг юксак салоҳияти билан давлат тизгинини илкида қаттиқ тутди. Бироқ унинг вафоти олдидан ўз тасарруфидаги ерларни ўғилларига тақсимлаб бериши бусиз ҳам таназзулга юз тутган давлатнинг янада парчаланишига, шаҳзодалар ўртасида тоҷу таҳт учун курашнинг авж олишига шароит яратди. Лекин бу ўринда Абусайд мирзони айблаш ногӯри бўларди. Чунки тақсимот бўлмаган тақдирда ҳам шаҳзодалар ўртасидаги тоҷу таҳт учун кураш барибир юзага келиши тайин эди. Тақсимот шундай эди: катта ўғлига Самарқанд ва Бухоро теварагини, иккинчи ўғлига Ҳиндикуш билан Ҳисор тоглари орасидаги бутун минтақани ўз ичига олган Бадахшонни, учинчи ўғли бўлган Умаршайх мирзога, яъни Бобурнинг отасига Фарғонани, тўртинчи ўғлига эса Кобул ва Газна минтақасини берган.

Бобур туғилиб вояга етган Фаргона музофотида унинг отаси Умаршайх мирзо ҳукмдорлик қиласарди. Амир Темур наслидан бўлган бу зот кичик гавдали, соглом, жасур жангчи эди. Таъби шеърга мойил ва шатранж ўйнашга иштиёқли эди. У Самарқандда ҳукмдор бўлган акаси Султон Аҳмадга ва қайниси Маҳмудхонга қарши турли баҳоналар билан ҳужум қиласар, тез-тез жанглар олиб бориб давлати ҳудудини

кенгайтиришга уринар, Самарқандни эгаллашни истар эди. Унинг бундай тажовузларидан зериккан қариндошлар бирлашиб Умаршайхга қарши зарба беришга қарор қилишган ва бу мақсадда Султон Аҳмад билан Маҳмудхон бирлашиб ҳаракат бошлаган. Худди шу пайтда – 1494 йил 9 июнда Умаршайх мирзо Аҳси қўргонида жарга қулақ вафот этади. Бобур бу пайтда ўзи ҳоким бўлган Андижонда эди. Отасининг вафоти ҳақидаги хабарни фақат эртаси куни олгач дарҳол мулоғимлари билан отланиб 60 километр узоқликда бўлган Аҳсига бориш ва ички қалъани мустаҳкамлашга қарор қиласади. Фақат бир неча беклар бу ҳаракат бошқаларни шубҳага солишини айтиб Бобурни фикридан қайтармоқчи бўладилар. Лекин Бобур ўз фикридан қайтмасдан Аҳси қўргонига келади ва қалъадаги аҳолини ҳам ўзига итоат қилдириб, отаси ўрнига таҳтга ўтиради.

1483 йил 14 февралда тугилган Бобур подшо бўлган пайтида 12 ёшда эди. Фарғонанинг тўртбеш мингдан ошмаган аскарлари билан ота мулкини муҳофаза қилишдек жуда мушкул бир вазифа ўш Бобур мирзо зиммасига тушган.

Хожа Аҳрор Валий «Захириддин Муҳаммад» деб берган исмни узун деб бу ўш шаҳзодани яқинлари қадимий ва тотемик туркий исм бўлган «Бобур» номи билан чақиришлари бежиз эмасди. У ўш бўлса ҳам, ҳақиқатан йўлбарс каби шижаотли эди. Бундан ташқари, ёнида зуқко, тажрибали бувиси Эсон Давлатбеким, тақдирини Бобур билан бοлаган Ҳасан Яъқуб, Қосимбек қавчин, Али Дўст тагойи, Узун Ҳасан каби беклари бор эди. Шу сабабли шароитнинг ёмонлиги, душман қўшинларининг кўплиги ва таҳликали вазият ҳам Бобурни чўчитмади. Ўз замонасининг доно кишиси бўлган Хожа Мавлоно қозининг маслаҳати билан Андижон қалъасини мустаҳкамлаш, шаҳарни мудофаа этишга қарор қилинади. Шаҳарни химояси учун бутун шаҳар аҳолиси жипслашди. Андижон енгилмас, мустаҳкам қалъя ҳолатига келтирилди.

Султон Аҳмад Самарқанддан ва Сирдарёнинг жанубидан ҳаракат қилиб Ўратепа, Хўжанд ва Маргилонни эгаллайди. Лашкар шиддат билан яқинлашмоқда эди. Қува яқинидаги ботқоқлик бўлган бир ирмоқни кечиб ўтиш чо-



года кўпприк бузилиб, аскарлар ва отларнинг бир қисми нобуд бўлади. Бунинг устига, қўшин орасида от ўлати тарқалиб, отлар қирила бошлиди, аскарлар орасида парокандалик кучаяди. Душман Андижон остоналарига яқинлашган маҳалда қўшиннинг руҳияти жуда тушиб кетганди. Шу боис Султон Аҳмад дарҳол жияни Бобурнинг таклифи билан сулҳга рози бўлди. У қўшини билан Самарқандга қайтиш йўлида Ўратепа яқинидаги Оқсув мавзеида тўсатдан касалланиб вафот этди.

Мўғул хони Маҳмудхон, яъни Бобурнинг тоғаси Тошкентдан ҳаракат қилиб Аҳсини қамал қилади. Аҳси қўргони Наманган шаҳри яқинидаги бир тепалик устида бўлиб, чап томонидан Сирдарё оқиб ўтарди. Тик қоялар устида девор билан ўралган мустаҳкам қалъа бўлиб, уни забт этиш мушкул эди. Аҳси мудофаачилари душманга қаттиқ қаршилик кўрсатадилар.

Султон Аҳмаднинг Бобур билан сулҳ тузиб ортга қайтиши ва йўлда вафот этиши Маҳмудхонни ҳам мушкул вазиятга солиб қўяди. Охироқибат Маҳмудхон ҳам қамални тўхтатиб Тошкентга қайтишга мажбур бўлди.

Бу қийин давр ва кутилмаган воқеалар Бобурнинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолди. У «Бобурнома»да: «Аллоҳнинг лутфи ишларимга доимо энг яхши ва энг масъуд бир тарзда марҳамат кўрсатди», – деб ёзган эди.

Урушнинг бу каби якуни ички низоларни ҳам тўхтатиб, Бобур ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва мавқеини юксалтириш имконини берди. Душман чекингач, Умаршайх мирзонинг барча яқинлари ва беклари Андижонга қеладилар, ҳалққа ош тортилади. Бобур отасининг таҳтига ўтиргач ўзига яқин бекларга лавозим ва мартабалар тақсимлади. Жумладан, Андижон ҳокими ва эшик ихтиёри этиб Ҳасан Яъқуб, Ўшга Қосим қавчин, Аҳсига Узун Ҳасан, Маргилонга эса Али Дўст тагойи ҳоким этиб тайинланди.²

Айни шу вақтларда Султон Маҳмудхоннинг Бобурни таҳтдан тушириб, ўрнига Жаҳонгир мирзони қўйиш учун Ҳасан Яъқуб воситачилигида амалга оширмоқчи бўлган фитнаси Эсон

Давлатбегим ва Бобурга содиқ бекларнинг тадбиркорлиги билан чиппакка чиқди. Фитначи Ҳасан Яъқуб Самарқанд томон бош олиб кетади ва кўп ўтмай тунги жангларнинг бирида ҳалок бўлади.

Андижонда бир муддат осойишталик қарор топди. Исфараада Иброҳим Сорийнинг исёни бостирилди, Кошгардаги Абобакр мирзонинг ҳаракати ҳам тўхтатилди. Бу вақт ичида Хўжанд ҳам забт этилади. Фақат Бобурнинг катта руҳи кичик Фаргона давлатига қаноат қилмас, унинг қалбida ўз давлатини янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш иштиёқи жўш уради. Душманларнинг биргалашиб қилган ҳужуми даф этилганидан кейин у ташаббусни қўлга олди.

1496 йили Самарқанднинг янги ҳукмдори Бойсунгур мирзо Бухоро устига ҳужум қилиб мұваффақиятсизликка учрайди. Бойсунгур подшолигидан кўп азоб чеккан Самарқанд пешволари Бобурга Самарқанд таҳтини олиши тақлиф этадилар. Бу тақлиф бўйича Бобур Бухоро таҳтида ўтирган Султон Али мирзо билан Самарқандга биргалиқда юриш қилиш ҳақида битим тузиб, рамазон ойида Андижондан Самарқанд сари қўшин тортади. Айни вақтда, Султон Али мирзо ҳам Бухородан чиқиб, Хожа Казарун деган жойда Бобур билан учрашади ва улар бирлашиб Самарқандни қамал қилишга тутинадилар.

Қамал узоқ чўзилади. Қиши кириши билан Султон Али мирзо қамал чўзилиб кетганини баҳона қилиб Бухорога қайтиб кетади. Бобур Самарқанд қамалида қатъий туриб, қўшин қишлиши учун Хожа Деҳдор деган жойда қароргоҳ қуради. Бу орада Бойсунгур мирзога ёрдам учун Туркистондан Шайбонийхон қўшини билан келади ва Самарқанд яқинида лашкаргоҳ қуради. Бундан хабар топган Бобур қўшинни жамлаб Деҳдордан Самарқанд сари отланади. Шайбонийхон ҳам ўз қўшини билан Самарқанд остонасида манзил қуради.

Шайбонийхон Бобурга қарши жангни пайсалга солгани боис Бойсунгур мирзо унинг ёрдамидан умид узиб шаҳар дарвозаларини мустаҳкам беркитади. Шайбонийхон ўз қўшини билан Туркистонга қайтиб кетади. Бойсунгур мирзо қийин вазиятда қолгач Бобурнинг

² Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Э.Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.43.



ҳузурига таниқли амалдор ва олимларни юборади. Бир неча жанглардан сўнг икки томон ўзаро битимга келишади. Унга кўра, Бойсунгур Самарқандни Бобурга бериб, бутун бойлиги, яқинлари билан Ҳисори Шодмон ва Қундуз тарафга кетади, бунда унга ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Шундан сўнг Бобур Самарқандга кириб келади. 1497 йил ноябрь ойининг охирида шаҳарнинг улуг пешволари Бобурга пешвоз чиқиб катта ҳурмат билан кутиб оладилар ва Самарқанд таҳтига ўтқазадилар.

Бойсунгур мирзо Қундузга келганда уни Хусравшоҳ катта ҳурмат билан кутиб олади. Аммо бу меҳмондўстлик узоққа чўзилмади, 1499 йил августида Хусравшоҳ Бойсунгур мирзони қийнаб қатл эттиради.

Бобур 16 ёшида Мовароуннаҳрнинг энг муҳим ва буюк шаҳри Самарқандни эгаллаган эди. Ички қалъанинг устида юксалган Кўксаройдан аждодларининг пойтахтини томоша қиласар, бир неча чақиримдан кўриниб турадиган гўзал ёзувлар билан безатилган масжид ва мадрасаларни, рангин гишталар ва мовий кошинлар билан безатилган мақбараларни, турли-туман тошлар билан қопланган Улугбек расадхонаси, хитой чинниси билан безатилган минорани чуқур ҳаяжон ичра кузатар эди.Faқат узоқ давом этган қамал сабабли шаҳарда озиқ-овқат ва ем тугаганди. Деҳқонлар экиш учун уруғлик топа олмаётган эдилар. Бу ҳолат Бобур қўшинидаги беклар ва аскарлар руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Беклардан Узун Ҳасан Бобурнинг укаси Жаҳонгир мирzonинг онаси қабиласидан чиққан жасур аскарбоши эди. У Жаҳонгир мирzonинг таҳтга ўтиришини истарди. Шу сабаб Бобурдан айрилиб фитна қўзгайди. Узун Ҳасан Бобурдан норози бўлган барча аскарларни тўплаб, Бобурнинг Самарқандда туриб қолганидан шикоят қилиб исён байрогини кўтарди. У Андижонга қайтиб шаҳарни қамал қиласди. Бобур Самарқандда хасталаниб ёрдамга кела олмагани сабабли Андижон волийси Али Дўст тагойи шаҳарни Узун Ҳасанга топширишга мажбур бўлади.

Фитначилар Бобур Самарқандда вафот этгани ҳақида мишиш тарқатиб, Фаргонада ҳокимият унинг укаси Жаҳонгир мирзога ўтишини

овоза қиласидилар. Ҳўжа Мавлоно қози бу хабарга ишонмасдан қўл остидаги оз сонли аскари билан фитначиларга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Охир-оқибат бир неча жойидан яраланиб асир олинади ва қатл қилинади. «Бобурнома»да бу фожиа қуйидагича тавсифланган: «Ўшул куни Андижондин бир киши бу хабарни келтурдиким, етти кун бундин бурун, ўшул шанбаким, биз Самарқандтин чиқибтурбиз, ўшул шанба Али Дўст тагойи Андижон қалъасини мухолифларга берибтур. Тафсили будурким, Узун Ҳасаннинг навкариниким, менинг бехузвурлугумда манга кўрсатиб ижозат бердилар, мухолифлар Андижон қўргонини қабогонда бориб дебтурким, подшоҳнинг тили тутулуб эди, оғзига пахта била сув томизадурлар деди. Ўшбу таъриф қилгон йўсунлук бориб, Али Дўстнинг қошида онт ичиб айтибдур. Жакан дарвозасида Али Дўст эди. Бу сўздин бепой бўлуб, мухолифларни илгаб аҳд шарт қилиб қалъани берди. Захирадин ва урушур кишидин қўргонда ҳеч камлиқ йўқ эди. Фояташ ул мунофиқи намакҳаром мардакнинг номардлиги эди. Бу мазкур бўлгон сўзларни ўзига баҳонайи рост қилди. Андижонни олғондин сўнг менинг Ҳўжанд келганим эшишиб Ҳожа Мавлонайи Қозини арк дарвозасида осиб шаҳид қилдилар.

Ҳожа Мавлонайи Қозининг оти Абдуллодур. Бу от била машҳур бўлуб эди. Мозийга етар. Фаргона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар. Валийлигига менинг ҳеч шаким йўқдир. Қайси иш вилоятқа мундин яхшироқ далилдурким, аларга қасд қилгонлардин оз фурсатта осор ва аломат қолмади. Ҳожа Қози ажаб киши эди. Қўрқмоқ анда асло йўқ эди. Онча далер киши кўрулган эмас. Бу сифат ҳам валоят далилидур. Сойир эл ҳар неча баҳодур бўлса, андак дагдагаси ва таваҳхуми бўлур. Ҳожада асло дагдага ва таваҳхум йўқ эди. Ҳожанинг воқеасидин сўнг Ҳожага мансуб эллар мисли навкар ва чокар ва аймоқ ва аҳшомни тамом туттуруб талаттилар.

Менинг улуғ онамни ва ўз опамни бაъзи менинг била бўлгонларнинг кўчлари билан Ҳўжандга менинг қошимга йибордилар.

Андижон бўла Самарқандни илиқдин бердук. Андижон ҳам илиқдин чиқмиш эди. Бизга



«гофил аз инжо ронда ва аз онжо монда»³ дегандек бўлди. Бисёр шакк ва душвор қелди. Не учунким то подшоҳ бўлуб эрдим, бу йўсунлук ранж ва машақатни билмайдур эрдим».⁴

Бу вактда Жаҳонгир мирзо 14 ёшда бўлиб, амалда ҳокимият Узун Ҳасан билан Аҳмад Танбал қўлига ўтади.

Бу орада Бобур согайиб, Андижонда юз берган воқеалардан хабар топади ва қаттиқ қайтуга тушади. Самарқандда Бобурнинг кўл остидағи беклар тамоман тарқалиб, ёнида фақат 200 тача аскар қолган эди, холос. Огир вазиятда қолган Бобур мирзо Самарқандни ташлаб чиқишига мажбур бўлади.

Самарқанддан чиқиб Хўжандга келади. Тошкент ҳукмдори, тогаси Султон Маҳмудхонга ёрдам сўраб элчи юборади. Султон Маҳмудхон бу хабарни олиши биланоқ ўз қўшини билан йўлга чиқади. Тога ва жиян Оҳангаронда учрашадилар. Бирлашган қўшин Кандир довонидан ўтиб, исёнчиларни жазолаш учун Ҳуррамсарайда (ҳозирги Фурумсарой) тўхтаб лашкаргоҳ қурадилар. Султон Маҳмудхон ҳузурига Жаҳонгир мирзо номидан кўплаб совга-саломлар билан элчилар келади, келишув сулҳи ҳақида музокара бўлади. Аҳмад Танбалнинг укаси Бек Телба ва Хожа Абулмакорим турли воситаларни ишга солиб анча кўнгилчан Султон Маҳмудхонни сулҳ тузишга кўндирадилар. Натижада Самарқанд Бобур мирзо тасарруфида, Фаргонага тахти эса Жаҳонгир мирзо қўлида қолишилиги га келишилади.

Жаҳонгир мирзо элчилари мақсадга эришгач Андижонга қайтиб келадилар. Улар билан бирга Бек Телба ҳам акаси Аҳмад Танбал билан кўришиш учун Фаргонага йўл олади. Султон Маҳмудхон эса Тошкентга қайтади. Бобур мирзо Султон Маҳмудхондан ёрдам олиш маҳоллигини тушуниб ундан ажралиб Хўжандга келади. У бу ерда Султон Али мирзо Бухоро қўшинлари билан келиб Самарқандни эгаллаганлиги ҳақидаги хабарни эшигади. Бобур Тошкент хони Султон Маҳмудхон номидан Ўратепани бошқарётган Муҳаммад Ҳусайнга чопар юборади ва

ундан қўшинларни ҳар икки томондан ҳаракат қилишлари учун йўл очиб беришини сўрайди. Бобурнинг ўзи ҳам Самарқандни эгаллаш учун чопар ортидан йўлга чиқади. Пешагор қалъасида тўхтайди, маълум вақт шу жойда яшайди, қўшинларини ҳар тарафга йўналтириб туради, бироқ галабага эриша олмайди. Бу орада қишириб келади, Пешагор қалъасида озиқ-овқат захираси қишлоғ учун етарли эмасди, қалъага барча ҳарбийлар сигмас эди. Бу аҳволни билган Бобур ҳарбий қўшин ва отларни озиқ-овқат, беда, галла билан таъминлаш мақсадида Ўратепа ва Хўжанд атрофидаги қишлоқ, яйлов, ўтлоқларни топиб ўша жойларда яшай бошлайди. Ўша кунлари Бобур ниҳоятда огир қийинчиликларни бошдан ўтказади. У кўп куч сарфлаб мамлакатда ҳокимиётни ўз қўлида тўплаш учун ҳаракат қилди. Бироқ Самарқандни эгаллай олмади, Андижон эса қўлдан кетди.

Бу орада баҳтли тасодиф юз бериб, Фаргонанинг айрим амирлари Бобур ҳузурига бирин-кетин чопарлар юбориб унинг Фаргонага қайтишини илтимос қиласадилар. «Агар биз бирон нарсада айблансак ҳам, бизнинг айбларимизни кечирим сувлари билан ювиб ташланг ва вилоятга юриш қилиб келинг. Бизлар эса иложимиз борича сизга хизмат қиласиз ва ўз айбларимизни ювиб ташлашга интиламиз», – дейилади таклифларнинг бирида. Бундан руҳланган Бобур дарҳол Маргилон сари отланди. Бир куннинг ўзида 34 фарсах (252 км) масофадаги йўлни босиб Маргилонга етиб келди. У билан бирга 240 нафар аскари бор эди, холос.

Маргилон ҳукмдори Али Дўст тагойи Бобурни иззат-икром билан кутиб олади. Бундан хабар топган Жаҳонгир мирзо катта қўшин билан Андижондан чиқиб Маргилонга 1 фарсах (7 – 8 км) масофадаги Сафон қишлоғида тўхтайди. Бобур ҳам қўшини билан Маргилондан чиқиб жангга киришади. Икки ўртадаги жангда Бобур зафар қучади, Жаҳонгир мирзо қолган қўшини билан Андижонга қайтади. Андижон аҳолиси шаҳар дарвозаларини беркитиб Жаҳонгир мирзони қалъага қўймайди. Бундан хабардор бўлган Бобур қўшинини жамлаб зудлик билан Андижонга келади. Жаҳонгир мирзо ва Аҳмад Танбал Ўшга қайтади, Узун Ҳасан эса бир гуруҳ

³ «Гофил бу ердан қувилган, у ердан ажралган» (аро йўлда сарсон булиб қолиш ҳақида киноя).

⁴ Бобурнома. – Б.63 – 64.



фитначилаар билан Ахсига қочади. Андижон аҳолиси Бобур мирзони шод-хуррамлик билан қарши олади. Шу тариқа 1499 йил июль ойи охирида Бобур ота юртини такрор қўлга киритди.

Бобур бир қатор қалъаларни эгаллаб, Фарғонанинг энг йирик қалъаси бўлган Ахсига қўшин тортиб боради. Бундан хабар топган Узун Ҳасан қаршилил кўрсатиш бефойдалигини англаб қалъани жангсиз топшириш эвазига ўзи ва яқинларига омонлик тилайди. У Бобур ҳузурига келиб, шармандаларча Бобур оёги остидаги гиламни ўпади. Бобур унга ўз яқинлари билан Қундузга кетиш учун имкон беради. Бобур Ахси ва Қосонда бир неча кун бўлиб, бу ердаги ишларни йўлга қўйганидан кейин Андижонга қайтади.

Жаҳонгир мирзо ва Аҳмад Танбал Ўшга келганинг аҳоли уларни шаҳарга қўймаганлиги боис, улар Ўзган қалъасидан паноҳ топадилар. Улар Ўзгандан Тошкент хони Султон Маҳмудхонга ёрдам кўрсатишини сўраб элчи юборадилар. Султон Маҳмудхон ўғли Султон Мұҳаммад Хоника ва Аҳмад Танбалнинг тогаси Аҳмадбек бошчилигидаги 6 минг кишилик мўгул қўшинини Жаҳонгир мирзога ёрдам учун юборади. Ёрдамчи кучлар келгач, Жаҳонгир мирзо ва Аҳмад Танбал Ўзган қалъасидан чиқиб Бобурга қарши урушга тайёрланади. Аҳмад Танбалнинг фитначилиги, макр-ҳийласи туфайли бир неча ой давомида икки ака-ука ўртасида ҳокимиият учун жанжал ва нифоқлар ҳукм сурди. Ниҳоят, уламо ва мутафаккир олимлар Қуръони каримдаги «Тинч йўл билан ҳал қилиш яхшироқдир» деган оятга асосланиб бу икки ога-ини ўртасида келишув ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Битимга мувоғиқ Сирдарёнинг жанубий соҳили, гарбда Хўжандгача, шарқда Кошгаргача бўлган ҳудудлар Бобур мирзо тасарруфига, гарбда Кандир довонидан Кетмонтепа тоглари бўйларигача бўлган ҳудудлар Жаҳонгир мирзо тасарруфига ўтди. Сирдарё икки ўртада чегара этиб белгиланди. Баҳорга чиқиб ака-ука Самарқандга юриш қилиши, агар Самарқанд қўлга киритилгудек бўлса, у Бобурга берилиши, Фарғона мулки эса Жаҳонгир тасарруфига ўтишига келишилди. Бу битим 1499 йил октябрь ойида имзоланган. Шу кунларда Бобур Андижонда

Султон Аҳмаднинг қизи Ойшабегимга уйлантирилади.

Самарқанд ҳукмдори Султон Али мирзо билан Самарқанднинг кўзга кўринган амалдорлари ўртасида ихтилоф юзага келиб, у кун сайин кучайиб борди. Бу ҳол темурий шаҳзодалар ўртасида Самарқанд тахти учун низоларни авж олдирди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон 1497 – 1499 йилларда Самарқандга ҳужум уюштириб уни икки марта қамал қилди. 1500 йилнинг 28 июня Самарқанднинг улуғ пешволари Мұҳаммад Мазидбек тархонни вакил қилиб бир неча мулозимларни Андижонга, Бобур мирзо ҳузурига юборадилар. Улар Бобур мирзога Самарқандга юриш қилиб тахтни эгаллашни таклиф этадилар. Аммо Фаргона мулки ака-ука ўртасида бўлиб олинганидан кейин ҳам вазият анча кескин эди. Бобур амалдорлари ва маслаҳатчилари билан Самарқандга юриш қилиши масаласида машварат ўтказади ва унда Самарқандга юриш бошлишга қарор қилинди. Ҳарбий мулозимлар қўшин тўплайдилар ва Бобур бошлигига Самарқанд сари йўл олинади. Самарқандга яқинлашганда Шайбонийхон катта куч билан Бухорони босиб олиб, Самарқандга юриш қилаётганидан хабар топган Бобур йўлни ўзгартириб Кеш томонга бурилади. Чунки Бобурга ёрдам кўрсатмоқчи бўлган бекларнинг асосий кучлари шу ерда эди. У Кешда 14 кун бўлади. Бу орада Самарқанд ҳукмдори Султон Али мирzonинг онаси Зуҳрабегим Шайбонийхонга маҳфий хабар юбориб, агар уни хотинликка олиб, Султон Али мирзони ўғил сифатида қабул қилса, шаҳар жангсиз топширилишини маълум қилади. Шайбонийхон бу хотин таклифига рози бўлиб Самарқандни осонлик билан эгаллади. Шайбонийхон Самарқандни эгаллагач ваъдасида турмасдан Султон Али мирзони қатл эттиради.

Бухоро ва Самарқанд Шайбонийхон қўлига ўтганини билган Бобур Кешдан Ҳисор томон юради. Мұҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари ҳам унга эргашадилар. Улар Фан, Кештут кўргонлари орқали минг мاشақатлар билан Кўҳҷак (Зарафшон) дарёси соҳилига тушадилар. Бу ерда бир мuddат бўлиб, Самарқанддан бо км масоғадаги Сафидак қалъасига

келишади. Бу ерда қўшин ва отлар дам олади. Бобур ҳам йўл азобидан қутулиб бир оз ҳордик чиқаради. Шу кунларда хабар келадики, Самарқандни осонлик билан эгаллаган Шайбонийхон пойтахтда озгина қўшин қолдириб, ўзи янги ҳудудларни истило қилишга киришган.

Бу хабардан кейин тонг-саҳарда Самарқанд яқинига етиб келинади. Бобурнинг буйруғи билан бир қисм қўшин нарвон ва аргамчилар ёрдамида тунда қалъага шовқинсиз кириб шаҳар дарвозасини эгаллашга муваффақ бўлди. Улар дарвозаларни очиб бергач, Бобурнинг асосий кучлари шаҳарга кириб боради. Бу воқеадан хабар топган шаҳар аҳолиси Бобур мирзони қўллаб-қувватлаб ёрдам қўлини чўзади, уларнинг кўмагида Шайбонийхон шаҳарни мудофаа қилиш учун қолдирган қўшин тамоман кириб ташланади.

Эртаси кун пешиндан кейин шаҳарниң кўзга кўринган уламолари Бобурни галаба билан қутлаб, унинг хизматига тайёр эканликларини изҳор қиласидилар. Заҳиридин Мұхаммад Бобур Оҳанин дарвозасидан кириб келиб Самарқанд тахтини эгаллайди. Самарқанд аҳли Бобурни галаба билан олқишлайдилар. Шаҳарниң қўлдан кетгани ва фурсатнинг ўтганини кўрган Шайбонийхон Бухорога чекинади.

Шу кунларда Андижондан Бобурнинг онаси ва бошқа яқинлари Самарқандга келадилар. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай сатрлар бор: «Менинг волидаларим ва кўч ва уруғларим мен Андижондин чиқгандин сўнгра юз ташвиш ва мاشаққатлар билан Ўратепа келиб эдилар, киши йибориб Самарқандга келтурдук. Ўшул неча кунда Султон Аҳмад мирзонинг қизи Ойиша Султонбегимдинким, аввал менинг ақди ни-коҳимга кирган бу эди, бир қиз бўлди. Фахрунисога мавсум бўлди. Менинг тўнгуч фарзандим бу эди, ул тарихда мен ўн тўққуз ёшта эдим. Ўшул бир ой-қирқ кунда-ўқ Тенгри раҳматига борди».⁵

Самарқанд фатҳидан кейин Бобур яқин атроф туманларга элчи ва тавочиларни юбориб, уларни ўз қарамогига олиш ҳақида хабар йўллайди. Айрим туманлардан уни қўллаб-қувватлаш ҳақида жавоблар келади. Шу кунларда

Ҳиротдан Мир Алишер Навоийнинг Бобур мирзони Самарқанд фатҳи билан қутлаган мактуби ҳам келади.

1501 йил қишини Бобур тинч ўтказди. Баҳорда Шайбонийхон Марвдан чиқиб Қоракўлни эгаллайди, унинг қўшинлари Дабусия қалъасини қамал қиласиди. Бобур лашкар йигиб чора кўргунча Шайбонийхон бу ерни ҳам забт этади. Бобур хавф яқинлигини пайқаб зудлик билан қўшин тўплашга киришади. Шаввол ойида Бобур Сарипулда Шайбонийхон билан жанг қилди. Бобур қўшинида Иброҳим Сору, Иброҳим Жоний, Абулқосим Кўхбур, Мұхаммад Мазид тархон, Султон Ҳусайн Аргун, Қаро Барлос, Пир Аҳмад, Ҳожа Ҳусайн, Қосимбек каби беклар бор эди. Шайбонийхон қўшинига Маҳмуд султон, Жонибек султон, Темур султон, Ҳамза султон, Маҳдий султон каби лашкарбошилар бошчилик қиласидилар. Шайбонийхон жангда тўлгама усулини қўллаб Бобур қўшинини маглуб этади. Бобур оз сонли қўшини билан Самарқандга қайтади.

Самарқандда қўшин бошлиқлари билан бўлган кенгашда Шайбонийхонга қарши урушни давом эттириш борасида яқдиллик бўлмади. Айрим беклар ўз қўшини билан Самарқандни ташлаб кетади, Бобур ёнида бир нечагина содиқ беклар қиласиди, холос. Улар билан ҳам жиҳатлиқда шаҳар мудофаага тайёрланди, бу ишга шаҳар аҳолиси ҳам катта ҳисса қўшади.

Шайбонийхон катта қўшин билан келиб Самарқандни қамал қиласиди. Икки ўртада бир неча бор тўқнашувлар бўлди. Қамал кунларининг бирида Шайбонийхоннинг бир қисм қўшинлари Шайхзода дарвозаси ёнида пайдо бўлгач, мудофаачилар бутун эътиборни уларга қарши қаратади. Гозуристон ва Сўзангарон дарвозаларидағи мудофаа бўшашганидан фойдаланган Шайбонийхоннинг асосий қўшини бу дарвозалар орасида баланд нарвонлар ёрдамида девордан ошиб мудофаани ёришга муваффақ бўлади. Бобурнинг ёрдамчи кучлари билан душман аранг бартараф этилади.

Қамал чўзилиб, шаҳарда озиқ-овқат танқислиги юзага келди. Оч қолган аҳоли ит ва эшак гўштини ҳам ейишга мажбур бўлди. Қамал кунларида мудофаачилар отларни дарахт япроги билан боқадилар. Бу ҳам тамом бўлгач, қуриган

⁵ Бобурнома. – Б.81.



ёгочни рандалаб, пайрахасини сувга ивитиб отларга едирадилар.

Қамал арафасида Бобур муносиб совгалар билан ўз элчисини Ҳиротга – Султон Ҳусайн Бойқарога юборган эди. Мактубда агар Султон Ҳусайн Бойқаро ёрдам учун ўз ўғилларидан бири қўмондонлигига қўшин юборса, Шайбонийхондек кучли душман бартараф этилиши айтилганди. Аммо бу илтимосга Ҳиротда бефарқлик билан қаралди. Чунки бу пайтда Ҳусайн Бойқаро давлати ҳам ўз бошидан чуқур бўхронни кечираётган ва унинг ҳукмронлиги инқироз ёқасида эди. Шу боисми, Бобур элчи сига аниқ жавоб берилмади. Бобур ёрдам сўраган Тошкентдаги тогаси Султон Маҳмудхондан ҳам мавҳум жавоб келади. Оғир вазиятда қолган Бобур ададсиз надоматлар чекди. Бу хусусда шундай ёзади: «Бурунгилар дебтурларким, қўргон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлгай. Икки қўл икки тарафтин келур – кўмак ва мадад бўлгай. Икки бут қўргоннинг сўйи била захираси бўлгай. Биз бу атроф ва жавонибдагилардин кўмак ва мадад кўз тутарбиз, булар худ ҳар қайси бир ўзга хаёлда».⁶

Оғир қамал кунларида Шайбонийхондан сулх таклифи келади. Таклифда Бобур Самарқандни жангсиз топширса, унга ва барча яқинларига омонлик берилиши айтилганди. Сулх шартларидан бири сифатида Шайбонийхон Бобурнинг опаси Хонзодабегимни хотинликка сўраганди. Бобур Самарқанд аҳолисининг қамалдан чексиз уқубат тортганини эътиборга олган ҳолда бу шартга кўнишга мажбур бўлади.

Бобур ёнида оз сонли навқарлари билан Самарқанддан чиқиб, Жиззахга келади. Бу ерда уч-тўрт кун бўлиб, ҳордик чиқаргач Ўратепа томон юрилади. Ўратепада Мухаммад Ҳусайн мирзо ҳоким бўлиб, Бобур ундан 1502 йил қишини ўтказиш учун Даҳкат кентини сўраб олади. Бобур оиласи ва яқинларини Даҳкатга жойлаб, Тошкентга, тогаси хузурига боради. Лекин бу сафар ҳам Султон Маҳмудхондан тайинли иш чиқмади.

Қиши ўрталарида Шайбонийхон музлаган Сирдарёдан ўтиб, Шоҳрухия билан Пскентга

босқин уюштиради. Бобур аскарлари озлигига қарамай, зудлик билан Пскент томон юради. Улар етиб келганларида Шайбонийхон қайтиб кетган эди. Бобур Пскентда бўлган кунларида унинг энг яқин кишиси, оғир кунларда ҳамиша ёнида турган Нўён кўкалдош фитна оқибатида вафот этади. Бу фожиадан Бобур қаттиқ изтироб чекади.

1502 йил ёзида Шайбонийхоннинг Ўратепага юриш бошлагани хабари қелиб, Бобур Масчо тоглари томон кетади. Бу ерда бир муддат бўлгач ночор қолиб Тошкентга боришга мажбур бўлади. Яқин кишиси Қосимбек қавчин Бобурдан айрилиб, яқинлари ва навқарлари билан Ҳисорга кетади. Бобур Тошкентда бўлган кунларда Аҳмад Танбал Андижондан қўшин билан Ўратепага келади. Унга қарши Маҳмудхон Бобур бошчилигига бир қисм қўшин юборади. Икки ўртада кичик тўқнашув бўлиб ўтади. Шу кунларда Бобур қўл остидаги бекларидан Хонқули Баёнқули, Султон Муҳаммад Вайс, Аҳмад Қосим кўхбур Аҳмад Танбал томонига ўтиб кетади.

Оғир вазиятда қолган Бобур Хитойга ҳижрат қилишни режалар экан, кичик тогаси Султон Аҳмадхондан хабар келди ва унга ҳурмат қўрсатилди. Балхашдан Турфонгача бўлган катта ҳудуднинг ҳукмдори бўлган бу зот ҳассос қалб соҳиби эди. У деярли бутун Мовароуннаҳри босиб олган ва 50 минг кишилик қўшин билан ҳаракатланаётган Шайбонийхонга қарши жанг қилиш тарфдори эди. У бу борада иқтидорли жияни Бобурдан фойдаланишга қарор қилганди.

Шайбонийхон Самарқандни қамал қилиб турган кунларда Аҳмад Танбал Андижонда яна фитна бошлаб, макр-ҳийла билан тахтта Жаҳонгир мирзонинг укаси, Умаршайхнинг учинчи ўғли, ҳали ёш бола бўлган Мухаммад Носирни ўтқазган эди. Чорасиз қолган Жаҳонгир мирзо ҳам Тошкентга келишга мажбур бўлганди.

Султон Маҳмудхон билан Султон Аҳмадхон Фарғонани фитначилар қўлидан озод қилиб, уни ўз эгалари бўлмиш Бобур мирзо ва Жаҳонгир мирзога қайтаришга қарор қиладилар. Шу мақсадда 30 минг кишилик қўшин билан Фар-

⁶ Бобурнома. – 5.85.

гонага йўл олинади. Аҳмад Танбал ҳам қўшин жамлаб Ахсига келади. Хонлар қенгаш ўтказиб, бир қисм қўшинни Бобур ихтиёрига берадилар. Бобур Сирдарёни кечиб ўтиб, Ўш ва Ўзган томон юриши ҳамда душманга орқа томондан зарба бериши лозим эди. Бобур Сакон деган жойдан Сирдарёни кечиб ўтиб, Қўқон, Қува орқали Ўшга етиб келади. Ўш қалъаси осонлик билан эгалланади. Аҳмад Танбалдан безор бўлган Ўзган аҳолиси ҳам Бобур мирзо ихтиёрига қўшилади. Бир неча кун ичиди Маргилон ҳам Бобур тасарруфига ўтди. Кўлга киритилмаган биргина Андижон қолган эди. Андижон аҳолиси ҳам Бобурнинг қелишидан умидвор, унга тарафдор эди.

Аҳмад Танбал Андижон қалъасига бошлиқ қилиб кичик укаси Султон Муҳаммад Гулбекни қолдирганди. Бобур беш юздан ортиқроқ қўшини билан Андижоннинг жанубидаги Хокон кенти томондан келиб шаҳарга ҳужум қиласи. Қисқа тўқнашувдан кейин Султон Муҳаммад Гулбек қўшини Андижон қалъасига чекинади. Қоронги тушиб қолгани боис Бобур уларни таъкиб этмайди.

Кечга яқин Аҳмад Танбалнинг Андижонга қайтаётгани хабари келади. Бобур тунаш учун қўшини билан Работи Рӯзақ кентидаги бир ялангликка қайтади. Тун ярмида душман босди деган ваҳима бошланиб, Бобурнинг қўшини тарқаб кетади. Бобур Аҳмад Танбал ва унинг юз чоглик навқари қаршисида фақат уч навқари билан қолади. Тенгсиз жангда Бобур яраланиб, Ўш томон қочишга мажбур бўлади.

Султон Маҳмудхон билан Султон Аҳмадхон Аҳмад Танбални Ахсидан таъқиб қилиб Андижон яқинига келганда Бобур улар ёнига қайтади. Султон Маҳмудхон Андижон қўлга киритилса, бутун Фаргона Султон Аҳмадга берилиши, Бобур эса вақтинча Ахсини бошқариб туриши, пайти келиб Самарқанд Шайбонийхондан қайтариб олинганда у Бобур тасарруфига берилишини айтади. Бобурнинг бунга кўнишдан бошқа чораси йўқ эди.

Бир неча кундан кейин хонлар Аюб бекчик, Жон Ҳасан ва Саригбош мирзо бошчилигидаги 20 мингдан ортиқ қўшинни Ахси ишголи учун юборади. Улар билан 2 минг қўшинга бошқи-

либ Бобур ҳам юборилади. Ахсида Аҳмад Танбалнинг укаси Шайх Боязид, Косонда Шоҳбоз қорлуқ қалъани муҳофаза қилмоқда эди. Мўгул қўшини Шоҳбоз қорлуқ томонидан қамал қилинаётган Новқат қалъаси томон юради. Лекин айтарли уруш бўлмасдан Шоҳбоз Косонга чекинди. Мўгул қўшини Новқатда турган маҳалда Ахсига тобе Поп қалъасидан Бобурни чорлаб хабар келади. Бобур Попга зудлик билан Сайид Қосимни аскарлари билан жўнатади ва Поп жангсиз эгалланади.

Бу пайтда хонлар Андижон қамали билан машгул эди. Поп қўргони жангсиз эгалланганидан кўп ўтмай Бобур Ахси қўргонини ҳам эгаллашга муваффақ бўлади. Лекин шу кунларда Аҳмад Танбал ёрдам сўраб чопар юборган Шайбонийхоннинг Фаргонага келаётганлиги ҳақида хабар келади. Буни эшитган хонлар Андижон қамалини тўхтатадилар.

Фаргонадаги айрим туман ва қўргонларни эгаллаган мўгул қўшини бу ердаги тинч аҳолини талаб, уларга кўп озор етказган эди. Мўгулларнинг чекинаётганини кўрган Ўш ва Маргилон халқи мўгулларни шаҳардан қувиб кўпини ўлдиради. Султон Маҳмудхон билан Султон Аҳмадхон қўшини Маргилон ва Конибодом орқали Хўжандга, ундан Тошкентга қайтади. Улар чекиниши билан Маргилон Аҳмад Танбал томонидан эгалланди. Икки-уч кун ўтиб Танбалнинг 2-3 минг кишилик қўшини Ахсига келади. Ахсини эгаллаб турган Бобурнинг юз чоглик аскари бор эди, холос. Аҳмад Танбал Маргилонни эгаллаган кунларда у ердан Бобурнинг иниси Жаҳонгир мирзо ҳам Бобур ёнига келганди. Бобур Аҳмад Танбалнинг қамалига дош бера олмай Ахсини ташлаб чиқади. У Ахсидан икки шаръий масофадаги Санг деган мавзега келганида ёнида ўзи билан 7 навқари бор эди. Уларни таъқиб этган зо га яқин душман отликлари кўрингач, таъқибдан қутулиш учун қоча бошлайдилар. Таъқиб кучайиб охири Бобур ўзи ёлгиз қолди. Қамалдан чиқиш вақтида Бобурнинг укалари Жаҳонгир мирзо билан Носир мирзо душман қўлига тушган.

Бобур Говасой тогларида сарсон юрган кунларнинг бирида Аҳмад Танбал таъқибчилари унга етиб олади. Булар Бобурни тутиб келиш-



га юборилган Юсуф доруға бошлиқ навкарлар эди. Бобур, бир форсча газалда айтилганидек, «агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, қалбларни тутган бу қаср барибир тарк қилинажакдир» деган ўй билан ўлимни бўйнига олади. Худди шу маҳал тасодиф билан Бобурнинг содик навкарларидан йигирма чоғлиқ киши Қутлуг Муҳаммад барлос ва Бобо Паргари бошчилигида етиб келадилар ҳамда Бобурни қутқарадилар. Бобур бу навкарлари билан Андижонга қайтади. 1502 йил қишини Андижонда тогаларининг ёнида ўтказган Бобур қиши мавсуми сабабли уруш ҳаракатлари олиб бора олмади.

Бу пайтга келиб Шайбонийхон анча фаоллашган, қўл остидаги зо минг кишилик қўшин билан ҳарбий ҳаракатлар олиб борарди. У 1503 йил бошларида Фаргона водийси ҳудудларига юриш қилиб Хўжанд ва Ўратепани эгаллайди. Шайбонийхон Конибодом ва Қўқонда мўғул хонлари Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон қўшинларига қақшатқич зарба беради, хонларнинг ўзи асир олинади. Бу жангларда Аҳмад Танбал Шайбонийхонга иттифоқчи бўлиб ҳарбий ҳаракатларда қатнашди. Бу хизматлари эвазига Аҳмад Танбал Андижонга, укаси Шайх Боязид Ахсига, акаси Бек Телба Маргилонга ҳоким этиб тайинланади. Лекин Аҳмад Танбал билан Шайбонийхоннинг иттифоқчилиги узоққа чўзилмади. Шайбонийхоннинг Балхга кетганидан фойдаланган Танбал Фаргонада мустақил сиёsat юритиб, Шайбонийхонга қарши қўшин тўплашга киришади. У Шайбонийхонга қарши кучларни жамлаб Тошкентта юриш қиласи. Бундан хабар топган Шайбонийхон зудлик билан ортга қайтади. Аҳмад Танбал буни эшишиб Тошкентдан Фаргонага қочади.

Шайбонийхон Тошкентта келгач қўл остидаги қўшинларни бирлаштириб 1504 йилнинг апрель ойида Фаргонага – Аҳмад Танбалга қарши юриш бошлади. Бирин-кетин Фаргона водийсидаги қўргонларни эгаллаб, май ойида Андижонни қамал қиласи. Қамал икки ойга чўзилиб, шаҳарда озиқ-овқат танқислиги бошланади. Норозилик авж олиб, шаҳарда Аҳмад Танбалга қарши кучлар пайдо бўлади. Низоят, 1504 йил июль ойи ўрталарида Шайбонийхон

Андижон қалъасига шиддатли ҳужум бошлаб шаҳарни забт этади. Шаҳар эгаллангач, аҳолининг кўпчилиги қиргин қилинади. Аҳмад Танбал укалари билан бирга асир олиниб қатл этилади. Шайбонийхон Андижонга Жонибек сultonни ҳоким қилиб тайинлаб, ўзи навбатдаги юришларга тайёргарлик кўриш учун Сармарқандга қайтади.

Мўгул хонлари Шайбонийхон томонидан маглуб этилганидан кейин Бобур оиласи ва зоо чоғлиқ яқинлари билан Фаргонани тарк этиб Илоқ яйловига келади. Бобур бу ерда ҳамма нарсадан маҳрум, лекин хавфсиз эди. Бу ерда роса бир йил яшайди. Шундан сўнг Ҳиротга боради ва Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг ҳузурида бўлади. Сўнgra Ҳусравшоҳ ҳукми остидаги Ҳисор ва Қундуз ўлкаларига келади. Бу пайтда Ҳусайн Бойқаро Шайбонийхоннинг қанчалик хавфли душман эканлигини англаб етган эди. У икки йил аввал Шайбонийхон Сармарқандни қамал қилганида Бобурга ёрдам бермаганди. 1503 йили эса Шайбонийхоннинг қудрати янада ошишининг олдини олиш учун бир қанча тадбирлар кўрди. Бу тадбирлар ичida Ҳусравшоҳ ва Бобурга тегишли вазифалар ҳам бор эди. Бобур бу вазифани бажонидил қабул қилди. Аммо Шайбонийхон Ҳусравшоҳга ҳужум қилганида Ҳусравшоҳ қўшини ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан чекинади ва бир қисм аскарлари Шайбонийхон томонига ўтиб кетади. Қўшиннинг бир қисми эса Бобур мирзозга келиб қўшилади ва Бобур бир неча минг кишилик қўшинга эга бўлади.

Қўл остида етарлича қўшинга эга бўлган Бобур Ҳиндикуш тогининг жанубидан ошиб ўтиб Кобулни эгаллади. Бу ер расман Абдураззоқ мирzonинг мулки саналиб, аслида, Кобул ҳукмдори Муқимбек Аргун эди. Бобурнинг ҳужуми натижасида Абдураззоқ мирзо ва Муқимбек Аргун Кобулни ташлаб Қандаҳорга чекинадилар. Шундай қилиб, Кобул ва Ғазна вилоятларини қўлга киритган Бобур 1504 йилда Ҳиндикуш тоги билан ўралган бир ўлка ҳукмдори бўлди.

(Давоми келгуси сонларда)



БУЮК ҒАЛАБА ЧИЗГИЛАРИ

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ



Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси гоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртдининг ёруг келажаги, бегубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда саклаймиз.

Бу аччиқ, лекин оддий ҳақиқатни унтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш ишлари – Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих – бизники, уни унтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда ҳалқимиз бошқа ҳалқлар билан бир қаторда туриб фашизм балосини даф этишга муносаб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фаҳр ва гурур билан айтамиз, намоён қиласиз.¹

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ

Инсон, миллат ва ҳалқ тарихий хотира туйгуси билан барҳаётдир. Хотира кечаги ўтмишини, аждодлар ўғитини, миллий меросимишни англатиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимишни ёритиб туради. Қадр инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижсаноблик бағишлади.

Букилмас иродава жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган кексаларни эъзозлаш – одамийликнинг энг олий мезони ва бизга тинчлик, омонлик керак деб яшайдиган багрикенг ва олижсаноб ҳалқимизга хос азалий қадриятдир.²

Ўзбекистон Республикаси Президенти ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

¹ Каримов И.А. Туркистон – умумий ўйимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б.12 – 13.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоратадирлари тўғрисида»ги қароридан. <http://www.aza.uz/oz/documents/khotira ва-adrlash-kuniga-tayyergarlik-k-rish-va-unii-tkazish-04-04-2017>

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш қуни. Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронторти меҳнат фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чогида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш, юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, багрикенглик ва хайр-саҳоват муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш ҳамда бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлашнинг аниқ тадбирларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги «Хотира ва қадрлаш қунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида аниқ ва равшан белгилаб берилди.

1939 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ҳақида кўп ёзилган. Бу мудҳиши үруш инсоният бошига мислсиз кулфатларни соглан үруш бўлди. Бугунги кунда ҳеч кимга сир эмаски, Иккинчи жаҳон урушининг асосий сабабчиси ва айбори Германия ва СССРнинг ҳукмрон доиралари, аввало, Адольф Гитлер ва Иосиф Сталиндир. Ҳар иккала давлат ўз олдига дунё ҳукмронлигини мақсад қилиб қўйган эди. Ҳар иккала давлат ўзининг бош стратегик мақсадини амалга ошириш учун ҳар хил тактик усуслар билан борди, бири иккинчисидан айёरлик қилишга интилди, турли йўллар билан ўз худудини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Ҳар икки томон ҳам ўзаро даҳшатли муҳораба бўлиши муқаррарлигини яхши англаган. Бу жиҳатдан 1939 йил 23 августда Гитлер ва Сталиннинг фатвоси билан Германия ташки ишлар вазири Риббентроп ва СССР ташки ишлар халқ комиссари В.Молотов ўртасида 10 йиллик муддатга ҳужум қиласлик тўғрисидаги шартноманинг тузилиши характерлидир. Жаҳон жамоатчилиги бу шартномани ҳар икки давлат томонидан дунёни ўзаро бўлиб олиш мақсадини қўзлаб тузилган шартнома сифатида қабул қилди. Чунки шартнома имзоланганидан сўнг Германия ўзининг асосий рақиби СССРдан қўлини бўшатиб олди ва ора-

дан кўп муддат ўтмасдан, 1 сентябрда Польша ҳудудига бостириб кирди. Шартномадаги мутлақ махфий тутилган моддаларга кўра, СССР Германияни нафақат маънавий томондан, балки моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Буни В.М.Молотов билан Шуленбург ўртасида 1939 йил 20 сентябрда тузилган ва 1941 йил 10 январда имзоланган мутлақо махфий шартнома исботлайди. Унга кўра, Германия томони Болтиқбўйи давлатлари ҳудудига (Литва ҳудудининг бир қисмидан ташқари) бўлган даъвосидан воз кечиши лозимлиги қайд этилади. Бунинг эвазига СССР Германияга 7,5 млн олтин доллар ёки 31,5 млн немис маркаси миқдорида ҳақ тўлашга рози бўлади. Бу маблагнинг саккиздан бир қисми ёки 3 937 500 герман маркасига СССР томони уч ой муддат давомида рангли металлар етказиб бериш, қолган қисмини, аниқроги, 27 562 500 герман маркасини 1941 йил 11 февралгача олтин ҳисобида тўлаши шарт қилиб қўйилди.³³

СССР 1939 йил сентябрь ойининг иккинчи ярмида Гарбий Белоруссия ва Гарбий Украина ерларини эгаллаб олди, шу йилнинг 30 ноябррида Финляндияга қарши үруш эълон қилиб, 1940 йил 12 марта шартномага асосан Финляндия ҳисобидан ўзининг шимолий чегараларини анча кенгайтирди. Ниҳоят, 1939 йил кузидан 1940 йил ёзига қадар олиб борилган жанглар натижасида қизил армия Болтиқбўйи республикаларини оккупация қилди.

СССР 1939 йилдаги август шартномасини тузиш орқали вақтдан ютди. Империалистик давлатларнинг, биринчи навбатда, Германия иттифоқчиси бўлган Япониянинг СССРни 1939 йилдаёқ Германия билан үрушга тортишга қаратилган режаларини бузиб юборди.

Үруш Ўзбекистон сарҳадларида бўлгани йўқ, у биздан бир неча минг километр нарида – Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи ва Россия ерларида кечди. Бу үруш ўзбек халқининг миллий манфаатига зид эди. Аммо нега республикамиз фуқаролари СССРдаги бошқа халқлар қаторида фашистлар агрессиясини Ўзбекистонга қарши қилинган агрессия деб билди ва оммавий суратда үрушга отланди? Нега ўзбек халқи 2,6 млн дан ортиқ имзо чекилган «Ўзбек

³³ Новая и новейшая история. – М.: Наука, 1993. – С.94



халқидан жангчиларга хат»да: «Эй ўзбек жангчиси, эй қўлига қурол олган аскар!.. Оиласдан ўғлонларнинг сараси бўл, қардош халқлар ўртасида ҳам илгор баҳодирларнинг биттаси бўл!» – деб даъват қилди?

Нега халқнинг асл фарзандларидан бири, пскентлик Мирза Пўлатов, қорақалпоқ йигит Худойберган Мамутовлар ўз жонларидан кечиб ёниб турган самолётларини душман колоннаси устига олиб бориб урдилар?! Нега ўзбек ўғлонлари Т.Рустамов, Т.Эрийгитов Александр Матросовга ўхшаб афсонавий қаҳрамонлик на-мунасини кўрсатдилар?! Нима сабабдан уруш жабҳаларида минг-минглаб юртимиз баҳодирлари душманга қарши курашиб, жон олиб, жон бердилар?!

Нега ўзбек халқи огир шароитда яшаётган бўлса-да, душмандан озод қилинган туманлар, вилоятлар ва республикалар аҳолисига бегараз ёрдам кўрсатди?

Чунки фашизм қаерда, қайси мамлакатда пайдо бўлишидан қатъи назар, у жаҳондаги барча эркесвар халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам душманидир. Фашизмнинг миллати ва ватани йўқ. Шу боисдан фашизмга қарши кураш жаҳондаги барча халқларнинг бурчи эди. Чунки буюк тарихига, бой ўтмишига, буюк инсоний қадриятларига эга бўлган ўзбек халқи фашизм балосига қарши кураш олиб боришни ўзининг бурчи деб билган, уни йўқ қилишдек муқаддас ишга бутун борлигини, куч-қудратини сафарбар этган.

Тарихимизнинг бу фожиали саҳифаларини чуқур тадқиқ этиш ва тадқиқот натижаларини халқимизга етказиш, келажак авлодларга қолдириш ва ўша тарих мисолида ёш авлодни маънавий-мағкуравий мезонлар асосида тарбиялаш учун тарихчи олимларимиз олдида кўпдан-кўп масъулиятли вазифалар турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, советларнинг сиёсий, ҳарбий, мағкуравий институтлари мамлакатни фашизм босқинидан озод қилиш, галабага эришиш учун неки керак бўлса, барчасини ҳал этишини уddyалай олди. Шу мақсадда миллий, диний омиллардан ҳам усталик билан фойдаланди. Ана шундай чоратадбирлардан бири фронтларда миллий тил-

ларда газеталар ташкил қилиш ва уларнинг мунтазам нашр этилишини таъминлаш эди. Фронтларда ўзбек тилида газеталар чиқди. Бу газеталар ўзбек аскарларига мунтазам етказилиб турди. Бу газеталардаги мақолалар, очерклар, хат-хабарлар ўзбек ҳарбийларининг жанговарлигини, руҳиятини кўтаришга жуда катта таъсир кўрсатиб, уларда ватанпарварлик, жанговарлик гояларини кучайтиришга катта ҳисса қўшди, жангчиларни курашга илҳомлантириди, фашизм устидан буюк тарихий галабага эришишнинг муҳим омилларидан бўлди. Лекин Ўзбекистон тарихшунослигида ўзбек тилида нашр этилган ҳарбий газеталар муҳим манба сифатида ўрганилмай келганлиги ачинарли ҳолдир.

Урушда Ўзбекистондан 1,5 миллион киши жангларда бевосита иштирок этган, қанчадан-қанча юртдошларимиз урушда ҳалок бўлган, қанчаси бедарак кетган, қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтган. Уруш бошланиши арафасида биргина 614,5 минг аҳолига эга Андикон вилоятидан 97,5 минг киши ҳарбий хизматга чақирилди, яъни аҳолининг 15,61 фоизи фронтга сафарбар қилинди. Урушда ҳалок бўлиб ўзга юртларда дафн этилган ватандошлиримиз 43,5 минг киши, урушдан қайтиб келганлар 54 минг; шундан ногирон бўлиб қайтганлар 40,9 минг киши. Андикон вилоятидан урушга кетганлардан 40 мингдан ортиги қайтмади. Уларнинг кўплари жангтоҳларда ҳалок бўлди, маълум қисми асир олинди. Урушда қатнашган андиконликлардан 40 мингдан зиёд кишининг исми-фамилияси ва улар ҳақидаги қисқа маълумотлар з жилдлик «Хотира китоби»дан жой олган.⁴

Тарихимизнинг бу даврини турли манбаларни чуқур мушоҳада қилиб, қиёслаб ўрганишимиз лозим. Тарихий манбалар сифатида вақтли матбуот материалларидан ҳам унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Уларни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш аносида тарихий ҳақиқатни маълум даражада рӯёбга чиқариш мумкин бўлади.

⁴ Хотира. Андикон вилояти. Биринчи китоб. Иккинчи китоб. Учинчи китоб. 1941 – 1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар. – Тошкент: Ўзбекистон. 1994.



Бу газеталар чиққан вақтдан бери орадан 75 йил ўтганига қарамай, тадқиқотчилари мизнинг ана шу манбаларни илмий истеъмолга киритмаганлиги тарихшунослигимиздаги камчиликлардан биридир. Биз ана шу бўшлиқни тўлдириш ниятида «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция жамоат фонди, Андижон давлат университети ректорати, айрим ҳомийларнинг молиявий кўмаги ва ўзимизнинг шахсий маблагимиз ҳисобидан Москвага илмий сафарга бориб Россия Федерацияси давлат кутубхонасида сақланаётган «Ватан учун», «Совет жангчиси», «Суворовчи», «Фронт ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Бонг», «Ватан шарафи учун», «Душманга қарши олға», «Қизил армия» газеталари таҳламасининг электрон шаклини олиб келишга муваффақ бўлдик.

Фронтларда ўзбек тилида чиққан газеталар фронт ва фронт ортидаги Ўзбекистон халқининг галабага қўшган улкан ҳиссасини тўлақонли ёритишида ниҳоятда қимматли, ноёб манба бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Умуман, бу ҳарбий газеталардаги мақолалар, очерклар, хабарлар, сұхбатлар, ахборотлар, фронтларга йўлланган хатлар, жангчиларнинг

ота-оналари, турмуш ўртоқлари, фарзандлари, қавм-қариндошларига ёзган хатлари, ҳарбий кўмондонлик ва бўлимлар томонидан ўзбекистонлик жангчиларга берилган турли фахрий, мақтov ёрлиқлари, суратлар ватандошларимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштирокини янада кенгроқ ёритишида қўл келади.

1-Белоруссия фронтида ўзбек тилида чиққан «Қизил армия» газетасининг 1944 – 1945 йиллардаги сонлари сақланиб қолган. Газетанинг масъул муҳаррири Н.С.Потапов, муҳаррир ўринбосари Ж.Азизхонов бўлган, М.Исмоилий, Й.Билолов фаолият юритган. Унинг фаол муҳбирлари ва таржимонлари Мели Жўраев ва бошқалар бўлган.

Газета саҳифаларида юртдошларимизнинг ҳарбий жасоратлари ўз ифодасини топган. Шу газетанинг 1944 йил 9 январидан 22 июнянига қадар масъул муҳаррир ўринбосари бўлган, кейин газета ходими, таржимони вазифаларида хизмат қилган Мирзакалон Исмоилий Берлинни забт этиш пайтидаги воқеалар ва улардаги юртдошларимизнинг ҳарбий жасоратини маҳорат билан акс эттирган. Унинг «Берлин кўчаларида» мақоласида шундай сатрлар бор:



Лаънати Гитлер талончилари муқаддас совет чегараларимиздан ифлос қадамларини ташлаб ўтган ва улар Москва, Сталинград ёнларида таҳдиид тугдирни турган кунларида ҳам гала-бага бўлган ишончимиздан заррача айрилмаган ва Берлинда бўлиш ҳам у ерга зафар байрогини тикиши орзу билан курашиб, яшаб келган эдик.

Бугун ҳақ инсоннинг ҳаққоний орзу юзага чиқди. Биз Берлинга кирдик! Энди у ерга ҳуррият-парвар халқлар орзу қилган галаба байрогини тикладик.

Берлинга кирдик! Лекин бунга эришиш осон бўлмади. Ҳар қадамда дўзах олови ёнди. Гитлер сўнгги кишилари ва техникасини жангга ташлаб қаттиқ қаршилик қилди ва қаршилик қилиши да давом этмоқда.

Берлинга кираверишда, айниқса, қаттиқ жанглар бўлди. Аҳоли пунктларининг қалинлиги ва бир неча қаватли гиштин уйларнинг кўплиги душман мудофаасини қанча қучайтиrsa, бизнинг ҳужумимизни шунча оғирлаштириши табиийдир. Шунинг учун ҳар бир аҳоли пунктни учунгина эмас, балки ҳар бир уй, ҳатто ҳар бир бино қавати, хонаси учун ҳам қизгин жанглар бораётир.



Берлин доирасидаги бир неча қаватли баланд уй учун олиб борилган мислсиз курашда қаҳрамон совет жанғчилари (булар орасида ўзбек халқининг баҳодир ўғли ефрейтор Гуломжон Каримжонов бор) ажойиб иши қўрсатди. Бинонинг устки қаватидан туриб отиб турган немис мерганини тўпчиларимиз бир неча снаряд билан саранжомлагач, ефрейтор Каримжонов бино ертўласидаги пулемёт нуқтасини емиришига кетди.

Бино шаҳар доирасида, Гуломжон эса унинг ташқарисида эди. У жанг оловларида чиниққан орзусини қондириши учун лаънати Берлинга шошилди. Лекин у шаҳарга қуруқ эмас, бирон жанговар иши билан киришини истар эди. У буюк истак қувончи билан бино остидаги пулемёт нуқтаси сари сургалиб жўнади.

Гитлерчилар сезиб қолишиди, шекилли, пулемётдан тасирлатиб ўт очиб бердилар. Гуломжон пих чиқарган туллаклардан. У ахир Берлинга бораман деб Сталинграддан қасд қилиб келаёттир. У бундай «машиналар»нинг кўтини кўрган. Шунинг учун бу сафар ҳам ўзини йўқотмади. Ўқ теккан ўлик сингари бир неча минут қимир этмай ётди. Ўн метрча наридаги ариққа етолмай қолганига кўп ачинди. Агар у ариққа етиб олса баҳузур сургалиб кетаверар эди. Энди пайт кутиши керак.

Кутиши кўп беҳузур нарса эканини Гуломжон ҳозир том маъноси билан тушунди. Ахир Берлинга бораётган киши ўзини ўликка солиб ётса, қимир этолмаса!..

Гуломжон бу оғир фикрлар дарёсидан шўнгигиб чиқмаган ҳам эдики, душман пулемёти ўз ўтини Гуломжондан уч юз метр чапга кўчириб қолди. Бу эса фаргоналик йигитнинг жонига ора кирди. Унинг кутган пайти шу эди. Вақтни бой бермасдан ўрнидан сатчиб турди ва бир неча ҳатлаш билан ариққа етиб олди. Ўзини гурс эткизиб ариққа ташлагандა ҳам ҳали гитлерчилар ўз ўтини бу ёққа ўғиришига улгурмаган эдилар.

Ариқда билчилаб ётган лой-балчиқ эмас, бино остидаги душман пулемёти нуқтаси Гуломжоннинг кўзига кўринар эди. У оғир кунлар каби узоқ кўринган бир неча минут мобайнида бинога етиб олди. Энди ўрнидан туриши мумкин эди. Чунки пулемёт нуқтаси шарққа қаратилгани учун ёндан келган кишига хавф тугдиролмас эди. Шундай бўлса ҳам, у деворга қадалиб пулемёт нуқтасининг оғзига келди ва ичкарига бирин-кетин икки граната ташлади. Кейин эса ташланган гранаталар оқибатини ҳам кутмай девор ёнида ётган бочкани думалатиб келтириб тешик оғзини тўсиб қўйди. Каримжонов бу операцияни тугатмасиданоқ олдинга ташланган ўқчи ва автоматчилар уйни қуршаб олдилар.

Бир неча минутли қаттиқ жангдан сўнг Берлин шаҳар доирасига биринчи бўлиб кирганлар қаторидаги ўзбек йигити Гуломжонга I даражали «Ватан уруши» ордени тақдим этилди. Энди бу қаҳрамон йигит Берлин кўчаларида III даражали «Шуҳрат» ордени, «Қизил Юлдуз» ордени ва I даражали «Ватан уруши» ордени ҳамда «Сталинград мудофааси учун» медали билан голибона босиб бораёттир.

Капитан М.Исмоилий

Газетанинг 1945 йил 9 май сонида «Ғалаба тарихининг зарварақлари» рукни остида Мирзакалон Исмоилийнинг «Берлин устига галаба

байробгини тикдик» номли мақолоси берилган. Унда «Ёдимга тушди» сарлавҳаси билан қуидаги матн берилган:

Офицер Князевнинг гвардиячилари немислар траншеясига қараб жўнагандан тўп ҳужуми ҳали тўхтамаган эди. Ўз снарядларимиз панасида илгарилаган гвардиячиларнинг олдида старшина Жонбоев, қизил аскар Каримов ва ефрейтор Тўхтамуродов бор эди.

Немислар мудофаасининг биринчи қатор траншеясида снарядларимиз титкилаб ташлаган бир неча ўнлаб немис ўлигидан бошқа бирон тирик жон кўринмагани ўшлиқ Қодиржон Каримовни ажаблантириди. Тўхтовсиз илгарилаши лозим бўлса ҳам, душман найрангини ўз кўзи билан кўп марта кўрган ва эшиятган Қодиржон ўликларни текшириб кўрмоқчи бўлди.



- Немисларнинг ўзини ўликка солиб ётиши ва орқадан отиши ёдимга тушди, – дейди Қодиржон.
- Траншея деворига чукур қилиб қазилган кавакда бир немис ётпти. У менга шубҳали кўринади. Қарасам: ёнида автомати ҳам бор. «Хенди хоҳ!» – деб қичқирдим. Қимир этмади. «Мана индамасанг!»
- деб автоматим кўндоғи билан миясига туширмоқчи ҳам бўлдим. Лекин асири ўлдирмаслик керак. Кейин ёқасидан судраб чиқардим. Баччагар тип-тирик, соппа-сог экан. Бу менинг биринчи асирим бўлди.

«Йўл тоза бўлсин» сарлавҳаси билан қуидаги матн берилган:

Берлинга қараб бораётган автомашиналар, тўплар, ўзиюрар тўплар, танклар, хуллас, техника шу қадар кўпки, уларнинг орасидан пиёда ҳам ўтолжмайди. Лекин олдинга интилган, илгарилаб кетган пиёдаларга мадад бериш, уларни ўз ўти ва гилдираклари билан қўллаш учун техника шошилади. Аммо душман йўлларга ва унинг четларига миналар кўмиб кетган. Бундан йўлларни тозалаши лозим.

Қўлида учига сим қадалган узун ёгочли сапёрлар – мина қидиувчилар пиёда аскарлар кетидан тинмай ўйл тозалашиб боради. Булар орасида Сталинграддан бери ўйл тозалаб келаётган ўзбек йигити Раҳимқул Пиримқулов ҳам бор. Шу вақтга қадар душманнинг 5 мингдан ортиқ минасини зарарсизлаган ва икки шунча ўз минамизни кўмган бу ефрейтор кўкраги «Қизил Байроқ» ва «Шуҳрат» орденлари билан безалибди.

Шу бугун бир кўприк ёнидан олти мина топиб, бир қанча техникамиз ва кишиларимизни ҳалокатдан сақлаб қолган Раҳимқул у миналарни портлатиб ташлагач яна илгарига қараб интилди. Уни на душман ёғдириб турган снарядлар, на эҳтиётсиз ҳаракат орқасида портлаши мумкин бўлган миналар кўрқита олади.



Немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган улуғ ватан урушида ўпиручи танклар ротасининг командири сифатида қаҳрамонлик ва фидокорлик билан курашиб, ҳукумат томонидан икки «Қизил Юлдуз» ва бир «Богдан Хмельницкий» орденлари ҳам уч медаль билан мукофотланган гвардиячи капитан **Анвар Умрозов**.

Унинг жанговар жасоратлари ҳақида ҳарбий мухбир Мирзакалон Исмоилийнинг «Ёрқин кунлар сари» очерки газетанинг 1945 йил 27 октябрь сонида берилган. Мақоладан кичик парча келтирамиз.

Раҳимқул Берлин йўлини тўсиқлардан озод қилган, йўлимизга раЖна солган миналарни зарарсизлаган, танкларимиз шиддатига қарши қўйилган йўгон хариларни, баррикадаларни парчалаб ташлаган шуҳратли жангчиларнинг фахрли сафидан жой олган. У Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган курашни ҳар нарсадан афзал қўради...

«...Ўнг қанотдаги қисмларимиз душманнинг шу участкадаги қарши атакасини қайтариб ва унинг уч танки ҳам юздан ортиқ аскарини яксон қилиб, шаҳарга бостириб киргандан сўнг қўмон-донлик танк взводининг жасур командири, гвардиячи младший лейтенант Анвар Умрозовни «СССРнинг қаҳрамон халқига» деб ёзилган американ соати ва «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлар экан:

– Сиздек довюрак йигитни етишитирган халқа, ўзбек халқига, ташаккур, – дейди...

Ҳарбий журналист Мели Жўраевнинг «Зўр жасорат билан» номли мақоласи ҳам «Қизил армия»нинг 1945 йил 1 май сонида эълон қилинган.

Пиёда аскарларимиз шиддат билан атакага ташланиб Берлин метросининг биринчи дарвоздасидан немисларни қувиб чиқардилар. Дароз биноларга, муҳташам саройларга писиб олган фашист газандалар тиши-тирноқларигача қуролланган бўлишиларига қарамай, совет жангчиларининг зарбасига бардош беролмадилар. Уйлардан, кварталлардан чекиндилар.



Шаҳарнинг ўртасидан кесиб ўтган Шпree дарёси ҳам баҳодир жангчиларимиз йўлига гов бўйламади. Гвардиячи лейтенант Мирсадик Қодиров взводининг жангчилари шаҳар баррикадаларини қандай ўтириб кирган бўлсалар, бу ерда ҳам шундай жадаллик билан илгариладилар. Жон таъласасига тушган гитлерчилар ўз инларини бузишдан, уйларига ўт қўйишдан ҳам тортинмадилар. Улар Шпreeенинг жуда катта кўпригини портлатиб кетганилар. Гвардиячи лейтенант Қодиров дарё қиргогидаги з катта бинони тозалаганидан кейин оқ Шпreeенинг у юзига ўтишини ва ҳужумни давом эттиришини кўзлади.

– Берлин юраги бутунлай урмай қолгунча ҳаракатимиз бўша имаслиги керак, – деди у ўз жангчиларига.

Ефрейтор Қодир Оплоёров Одердан сузиб ўтгани сингари Шпreeедан ҳам биринчи бўлиб сузиб ўтувчилар қаторидан жой олди. У автомати ва запас ўқдорилари билан ўтиб нариги қиргогидаги бино тагига бориб олган дўстларини бурчакдаги уйга дадиллик билан штурм ясашга чақирди ва ўзи бош бўлиб уйнинг бош дарвозасини жанг билан эгаллади. Юқори қаватларда писиб олган немислар пулемёт билан дарёдан чиқаверишидаги кўчани ўққа тута бошладилар. Ефрейтор дадиллик билан юқори кўтарилди. Фрицлар пойлаган зинапоялардан эмас, балки бошқа йўлакдан айланаб ўтиб қўшини уйнинг деворини тешиб, душман пулемёти жавраётган уйнинг ёнидан чиқди ва чаққонлик билан хонадан хонага ўтиб немис пойлоқчисини топди, автомати билан қаҳшатди. Шу пайтда пулемётчиларимиз билан ўқчиларимиз иккинчи кварталга ҳужум бошладилар.

Душман ҳар бир уй гиштига тирмасиб кўрди, лекин тировардида чекинишга мажбур бўлди. Бир групта автоматчилар билан тўрт қаватли бинога ҳужум қилган старшина Хонкелдиев бир ўзи автомати билан 18 немисни ўлдиради. Хонкелдиев орқасидан зарба беришга тайёрланиб турган з гитлерчини гвардиячи оддий аскар Савчук отиб ўлдиради. Ертўлага биқинган, таслим бўлишини истамаган 7 фриц Хонкелдиев гранатаси билан бутунлай қириб ташланди.

Совет солдатлари зўр жасорат билан жанг қилмоқдалар. Берлин қўчалари танкларимиз, ўзиорар тўпларимиз, дунёни ҳайратда қолдирган янги-янги техникаларимиз зарбаси билан зилзилага келди. Иттифоқчиларимизнинг осмондан берган зарбалари орқасида харобага айланган шаҳар қўчаларида бораётган қонли жангларни ҳеч тарих кўрган эмас. Бу жанг натижасида голиблар байроғини Рейхстаг тепасига тикишига муваффақ бўлдик.

М.Жўраев



Старший лейтенант Орифжон Боҳиров урушнинг бошларидан оқ немис-фашист босқинчиларга қарши мардона жанг қилди. У халқига берган қасамини шараф билан оқлади ва қўмондонликнинг топшириклигини порлоқ бажаргани учун олий мукофотларга сазовор бўлди. Суратда **старший лейтенант Орифжон Боҳиров**.

Газетанинг 1945 йил 26 сентябрдаги сонида **Орифжон Боҳиров** ҳақида Илёс Муслимнинг «**Конибодомлик йигит**» очерки берилган.

Конибодомлик йигит

Кисм командири ўзининг улуг жиҳодларда тоблангач оғир жанговар йўл босиб ўтган энг мард официери – старший лейтенант Орифжон Боҳиров ҳақида бизга завқ билан сўзлаб берди. Ленинобод обласстининг Конибодом шаҳрида дунёга келган Орифжонни ўз юртида кўп киши танир эди; уни ёш авлодни тарбия этишида анча меҳнат қилган ўқитувчи сифатида ҳурматлар эдилар. Бугун эса уни қисм командири, катта мактабни фаҳр билан ўтган ўз шогирди сифатида ҳурмат билан тилга олаёттир. Ҳақиқатан ҳам, камтар, баҳодир бу йигит мактасига арзирлик ишлар қилган, ўз ҳаётида зўр мактабни – немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган улуг ватан уруши мактабини аъло даражада ўтиб, оғир синовларни бошидан кечирган.



Орифжон Боҳиров дастлаб қизил армиянинг кадрлар полкида ўқиди. У чоғларда – 1941 йилда – Орифжон старший сержант эди. Немис-фашист босқинчилар ватанимизга хиёнаткорона ҳужум қилган кунларда Орифжонни қизил армиянинг артиллерия мактабига юбордилар. Ўқимишили, ўтириз зеҳли, довюрак бу йигит мазкур мактабда ҳам аъло ўқиди. Аъло ўқиганлиги учун икки бор ташаккур олди. Қобилиятли Орифжон 6 ой ичида артиллерия мактабини битираркан, младший лейтенант унвонини олиб, шавкатли тўпчилар командири сифатида ватан уруши фронтига жўнаб кетди.

* * *

Керчъ яримороли. Унинг эркин қўтирувчи, тўлқинли сувининг юзи қон билан ювилмоқда... Бутун атрофни замбаракларнинг гумбурлаши, миналарнинг чийиллаши қоплаган. Батарея командири нинг ўринbosари Орифжон қўмондоноликнинг жанговар буйрганини бажариш учун Керчга десант тушириши операцияда унинг оғир тўп батареяси тинимсиз ишилади. Орифжон бу оғир, қонли жиҳодда шахсан намуна кўрсатиб баҳодирларча жанг қилди. Керчга туширилган десантга гитлерчилар қутуриб ҳамла қилдилар. Кетма-кет қарши атакалар бошладилар, лекин жасур йигитни душман ҳамласи қўрқита олмади. Шу Керчъ яриморолида гитлерчилар катта куч билан ҳужум қилдилар. Бу вақтда батареяда Орифжоннинг бир ўзи қолди. Аммо ваҳимага тушмади, балки тўпдан кучли ўт очиб немисларнинг икки оғир танкини мажақлади ҳамда анча гитлерчини қириб ташлади. Бу жиҳодда Орифжон ярадор бўлди.

* * *

Госпиталдан чиққандан кейин уни гаубица артиллерия полкига юбордилар. Бу ерда ҳам батарея командири ўринbosари бўлиб ишилади. Мард, эпчил Орифжон тез кунда полкда шуҳрат қозонди. Лейтенант унвонига сазовор бўлди.

Қўмондоноликнинг буйргуи билан Орифжон ўт очишини бошқарши взводининг командири қилиб тайинланди. Бу Друтъ дарёсида рацияни олиб, кузатувчи сифатида олдинги кузатиш пунктига жўнади. Шу жойдан туриб батареяни бошқарди ва ўт очишини тартибга солди. Шу жойда немисларнинг 10 танки, бир батальонча пиёда аскари қарши атака қилди. Орифжон ўзининг рацияси билан немислар ўтини корректиrovкалади, батарея мўлжални аниқ кўрсатиб турди. Натижада душман қарши атакаси барбод бўлиб, бир ротадан иборат гитлерчичи қириб ташланди ва 2 оғир танк мажақланди.

Прагани озод қилиши жангларида ҳам Орифжон мардлик ва жасурлик намуналарини кўрсатди. Бунда душманнинг 75 миллиметрли замбарагини, бир батальонга яқин солдатини қириб ташлади ва икки ДЗОТини яксон этди.

Кюстрин учун олиб борилган жангларда ҳам Орифжон Боҳиров катта жасорат билан жанг қилди. У қўмондоноликнинг муҳим топширигини порлоқ равишда бажарди. Орифжон олдинги кузатиш пунктидан туриб батареянинг ўт очишини идора этди. Бунда душманнинг 2 артиллерия батареясини, 6 та мустаҳкамланган нуқтасини яксон қилди, бир батальонча гитлерчини қириб ташлади. Душманга катта талафот етказди. У кузатиш пунктида ўт очишини моҳирлик билан корректиrovка қилиб ўз батареясининг катта галабага эришишини таъминлади.

Орифжон Берлинга қадар ҳам оғир, жанговар йўл босиб келди. Унинг шахсий ҳисобида гитлерчиларнинг ўлдирилган анча солдат ва офицери, юзлаб ДЗОТлари, кўтгина замбараклари ёзилган. Шпрее дарёсидан биринчи ўтган унинг батареяси ўйртқачини ўз инида янчиб талқонлади!

Улуғ мактабнинг – ватан уруши мактабининг оғир синовларидан шараф билан ўтган марднинг қиссаси ёзган билан тугамайди. Старший лейтенант Орифжон Боҳиров ҳақиқатан қисмнинг паҳлавон ветерани. Ҳозир унинг кўкрагини «Қизил Юлдуз», II даражали «Ватан уруши», «Қизил Байроқ», «Александр Невский» орденлари безаб туритти.



ФАРГОНАНИНГ ФАТХ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Адолат Сайтова,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
2-курс магистранти

Nowadays in our country it's being carrying out a lot of researches in learning the history of Central Asia. There are a lot of books that gives us valuable information related to the Asian history. Among them Arabic historical manuscripts and sources are in great interest about this. One of these books is «Kitab al-futuh» («The Book of Discoveries») by the Arabian historian Ibn 'A'tham al-Kufi of the 'Abbasid caliphate. The book consists of 3 parts and includes historical events from the time of the caliph Abu Bakr till the reign of the 'Abbasid caliph al-Musta'in (866). There is some original information about the Central Asian history, which is not the same with the data of the historical works of Al-Baladhuri, Ibn al-Athir and At-Tabari. There can be met some background about the history of Fergana region, Arabs conquest and the people of this country as well. The situation in this country at that time also is mentioned.

В настоящее время в нашей стране проводится множество исследований по изучению истории Центральной Азии. Есть много книг, которые дают нам ценную информацию, связанную с историей Азии. Среди них большой интерес представляют арабские исторические рукописи и источники. Одна из этих книг – «Китаб аль-футух» («Книга открытый») арабского историка Ибн Аттам аль-Куфи из Аббасидского халифата. Книга состоит из трех частей и включает в себя исторические события со времен халифа Абу Бакра до правления Аббасидского халифа ал-Мустаина (866 г.). Существует некоторая оригинальная информация об истории Центральной Азии, которая не совпадает с данными исторических трудов аль-Баладури, Ибн аль-Асира и Ат-Табари. Здесь можно встретить некоторые факты об истории Ферганской области, завоевании арабов и народах этой страны. Также упоминается ситуация в этой стране в то время.



Мамлакатимизнинг илк ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда бирламчи манбалар, хусусан, араб тилида ёзилган кўлёзма манбаларнинг аҳамияти бекиёсdir. Улар орасида Ал-Балазурининг (IX аср) «Футух ал-булдон» (Мамлакатларнинг фатҳ этилиши), Ат-Табариининг (X аср) «Тарих ал-умам ва-л-мулук» (Халқлар ва хукмдорлар тарихи), Ибн ал-Асирнинг (XIII аср) «Ал-камил фи-т-тарих» (Энг мукаммал тарих) асарларида мамлакатимизга ислом динининг кириб келиши ва унинг тарқалиши ҳақида талай маълумотлар учрайди. Шундай тарихий манбалардан яна бири Ибн Аъсам ал-Куфийнинг «Китоб ал-футух» асари бўлиб, унда арабларнинг Ўрта Осиёда олиб борган ҳарбий ҳаракатлари ҳақида мухим маълумотлар келтирилган.

Ибн Аъсам ал-Куфийнинг «Китоб ал-футух» асари манбашунослик жиҳатидан олимлар томонидан ҳали чуқур тадқиқ этилмаган. Асарнинг хазарлар тарихига оид қисми Д.М.Данлоп¹, Д.Людвиг², М.И.Артаманов томонидан ўрганиб чиқилган. З.М.Буниятов ҳам Озарбайжон тарихига оид айрим маълумотларни рус тилига ўгирган. Асарнинг Ўрта Осиё тарихига оид қисмлари эса илмий тадқиқотларда жалб қилинган бўлса-да, маҳсус ўрганилмаган.

Асар муаллифи ва унинг таржимиҳо ҳоли ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Бизга маълум бўлган араб тарихчиларининг асарларида унинг номи ҳеч қаерда қайд этилмаган. Маҳсус илмий адабиётларда ҳам муаллифнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Ҳатто унинг яшаган даври ҳақида аниқ маълумот йўқ. Айрим олимлар фикрига кўра, у тахминан IX – X асрларда яшаган ва Ал-Яъкубий, Ал-Балазурий, Ат-Табарий каби машҳур араб тарихчилари билан замондош бўлган.

«Китоб ал-футух» асарининг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Лекин унинг икки қисмдан иборат насх ёзувида XIV асрда кўчирилган нусхаси Истанбулда Тўпқопи саройидаги Аҳмад III кутубхонасида 2956-рақам

остида сақланмоқда.³ XVI асрда асар форс тилига таржима қилинган бўлиб, унинг бир неча кўлёзма нусхалари мавжуд. Бу асарда келтирилган маълумотлар Ат-Табарий, Ал-Балазурий ва Ал-Яъкубий асарларидан кўп жиҳатлари билан фарқланади. Асарнинг биринчи жилди 267 та бобдан иборат бўлиб, Усмон (р.а.)нинг сўнгги йилларидан то Маъмуннинг халифалик йилларигача ўзида жамлаган. Асарнинг иккинчи жилди 273 та бобни қамраган, Ал-Маъмуннинг ўлдирилиши ва Бобек кўзголони, шунингдек, халифа Ал-Мустаъиннинг ўлдирилиши ҳақида маълумот беради.⁴

Биз учун асарнинг Хуросон ва Мовароуннахрнинг фатҳ этилиши ҳақидаги қисмлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Унда арабларнинг Фаргона водийсида олиб борган урушлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Қуйида уларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз.

Фаргона Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган бўлиб, ҳамма тарафдан тоглар билан ўралган. Шимолда Чотқол тоглари, шарқда Фаргона тоглари, жанубда эса Туркистон ва Олой тог тизмалари билан ўралган. Худуднинг географик қулай ерда жойлашгани турклар, тибетликлар ва хитойликлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга имконият тугдирган. Сюань Цзаннинг фикрига кўра, Фаргона аҳолисининг тили қўшни давлатларни изидан фарқ қилган.

Бешинчи асрнинг охирларида Фаргонанинг пойтахти Косон ҳисобланган. Балазурий Фаргонанинг қадимий пойтахти сифатида Ахсикентни келтириб, уни Хшикат тарзида беради. Табарий эса араб истилолари даврида Фаргонанинг асосий шаҳри сифатида Косонни келтиради ва бу фикр айни ҳақиқатга яқиндир. А.Н.Бернштом Косоннинг VII асрларда ташкил топгани, Муғтепа ҳамда Мугқол манзилгоҳида жойлашганлигини келтириб ўтади.

³ Topkapi Sarayı Muezesi Kuetuephanesi Arapça Yazmalar katalogu / Hazırlayan F.E.Karatay. – Istanbul, 1966. – S.341 – 342, №1956/1-2.

⁴ Akdes Nîmet Kurat. Abu Muhammad b. A'tham al-Kufi's Kitab al-futuh and its importance concerning the Arab conquests in Central Asia and the Khazars // Ankara Üniversitesi Dil ve tarih-geografiya fakultesi dergisi. Haziran. 1949. – P.277.

¹ Dunlop D.M. The history of the Jewish Khazars. – Princeton, 1954.

² Ludwig D. Struktur und gessellschaft des Chasaren-Reiches Licht den schriftlichen Quellen. – Munster, 1982.



Ибн Аъсам ал-Куфийнинг асарида «Язид бин Абу Кабшанинг Ироққа ноиб бўлиши ва Қутайбанинг Фаргонага юриши» бобидан қўйидаги маълумотларга эга бўлишимиз мумкин:

«... сўнг Ал-Валид бин Абдулмалик Язид ибн Абу Кабша номли бир кишини чақиртирди ва уни Ал-Ҳажжожининг ўрнига Ироқнинг хукмдори этиб тайинлади ва Қутайбага Хурсонда қолишини буюрди. Язид ибн Абу Кабша Ироққа етиб борди ва Қутайба ибн Муслимга ўзининг Ироққа ноиб бўлгани ва уни Фаргонага юриши қилишга чорловчи мактубни ёзди.

Язид ибн Абу Кабшанинг мактуби Қутайбага етиб борганида, ўз издошлиарини чақириб тўпланишганида уларга мактубни ўқиб берди. Сўнгра уларга Фаргона аҳли билан жсанг қилиши учун куролланишларини буюрди. Аҳоли бунга рози бўлди. Қутайба катта қўшини билан Фаргона ерига бориб етди, у ернинг аҳолисини батамом қиришиди ва асир олишиди. Мусулмонлар кўплаб ўлжасаларни қўлга киритишиди. Сўнгра Қутайба Фаргона хукмдори Бошак олдига борди, унинг Казох номли мустаҳкам қалъаси бор эди. Бошак ўша қасрда қамалдан ҳимояланишини хоҳлаганларни жасалади. Қутайба уни 7 ой қамал қилди ва худди орқасига қайтгандаи уларга ҳийла ишилатиб қалъани аёвсиз талади ва унинг бошини та насидан жудо қилди. Ҳамма бойликларни қўлга киритиб, уларнинг 1/5 улушини ажратди ва ироқликлар амири Язид бин Абу Кабшага юборди. Ундан қолган қисмини эса мусулмонлар ўртасида тақсимлади. Ал-Валид ибн Абдулмалик Қутайба ибн Муслимнинг Фаргонани фатҳ этганини, аҳолиси устидан зафар қучгани ва хукмдорини ўлдирганини билганидан сўнг унга мактуб ёзди.

Мўмиллар амири сенинг мусулмонларнинг душманларига қарши матонатинг, муширик-лардан қасос олганинг ҳақида маълумот олди, мўмиллар амири сенинг хизматларинги юқори баҳолайди ва қадрлайди. Аллоҳдан сенга дин йўлидаги урушингда яхшиликлар тилайман». ⁵

⁵ Prof. Sayyid 'Abdul Wahab Bukhari. Kitabu'l futuh by Abu Muhammad ibn A'tham al-Kufi. – Hyderabad: The Da'iratul al-Ma'rifi'l Osmania. First edition. – P.249.

Асарнинг ушбу бўлимида фатхнинг сана-си ҳақида маълумот келтирилмаган. Ушбу бобдан олдинги бобда эса 94 ҳижрий йил ҳақида гап боради.

Фаргонанинг фатҳ қилиниши ҳақида Ал-Балазурининг «Футух ал-булдон» асарида куйидагилар келтирилади:

«...[Кейин] Қутайба Марвга кетди ва укаси Солиҳни [қўшин билан] Мовароуннахрда қолдирди. Солиҳ Фаргона [вилояти]даги Косон ва Ураштни фатҳ этди. Наср ибн Саййор у билан бирга унинг қўшинида эди. У Фаргонадаги ...харни фатҳ этди, [кейин] у Хишкатни фатҳ этди. Бу [Фаргона]нинг қадимги поитахти эди. Косон ва Урашт аҳолиси [арабларга қарши] қўзғолон кўтарди ва уларни марҳум амир ал-му'минин Ал-Мунтасир биллоҳ халифалиги [даври]да охирги бўлиб Нуҳ ибн Асад фатҳ этди.

Дедилар: Ал-Жузжон подшоҳи [сулҳ тузиси учун] Қутайба олдига [элчи] юборди. [Қутайба] унинг олдига [подшоҳ]нинг ўзи келиши [шарти] билан сулҳ тузди. [Подшоҳ] унинг олдига келди, кейин [ўз ерига] қайтди ва Ат-Толиқонда ўлди». ⁶

Фаргонанинг фатҳ этилиши ҳақида Ат-Табарийнинг тарих китобида ҳам «Қутайбанинг Шош ва Фаргонанинг газотига боргонининг баёнидадур» бобида куйидаги маълумотлар келтирилган:

«Вақтики тўқсон тўртлонинчи йил кириб эрди, Қутайба Шош ва Фаргонанинг газотига борур бўлди. Марвдин азм қилиб ул тарафга дарёи Жайхундин ўтуб, мардмони Кеш ва Хворазм ва Нахишобдин лашкар олиб йигирма минг киши булардин рост бўлуб, Қутайба била Самарқандга келдилар. Ва бу йигирма минг кишини Ҳажжож (Жож бўлиши мумкин) тарафига равона қилиб, ўзлари Фаргонага келди, то Хожандга борди ва мардмони Фаргона жсангга ораста бўлдилар. Ва бисёр жанглар қилдиларки, ҳеч кун йўқ эрдики, жсанг қилмайдургон. Ва ҳамиша зафар мусулмонларга бўлур эрди. Еас, бир кун мусулмон-

⁶ Абу-л-'Аббос Аҳмад Ибн Йаҳйо Ибн Жобир ал-Балозурий. Футух ал-булдон / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи т.ф.д.. проф. Ш.Камолиддин. – Тошкент: ЎзМЭ. 2017.



ларнинг кўнглига ғам ва қўрқинч тушиби. Ва жсандин дилкир бўлиб ўлтурдилар. Ва бир марди юқоридин қараб қўрдики, мусулмонда жудо-жудо бўлиб, пароканда бўлибдурлар. Айтдики, валлоҳи, букун душманлар сари боргаймиз, токи алар расво бўлгайлар. Яна бир марди они била ҳам паҳлутургон эрди. Айтдики, ондөг демагилки, бизлар суроҳ ичидаги кармга үхшайдурмиз. Бир мурғи чап ва ростдин учса маълум бўлур. Ва бу бобдур фолдинки, ҳар вақтни лашкарга бир жойга бормоқ керак бўлса, мурғи ўнг тарафдин учса, фол никдур ва агар чап тарафдин учса, фол баддур (ёмондур). Биз бундин ҳеч андеша қилмайдурмиз ва жойки бўлча жсанг қиласдурмиз. Шунга ўхшии икки кийикнинг юрганини фол қилдилар. Бас, Кутайба шаҳарнинг атрофини ихота қилиб, маҳкам тутди. Бас, алар билдиларки, кор ишголдадур. Бас, ҳар йил моле муайян била сулҳ қилдилар. Эрса Кутайба Фарғонадин Кошонга юз келтурди. Ва ул Кошон шаҳристоне Фарғонадиндур. Ва алар ҳам Кутайба била сулҳ қилиб, бисёр мол ганимат била Кутайба Марвга қайтиб келди...»⁷

Абу Ҳафс Кутайба ибн Муслим ибн ‘Амр ал-Боҳилий (96/714 – 715 йилда вафот этган) – боҳила қабиласидан етишиб чиққан машҳур араб лашкарбоиси, халифа Ал-Валид ибн ‘Абд ал-Малик даврида аввал Ар-Рай (Рей) волийси, 86 – 96/705 – 715 йилларда эса Хурсон ва Сейистон волийси бўлиб, Марвда хукм сурган. Унинг хукмронлиги даврида арабларнинг Ўрта Осиёда олиб борган урушлари жадаллашди. У Хурсон волийларидан биринчи бўлиб Мовароуннаҳрда араблар ҳокимиятини ўрнатди. Шимолда унинг кўшинлари Шошга, шарқда эса Кошгаргача етиб борди. Унинг Хурсон ва Мовароуннаҳрнинг аслзодалари ва шаҳзодаларидан иборат 10 минг аскарлик қўшини бўлиб, унда сугд ва турк подшоҳлари, тархонлар, ал-барқаси (شقربل)ларнинг ўгиллари, Бухористон подшоҳларининг ўгиллари ва Хурсондаги бош-

қа подшоҳларнинг ўгиллари тўпланган эди. Багдодда ҳокимият ўзгариб, тахтга Сулаймон ибн ал-Валид (96 – 99/715 – 717 йилларда хукм сурган) келганда Кутайба ибн Муслим унга қарши фитна уюштиришга ҳаракат қилди ва 96/714 – 715 ёки 97/715 – 716 йилнинг зу-л-ҳижжаса ойида Фарғонада ўзининг аскарлари томонидан ўлдирилди. Кутайба ибн Муслим ўзининг ўлдирилган ери (*маишад*)да – Фарғонадаги Калидж (كالىچ) ёки Кулундж (كۈلچ) қишлоғида дағн этилган. Кутайба ибн Муслим ҳадис ҳам ривоят қилган ва ўрта асрда тузилган тарихий-биографик асарларда *муҳаддис* сифатида унинг батафсил таржимаи ҳоли келтирилган. Кутайба ибн Муслимнинг хоразмлик чўриси бўлган. Унинг мақбааси ўрта асрларда Мозор-и Хотун, яъни Кутайба ибн Муслимнинг хотини сифатида қайд этилган. Кутайба ибн Муслимнинг мақбааси Андижон вилоятининг Жалолкудуқ туманидаги Гурунчмозор қишлоғида машҳур бўлиб, ҳозир ҳам маҳаллий аҳоли томонидан авлиёнинг мозори сифатида эъзозланади. Бухоро шаҳрининг шимолигарбий қисмидаги қадимги қабристонда ҳам XX аср бошларида Кутайба ибн Муслим қадамгоҳи бўлган.

Ибн Аъсам ал-Куфийнинг «Китоб ал-футух» асари Ўрта Осиё халқларининг ilk ислом давридаги тарихи, хусусан, Фаргона тарихига оид янги маълумотларга бой. Бу маълумотлар ҳали чукур ўрганилмаган ва кенг илмий жамоатчилик эътиборига тақдим этилмаган. Бу маълумотларни ўрганиш, уларни бошқа тарихий манбалардаги маълумотлар билан қиёслаш айни дамда тарих ва шарқшунослик олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шу нуктаи назардан, унинг Ўрта Осиёга оид қисмини ўрганиб тадқиқот ишини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

*(Тақризчи Ш.С.КАМОЛИДДИН,
т.ф.д., Тошкент давлат шарқшунослик
институти профессори)*

⁷ Тарих-и Табарий / Эски ўзбек тилига таржима музалифи Баёний. 1898-99. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фонди. Қўлёзма рақами №1229 (СВР I. №4).



ИСХОҚХОН ИБРАТ – СОВЕТЧА ҚАТАГОН ҚУРБОНИ

(Таваллудининг 155 йиллиги муносабати билан)



Найм Каримов,
филология фанлари доктори,
профессор

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан шундай улуг сиймолар етишиб чиқдики, уларнинг ҳаёти, ижтимоий, маърифатпарварлик ва адабий фаолиятини ўрганганимиз сайин бу даврнинг том маънода миллий уйгониш даври бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхонов, Тавалло, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Бухорода Фитрат, Муса Сайджонов, Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Садриддин Айний, Сайд Ризо Ализода, Абдуқодир Шакурий, Фаргона водийсида Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Иброҳим Даврон, Чўлпон, Ашурали Зоҳирий каби зиёлиларнинг айнан шу тарихий даврда майдонга чиқиши мустамлакачилик, жаҳолат шароитида яшаётган ҳалқ тақдирини ўзgartириб юборди. Улар олга сурган

маърифатпарварлик, эрк ва ҳуррият гоялари ҳар қандай тўсигу қаршиликларни енгиб ҳалқ ичига кириб борди ва уни 1916 йилда миллий озодлик учун кураш мэрраларига олиб чиқди.

Туркистондаги миллий уйгониш ва маърифатпарварлик ҳаракатига салмоқли ҳисса қўшган кишилардан бири Исҳоқхон Ибратдир.

Биз X – XV асрларда ўтган ўзбек ҳалқининг улуг олимлари ва шоирлари билан ҳақли равишда фахрланиб, уларнинг аксарини қомусий илм соҳиблари сифатида алқаб келамиз. Улардан бир неча аср кейин мураккаб тарихий шароитда қўл-оёқлари boglaniib яшаган юртдошларимиз орасида ҳам шундай серқирра илмий ва бадиий тафаккур соҳиблари оз бўлмаган. Агар биргина Исҳоқхон Ибратнинг илмий ва адабий меросига назар ташласак, унинг шоир, ўқитувчи, тарихчи, тилшунос, ношир бўлганлигини кўриб ҳайратга тушамиз. Унинг Оренбургда матбаа анжомларини сотиб олиб, уларни Қўқонгача поездда, Қў-

қондан Тўрақўргонгача туяларга ортиб келиб, 1908 йилда «Матбааи Исҳоқия» литографиясини ишга туширгани ва ўзбек матбаачилигининг асосчиларидан бўлгани ҳам ҳайратомуз воқеадир.

Исҳоқхон Ибрат ҳижрий 1279, милодий 1861 – 1862 йилларда Наманган вилоятининг Тўрақўгон туманида зиёли оиласида дунёга келган. Бобоси Афсус тахаллуси билан, отаси Жунайдулла тўра Суннатулла тўра ўғли эса Ходим тахаллуси билан шеърлар ёзган, онаси Хуриби ҳам қишлоқ қизларининг хат-саводини чиқарган отинойи ва истеъодли шоира эди.

Қўқонлик Пўлатжон домланинг «Тазкираи Қайюмий» асарида асосан водийлик шоирлар ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, улар орасида Афсус ва Ходим тахаллуслари билан ижод қилган шоирлар ҳам тилга олинган. Мазкур тазкирада Афсус тахаллусли шоир ҳақида қуйидаги маълумот берилган: «Бу шоир Жиззах шаҳридан бўлуб, Хўқандга XIX аср 1-ярмида келмишдур. Номи Тўрахон маҳдум бўлуб, ҳурматга сазовор аристократлардан дур. Ҳоннинг аъёнларидан дур. Нимагадурки шунчалик ҳурматга эга бўлуб, хон атрофини ўрагани ҳолда Тўрақўргонга қози бўлуб тургани или шеърда тахаллус этиб Афсус ихтиёр этмишдур. Тўрақўргонда Исҳоқхон қози ва тахаллуси Ибрат ҳам шоир Васфий Тўрақўргоний – булар Афсусга набиралардурлар. Авлодлари ҳозирда ҳам шундадурлар. Амирийнинг газалига назиралар ёзгандур...»

Пўлатжон домла биз учун гоят қимматли бу маълумотдан сўнг Афсуснинг «Устина» ва «Ўлсан» радибли шеърларини келтирган.

Пўлатжон домла шу тазкирада Ходими тахаллуси билан шеърлар ёзган шоир ҳақида баҳс юритиб, «хоразмли бўлиб чиқаётир», «ёш ҳаваскорларга ўхшайдир» деган сўзларни айтган. Сўнгра шу шоир хусусида бундай ёзган: «1910 йилларда ҳаёт экани англашиладур. Шеъри анчагина мавҳум. (Ўзи) ҳақинда бошқа ҳеч (қандай) маълумотга эга эмасмиз. Чустли Мулла Обиджоннинг «Тухфат ул-обидий» номли баёзидан олиб кўчурдик. «Гапурманглар» радибли мухаммас Ходимиининг наши-

даи табыидандур». Тазкирачи шу сўзлардан кейин олти бандли мухаммаснинг уч бандини ўқувчи эътиборига ҳавола қилган. Биринчи банди бундай:

Бўлубман ул паривашнинг асири чаими фаттони¹¹,
Оқар шавқи жамоли бирла доим дийданинг қони,
Мани дардимга йўқ дармони ўзга дармони,
Адаб ҳола тушубман, йўқтур эмди сиҳат имкони,
Маризи¹² ишқман, фикри атиббодин¹³ гапурманглар.

Тазкирада номи юқорида тилга олинган Васфий Тўрақўргоний тўгрисида аниқ тасаввур берилган: «Бу киши Тўрақўргонда 1862 йилда уламо оиласида дунёга келмиш. Номи Мулла Жалолхондур. Бу киши ҳам шоир Афсуснинг набираларидан бўлуб, Исҳоқхон тўрага амакибачча бўладур. Қозихоналарда муфти ва аълам бўлуб, хизмати илмияда бўлмишдур. 1930 йилда 68 ёшинда шул Тўрақўргонда вафот этмишдур. Ибратнинг бу кишига бир марсия ёзгани сўзланадур. Бу кишидан ўтил фарзанд қолмамишдур».

Тазкирининг ёзишича, тўрақўргонлик Васфий айрим адабий доираларда бухоролик Васфий билан адаштириб юрилган.

Юқорида келтирилган маълумотларга қарандা, Исҳоқхон тўра уламо оиласида туғилган. Бобоси кенг билимли, шоир табиатли, одамшаванда инсон бўлганлиги туфайли эл-юрт ўртасида катта ҳурмат қозонган. Унинг, асли, жиззахлик бўлганлиги ҳақидаги маълумот ҳозирча тасдиқланган эмас. Лекин у тузган шажарага қараганда, бобокалонлари Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлиб, замона зайли билан Тўрақўргонга келиб ўрнашиб қолган. Балки, бобосининг ўзига Афсус сўзини тахаллус қилиб олгани сабаблари унинг Тўрақўргонга келгунига қадар бошидан кечирган воқеалар билан bogлиқдир. Мухими шундаки, Исҳоқхон тўранинг ота-боболари ўша даврнинг энг илгор, маърифатли, тараққийпарвар кишиларидан бўлиб, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилишган.

¹¹ Фаттон – мафтун этувчи, жозибали.

¹² Мариз – қасал, хаста.

¹³ Атиббо – табиблар.

Исҳоқхон Ибрат шундай илгор оилада туғилган. Дастребки маълумотни онасидан олиб, 1878 – 1886 йилларда Қўқондаги Мұҳаммадсиддиқ Турнақатор мадрасасида таҳсил кўради. Шу ерда Муқимий, Фурқат, Мухъий каби қўқонлик машҳур шоирлар билан танишади, араб ва форс тиллари билан бирга шеър илмини ҳам қунт билан ўрганади. У талабалик йилларида илмнинг инсон ва жамият тақдиридаги аҳамиятини чукӯр тушунгани учун 1886 йили мадрасани битириб, Тўрақўргонга келади ва шу ерда янги усул мактабини очиб болаларни ўқув-ёзувга ўргатади. Аммо янги усул мактабларига қарши тиш қайраган кучлар 1887 йилда унинг мактабини ёпишга муваффақ бўладилар.

Ибрат шу йили онаси билан бирга ҳаж сафарига чиқиб, Туркия, Эрон, Миср, Арабистон мамлакатларида бўлади. Хаста онаси мусулмонлик бурчини адo эттагач Жидда шаҳрида жонини Аллоҳга топширади. Ибрат бу мусибатдан қанчалик ларзага тушган бўлмасин, онасини дағн қилиб, сафарни давом эттиришга мажбур бўлади. У Болгария (София), Греция (Афина), Италия (Рим) мамлакатларига бориб, маданий Европа халқлари ҳаёти ва маданияти билан танишади. Сўнгра Ҳиндистонга бориб, Бомбай ва Калькутта шаҳарларида яшайди. У шу шаҳарларда ёшлик йилларида завқ билан ўргангани ҳусниҳат ва наққошлик ҳунари орқасидан турмуш кечиради. Ниҳоят, 1896 йили Тўрақўргонга қайтиб келади.

Таниқли ибратшунос олим Улугбек Долимовнинг Ибрат асарларига асосланиб ёзишича, у шу даврда Шарқ халқлари тилларидан ташқари Арабистонда француз тилини, Ҳиндистонда инглиз тилини, шунингдек, қадимги финикия, яхудий, сурья, юонон ёзувларини ўрганади. Иброҳим Давроннинг «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган (1908 йил, 56-сон) мақоласидан аён бўлишича, Ибрат «туркча, форсча, ҳиндча, русча лисон билиб, яна русча, французча, арманича ва бошқа хатлар ёзмоққа моҳир» бўлган.

Она тилидан ташқари бошқа бир неча хорижий тилларни билган кишиларни, одатда,

«полиглот» деб аташади. Ибрат шундай ноёб кишилардан биридир. У хорижий сафарлари давомида тўплаган нодир лисоний материаллари асосида «Лугати ситатти алсина» (Олти тилли лугат) тузган ва «Жомеъ ул-хутут» (Ёзувлар мажмуаси) асарини яратган. Бу асарлардан бири арабча, форсча, ҳиндча, туркча, сартча (ўзбекча) лугатдир. «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган мақолаларда ёзилишича, шу йилларда рус мустамлакачилиги шароитида яшаган маҳаллий халқ вакиллари рус тилини ўрганишга катта эътибор бера бошлашган. Зоро, рус тилини билиш ўша даврда замон талаби эди. Шунинг учун ҳам Ибрат ватандошлари рус тилини тезроқ эгаллашлари учун русча сўзларни мазкур лугатда араб ҳарфлари билан ёзган.

2005 йили Ибрат «Танланган асарлар»ининг «Маънавият» нашриётида чоп этилиши нафақат оддий китобхонлар, ҳатто филолог олимларнинг ҳам атоқли шоир, муаллим, тарихчи ва лугатшунос олим ҳақидаги тасаввурини бутунлай ўзгаририб юборди. Шу китобдан Ибрат асаридан олиб берилган факсимиле саҳифаларда олим қўли билан ёзилган санскрит, қадимги финикий, юонон, қадимги куфий, қадимги яхудий, славян ёзувларидан намуналар ҳам ўрин олган. Китобни нашрга тайёрлаган Улугбек Долимов билан Нурбой Жабборовнинг гувоҳлик беришича, «Жомеъ ул-хутут»да «дунёда машҳур бўлган 41 хил ёзув тизими» ҳақида, шу жумладан, араб хатининг сулс, тавқеъ, райхон, зулф, ҳумоюн, турра каби шакллари ҳақида» маълумот берилган. Ўзбекистоннинг чекка бир қишлоғида тугилган Ибратнинг жаҳон тиллари ва ёзувлари ҳақидаги бундай кенг билимга эга бўлгани тасаввур доирасига сигадиган ҳодисалардан эмас.

Яна шу муаллифларнинг ёзишича, Ибрат мазкур асарида XX асрда тугилиб келаётган авлодларнинг рус тили билан бир қаторда инглиз, француз, немис, лотин каби чет тилларни ўрганишларини орзу қўлганки, унинг бу орзуси мустақиллик даврида Ўзбекистон келажагининг меъморлари бўлмиш ёшлар томонидан завқ-шавқ билан амалга оширилмоқда.

Ибрат, хорижий мамлакатларга борган аксар ватандошларимиздан фарқли ўлароқ, Ҳиндистондан «Сантур» деган мусиқа асборбини, нафақат ватандошлари, балки айрим илгор халқларнинг ҳам тушига кирмаган музлаткични ва бошқа асбоб-анжомларни олиб келган. «Сантур» 12 та лаппакли бўлиб, бу лаппакларга рус ва жаҳон халқларининг куй ҳамда қўшиқлари ёзилган эди. Ибратнинг ўз ватанига фан ва техника янгиликларини олиб келишдан мақсади илм-фан ютуқларидан орқада қолган юртдошларининг билимини, ижтимоий-хуқуқий онгини ошириш, уларни янги маданий босқичга кўтариш эди. Бу катта мақсадга эришиш учун, аввало, янги усул мактабларини очиш, ёшларда мактабга, илм-фанга муҳаббат уйготиш, уларни жаҳон халқлари ва мамлакатлари тарихи, шу жумладан, Фаргона тарихи билан таништириш зарур эди. Ибрат шу вазифаларни мактаб очиш, «Матбааи Исҳоқия», «Кутубхонаи Исҳоқия»ларни ташкил этиш, «Илми Ибрат» шеърлар китобини, «Тарихи Фаргона», «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон» рисолаларини ёзиб, халққа етказиш билан бажарди. У юқорида тилга олинган мактаблардан ташқари 1914 йилда Тўракўргонда «Учитель» деган рус мактабини ҳам очди, бу мактабда зо нафар ўқувчи таълим олди. 1908 йилда ташкил этилган «Матбааи Исҳоқия» 1909 йили типо-литографияга айлантирилиб, 1910 йили Наманган шаҳрига кўчирildи ва 50-йилларга қадар тинимсиз хизмат қилди. «Кутубхонаи Исҳоқия»да эса ўзбек ва рус тилларидаги дарслик, ўқув қўлланмалари, лугатлардан ташқари В.В.Радлов, Ҳ.Вамбери, В.В.Бартольд, В.П.Наливкин ва бошқа олимларнинг асарлари ҳам бўлган.

Ибрат Тўракўргон ва Хонобод қишлоқларида 20 йилдан ортиқ вақт давомида қози вазифасини бажариб, аҳоли ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилди, ҳақиқат учун курашди.

Ўзбек халқининг улуг фарзандларидан бири Исҳоқон тўра Жунайдуллаев 1937 йил 10 февралда НКВД ходимлари томонидан қамоққа олинади. Ундан олдин, 27 январда ўзли Аббосхонтўра Исҳоқхонтўраев советлар дўза-

хига ташланган эди. 7 апрелга қадар бўлган муддатда улардан ташқари Убайдулла маҳсум Отабойаъламов, Жабборхон Султонхонов, Умарали Жумабоев, Акбарали Ниёзов, Дехқонбой Сўфидўсматов ва Мутаворхон Султонхонов ҳам кишанбанд қилинадилар. Улар Убайдулла маҳсум бошчилигига Совет давлатига қарши курашган аксилинқилобий ташкилот аъзолари сифатида айланади.

Тергов материалларида қайд қилинишича, Ибрат араб, форс, турк, афғон, ҳинд ва рус тилларини яхши билган. У 1921 – 1928 йилларда Чуст, Норин, Наманган туманларида қози лавозимида халққа хизмат қилган. 1926 йили ўзига қарашли ортиқча ерни соттани учун 1 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилган.

Ибратнинг ўгли Ротибтўра Исҳоқтўраевнинг 1959 йил 28 майда ёзган аризасида айтилишича, отаси Анисий тахаллуси билан ҳам шеърлар ёзган; ёшлиқ даврида Тўракўргон, Наманган ва Бухорода (тўгриси Кўқонда – Н.К.) билим олган, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларидан ташқари Россиянинг кўпгина шаҳарларида ҳам бўлган; илмий ишлар билан шугулланиб, «Жомеъ ул-хутут», «Фаргона тарихи», «Маданият тарихи» каби асарларни ёзган; улар Тошкентдаги Шарқ қўлёзмалари институти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлимининг архивида сақланмоқда.

Ўзбекистон НКВД Наманган вилоят бўлими бошлиги Макаревич қомусий билим эгаси, XX асрдаги ўзбек халқининг мутафаккирларидан бири Ибратдан аксилинқилобчи бўлганлиги ҳақидаги ёлгон қўрсатмани олиш учун бир неча кун мобайнида Андижондаги қамоқхонанинг маҳсус хонасида қийнаб азоб берган. Буюк тилшунос олим, маърифатпарвар шоир, ўзбек матбаачилиги асосчиларидан бири Ибрат ўша йилнинг 12 апрель куни Андижон турмасида Совет давлати жаллодлари қўлида ҳалок бўлган.

Пўлатжон домла ўз тазкирасида Ибрат ҳақида ҳам маълумот бериб, унинг «тараққий-парвар ислоҳотчи», «Оврупо маданиятидан анча баҳравар», «Ҳаж этиш учун Ҳижозга борган ва Ҳиндистонни саёҳат этган», «ҳинд



тилининг алифбосидан баҳравар» киши бўлганлигини алоҳида қайд этган. Унинг ёзишича, Ибрат Тўракўргонда бир ҳаммом, бог, янги бинолар барпо этган. У, тазкирачининг ёзишича, «ҳусниҳат эгаси бўлуб, руқъа, куфий, таълиқ хатларни ҳусниҳат ила ёзар, турли миллат кишилари ила дўст бўлуб, алоқаси бўлар эди. Ўртacha гавдали, бутдой рангли, қотма киши бўлуб, камзур кияр, хушфеъл, фозил, сахий киши бўлуб, меҳмонхонаси ҳамма учун очиқ, шуҳрати водий бўйича машҳур одам эди».

Пўлатжон Қайюмийнинг бу самимий сўзлари ибратшунос олимларнинг тадқиқотлари ва Ибратнинг «Танланган асарлар»и билан қўшилиб илм ва бадиият дурданаларидан иборат муборак ҳазинани ташкил этади. Бу ноёб ҳазинанинг ҳазинабони бугун 155 ёшга тўлган мавлоно Исҳоқжон Ибратдир.

Таҳририят Исҳоқжон Жунайдуллаҳўжа Ибратнинг 1916 йилда ёзилган «Тарихи Фарғона» китобидаги «Шаҳри Андижон тарихи», «Тарихи Наманғон» сарлавҳали матнни келтиришини жоиз билди:

Шаҳри Андижон тарихи

Бу Андижон аввалда Андигон бўлиб, арабийга олганда, Андижон бўлур, чунончи, «кофи» форсий арабда «жим» ўқилур. Мана, фарангি лафзи арабда афранжий, бангни банж. Кофи форсий арабда «ж» бўлиб, Андигон араб лафзларида Андижон бўлган бўлса керак. Озарбайлон арабда Озарбайжон ёзиладур ва ўқиладур. Шунга ўхшаш Андижон лафзи, асли, Андигон бўлса керак. Бу фористондан қўшилгандур, чунончи, бандигон ёки мардигон дегандек. Форсийда гонлар ўрнида мардлар ёки озодагон озодалар деган сўздек. Андигон андлар деган сўз. Анда турклар уругини ўзбеклар айттур. Бул форсийлар тарафидан айтулган бўлиб, асли, Андижон форсийлар, яъни араблар қўлига ўтмасдан аввал ҳам бор эди, чунончи, тарихи «Қутадгу билик»да ёзибдурки, Ўгузхонни Ҳиндистонга юрганини зикрида айттур. Ўгузхон тамоми лашкари мўгуллар илан Талас ва Сарём келди. Тошканд ва Самарқанд ва Бухоро подшоҳлари саф тортиб урушолмадилар, улар



шаҳар ва маҳкам қалъаларга беркиндилар. Ўгузхон Тошканд ва Сарёмни ўзи қамаб олди. Туркистон ва Андижон тарафларга ўглонларини юборди. Онлар 6 ойда Туркистон бирла Андижонни олуб, атоси хизматига келдилар дейдур, яъни Ўгузхон замонида ҳам Андижон шаҳри машҳур экан. Ўгузхон Бўкухонни саккизинчи бобосидур, яъни Бўкухон Афросиёбни мўгулча исмидир. Афросиёб лақаби Фарран осиё деган сўздур. Фаргонани Афросиёб бино қилди. Фаргонадан аввал Қубо бино бўлди Қубодни вақтида. Аммоқи Андижонни қайси подшоҳни биноси эканлигига мўътамид тарих ва маълумотимиз бўлмагандан бул тарихларга иқтиро қилинди.

Тарихи «Қутадгу»дан мустазод бўлурки, Андижон тўрт минг йилдан муқаддам, яъни Ўгузхон вақтида шаҳар бўлса ҳам, аввал ҳам

ободон шаҳар экан. Ўгузхон ҳазрати Нуҳ алай-ҳиссаломни тўқузиңчи ўглилари дур. Валҳосилки, Андижон Фаргона шаҳарлари ичинда энг аввалги ва қадимийдур. Вақтига келганда Афросиёб Турон подшоҳи бўлиб, Андижонни пойтахт қилиб, Кўниқдўз шаҳридан гоҳо Тошканд ва Андижон келиб юрар экан. Аммоқи афвоҳи носда қариялар сўзидурки, Андижон, аслида, Одинажондур. Одинажон Афросиёбни қизидурки, анга ўрда ва бигина бино қилиб бериб, ани исмига тасмия қилиб эди. Одинажонни тилда бузуб муншира исмини форсийда Авазжон аглоти авом илиа Андижон қилган дейдурлар. Бар ҳар боб эски шаҳар бўлуб, неча маротаба бузулуб, яна обод бўлуб, табодули замон ва инқилоби овон тузалуб, обод бўлган бир эски шаҳардур. Аммоқи «Тарихи фаришта»да ёзилибдурки, Умаршайх ўғли Бобурхон Андижонга саккиз юз тўқсон тўқузиңчи ҳижрийда ўн икки ёшида подшоҳ бўлди. Тарихи валодатига шул тариқа назм қилибдурларки:

*Андар шаши муҳаррам, шуд он шаҳи мукаррам,
Тарихи мавлидаш ҳам омад «шаши муҳаррам». ⁴*

Аммоқи Умаршайх мирзо душанба куни чаҳоруми моҳи рамазон тисъя ва тисъийна ва самона миъада кабутархона томидан йиқилиб марҳум бўлди. Бобур мирзо байти-фоқи умаро подшоҳ бўлди. Ул вақтда Аҳси подшоҳи Узун Ҳасан подшоҳ эди. Аммо Фаргонага Аҳсан Яъқуб ўғли подшоҳ эди дейдурлар. Муаррихлар бу шаҳарларга назман ёзган тарихлари бул экан, чунончи:

*«Арал» Андижону «марал» Марғилон,
Ба тарихи ҳижрий «гарал» Шаҳриён. ⁵*

Шаҳриённи Умархон жаннатмакон вақтида ул киши амри илан Холмуҳаммад доддоҳ тоҷик бино қилди. 1250-нчи ҳижрийда бино бўлган экан. 1030-нчи даги зилзилада Аҳсикент бузулган. Мазкур зилзилада Андижон ҳам бузилган эди. Яна андан бўён Русия тасарруфига

⁴ Муҳаррамнинг олтисида ўшал шоҳ мукаррам бўлди. Туғилиш йили ҳам «шаши муҳаррам» (муҳаррамнинг олтиси) булди. «Шаши муҳаррам»дан абжад бўйича Бобурнинг туғилган йили чиқади.

⁵ Андижон тарихи «арал», Марғилонники «марал», ҳижрий йил бўйича Шаҳриённики «гарал»дир. Бу ерда «арал» ва «гарал» сўзлари тарих бўлиб, улардан 230, 270 ва 1230 рақамлари чиқади.

ўтгандан сўнг тезроқ ободликга қадам қўйган эдики, 1316-нчи ҳижрийда бўлган зилзила ҳаммани маълумидур. Анда яна зилзила бўлуб, бузулуб, хукуматдан имдодлар бўлиб, аввалгидан неча даража обод бўлган. Мундан аввалги ободликни билмак бўлган киши «Бобурнома» тарихини кўрса бўлур. Ерларини ҳосилдорлиги, саноатлари ҳаммаси Фаргона бобида ёзилиб ўтди, такрорга ҳожат кўрулмади. Бинобарин, сўзимиз татвил этмай, қаноат этдук.

Таърихи Намангон

Намангон янгилик жиҳатидинму ёки биз аҳли ислом диний китобларга аҳамият беруб, тарихларга аҳамият йўқлиги сабабму, бу Намангонга ҳеч ким равшан тарих қилмаган экан. Бу сабабдан бир китоб кўрилмайдур. Қариялар оғиздан оғиз эшишилуб, ҳадди тавотурга етуб, ёнида бўлак қилу қол бўлмай, ҳаммани масмуъи бўлган равшан сўзлар илан адо қилинадур. Чунончи, бу Намангон, асли, намангон эмасдур. Форсий лафзи бирла намакон – намак кондур. Муни маъниси шул эканки, бизни чигатой тилида, асли, гон йўқ экан, бу шеваи форсийдур. Чигатойда кон гон ёки қон бўладур. Бу лафзи гон конни осон қилибдур. Ёки форсийлар ихтилоти ва ҳам бўёни лафзи форсий учун гон деб машҳур ва бу лафзда мазкур бўлди. Чунончи, Намангон аввали ҳолда, яъни мундан тўққиз юз ⁶ йил илгари ерларда ҳеч ким бўлмай ётган биёбон-қўлтуз бўлуб, ул вақтда Бухоро хонларидан Абдуллоҳон бу Фаргона тарафларига келиб, ҳар ерга гоҳ сардобалар кавлаб, саққойи мӯьмининг чоҳларни тепасига гумбазлар қилиб, кўб халиға нафлиқ ишларини қилган хон экан. Ул киши бул Намангонни ерига келиб, алҳолда сардoba деган мадраса бордур, бир чуст ва бир аминлик маҳалладур, ул ерга тушуб, дарҳол сардoba кавлатиб, неча кунлар тутуб, бир тарафи дарё ва бир тараф тог ҳавоси яхши учун бу ерга бир шаҳар бино қилмоқ бўлуб ўз ичларидан бир оғолиқ мансабида турган кишини амр қилиб, шаҳар қилмоқ бўлганда ўшал ерни дарё тарафи бутун шўр кўл бўлуб ётган туз экан. Бинобарин, намак кон деб, яъни туз кон деб атаган экан. Бу намак кон лафзини форсийда гон қилиб ёзуб,

⁶ Тўққиз юз қалам билан учирилиб, ҳошияга тўрт юз ёзил қўйилган (M.X.).

намакконни намангон деб, бир нуни зоида илан намангон бўлди, асли, намаккондур.

Намангон таърихи Абдуллоҳон тарихидур. Абдуллоҳонни тарихи «замона хароб»дур, яъни тўққиз юз олтинчи ҳижрийда бўлубдур. Бу Намангон тўрт маҳалла бўлуб, биринчи маҳалла Сардоба маҳалласидурки, аввали Абдуллоҳ сардoba бино қилган еридур. Иккинчи маҳалласи Лаббайтогидурки, ани важҳи тасмияси мулла Бозор охунд деган киши бор эканлар, ул кишини бир жиянлари бор экан. Ҳар икки азиз ўрталари овоз етадургон масофат экан. Гоҳо жиянларини чақиргандуркида жавобан таголарига «лаббай, таго» деб овоз берганларида аксар кишилар ул маҳаллани «лаббай, таго» маҳалласи деб атаб «лаббайтаго» мусаммо бўлган бир маҳалладур. Бир маҳалласини «Чуқур кўча» дерларки, ул Намангонни ҳамма қўчасидин чукурроқ учун Чуқуркўча тасмия бўлган. Ва бир маҳалласи Дегрезлиқдурки, ул ҳамма шаҳарларда бор бир жамоа қазон куядургонлар келиб жойланган бир маҳалладур. Бу Намангонни биносига тўрт юз йигирма етти йил, бул тарихдан ўтмаган бўлса ҳам, тезда обод бўлуб, авлиёи киром ва машойихи изомлар бирлан мамлу бир шаҳар ўлуб, булардан сулуки алонияда муршид бўлган Анжир Фаганавий Намангондадурлар. Мулла Бозор Охунд ҳам Намангонда мадфундурлар. Машраби авлиёни ҳавли ва тугулган ери маҳалли махсусдур. Машойихи киромлар зикрларни мунда қилмоқ бўлмади. Умр мусоада қилса, иншоаллоҳ, алоҳида маноқиб қилинур.

Бу Намангон атрофида бўлган қасаботлари ижмолан ёзмоқ лозим бўлди. Булардан Намангонни гарбида бир бозорлик қасаба бу муаллиф ватани аслийсидурки, муни Даشتி Қипчоқ хонларидан Аҳмадхон, яъни Шигайхон бино қилган экан. Ул вақт муаррихлари Аҳмадхон исмига қалья қилиб, Қалъайихон деб исм қўюб, бу лафз биносига таърих бўлган экан.⁷ 861-нчи ҳижрийда бино бўлган экан. Аммо-ки Тўракўргон демак маъноси – Шигайхонни Юсуф тўра ва Яъқуб тўра деган ўглилари бино қилиб, Шигайхон тарафидан Қалъайихон исм қўйсалар ҳам, уларни исмларига Тўракўргон деб шухрат бўлган эди.

⁷ Қалъай хондан 861 ҳижрий. 1456 милодий йил чиқади (М.Х.).

«Таърихи Чингизия»да Шигайхон авлодлари илан равшан ёзилгандур. Аввали вақтларда биносида то Россия давлатига ўтгунча бул Намангонни мақарри ҳукумати, яъни пойтахти Тўракўргон бўлуб, эскилиги жиҳатидан ва ҳам ислом ҳукуматдорлари бу ерни ўрда кўргонлар қилиб, аскари исломни ватани мақарри эди. Аммоқи бул ўрда ичинда таъбалардан Шоҳ Абдуваҳҳоб деган киши мадфундурлар. Бирлари Намангонга чиқадургонда, кўча оғзида мадфундурлар. Ул кишини исмлари Шоҳ Абдула-зиздурлар. Ҳам икки азизлар Косон урушида келиб, бул ерда шаҳид қилган экан. Алҳолда ҳар икки азизни лақаблари илиа зикр қилинур. Бирларини қаровул ато ва бирларини Фаласбон ато дерлар. Қаровул ато ўрда ичинда, Фаласбон ато кўча оғзинадурлар. Яна бирлари Мир Шикор ато дерлар. Тўракўргонни жанубида тўрт чақи-рим ерда биёбонда мадфундурлар. Бул азизлар 94 ҳижрийдаги Жарир ибн Абдуллоҳни мўғуллар илан қилган урушида шаҳид бўлгон араблардурлар. Бу Намангонни ҳокимиға қарашли тўрт қасабот бўлуб, Тўракўргон, Чуст, Чаҳортог, Косон деган ерлар бўлуб, ҳар бири бир беклик эди. Намангонда Хўқанддан қўйиладургон бек хавоқини Хўқандни энг катта бекларига бу ўрун берилур эди, не учунки аввали мақарри хонон ва пойтахтлиги сабабдан муни мўътамид ва жасур кишига берилур эрди. Россия давлатига ўтгандан сўнг шаҳар бутун Намангон бўлуб, ҳо-кимлар ҳам, аскария ҳам Намангонга нақъ қилинуб, Тўракўргон бир бўлотлик қишлоқ бўлуб қолди. Алҳолда Тўракўргонда асар ва ўрдадан хабар қолмай, табодули даврон ва инқилоби овон бўлиб қолди.

Тўракўргонда икки хиштин мадраса ва тўрт пахта зовуд, ўн бешдан зиёда пахта сарой бўлуб, ўртасидан Косон сойи ўтадур. Суви тоза ва ҳавоси покиза бир қасабадурки, йигирма минг нуфуси бордур. Вассалом!

Таммат, 1344/1925

Қалами Иноятхон Тўракўргоний валади Улугхўжа эшон марҳумий.⁸

⁸ Абу Тоҳирхожа. Самария. Наршахий. Бухоро тарихи. Баённий. Шажараи Ҳоразмшоҳий. Ибрат. Фарғона тарихи. – Тошкент: Камалак. 1991. – Б.323 – 327.



1916 ЙИЛИ ВОДИЙДАН ОЛИНГАН МАРДИКОРЛАР ТАҚДИРИГА ДОИР

Рустамбек Шамсутдинов

Чор Россиясида яшаётган гайрирус халқардан биронтаси Туркистондаги ўзбек, қирғиз, токиқ, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, уйгур, қипчоқ ва бошқа этник гурухлардек 1916 йили миллий-озодлик қўзголонини кўтара олмади. Туркистонликлар «мардикорлар қўзголони» қилиб подшоҳлик Россияси учун янги бир фронт очиб берди. Жаҳон урушида қатнашаётган Россия ҳарбий қисмларининг бир қисмини фронтлардан олиб, Туркистондаги озодлик курашини ваҳшиёна бостиришга сафарбар қилишга мажбур бўлди. Аммо бу озодлик кураши туркистонликлар учун жуда қимматга тушди, катта қурбонлар берилди. Бутун Ўрта Осиё 1 миллиондан зиёд кишидан жудо бўлди, шундан 673 минг киши ўлдирилган, зоо минг киши хорижга чиқиб кетган, 1 миллион кишининг мол-мулки талон-торож қилинган, отларнинг 50 фоизи, сигирларнинг 39 фоизи, туяларнинг 55 фоизи, кўй ва эчкиларнинг 50 фоизи фронт учун сафарбар қилинган, тортиб олинган, йўқ қилинган.

Туркистон генерал-губернаторининг 222-сонли буйругига кўра, Фаргона вилоятининг 117 волостидан 51 233 киши мардикорликка олинадиган бўлди. Шундан Андижон уездининг 22 волостидан 10 304 ишчи, Кўқон уездининг 23 волостидан 11 888 киши, Намангандар уездининг 28 волостидан 11 220 киши, Скобелев уездининг 19 волостидан 11 700 киши, Ўш уездининг 25 волостидан 6121 киши, жами вилоят бўйича 361 волостдан 141 370 ишчи фронт ва фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиниши белгилаб берилганди.¹

¹ Ковалев П.А. Тыловые рабочие Туркестана в годы Первой мировой войны. – Ташкент: Госиздат, 1957. – С.32 – 33.

Андижоннинг Эски шаҳар қисмидан 1000 та мардикор олинган, уларнинг рўйхати, исми-фамилияси, қайси маҳалла, қайси гузарданлиги, ёши, қандай вазифадалиги, қайси юзлиқда, неchanчи эшелондалиги, эшелонларнинг жўнатилиш куни, соати ҳам қайд этилган. Шу рўйхатдаги 1000 мардикордан 891 нафари ҳақидаги маълумотлар архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламида² эълон қилинган. Айрим сабабларга кўра 108 нафар мардикор ана шу тўпламга киритилмай қолган. Қўйида Андижон Эски шаҳарининг Ўзлуқ, Олайлик, Қирлиқ, Сой-Қирлик даҳалари бўйича мардикорликка олинган 1000 кишидан ҳозиргача эълон қилинмаган 108 нафар мардикорнинг рўйхати берилмоқда. Бу фақат биргина Андижоннинг Эски шаҳар қисмидан мардикорликка олинган юртдошларимиздир. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Фаргона вилояти давлат архиви ва Россия Федерацияси давлат архиви материаллари асосида ҳозирги Андижон, Намангандар, Фаргона, Ўш, Жалолобод, Боткент, Хўжанд уездларидан мардикорликка олинган 50 оо мусулмон кишиларини номма-ном аниқлаш, уларнинг таржима ҳолини, тақдирини ўрганиш муҳим вазифалардан. Биз Фаргона водийси тарихчилари, тадқиқотчилари, ўлкашуносларига мурожаат қилиб, тарихимизнинг мана шу кемтик саҳифасини тўлдириш борасида ўз ҳиссаларини қўшишларини илтимос қиласиз.

² Шамсутдинов Р.Т., Бозоров Қ. Андижондаги 1916 йил қўзголони тарихидан лавҳалар // Илмий хабарнома. 2010. №1. – Б.59 – 64; История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг. Т.2 / Ред. коллегия: Р.Т.Шамсутдинов (ответственный редактор), С.Хошимов, К.Базаров, Г.С.Машуров). – Ташкент: Шарқ, 2012. – С.458 – 508.



Тартиб រаками	Эшелон №	Юзлик №	Үезд бүйича №	Исми ва шарифи ҳамда қайси маҳаллада яшаётгани		Изоҳ
Үйлук даҳаси бўйича биринчи юзлиқдаги						
892		892	Эргашбой Мақсадбоев, Хўжа Рушной маҳалласидан	22		
893		893	Абдул Азим мулла Абдуллаев	42		
894		894	Мулла Муҳаммаджон Охунбобоев, Ҳайдарали маҳалласидан	41		
895		895	Мадолим Эгамбердиев	32		
896		896	Абдуллажон Қурбонбеков, Девонабой маҳалласидан	25		
897		897	Абдураҳмон Абдуқодиров	22		
898		898	Рўзибой Мадмусаев	25		
899		899	Муҳаммадали Даҳабоев	24		
900		900	Жўрабой Нормуҳамедов	28		
Қирлик даҳаси ўнинчи юзлик						
901		901	Тургунхўжа Валихўжаев, Бурги маҳалласидан	27	Юзбоши	
902		902	Шокирхўжи Муҳаммадрозиков	22	Ўнбоши	
903		903	Камолиддин Носирбоев, Девонабой маҳалласидан	25		
904		904	Ортиқбой Шобердиев	32		
905		905	Исоқбой Қорабоев	27		
906		906	Аҳмадохун Муҳаммадалиев	40		
907		907	Ҳайдарали Тошматов	25		
908		908	Алихўжа Саидхўжаев	25		
909		909	Мадёкуб Умарқулов	33		
910		910	Рахимберди Муҳаммадтўхтаев	25		
911		911	Тожибой Нишонбоев, Янги бозор маҳалласидан	35		
912		912	Жавлон Абдуқодиров	25		
913		913	Аҳмадали Марасулов	25		
914		914	Йўлдошибой Ўрзоматов	37		
915		915	Маюсуф Уста Доңиёров	40		
916		916	Мадазим Азимбоев	36		
917		917	Мадумар Раҳмонқулов, Кўрпа бозори маҳалласидан	38		
918		918	Шокирбой Ҳамдамбоев	23		
919		919	Мамажон Абдурасулов	21		
920		920	Мамадисоқ Холиқбердиев	25	Ўнбоши	
921		921	Алибой Мамадбоев	25		
922		922	Нишонбой уста Мадёкубов	25		
923		923	Мавлонбой уста Faфуров	28		



924		924	Нурматбой уста Шоюсупов	42	
925		925	Масобир Юсуфбоев, Худоёр қози маҳалласидан	28	
926		926	Эшонхўжа Солихўжаев	23	
927		927	Абдуқодир Мулла Қосимов	22	
928		928	Парпибой Қурбонбоев	30	
929		929	Ҳасанбой Қосимхўжаев	32	
930		930	Усмонали Ёкубов	32	
931		931	Ҳайдар Дўст Акаев	23	
932		932	Мелибой Ҳайдарбоев	22	
933		933	Умарали Иминҳожиев, Махмудхон тўра маҳалласидан	41	Ўнбоши
934		934	Юсуп Норалиев	25	
935		935	Валихон Мамадхўжаев	30	
936		936	Мамазулун Тошматбоев	25	
937		937	Абдужаббор Марасулов	25	
938		938	Ҳожимат Абдурасулов	31	
939		939	Азиз Худойберған Ҳожиев	21	
940		940	Каримберди Раҳимбердиев	20	
941		941	Тўракул Мадмусаев, Қора бўра маҳалласидан	31	Ўнбоши
942		942	Абдуқодир Солихўжаев	25	
943		943	Абдукарим Мулла Рўзиев	25	
944		944	Мамадали Ҳасанбоев	22	
945		945	Ашурали Юсуфбоев	23	
946		946	Иброҳимжон Мулла Олимжонов	27	
947		947	Абдулҳаким Уста Бойматов	38	
948		948	Абдукарим Исҳоқ Ҳожиев	30	
949		949	Сайфуллаҳўжа Узокхўжаев, Майдон маҳалласидан	32	Ўнбоши
950		950	Мирзахалим Мадғозиев	35	
951		951	Солихўжа Хўжахонхўжаев	40	
952		952	Ортиқбой Мансуралиев	25	
953		953	Мирза Аҳмад Бобоҳўжаев	24	
954		954	Набиҳўжа Исмоилхўжаев	23	Сартарош
955		955	Тешаҳўжа Паҳритдинхўжаев	23	
956		956	Аҳмадхўжа Тиллаҳўжаев	25	
957		957	Тиллабой Солибоев, Дарвоза оғзи маҳалласидан	42	
958		958	Сиддиқали Мадраҳимбоев	22	Новвой
959		959	Абдулла Раззоқ Бердимахсумов	25	
960		960	Ҳайдарбой Раҳимбоев	30	Ўнбоши
961		961	Мамадазиз Маткаримов	25	
962		962	Ҳасанбой Ортиқакаев	34	



РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

962		962	Мўминмирзо Аҳмедов	35	
964		964	Ҳакимжон Абдураззоқов	25	
965		965	Нурмат Тўракулқозиев, Орзиқулбек маҳалласидан	26	Ўнбоши
966		966	Тоҳиржон Абдуғафуров	25	
967		967	Сайдбой Абдуқаҳхоров	26	
968		968	Худойали Саидалимов	21	Қассоб
969		969	Мелибой Уста Раҳимбоев	32	
970		970	Бадалбой Масобиров	20	
971		971	Мирзаборат Мирзараҳимов	30	
972		972	Дадажон Мамажонов	22	
973		973	Карим Абдураҳмонов, Юмалоқ мозор маҳалласидан	28	Ўнбоши
974		974	Мулла Насрилдин Муллабобоев	38	Имом
975		975	Жалолиддин Нажмиддинов	22	
976		976	Қосимбой Эрматбоев	29	
977		977	Исҳоқ Узоқбоев	40	
978		978	Тошмат Отакўзиев	29	
979		979	Мирзааликори Эсонқулов	36	
980		980	Шарофиддин Нуриддинов	19	
981		981	Аъзамбек Ортиқбеков, Абдуазиз маҳсум маҳалласидан	23	Ўнбоши
982		982	Акимбек Аҳмадалиев	36	
983		983	Ёкубжон Маҳмудбоев	22	
984		984	Эргашбой Қурбонбоев	26	
985		985	Сулаймон Худойбердиев	35	
986		986	Йўлдошбой Ҳамробоев	34	
987		987	Ашурали Шукурбоев	32	
988		988	Тўрасоҳиб Гиёсхонов	30	
989		989	Отажон Худойбердиев, Чинор таги маҳалласидан	41	Ўнбоши
990		990	Абдуваҳоб Отабоев	20	
991		991	Дадабой Муллаҳолматов	26	
992		992	Абдуллажон Муҳаммадсадиқов	25	
993		993	Мадқосим Ашурбоев	40	
994		994	Саттарбой Уста Мадалиев	27	
995		995	Маматқул Тўҳтамбоев	40	
996		996	Хожимат Холматхожиев, Бақақуриллоқ маҳалласидан	19	
997		997	Каримжон Турдибоев	36	
998		998	Исақбой Уста Норматов	19	
999		999	Жўрабой Қурбонбоев	32	
1000		1000	Рахимберди Хўжамбердиев	29	



Бу рўйхатни Андижон уезд бошлиги полковник И.А.Бржезицкий 1916 йил 17 сентябрда имзолаган. Унга мувофиқ Андижон Эски шаҳридан 1000 нафар ишчи 18 сентябрда Андижон станциясидан жўнатилган.³

Мардикорларни 15 сентябрдан 15 октябргача Андижондаги йигув пунктига (ҳозирги Сойдаги пахта заводида) тўплаб, соқчилик назорати йўлга қўйилган. Ҳар эшелонда 40 та вагон бўлиб, ҳар бир вагонга зо га яқин киши жойлаштирилган. Эшелонда ишчилар жойлашган 33 та вагондан ташқари 1 та санитар, 1 та изоляция ва 1 та соқчилар вагони, шунингдек, ошхона учун 2 та, озиқ-овқат маҳсулотлари учун 2 та вагон ажратилилган. Ҳар бир эшелонга 990 – 1000 ишчи жойлаштирилган. Андижон шаҳридан олинган ишчилар 1000 киши бўлиб, уларнинг 2-эшелон билан Андижондан жўнатилиши режалаштирилган.

18 сентябрдан 18 октябргача Туркистондан зо эшелонда ишчилар олиб кетилади. Эшелонларнинг йўл маршрутлари аниқ белгилаб берилган. Хусусан, 107^a-сонли поезднинг Андижон станциясидан 18 сентябрь соат 8¹⁷ да жилиши, Тошкентга 19 сентябрь 14⁰⁰ да келиши, Тошкентдан ўша куни 109-сонли поездда жўнаши, 24 сентябрь 14³⁹ да Самара губерниясидаги Кинель станциясига етиб келиши ва жойларга тақсимланиши белгиланган.⁴

«Туркестанский голос» газетаси саҳифаларида шу эшелонни кузатиш жараёни тасвирланган ҳужжатларни эълон қиласиз:

Первый эшелонъ

18 сен. въ 11 ч. дня, отбыль изъ Андижана первый эшелонъ рабочихъ, призванныхъ на тыловые работы.

Посадка въ поездъ происходила саженяхъ въ трехстахъ отъ вокзала, около беженскихъ бараковъ.

Посадка прошла въ необычайномъ порядке и закончилась менее, чемъ въ полтора часа.

Все рабочие оказались на лицо.

Около 10⁴⁴ ч. поездъ былъ поданъ къ перрону.

³ ЎзР МДА. 25-фонд. 1-рўйхат. 185-иш. 208 – 222-варақлар // История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг. Т.2 / Ред. коллегия: Р.Т.Шамсутдинов (ответственный редактор). С.Хошимов. К.Базаров. Г.С.Машуров). – Ташкент: Шарқ, 2012. – С.458 – 508.

⁴ Р МДА. 25-фонд. 1-рўйхат. 185-иш. 28 – 30-варақлар.



Андижоннинг шу вокзалидан 1916 йил мардикорлар эшелонда Россияга олиб кетилган.

Поездъ состоить изъ 40 вагоновъ, изъ нихъ 33 для рабочихъ, одинъ для конвоя, остальные служебные, санитарные, кухня, вагонъ для провизіи и т.д.

Рабочие размещены по зо человекъ въ вагонъ. Каждый рабочий имеетъ при себе кошму, шубу, теплую шапку, два запасныхъ халата, запасные сапоги, четыре перемены белья.

За исключениемъ отдельныхъ, вполне естественныхъ тяжелыхъ сценъ разставанія съ родными, рабочіе выглядятъ бодро. Общей подавленности настроения не чувствуется.

Провожаютъ рабочихъ члены местныхъ туземныхъ комитетовъ.

Явились проводить ихъ и представители почетныхъ туземцевъ, но они просидели все время где то въ вокзале, а къ поезду такъ и не вышли.

Представители европейского населенія блещутъ своимъ отсутствіемъ.

Отсутствуютъ и представители города.

Къ вагонамъ то-и-дело торопливой походкой подходятъ женщины, приносятъ фрукты, хлебъ...

Кто то прислалъ живые цветы.

Вотъ ихъ разносятъ по вагонамъ; къ цветамъ тянутся десятки рукъ, но увы – цветовъ немного, и въ каждый вагонъ попадаетъ только одинъ-два цветка...

Счастливцы судорожно сжимаютъ стебли, съ какимъ-то упоеніемъ нюхаютъ розы – последний привѣтъ родной андижанской земли.

Играютъ сборъ, затемъ свисток оберь-кондуктора и поездъ под плачъ женщинъ и тысячеголовское «аминъ» медленно отходитъ,



унося сыновъ Ферганы въ безвестную даль холдной Россіи.

После отхода поезда, военный губернаторъ полковникъ П.Н.Ивановъ благодариль, въ лице С.Касымова и Якубъ Саркара Садыкбаева, туземные комитеты за образцовый порядокъ.

Кстати о порядке – выстроенные на всякий случай къ моменту подачи поезда къ вокзалу войска оказались явно не нужными и были убраны.

Туземными комитетами послана генераль-адъютантту Куропаткину следующая телеграмма:

– Сегодня, въ день отправки изъ Андижана первого эшелона рабочихъ дружинъ, туземные комитеты приветствуютъ въ лице Вашего Высокопревосходительства умиротворительная края, и защитника чести и интересовъ населенія. Комитеты свидетельствуютъ о готовности населенія къ дальнейшимъ жертвамъ на благо Россіи. По уполномочию комитетовъ – Хамитбекъ Касымовъ, Усманкуль Исраилбаевъ и Якубъ Саркаръ Садыкбаевъ. И.Ш.⁵ Газетанинг 1916 йил 29 сентябрь 69-со-нида «Наманган» номли хабарда қуйидагилар ёзилган:

Рабочие-туземцы 26 сентября въ мечети «Джами» наманганскимъ туземнымъ комитетомъ быть устроено обедъ въ честь рабочихъ, отправляемыхъ въ тылъ действующей арміи. На обеде присутствовала вся администрація; были приглашены также представители банковъ и заводовъ, для которыхъ отдельно, въ беседке, были приготовлены особые столы.

Обедъ состояль изъ плова и дыни. После обеда было пропето несколько патріотическихъ песенъ, сочиненныхъ за последнее время.

Затемъ мулла провозгласиль здравици за Государя, ген.-ад. А.Н.Куропаткина, ферганского военного губернатора и все начальство, кончая приставами. Въ заключеніе была прочитана молитва.

Когда мулла окончиль молитву, одинъ грамтоный сартъ сталъ читать своеобразный «наказъ» рабочимъ съ подробнымъ наставлениемъ, какъ нужно работать и держать себя вдали отъ родины. Выслушали рабочие наказъ, прокричали три раза «ура» и стали строить-

(Изъ газетъ)

Манифестація. Въ Ташкентѣ, такъ же какъ и въ Андижанѣ, произошла манифестація рабочихъ туземцевъ. Послѣ моленія въ мечети „Джаами“, громадная толпа рабочихъ направилась въ русскую часть города, съ пѣніемъ псалмовъ и съ русскими національными флагами.

Призванные были одѣты по походному въ кожанныя куртки, такіе-же шаровары и сапоги, а на головахъ у всѣхъ были мѣховыя шапки-патахи. Шествіе растянулось на нѣсколько верстъ и замыкалось арбами съ кладью и женщинами. Русское населеніе по пути шествія партіи устраивало имъ привѣтствія, на что туземцы отвѣчали единодушнымъ громкимъ „ура“.

„Сопровождающій“. Первый эшелонъ туземцевъ – рабочихъ г. Ташкента сопровождается до мѣста назначенія гласный ташкентской городской думы полковникъ Джурабековъ. (Т. К.)

ся сотнями, по пять человекъ въ рядъ, и съ портретомъ Государя пошли черезъ улицы старого города въ бараки, въ сопровожденіи массы туземцевъ.

Вчера рабочіе должны были уже отправиться въ Россію.

Газетанинг шу сонида мазкур мавзуу юзасидан мана бу хабар эълон қилинган:

Кокандъ

(Отъ нашего корреспондента)

Тыловые рабочіе. 25 сентября рабочіе туземцы были помещены на сборномъ пункте. Следованіе на пунктъ вылилось во внушительное шествіе. Впереди каждой сотни несли національные флаги. Играла европейская и туземная музыка.

Маълумки, 1917 йил январь – февраль ойларида Россия чоризми ўзининг ҳалоқатли кунларини бошдан кечираётган эди.

⁵ Туркестанский голосъ. 1916 г. 20-го сентября. №62.

1917 йил 19 январяда Андижондан яна бир эшелон жүннатилган. 1916 йил сентябрь – 1917 йил февраль ойларида Туркистон үлкаси бўйича 120 000 ишчи мардикорликка олинган, шундан 113 000 киши үлкадан ташқари фронт ва фронторти ҳудудларига жўнатилган.

Донесение начальника Андижанского уезда Ферганской области И.А.Бржезицкого⁶ начальному Туркестанского районного охранного отделения М.Н.Волкову
№5090 17 октября 1916 г.
Совершенно секретно

Сообщаю, что мои агентурные сведения об образовании в городе Андижане партии «Тараккипарвар» вполне тождественны с теми, которые изложены в докладе Вашем за №4499 от 14 октября сего года на имя военного губернатора Ферганской области. Список туземцев, задавшихся целью разогнать из Туркестанского края всех тех чинов русской администрации, которые, не жалея своей жизни, добились приведения в исполнение высочайшей воли (Указ 25 июня сего года) о наборе рабочих, может быть пополнен еще следующими лицами: Акбарами Байтурсунов – переводчик мирового судьи 1-го участка Андижанского уезда, Ташбалта Абдувахабова (сын народного судьи), у этих двух собираются агенты Убайдуллы Асадулла Ходжаева, выступающего главным защитником попранных якобы прав туземного населения. Далее следуют Саидали-ходжа Мусса-ходжаев – занимается подпольной адвокатурой; Батыр-ходжа Хал Тура-ходжаевым – собиратель фантастических обвинений по адресу чинов полиции и уездной администрации; местный богач Ахметбек Темирбеков и его приближенный Падша-ходжа Умар-ходжаев, пользующийся большим влиянием. Без их участия не проходят какие бы то ни было выборы должностных лиц туземной администрации.

⁶ Бржезицкий Иулиан Александрович (05.02.1869) – полковник, в 90-е гг. XIX в. служил на Памире. Хорошо знал местные языки и был коренным населения. Во время Андижанского восстания 1898 г. штабс-капитан Бржезицкий был Асакинским участковым приставом. С 1912 до начала 1917 г. Андижанский уездный начальник. Последним местом его многолетней службы будет Ошский уезд, начальником которого он станет в начале 1917 г.

Объединителями этих лиц являются А.А.Чайкин⁷ и Убайдулла Асадуллаходжаев. Последний до писания своих гнусных и ложных доносов имеет специальную канцелярию в городе Андижане, в доме Иванова №17, где писцом служит Александр Иванович Часовский. После того, как по доносам этих лиц без предварительных расследований обстоятельств в возбужденных ими делах был отчислен от службы целый ряд лиц русской и туземной администрации, лица эти открыто говорят, что «они могут убрать со службы кого угодно и когда угодно, так как Куропаткин им верит». В разговор на эти темы они не считают даже нужным называть чин генерал-губернатора, а говорят просто: «Куропаткин».

Оставшись безнаказанными за свои доносы на темы о том, что чины полиции и уездной администрации берут взятки, наживаются на продаже водки, сахара и проч., они не стесняются чернить в своих доносах этих чинов самым наглым образом. В настоящее время эти чины настолько скомпрометированы в глазах не только туземного населения, но даже и русского, что они лишены даже возможности защищаться. Служебная этика не позволяет высказываться на эту тему подробнее. Могу сказать еще только следующее: на стороне этой группы стоят члены Государственной думы Тевкелев и Керенский, последние при посещении Андижана были окружены тесным кольцом в лице представителей местного кружка «Тараккипарвар», то есть «Общество равенства» или «Единение и Прогресс», но народ называет их «падаркуш» («отцеубийца») и вынес весьма привратное понятие, как о произошедших в июле месяце событиях, а равно и о деятельности чинов местной администрации, которых они открыто называли здесь «сатрапами». Эти депутаты, конечно, сочли своим долгом вывезенную ими из Туркестана «грязь» внести и в Думу, а пока указанная выше компания Чайкина и Ходжаева не будет выселена из края и их газета «Туркестанский голос» не будет закрыта, до тех пор будет бессильна наша борьба с их вредной деятельностью.

⁷ Чайкин Анастасий Афанасьевич – уроженец Курской губернии. эсер, общественный и политический деятель Туркестанского края начала XX в., редактор и издатель общественно-политической краевой газеты «Туркестанский голос», издававшейся в г. Андижане в 1916 г.

Кратко о положении этого дела я доносил уже военному губернатору 13 сентября сего года рапортом за №3054, копия которого была послана мною и Вашему Высокоблагородию. Рапортом этим я просил выселить из края вспешном порядке Чайкина, Ходжаева, Темирбекова и Падша-ходжа Умар-ходжаева⁸ и я остаюсь при своем при том мнении. Что если эти лица не будут выселены, то в непродолжительном времени на обязанности чинов русской администрации останется только одна работа – это писание возражений на помещаемые в «Туркестанском голосе» заведомо неверные сведения и представление объяснений начальству по поводу ложных доносов Ходжаева и Ко, а что будет потом, не беру на себя смелости предсказывать о грядущих событиях.

Подлинное подпись: начальник Андижанского уезда полковник Бржезицкий За начальника отделения подполковник Розалион-Сошальский.⁹

Мардикорлардан 101 600 киши Россиянинг Оврўпо қисмига, 4000 киши Сибирга, 7405 киши Кавказга жойлаширилади; 10 мингдан ортиқ киши Туркистон ўлкасида ишлатилади.¹⁰ Мардикорлар ҳарбий ва саноат корхоналарида, конларда, темир йўл қурилишида, ўрмон ва йирик капиталистларнинг хўжаликларида қаттиқ назорат остида ишлатилди. Улар очликдан, хўрликдан, мashaққатли меҳнатдан мислсиз азият чекдилар. Кўплари қаттиқ совуқдан, турли касалликлардан ўлиб кетдилар ёки бир умрга ногирон бўлиб қолдилар.

Мардикорларга арзимаган иш ҳақи тўланган, туаржойлари хароб, емишлари ҳам жуда ноҷор бўлган.

400 километрлик Батуми – Сухуми темир йўли қурилишида 2000 дан зиёд мардикор

⁸ Вероятно, речь идет о Темирбеке Ахметбекове Падше-ходжи, т. е. о тех же самых лицах, что в рапорте начальника Андижанского уезда И.А. Бржезицкого военному губернатору Ферганской области А.И. Гиппиусу о работе съезда, созванного в связи с набором населения на тыловые работы от 23 июля 1916 г. // Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане: Сб. документов. — М., 1960. — С. 211.

⁹ Восстание 1916 года в Туркестане: документальные свидетельства общей трагедии. Сборник документов и материалов. — М., 2016. — С.235 – 237.

¹⁰ Зиёев Ҳ. Ӯзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.290.

ишлаган. Бу иншоотнинг Гудаунти (Мюсери) районида 200, Сухуми районида эса 100 нафар андижонлик бўлиб, улар мислсиз оғир шароитларда меҳнат қилганлар. Биринчи бўлиб Гудаунтидаги андижонлик мардикорлар иш ташлашни бошлаб берганлар. Генерал Янушкевич хабарида бу ишчилар ишга чиқмасликка қатъян қарор қилганиллари, «Бизларга шаҳарда яшаб, завод ва фабрикаларда ишлашни ва уч ойдан кейин ватанимизга қайтиб кетишни ваъда қилганлар», – деб айтганлари қайд этилган.

Андижонликлардан 185 киши Владимир губерниясидаги Колчигин станциясида ишлаш жараёнида қаттиқ совуққа чидай олмай азоб чекканлар.

Шу боис улар ватанга қайтаришни ёки иссиқроқ жойга юборишни сўраганлар.¹¹

Улар иш ташлаб, иш жойидан ўз хоҳишлири билан кетиб қолганлар. Иш ташлаш кенг тус олади. Иш берувчилардан бири ўзбек ишчилари зо октябрдан 17 ноябргача ишга чиқмаганлари оқибатида 2000 сўм зарар кўрганидан нолиб шикоят қилган. Бундай шикоятлар кўплаб бўлган. Кавказ армияси полковниги Давидов иш берувчилар ва маъмуриятни ёқлаб мардикорлар ишдан қочиб шаҳарларга боришмоқда, бозор ва масжидларда юриб, наркотик ва фаҳш ишлар билан шугулланишни хоҳляяптилар деган туҳмат хабарни юқори ташкилотларга йўллаган. Бундай туҳматлар кўп бор уюстирилган, оқибатда мардикорлар тазийиқ-таъқибга учраб турганлар. Сабр-косаси тўлган мардикорлар курашни давом эттираверганлар.

Маъмурият берган хабарда ишчиларнинг ҳар қандай қийноқлар, турмага тиқиши, ҳатто отиб юборганларида ҳам баривир ишга чиқмасликларини айтганлари қайд этилган. Ишчилар ўзларини Сухумига, Батумига, ҳатто Россиянинг ички қисмига юборишларини талаб қилганлар. Иш ташлаш йўл қурилишининг жанубий ва шимолий қисмини ҳам қамраб олади: норозилик намойишлари ўтказилади, очликлар эълон қилинади. Оқибатда Тифлис ҳукумати Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторига телеграмма йўл-

¹¹ Исмоилова Ж. Фарфона водийсида миллий озодлик курашлари. – Тошкент, 2003. – Б.181.

лаб иш ташловчиларни тинчлантиришни талаб қилишга мажбур бўлади. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернатори буйруги билан Андижон Эски шаҳари оқсоқоли Рустам Тошматов 1916 йил 29 декабрда Батумига келади.

1917 йил 1 январдан 13 январгача Рустам Тошматов «дилижанс»да андижонликлар ишлаётган жойларни айланиб чиқиб, уларга руҳий таъсир кўрсатади. У мардикорларнинг аҳволи жуда яхши деб баҳолайди. Бу «муҳтарам» ариқ оқсоқоли Рустам Тошматов ишчилар иссиқ баракларда 50 тадан 100 кишигача жойлаштирилган, улар кунига тушлик, 2,5 фунтдан қора нон, 0,5 фунтдан гўшт ва 2 марта қандли чой билан таъминланаётганини ёзган. Мардикорлар уст-бoshi анча хароблигини, ишчилар ватанидан хат-хабар ололмаётганлигини ҳам билдириганди. Шунингдек, 200 мардикор, айниқса, Жалолобод волости Сузоқ қишлоғидагилар иш ташлаганларини қайд этишга мажбур бўлган. Аммо Тошматов рус зобитига, полковник Давидов ва маҳаллий маъмуриятга нисбатан анча айёрги билан иш кўрган. У мугомбирлик билан ишчиларга руҳий таъсир кўрсатган, ҳатто Жалолобод волостидан келган ишчилардан Фаргона области ҳарбий губернатори номига миннатдорчилик изҳор этилган хатлар олишга эришган. У мардикорларга қарата «сизлар иш ташлашни тўхтатмасаларинг, ҳамқишлоқ, ҳаммаҳалла ва оиласаларингизга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиши мумкин» деган таҳдидларни ишга солган.¹²

Рустам Тошматов 1917 йил 21 январда Андижонга қайтиб келади. Бу хизмати учун у Туркистон генерал-губернатори томонидан тақдирланган. Андижонда чоп этилган «Туркестанский голос» газетаси «Андижон шаҳар ариқ оқсоқоли Рустам Тошматовнинг фронт ортидаги андижонликлардан ҳол-аҳвол сўраб келганлиги ҳақидаги ҳисоботи» номли материалда бу сафарни ёритган. Умуман, 1916 йил 1 июлдан бошлаб газетада мардикор мавзусига катта ўрин ажратилган. Жумладан, «Мардикорлар талаби», «Ишчи

туземецлар йўлда», «Ишчиларни жўнатишга доир», «Тузем ишчилар мактублари», «Ўш эшелонини жўнатиш», «Жойлардан саломлар», «Йўлдан. Бизнинг мухбиришимиз Абдулла Йўлдошқориевдан», «Ўзбек ҳарбий ишчиларининг йўлдан юборилган мактублари», «Паловни согинмоқдалар», «Ишчилар учун кетмонлар», «Оренбургдан хатлар», «Ҳарбий суд», «Ажралиб қолганлар», «Суд хабарлари», «Суд залида», «Рўзи Охун Муҳаммад Назарбоевнинг иши бўйича», «Далварзин иши» каби номлар билан чоп этилган қатор хабар ва мақолалар кўплаб муҳим маълумотлар беради.

1917 йил февраль инқилоби натижасида монархия ағдарилигач, мамлакатда демократик ўзгаришлар амалга оширила бошлади. Муваққат ҳукумат раиси А.Ф.Керенский ташаббуси билан фронт ортидаги мардикорларни ўз юртларига қайтариш ҳақидаги ҳукумат қарори эълон қилинди. Бу қарорни Туркистон мусулмонлари, айниқса, мардикорлар зўр шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Огир меҳнатдан тинка-мадори қуриб, очарчилик, миллий, диний камситилишга дучор бўлган мардикорлар катта ва машаққатли ҳаёт, кураш йўлини босиб ўтдилар. Уларнинг бир қисми бегона юртларда огир меҳнатдан, изгирин совуқдан, очикдан, касалликдан ўлиб кетди, айримлари қамоқقا олинди, баъзилари қочиб сарсон-саргардонликда умр кечирди, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Бу каби шўришларнинг тугаши чинакам байрам қилишга арзигулик эди. Мардикорларнинг қандай кайфиятда Андижонга келганлари «Нажот» газетасининг 21 май сонида шундай таърифланган: «Андижон. 11 май куни бу жойдан жўнатилган мардикорлар эсон-омон ўз ватанларига қайтиб келдилар. Сўнгра қувончли кайфият билан улар қўлларида байроқлар ушлаб шаҳарни айланиб чиқдилар. Савдогарлар бу ҳақда ҳеч нарсани билмасдан жуда ҳам ҳайрон бўлиб қолишли».¹³

Албаттa, юртдошларимизнинг мардикорлик даври беиз кетмади: уларнинг дунёқараши, ижтимоий онгига катта ўзгаришлар

¹² Ковалев П.А. Тыловые рабочие Туркестана в годы Первой мировой войны. – Ташкент: Госиздат. 1957. – С.127 – 128.

¹³ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.1. Сб. документов. – Ташкент: АН УзССР, 1963. – С.149.



юз берди, улар энди миллий ўзликни англашга киришган, миллат тақдири, фожеаси, истиқболи ҳақида фикрлай бошлаган эдилар. Бир томондан, 1917 йилнинг умумий инқилобий руҳи, иккинчи томондан, ўзга юртларда ўз ҳақ-хуқуқлари ҳимояси йўлидаги курашлар, иш ташлаш ва намойишлар давомида шаклланган бирлик мардикорларни ижтимоий кучга айлантирган эди. Совет даври тарихшунослигида юртдошларимизнинг мардикорликдан ўзларига инқилобий руҳни юқтириб, «сиёсий онги ўсиб» қайтганлигига кўпроқ ургу берилди. Лекин мардикорлик азобларини бошдан кечирган минглаб кишиларнинг бари пировардида биргина йўлни – социалистик инқилоб, синфий кураш йўлини танлаганига ишониш қийин. Шу ўринда Андижондан мардикорликка олингандарнинг кейинги тақдири қандай кечган деган савол тугилиши табиийдир. Шу жиҳатдан ушбу масаланинг маҳсус ўрганилиши тарихимиздаги «оқ дод»лардан бирини бартараф этишга имкон беради.

Ҳозирча Андижон шаҳридан мардикорликка олинган 1000 нафар юртдошлардан фақат айримларининггина кейинги тақдири ҳақида маълумотга эгамиз. Бироқ шунинг ўзи ҳам уларнинг ҳаёт йўли турлича бўлганини кўрсатади.

Улардан бири рўйхатда 566-рақам билан қайд этилиб, шаҳарнинг Оқёр гузаридан мардикорликка сафарбар этилган 31 ёшли Худойберди Қорабоевдир. Мардикорликда ўнбоши қилиб тайинланган X.Қорабоев мардикорлик мавзусида ёзилган ва халқимиз орасида машҳур қўшиққа айланган «Дўнглагим» шеъри муаллифидир:

*Поездингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги.
Двинскага кетди Андижонни
Мард йигитининг бир бўлаги.
Двинскага кетмас эди
Мард йигитининг бир бўлаги,
Двинскага кеткизворган
Николай золим замбараги.
Двинскага йўл бўлсин,
Қарагайзоринг қул бўлсин.
Йигитларни қийнаган*

*Николайнг йўқ бўлсин.
Бизни тўққиз ой ишлатди
Сизрань деган ўрмонда.
Кетолмаймиз Андижон,
Бир чаҳа йўқ кармонда.
Сўк ошингни ичмайман,
Ўтигимни ечмайман.
Корда қарагай кессанман,
Хеч ҳаққимдан кечмайман.*

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда эълон қилинган айрим тарихий асарларда¹⁴ бу шеър халқ оғзаки ижоди маҳсули деб, ҳатто матни бир оз ўзгартирилган тарзда берилмоқда. Жумладан, X.Зиеёв асарида «Поезднинг гилдирағи, Устахонаси билан дўнгалаги, Двинскага кетишидди Мард йигитнинг бир бўлаги» шаклида, «Ватан тарихи» китобида эса «Поезднинг жилдирган ўтхонаси билан дўнгалаги, Двинскага кетишидди Мард йигитнинг бир бўлаги» шаклида келтирилган. Ҳолбуки, ҳозирда пойтактдаги «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи залларида янграб турувчи «Дўнгалагим» ашуласининг матни ҳам X.Қорабоев матни билан бир хил:

*Поездингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги.
Двинскага кетди Андижонни
Мард йигитининг бир бўлаги...*

Аслида, шеър муаллифи X.Қорабоев деяишга асос етарли. Чунки халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам алоҳида кишилар, халқнинг истеъододли вакиллари томонидан яратилади, кейин оғиздан оғизга ўтиб юради. X.Қорабоевда шоирлик иқтидори бўлгани шубҳасиз: унинг қариндоши Одилжон Эгамбердиевнинг саъй-ҳаракати билан 1980 йилдаFaafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Худойберди шоирнинг «Мен қушимни гозга солсам» номли шеърий тўплами чоп этилган.

Мардикорликдан қайтган Худойберди Қорабоев ижтимоий ҳаётда фаол бўлган, шеър ва газаллар ёзиб турган; минглаб алданганлар қатори совет ҳокимиятига ишо-

¹⁴ Зиёев X. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.7. 10, 11, 14.



ниб, уни миллий истиқлолчилардан ҳимоя қилишга уринган, 1919 йилда ўзи тугилиб ўғсан Оқёр қишлоғида бўлган тўқнашувда вафот этган.

Андижон шаҳридан сафарбар қилинган минг нафар мардикорнинг мингбошиси Мулла Содиқ Мулла Орипов жадидчилик йўлидан бориб, Андижоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ибратли ишлар қилганлиги маълум бўлди. Архив ҳужжатларига мурожаат қиласиз.

1917 йил 14 июнда Андижон Эски шаҳаридаги Олимжон ҳожи заводида мардикорчиликдан қайтиб келган мусулмон ишчилардан 900 га яқин киши қатнашган митинг бўлди. Унда жамоат хавфсизлиги комитети раиси Сумароков, милиция бошлиги Ситин ва айрим ташкилотлар вакиллари қатнашади. Йигин бир овоздан 15 кишидан иборат мусулмон ишчи депутатлари советини сайлайди. Унинг таркиби мусулмонлардан 13 киши ва европалик – руслардан 2 киши киради.

15 июнда мусулмон ишчи депутатлари советининг йигилиши бўлиб, унда Масодиқ Мулла Орипов советнинг раиси, Ақбарили Ўразалиев ва Султонбек Тўхтабеков раис ўринбосарлари, Мулла Абдураҳмон Алимқулов котиб, Муҳаммаджон Тожибоев ёрдамчи этиб сайланди.¹⁵

1918 йилдан КПСС аъзоси Мухтор Олимов ўз хотираларида Андижондаги сиёсий воқеалар жараёнига тўхталиб, Содиқжон Орипов ҳақида замон мафкурасидан келиб чиқиб салбий фикр билдирган. Жумладан, у Содиқжон Ориповнинг маҳаллий аҳолини, зиёлиларни совет ҳокимиятига яқинлаштирмаслик, унга қарши норозилик тутдириш билан машгул бўлгани, Андижонда ташкил топган «Турон» ташкилотининг раҳбарларидан бири, мусулмон депутатлари советининг раиси бўлганини қайд қиласи. Уни чор ҳукуматининг хизматчиси бўлганликда айблаб, коммунистларга, уларнинг Эски шаҳар ташкилотига қарши турли шаклда кураш олиб борганини ҳам эслатиб ўтади.¹⁶ Марди-



Мухтор Олимов

корларнинг азоб-уқубатини бошидан кечириб, Андижонга қайтиб келиб она шаҳрида истиқлол учун кураш олиб бораётган бир пайтда, 37 ёшида Содиқжон Орипов большевиклар кўлида ҳалок бўлади.

Андижонга қайтиб келган мардикорларнинг кейинги тақдири турлича кечган: айримлари большевиклар сафида совет тузуми учун курашган, бошқа бир қисми миллий озодлик урушларида қатнашган. Миллий озодлик уруши тегирмонидан омон қолганларнинг бир қисми ер-сув ислоҳоти, коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун даврларида, бошқа бир қисми 1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор»да қатагон тигига учраганлар. Яъни улар на чор ҳукумати, на совет ҳукумати даврида рўшнолик кўрди, аксинча, ҳар икки тузумдан жабру жафо тортиди. Шу боис мардикорларнинг кейинги тақдири, қисматини ўрганиш, умумлаштириш Андижон фарзандларининг чор Россияси ва совет мустамлакачилиги давридаги ҳалқ манфаати йўлида, мустақиллик учун фавқулодда оғир шароитда кураш олиб борганиларини англаш ва муносиб қадрлашга имкон беради. Хуллас, юқоридағи каби қизиқарли тарихий воқеани бугунги кун нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиш зарурати аллақачон етилгандир.¹⁷

¹⁵ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.1. Сб. документов. – Ташкент: АН УзССР, 1963. – С.149.

¹⁶ Воспоминания участников гражданской войны Андижанской области. Выпуск 1. – Андижан. 1957. – С.45.



9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

«ФРОНТ ҲАҚИҚАТИ» САҲИФАЛАРИДА ЖАНГЛАР ТАФСИЛОТИ

Рустамбек Шамсутдинов, Ахрорбек Отаконов



Бу газета иккинчи Белоруссия фронтида Ўрта Осиё ва Қозогистон, жумладан, Ўзбекистондан ҳарбий хизматга олинган ўзбек жангчиларининг жанговар фаолияти, ҳаёти, Ўзбекистон меҳнаткашларининг галаба йўлида олиб борган фидокорона меҳнатини ўз саҳифаларида акс эттириб, жангчиларга руҳий мадад, илҳом бериш, уларни ватан-парварлик, жанговарлик руҳида тарбиялашдек жуда катта ижтимоий-сиёсий, мафкуравий вазифани шараф билан бажарган. Газетанинг масъул муҳаррири Т.Миронов, муҳаррир ўринбосари Ш.Бўлатов эди. Газета манзили «Полевая почта 02961 А» бўлган.

Газетанинг 1944 йил май – ноябрь ойларидаги 33 – 44-, 46 – 47-, 49 – 54-, 56 – 59-, 63-, 65 – 71-, 73 – 82-, 86-, 1945 йил июль – декабрь ойларидаги 49 – 66-, 45 – 96-сонлари сақлашиб қолган. Газетада эълон қилинган хилма-хил материаллар Ўзбекистон халқининг фашизм ва япон милитаризмига қарши олиб борган мардонавор курашидан ҳикоя қиласи.

1944 йил 3 май сонида газета олий бош қўмандоннинг 1944 йил 1 майдаги буйруги-

ни чоп этган. Буйруқда қизил аскарлар ва қизил флотчиларга мурожаат этилиб, сержантлар, офицерлар ва генераллар, партизан ва партизанкалар, Совет Иттилоғи меҳнаткашлари, вақтинча немис золимлари асорати остига тушиб қолган ва Германияга фашист каторгасига зўрлик билан ҳайдаб олиб кетилган ога-ини ва опа-сингиллар 1 май байрами билан табрикланган. Байрам муносабати билан **Адҳам Ҳамдамнинг «Май қўшиғи»** шеъри чоп этилган:

Олам-олам қувончи бор дилимни,
Кўкка қанот ёзган буюк элимни,
Ғалабага ҳамоҳангдор тилимни
Сайратаман, жангда голиб май келди,
Ёвни қувиб баҳор, қуёш, ой келди.

Қалқон кийдик пўлатлардан – брондан,
Биз қўрқмаймиз ўт-олов ҳам бўрондан,
Бахтномамиз тугилгандир зўр шондан,
Тумтарақай қилиб ёвни май келди,
Гуллар очиб баҳор, қуёш, ой келди.

Москвамиз салют берар жаҳонга,
Ўралгуси гул ўлкамиз зўр шонга,

*Галабалар ором берар ҳар жонга,
Байрам келди, голиб келди, май келди,
Ёвни янчиб кулган күёш, ой келди.*

Газетанинг шу сонида ўзбек жангчиларидан қизил аскар Хожааҳмад Солиевнинг «Немисларга омон бермайман», Ю.Якубовнинг «Қуролимга иснод келтирмайман», Даврон Шариповнинг «Душман яксон қилинади», медалли сержант Назар Жабборовнинг «Командир бўлдим», сержант Исмоилжон Маматхоновнинг «Фердинанд»га қарши», қизил аскар Эргаш Валиевнинг «Разведқада», старший лейтенант Б.Тажировнинг «Снайпер Алиханов ва унинг шогирдлари» мақолалари берилган.

Младший сержант А.Ҳамдамовнинг «Ўзбек музика ансамбли» номли хабарида офицер Солодольников қисмида сержант Абдураҳмонов бошчилигига 20 қишилик ўзбек музика ансамбли жангчиларга яхши хизмат кўрсатаётгани, ансамблнинг дастури ҳарбий мавзудаги ашула ва рақслар билан бойитилгани, ансамблъ яқинда қисм жангчилари учун катта концертбергани, ансамблнинг хор групки «Олга бос» (ўзбекча), «Запасной полк» (русча) каби ашулаларни жуда яхши ижро этгани, рақсли, медалли сержант Абдуллаев «Танкист», «Усмония», «Дилхирож» ўйинларини, сержант Қодиров фронт ўйини – «Қуролни сев»ни моҳирлик билан бажаргандар, сержант Исмоилжон Ваҳобов ижросидаги «Армиядан келганлар» ва «Отга миндим» деган кишини руҳлантирувчи ашулалар томошибинларда катта таъсир қолдиргани, ансамблъ қатнашчилари яқинда бўлиб ўтган бадиий ҳаваскорларнинг қўшилма кўригига биринчиликни олгани айтилади.

Газетанинг 6 май сонида «Немис-фашист босқинчиларнинг ёвузиликлари ни аниқлаш ва текшириш бўйича ФАВ-ҚУЛОДДА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИННИНГ АХБОРОТИ»да гитлерчиларнинг тепкили терлама юқумли касалини қасддан совет қишиларига юқтириш орқали тинч аҳолини қириш билан шугулланганлиги фош этилгани, фавқулодда давлат комиссияси

аъзоси академик И.П.Трайнин ва суд-медицина эксперт комиссияси билан қўшимча текшириш ўтказганликлари ҳақида ахборот берилган. Солонове қишлоқлик О.А.Шептунованинг мана бу фикри келтирилган: «Немислар бизнинг қишлоқдаги ҳамма аҳолини Воротинъ қишилогига ҳайдаб олиб бордилар, бу қишлоқда тепкили терлама билан оғриган одамлар кўп эди. Сўнгра Воротинъ қишилогининг ҳамма аҳолисини касаллар билан биргаликда Озаричи қишлоқ районида бўлган концентрацион лагерга юбордилар».

Газетанинг 9 май сонидаги «Галабамизниң жанговар программаси» мақоласида мана бу сатрлар ёзилган: «Ҳозир ўзбек ҳалқининг ўз бағрида ўстириб балогатга етказган ва душмандан қасос олишга йўллаган жангчи фарзандлари рус, украин, белорус ва мамлакатимизнинг бошқа ҳалқ жангчилари билан қўлма-қўл бўлиб она ватанимизни душмандан тозалаш учун баҳодирларча жанг қилмоқдалар. Фронтилизнинг илгор жангчиларидан бири бўлган, III даражали «Шуҳрат» ордени ва «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланган сержант Исмоилжон Маматхонов танкка қарши тўпи билан бир жангда немисларнинг бир танкини, ўзиюрар «Фердинанд» тўпини, автомашинасини яксон қилди. III даражали «Шуҳрат» ордени ва иккита «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган аълочи разведкачи оддий аскар Эргаш Валиевнинг ҳисобида тутиб келтирилган 7 «тил» ва ўлдирилган 6 немис бор. Жангда маҳорат кўрсатаётган ўзбек жангчилари ҳақидаги бундай мисоллар кўп. Ҳар бир жангчи худди шулардек жанг қилиши керак.

Бизнинг ҳалқимиз ўз жангчиларига: «Одамгарчилигинг сен ўлдириган немисларнинг сони билан ўлчанади, чунки немисни ўлдириши улуғ савоб. Биронта фашистни ўлдиримаган аскар жангчи эмас, номарддор», – деб наказ берган эди. Бу наказни бажарии мұқаддас бурчимиздир.

Ўзбек жангчилари! Немис ииртқичларни янада қаттиқроқ урингиз, қардош ҳалқлар ўртасида илгор баҳодирлардан бўлингиз!»



Гвардиячи сержант А.Мадиёров «Ишончли қурол» номли хабарида кўлида фашист танкларига даҳшат соладиган қудратли қурол – танкка қарши милтиқ борлиги, у қуроли билан бир жангда немисларнинг 2 танкини яксон қилганини эсга олган. Унда эрталаб тонг маҳалида немисларнинг икки ротача аскари танклар ёрдами билан қарши хужумга ўтгани, А.Мадиёров эса душман танклари келиши эҳтимол тутилган жойда ўзига ўт очиш позицияларини танлаб олгани ва бу позицияларни пухта ниқоблаб, ундан ўт очиш масофаларини олдиндан белгилаб қўйгани, немис танклари бостириб келаётганида танкка отадиган милтиғидан олдинда келаётган немис танкига ўт очгани, биринчи ўқи танк минорига бориб теккани, аммо танк келишда давом этгани, у моторига мўлжаллаб яна отганида танк тўхтаб қолгани, танкнинг экипажи чиқиб қоча бошлагани, Мадиёров милтиғини ишга солиб улардан иккитасини отиб ўлдиргани, кўп ўтмай яна немис танки пайдо бўлгани, бензин бакини мўлжалга олиб, танк 180 – 200 метр масофага келганда милтиғининг тепкисини босгани, немис танки гулхандек ёниб кетгани, миномётлар, танкка қарши тўп ва милтиқлардан очган ўтларига бардош беролмаган душман чекинишга мажбур бўлгани кўрсатилган.

Гвардиячи старший сержант орденли Х.Султонмуродов «Ўн олтинчи «тил» мақоласида разведкачи бўлганидан бери душман томонига ўтиб 16 немисни тутиб келтиргани, командири унинг отделениясига «тил» тутиб келишни топширгани, бу жуда масъулиятли топшириқ экани, тун қоронгусида тепалик ёнидаги чуқурлиқдан душман томонга қараб кетгани, душман траншеяларидан икки юз қадам ичкаридан чиқиб, немислар сув оладиган булоқ ёнида пистирма қуриб ётилгани, кўп ўтмасдан пақир кўтарган бир немис солдатининг келаётгани кўрингани, у энди сув олиш учун энгашганида унга ташланиб ҳиқилдоғидан маҳкам бўғиб оғзига латта тиққани, немис қутурган итга ўхшаб хириллай бошлагани, шу атрофда

юрган немис қоровули бу шарпани сезиб у томонга қараб юриб кела бошлагани, шу ҳолатда ўзини яшириб олгани, немис солдати пистирма ёнидан ўтиб 3-4 қадам босгани, сержант Козлов билан уни ҳам ушлаб олгани ва бу «тил»лар муҳим маълумот берганларини ёзган.

Қизил аскар Суяр Шариповнинг «Ҳисобим тўққизга етди» деган хабарномасида шундай дейилган: «Бир жангда командирим немис батареясининг кузатувчисини йўқ қилишини буюрди.

Жойлашган еримизда дараҳтлар сероб эди. Мен бир катта қайрагочнинг устига чиқиб, бутоқлар орасида жойлашдим ва яхшилаб ниқобланиб олдим, мени душман эмас, ўзимизни килар ҳам кўрмас эдилар.

Мен анча вақтлар душманнинг ўт очиш нуқталарини синчиклаб қўздан кечирдим, ниҳоят, душман кузатувчисини топиб олдим. У ёғоч тепасига маҳсус уя ясаджойлашган экан. Дарров нишонга олдим. Икки ўқи билан уни ўлдирдим.

Вазифамни бажариб тушай деганда душман снайперининг ўтган еридан туриб бошка жойга кўчаётганини пайқаб қолдим. Биринчи ўқим унинг жонини жаҳаннамга узотди.

Ҳозир меним ҳисобим тўққизга етди. Олар кимни кимни кимни кимни кимни ба-

ОЛҒА ДЎСТИМ, ҲАМОН ОЛҒА ЮР!

Салом сенга оташин юрак,
Falabaniнг жагарбанд ёди.
Салом сенга покази талак,
Олломишининг улмас авлода.

Мағрур туриб ҳужум жангада,
„Фердинанд“ни айладинг яксон.
Falabaniнг хуррам тонгига,
Кўкрагингга тақилда нашон.

Сен ҳужумга отланганнингда,
Разил фриц қўрқар, қалтирас.
Атакага ташланганнингда,
Пешанганда юлоуз ялтирас.

Душман чиқиб қочар дзотдан,
„Урра..!“ десанг тинглайди жаҳон.
Сен отган ўқ, сен очган ўтдан,
Ев қирилар, ором олар жон.

жарыб, немис-фашист итваччаларни қириб ҳисобимни янада оширажакман».

Ушбу сонда «Кузги арпа ўриш бошланди» хабарида мана бу сатрлар битилган: «Самарқанд обласгининг Зомин районида ўтган йилга қараганда бир ой илгари кузги арпа ўрим-йигими бошланди. Йигимни



Гвардиячи сержант Исмоилжон Маматхонов.
А.Штирин фотоси

биринчи бўлиб Калинин номидаги қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари бошлидилар. Яқинда «Қизил чорвадор» совхози, шунингдек, районнинг бошиқа колхозлари ҳам йигимни бошлидилар».

12 май сонида Адҳам Ҳамдамнинг мана бу шеъри босилган.

Адҳам Ҳамдамнинг «Донгдор йигит» номли очерки гвардиячи сержант Исмоилжон Маматхоновнинг жанговар фаолиятига багишланган. Эндиғина 19 ёшга тўлган Исмоилжон III даражали «Шухрат» ордени, «Жанговар хизматлари учун» медали, «Аълочи артиллерист» ва гвардиячи значоклари билан тақдирланган.

Бир неча соатга чўзилган шиддатли жангдан кейин унинг қисми душманни «З»

қишилогидан суреб чиқарип, қулай маррани эгаллаган. Қуёш ботиб қоронгилик тушганида куни бўйи гумбурлаган тўпларнинг саломлари тинган. Жангчилар янги маррада янада мустаҳкамланиб олганлар.

Танкка қарши тўп расчёти командири сержант Барабов ўз тўпини янги позицияга жойлаштириб дам олишга ижозат берган.

Рус йигити солдат Барабов билан жуда қалин дўстлиги туфайли ўзбек йигити Исмоилжон рус тилини яхши ўзлаштирган. Мақоладан кичик парча келтирамиз: «Тонг палласи... Яна ҳужум бошланди. Исмоилжон ўт очиши пайтини сабрсизлик билан кутмоқда. Сержант Барабов узоқдан келаётган тўртта «Фердинанд»ни унга кўрсатиб:

– Исмоилжон, кўряпсанми? Шу олдиндан келаётган «Фердинанд»ни мўлжалга ол, – деди.

«Фердинанд» сал бурилиши билан Барабовнинг:

– Мўлжалловчи Маматхонов, душман замбарагига қарши, прицель 8, броня тешувчи снаряд билан ўт оч! – деган командаси эшишилди.

Исмоилжон шошилмасдан мўлжални тўғрилади ва ўқ узди. Биринчи снаряд «Фердинанд»ни ёндириб юборди, қолган «Фердинанд»лар эса орқага қайтарилдилар.

– Эҳ... Аблаҳ, қочди-я, – деб гижиниб кўйди Исмоилжон, кўп ўтмай душманнинг бир танк ва битта машинаси расчёт жойлашган томонга қараб кела бошлиди. «Мехмон»лар яхшилаб кутиб олинди. Исмоилжоннинг тўғри нишонга олиши билан олдин танк, сўнгра машина яксон қилинди».

Эътиборли томони, унинг ҳарбий жасорати газетанинг 23 май сонида ҳам ёритилган. «Жонажон Белоруссияни озод этамиз» руҳни остида «Исмоилжон Маматхонов мардлиги биз учун намуна» номли катта мақола Б.Шарипов имзоси билан берилган.

Қизил аскар А.Абдураҳмоновнинг «Оддий аскар ва сержантлар учун дам олиш уйи» номли мақоласи ҳам газетадан ўрин олган.

Газетанинг 16 май сонида «Фидокорлик»,



«Менинг агитаторлик ишим» мақолалари берилган. Уларни айнан көлтирамиз.

Фидокорлик

Телефон сими узилиб, команда пункти билан алоқа түхтаб қолди. Дарҳол алоқани тиклаш керак, аммо душман түхтовсиз ўтиб турғанлигидан бошни күтариш қишин әди. Бу вақтда алоқачи қизил аскар ўртоқ Охунов ажайиб фидокорлик күрсатди.

У душман ўти остида сим узилган ерга әмаклаб борди ва симни боялаб алоқани тиклади. Шу вақт Охуновнинг кўзи нарида ярадор ётган бир қизил аскарга тушди. Кўрқув нималигини билмайдиган бу ботир йигит ўз жанговар ўрготини ўти остидан олиб чиқди.

Кўмондонлик Охуновнинг бу хизматига катта баҳо берди ва уни «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлади.

Л.Герасимов

«Фронт ҳақиқати»нинг 1944 йил 19 май (№38) сонида гвардиячи сержант Э.Ҳакимовнинг **«Ўлжак қуролдан отиб...»**, қизил аскар Жамол Камоловнинг **«Ўз командиримга ёрдам бердим»**, қизил аскар С.Қодировнинг **«Немисни ўлдирдим»**, медали қизил аскар Ж.Шариповнинг **«Пулемёт – севган қуролим»** мақолалари босилган. Уларда жангларда эришилган галабалар, жанглар тафсилотлари далиллар асосида кўрсатилган. Шу газетада медицина хизмати капитани Абдухалил Алиевнинг кўмондонлик томонидан тақдирланганлиги ҳақида мана бу маълумот көлтирилган.

В.Кудрявцевнинг **«Госпиталда концерт»** номли мақоласида қўйидагилар берилган: «Сиёсий ишлар бўйича бошлиқ ўринbosари майор ўртоқ Соколов бўлган госпиталда ярадорлар ўртасида маданий-оммавий ишлар яхши йўлга қўйилган.

Яқинда госпиталнинг бўлимларидан бирда ярадор ўзбек, туркман, қозоқ ва тожик жангчиларидан иборат ҳаваскорлар тўгарагининг концерти уюштирилди... Қизил аскар Иброҳимов ўзбек, қирғиз ва қозоқ тилларида бир неча ҳалқ лапарларини ва ашулалинни муваффақиятли ижро этди. Қизил

ШИФОКОР

Қизил жандоқ шафетида мала-ши Абдуллаев бўлди. Ҳам-шара уни Ҷанги шаблонларни олиб чиқиб баранча бўлди мур-сатди.

Абдуллаев генерал-майорга кетмиш-са раза бўлдила. У дар-бардор бўлса ўзин, дужуп ҳаммадиган ўз фронтодан амфалуси мебало-ди. Медицина изовната нала-тана Абдуллаев Альфа жанг-сар фўтумада дигистанини даволада бошиди. Тоз кун ачада велланган Абдуллаев ўзин шифокори үзламида тузади ани-сағи: фойто.

Адаби 1941 йилда Самаруанд шафетина овистигутини оғизам мад, иштиреке расимда фронт-да жалди. Йи арағ ташрабада ярас бўлди. У фозирсангнирава бўлшиматини оғизамни вира-дланг бўлдишини Болгарод ос-толаларлаб. Нитоба ўртомада, Дон бардорса бўлларлаб муз-лаб жалди ва козандидарларни газтанин сардид ўзди. Қўйондонлик медицина газ-мата капитани қониучист Аб-дуллаев Алиевна Қизил Юлдуз ордени, «Жонсовор ҳизматчали-рунн» медали блан мукофот лади.

А. Шитран фотоси.



аскар Южонов ўзбек ҳалқ рақсини моҳирлик билан ижро этди.

Концерт шунчалик муваффақиятли ўтдики, ҳаваскор тўгарак қатнашчилари ҳар сафар томошибинлар томонидан олқишила-ниб турди ва госпиталнинг бошқа бўлимла-рида ҳам концерт қўйишга тақлиф қилинди».

«Фронт ҳақиқати»нинг 23 май сони бош мақоласи **«Ботирлик – жангчининг ҳусни»** деб аталган. «Немис-фашист босқинчи-ларга қарши уч йилдан бери давом этётган улуг ватан урушининг бутун даври қизил армиямизнинг тарихда мисли кўрилмаган буюк галабалари билан тўла.

Бу галабаларга эришишининг сабаблари нима? Қизил армия жангчилари ва коман-дирларининг ажайиб маҳорати, баланд маъ-навий руҳи, қаҳрамонлиги, ботирлиги ва фи-докорлигиdir.

Ботирлик, мардлик, фидокорлик жанг-чининг ҳуснидирип. Қизил армия жангчиси ҳар қандай қаршиликни толқон қиласди. Бизда ботир жангчиларнинг афсонавий қаҳрамон-ликлари тўгрисида минглаб мисоллар бор. Буюк рус ҳалқи ва бошқа қардошларимиз билан елкама-елка туриб жонажон ватан-нимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун немис-фашист босқинчиларга қарши кура-шаётган ўзбек ҳалқининг содиқ фарзанд-



Гвардиячи сержант Эргаш ҲАКИМОВ.
В. Шаровский фотооси.

лари Аҳмаджон Шукуров, Камол Пўлатов, Тўхтасин Бобоев каби ботирлар етишидики, бутун совет халқи бу азаматларнинг кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари билан фахрланадилар.

Фронтимизнинг ёш жангчиларидан бири, гвардиячи сержант Эргаш Ҳакимов душманга қарши курашда ботирлик, шижоат ва жасурлик намуналарини кўрсатмоқда. У немислар билан бўлган бир жангда 6 гитлерчини найза билан саншиб ўлдириди, бир кўл пулемётини ўлжга олди. Ҳакимов жанговар соқчиликда турганида мудофаамизнинг олдинги маррасига ёриб киришига уринган 50 тача немисга қарши якка ўзи қўл пулемёти билан жанг қилиб, уларни орқага улоқтириб ташлади.

Жасур пулемётчи Шамаджон Исаев ярадор бўлса ҳам, жангда ўз ўрнини ташлаб кетмади. У ўз ярасини боғлаб, гитлерчиларга қарши жанг қилишида давом этди ва немисларнинг икки қарши атакасини қайтарди.

Ўзбек халқининг ботир ўғиларидан яна бири Жумаалиев душман танкларига қарши моҳирона курашмоқда. Жумаалиев жанглардан бирида ёндиригич шиша билан немисларнинг бир танкини ёндириб юборди.

Бутун ўзбек халқи, бутун совет халқи ўзининг шундай мардлик кўрсатаётган жасур фарзандларига бир оғиздан: «Баракалла!» – дейди.

Ўзбек жангчиси! Ота-боболарингнинг ботирлик, қаҳрамонлик анъаналарига иснод келтирма! Эргаш Ҳакимов, Шамаджон Исаев ва Жумаалиев каби баҳодирлардан намуна олиб жанг қил!»

«Шундай жанг қилки, номинг тилларда достон бўлсин! Офарин сизга, ўзбек халқининг ботир ўғиллари Эргаш Ҳакимов, Шамаджон Исаев» рукни остида «Эргашнинг эрлиги» мақоласи берилган. «Амударёда юк ташувчи «Микоян» пароходининг ёш матросларидан бири Эргаш Ҳакимов 1940 йилда қизил армия сафига чақирилди. Дарёда суза бериб офтобдан юзлари қорайган, пароходнинг лангарларини кўтариб юриб мускуллари куч олган Эргаш ватан урушининг биринчи кунларидан немисларга қарши жанг қилмоқда.

Сиз Амударёдек жўшқин ва тажсанг дарёда сузиш учун камида қандай юрак, сабот ва моҳирлик кераклигини кўз олдингизга келтиринг ва бундай кишиларнинг жанг майдонида қандай жавлон кўрсатишларини ҳам ўйлаб кўринг. Эргаш фашистларга қарши ўндан ортиқ ҳужум жангларидан қатнашиди. Буларнинг ҳаммасида ҳам эпчиллик, жасорат ва мардлик намунасини кўрсатди.

... Немислар жангчиларимиз эгаллаб олган аҳоли яшайдиган муҳим пунктни қайтадан қўлга олиш учун бир ротадан ортиқ солдатини жангга ташлади. Аҳоли пунктининг этакларидан ўзларига қулай позициялар танлаб олган жангчиларимиз мерганларча узган ўқлари билан немис солдатларини қира бошлади. Немислар тўзгиб кетди. Автомат, милтиқ ва пулемётларнинг ўқлари ҳуштак чолиб ўтарди. Жанг гоят шиддатли тус олиб, қизиб кетди. Жангчиларимизнинг гайрати оша борди. Жангда қизиб кетган қизил аскар Эргаш Ҳакимов ўз ўртоқларини немислар устига ташланишга чақирди. У милтигини маҳкам ушлаган ҳолда:



– Ватан учун олга, дўстлар! – деб қичқирди ва биринчи бўлиб немислар билан найзабозлик жангига киришиди. Ярим соатдан ошиқ давом этган бу жанг жангчиларимизнинг муваффақияти билан тамом бўлди. Шу жангда Ҳакимов б та немисни найза билан саншиб ўлдирди ва битта немис қўл пулемётини ўлжа олди.

... Жангда маҳорат кўрсатган Эргашнинг мартабаси ошиди. Унга сержант унвони берилди. У энди пулемётчи. Немислардан ўлжа олган МГ-34 пулемётини жуда яхши ўрганиб олиб, уни немисларнинг ўзига қарши ишлата бошлиди.

Эргаш Ҳакимов ва унинг ёрдамчиси қизил аскар Юзбоев жанговар соқчиликда турмоқда эди. Немислар бизнинг олдинги мэрраризга ҳамиша тонг палласи вақтида кичик ва катта группаларга бўлинib ҳужум қилишига одатланганлигидан бундай вақтда, айниқса, ҳушёр бўлиш керак. Ҳар икки азамат ўтирип нурли кўзлари билан атроф-теваракни кузатиб турмоқдалар. Уларнинг ҳаракати гўё юксак тог чўққиларидан туриб ўз овини кузатаётган починга ўхшар эди.

Тонг отмоқда... уйқусизликдан ўзларини оғир ҳис қилаётган азаматлар йигитликка хос чидам билан бу оғирликни енгигиб, бутун диққати билан кузатишни давом эттиromoқдалар... Мана, Эргаш 50 тача немиснинг олдинги мэррага томон эмаклаб келаётганини кўриб қолди. У ўлжа пулемётини ушлаб, немисларни мўлжалга олган ҳолда ўз ёрдамчиси Юзбоевга ўқларни тайёр ҳолга келтиришини буюрди. Немислар 200 метрга яқин келганларида Эргаш уларга қараб қисқа навбат билан отди, немислар ерга ётиб олдилар. Бир оздан кейин гитлерчилар яна эмаклаб кела бошлидилар. Бу сафар уларни 60 – 70 метргача яқин келтириб: «Қаеринг қичийди, абллаҳлар?!» – деб пулемётидан узлуксиз ўт очди. Ўнлаб немислар қонларига бўялган ҳолда тупроққа беланиб қолди.

Ўзларига қаратиб отилаётган немис пулемётидан газабга келган фрицлар Эргаш Ҳакимов ўрнашган ўт позициясига қараб

қаттиқ ўт очдилар. Булар дарҳол ўз позицияларини ўзгартириб, яна бир марта ўт очдилар. Душман солдатлари Эргаш Ҳакимов бераётган зарбага чидаёлмай орқасига чекинишга мажбур бўлдилар.

Яқинда қўмондонлик гвардиячи сержант Эргаш Ҳакимовнинг қаҳрамонона хизматларини тақдирлаб, уни «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлади. Чоржўй облатининг Фароб районидаги Ворошилов номли колхознинг аъзоси Новрўз опа Худойқулиева ватан учун Эргашдек қаҳрамон етишириб бергани билан фахрланишига ҳақли.

Младший лейтенант
О.Авезмурадов

Қизил аскар Е.Куликовнинг «Жасур пулемётчи» номли мақоласи ҳам диққатта сазовор. Уни айнан келтирамиз: «Ўзбек йигити Шамаджон Исаев тажрибали, кўпни кўрган жангчи. У кўп мартабалар қизгин жангларда қатнашган. Голиблик эса унинг йўлдоши бўлган.

Қизгин жанг бормоқда эди. Исаев ва унинг ёрдамчисига ўз қўл пулемёти билан қарши атакага ўтган душманга қарши жанг қилаётган ўқчи взводга ёрдам берииш вазифаси топширилди.

Гитлерчилар артиллерия тайёрлаганидан кейин бизнинг позицияларимизга қараб кела бошлидилар. Уларнинг цеплари борган сари яқинлашар эди, бироқ Исаевнинг пулемётчи ҳали ҳам жим турмоқда.

Душман 80 метрга яқин келганда Исаевнинг пулемётни тилга кирди. Исаев пулемётдан тўхтovсиз ўт очиб турди. Фашистларнинг цепларида саросималик бошланди. Улар орқага чекина бошлидилар. Жасур пулемётчи ярадор бўлди. У дарҳол ўз ярасини боғлаб олди ва яна қарши атакага ўтган гитлерчиларга қарши совуқлонлик билан пулемётдан ўт оча бошлиди ва уларнинг бу сафарги қарши атакасини ҳам пучга чиқарди.

Шу жангда кўрсатган мардлиги учун ўзбек халқининг баҳодир ўғли Шамаджон Исаев «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланди».

ВАТАН

ҚАҲРАМОНЛАРИ

Одилжон Абдуқаҳоров, Беҳзодбек Қаҳхоров,
АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси
магистрантлари



Биринчи Украина фронтида ўзбек тилида «Ватан шарафи учун» номли газета 1944 – 1945 йилларда чиқиб турган. Унинг 1944 йил январь – декабрь, 1945 йил январь – декабрь ойларидағи сонлари – 1944 №2 (192) – 8, 13 – 15, 17 – 18, 20, 22, 25, 32, 34, 36 – 45, 50, 52 – 60, 71, 73, 76 – 77, 79 – 81, 85 – 97 (285), 1945 №1(286) – 19, 21 – 66, 68 – 70 (355) сақтаниб қолганлиги маълум бўлди. Газета таҳририяти С.И.Жуков, Тўланган Соатов, Зиё Аминов, Зиннат Фатхуллин, Фотиҳ Ёқубовдан иборат бўлган. Ўринбой Ёқубов 1917 йил Хўжанд вилояти (ҳозирги Сўғд вилояти) Яхтан қишлоғида тугилган, ўзбек, 1939 йили татаға район ҳарбий комиссариати томонидан армияга чақирилган, сержант, 248-ўқчи полки, 248-миномётчи ротаси командири, «Қизил юлдуз» ордени, «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланган. Харьков обlastida душман мудофаасини ёриб ўтиш вақтида, 1943 йил 26 августанда 20 га яқин немис аскар ва зобитларини ўлдирган. 1944 йил 22 февралда Днепрни кечиб ўтишда қўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони билан тақдирланган.



Ўратепа район ҳарбий комиссариати томонидан армияга чақирилган, сержант, 248-ўқчи полки, 248-миномётчи ротаси командири, «Қизил юлдуз» ордени, «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланган. Харьков обlastida душман мудофаасини ёриб ўтиш вақтида, 1943 йил 26 августанда 20 га яқин немис аскар ва зобитларини ўлдирган. 1944 йил 22 февралда Днепрни кечиб ўтишда қўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони билан тақдирланган.

Унинг ҳарбий жасоратлари ҳақида «Ватан шарафи учун» газетасининг 1945 йил 14 январь сонида газета таҳририяти аъзоси Зиннат Фатхуллининг¹ «Шуҳрат тожи кийган йигит» номли очерки берилган. Уни айнан келтирамиз:

Шуҳрат тожи кийган йигит

1. Туш

Ҳарбий кийим кийган савлатли ёш йигит вагондан чиқиб вокзал тўла одамлар орасидан танишларини кўриш мақсадида кўз югуртира бошлиди. Ўнларча қадрдонлар, дўстлар азиз меҳмонни қувонч билан қарши олиб ўз қишилоқларига олиб кетдилар.

Күёшнинг ҳарорати баланд, кун жуда қизиб кетган эди. Дўстлар толлар ва теракларнинг қуюқ кўланкасида борарканлар, кўм-кўк ва бўлимли пахтазорларга имлаб фахрланардилар. Мевасининг кўплигидан шохлари эгилган шоптоли ва олмалар, нок ва беҳилар гўё салом бераётгандай бошларини хам қилиб турар эдилар. Ўринбек йўл устидаги тепаликка етиши билан узоқда тугシリб

¹ Зиннат Фатхуллин (1903, Нижний Новгород – 1988.1.1. Тошкент) – драматург. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1963). Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1939 – 1945). Унинг қатор асрлари ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган жасоратига бағишлиланган. Mac.., «Сўнмас ҳаёт». «Ой бориб. омон қайт».



ўсган севимли қишлоғини – bogу бўстони, жонажон Яхтонни кўрди. Оддий солдатнинг юраги севинчга тўлди. Ахир у икки йил бу хушҳаво ва ҳаётбахи диёрдан ийроқда бўлган! Шунинг учун Ўринбек кўзларини мумкин қадар янада каттароқ очиб ва тўйиб-тўйиб қўриб олгиси келади.

Мана унинг тугилган даргоҳи. Дарвоза катта очилиб, ундан атлас кўйлак кийган вафодор Анвархон талпиниб чикмоқда. Ойиси билан бирга қуралай кўз ўгилчаси Рақибжон капалакдек чопқилаб келмоқда. Бу севинчлардан Ўринбек маст бўлгандай бўлди, боши айландию беихтиёр кўзини юмди ва бор кучи билан қулочини катта очиб азиз тўтиқушларини бағрига босиша шайланди ва югурмоқчи бўлиб кўзини очди!. Ажабо! Қандай ҳикмат! Нима учундир унинг ёри, ширин фарзанди, уй-жойи ва қишлоғи талай узоқда. Ўринбек талваса билан югурда бошлиди, лекин уларга етиши қаёқда, аксинча, улар тобора ийроқлашмоқда. Ҳудди шу пайтда «тревога!» деган шиддатли овоз эшишилди. Ўринбек кўзини яна каттароқ очди. Бироқ энди ҳеч нарса кўринмас эди. Казармада унинг қуролдош ўртоқлари – жангчилар шошилиб киинмоқда эдилар.

– Мўминжон, – деди у ёнидаги ўртогига қараб ва ҳамон воқеага тушунмай, – нима гап?

– Уруш! – деди газаб тўла овоз билан этигини кияётган дўсти. – Гитлер Германияси мамлакатимиизга бостириб киритти.

Аскарлар сафландилар. Ўринбекнинг юраги тез-тез тена бошлиди. Ҳамон унинг кўз олдида кўркам қишлоғи, мевазорлар, Анвархон ва кўзиҷоги Рақибжон гавдаланар эди. Ўринбек ширин тушдан бирдан катта ташвишга тушиб қолди. Унинг меҳрибонлари таҳлика остида, ватани, баҳт-саодати ҳавф остида. Унинг дилу жони ўртанди, гўё қўксига рақиб ҳанжари ботгандай бўлди. Аъзойи бадани жимирлаб кетди. Бутун вужудида йигитлик ору номуси, қаҳру заб қайнаб кетди.

2. Биринчи жанг

Жанг қиёматдай қизиб, қоп-қора қуюқ тутун тўсди. Ҳавода немис кузгуналари шўнгимоқда. Зенит тўплари тинимсиз отиб турмоқда.

Қардош Украина шаҳри Таганрог аланга ичида. Бу Ўринбек учун биринчи жанг эди.

– Ўринбек, қалай, уруши кўрқинчли бўларканми? – деб сўради расчёт командири Илья Стонякин.

Ўринбек жавоб бермади.

– Нималарни ўйлајбсан? – деб Стонякин тагин сўради.

– Хотиним, ўглим, қишлоғим эсимга тушиб кетди. Мен уларни ўйласам қўрқув нималигини унумтаман.

Ўнг флангдан қисмларимиз орқага чекина бошлидилар, чап томонда, денгизда ҳам шиддатли жанг бошлиниб кетди. Боши устидан снаряд ва миналар чийшилаб ўтмоқда. Расчётнинг ҳамма жангчилари ерга ётиб олган. Ўринбекнинг ёнида ётган Мўминжон ўртогининг қулогига астагина, титроқ овоз билан шивирлади:

– Жуда ваҳима-ку! Немислар бизларни қуршаб олишяпти. Нима қиласиз энди?..

Ўринбек Мўминжонга шундай даҳшат ва эътиroz билан қарадики, Мўминжон бу қарашиб чидаб туролмай, айтган гапига минг пушаймон қилиб ерга қараб қолди.

– Бор, – деди фиғони чиққан Ўринбек Мўминжонга қараб ва қўли билан немислар томонга ишора қилиб, – бориб айт немисга: олсин Таганрогни, Волгагача борсин. Ўролни олсин, пахтазорларингни олсин, анор боғларингда хотининг ва синглинг билан айшу ишрат қилисин, муштипар онангни ҳақоратласин, хўрласин! Сенингча, шундайми? Қани сенда ору номус деган нарса, биродар?!?

Мўминжон ўзини аранг ўнглаб олиб оҳиста бошини кўтарди ва бошини сал чапга буриб, тишини тишига қўйиб қандайдир бир нуқтага қаттиқ тикилиб олган ҳолда Ўринбекка бундай деди:

– Кечир, дўстим. Сўзимни қайтиб олдим. Мендан номардлик чиқмайди. Ишонишингни сўрайман.

«Ўт очилсин!» деган команда берилди. Ўринбек жанг бошлиди. Унинг миномётидан катта йўлда келаётган фрицлар тўла душман машиналари колоннаси устига тўхтовсиз миналар ёзила бошлиди. Биринчи мина машиналарга тегмади. Ўринбек қизиб кетди, кўзларига қон

тўлди, юзлари лоладай қизарди. Душманга қарши нафрат ила тўла юраги ўртанар эди. Иккинчи мина тўғри бир машинага бориб тушиб уни парча-парча қилиб юборди. Ўринбекнинг гайрати тошиб кетди. У кетма-кет мина отаркан: «Мана сенларга, лаънатилар!» – деб қичқирап эди.

Совет миномётчиларининг шиддатли ўтидан деярли бир километрлик йўл немис солдатлари ва машиналарининг мозорига айланди. Уларниг устида пайдо бўлган қуюқ қора турун жуда секинлик билан таралар эди.

3. Бизнинг қўчамизда ҳам байрам бўлади

Қисмларимиз туни бўйи қаттиқ жанглар қилиб Таганрогни ташлаб чиқдилар. Юзлаб тўпларнинг гумбурлашидан энди Ростов ларзага келди. Шаҳар устини уруш тутуни қоплади. Ёнгинлар шуъласи қоронги кечани ёритиб юборди.

Эрталаб яна кучли олишув бошланди. Ўринбек Ёқубов ўз миномёти билан энг муҳим участкадаги бир позицияни ишгол қилди. Бу томонга душман кўп куч ташлаган эди. Совет аскарларининг позициялари артиллерия ва миномётдан қаттиқ ўтга тутилди. Мўминжон ўнг қўлидан яраланган бўлса ҳам, чап қўлини ишга солиб гитлерчилар устига ажал уруги юборишни бўшашибтирмади. Конга ботиб чуқур ичида ётган азамат Стонякин ҳам ҳамон ўз миномётчиларига команда берини давом эттириди. Взвод командири Варшикин ўқ еб Ўринбекнинг оёғи остига келиб ийқилди. «Йигитлар! Менинг қоним учун ўч олинсин!» – деди у. Бу унинг охирги сўzlари эди.

Ўринбек командирининг азиз бошини оҳиста қўтариб тиззасига қўяр экан: «То сўнгги нафасим чиққунча бу газандалардан шафқатсиз ўч оламан», – деди ва:

– Қаҳрамонларча шаҳид бўлган ўртоқларнинг жони учун! – деб ўзига ўзи команда берди.

Яна бир неча ўнлаб миналар гитлерчилар устига томон учди. Аммо душман кутуриб, ўз ўликлари устидан босиб ўтиб яқин келаверди. Ўринбек билан Мўминжон қадрдан жанговар дўстларининг қонлари тўкилган ерни ўтиб,

улар билан охирги марта видолашдилар...

Ўринбек янги дўстлари билан биринчи марта Кавказда учрашиди. Улар ҳали жанг қўрмаган, чекинишидек оғир нарсанинг алам ва изтиробини чекмаган ёш йигитлар эди. Улар хушчақчаклик билан ҳазиллашар, ўйин-кулги қилишарди, ашуалалар айтар эдилар. Лекин буларнинг ҳаммаси Ўринбекка татимас эди. У доим камган, жиiddий қиёфада. Сиймосидан дилида кўп дарду аламлари борлиги, вужудини қаҳру газаб ва душманга нисбатан оташин нафрат қийнаётганилиги баралла кўриниб турар эди. У жанг қилиб ҳам хумордан чиқмаган шердай гоҳо атрофига боқар, гоҳо эса бир нуқтани топиб олиб киприк қоқмасдан узоқ вақтгача тикилиб қолар, нималарнидир ўйлар ва хаёл дарёсига чўмар эди.

Бир куни у шу йўсунда чуқур сукут қилиб ўтирар экан, бирор келиб: «Салом, Ўринбек!» – деди. Бу киши батальон ташкилотчиси лейтенант Кулешников эди. Ўринбек иргиб турди ва лейтенант билан саломлашиди. Улар ўтиридилар. Кулешников ҳол-аҳвол сўраб қолди.

– Ўринбек, кейинги вақтларда жуда хафа кўринасан, нима сир ўтди?

– Нимани ҳам айтай? – деди Ўринбек бошини баланд кўтариб, унинг овози титраб кетди.

– Шармадаларча чекинганимизни? Бундан ортиқ яна қандай алам бўлиши мумкин? Сўраб нима қиласиз, ўртоқ лейтенант? Дунёда виждон ва ору номус изобидан кучли азоб бўлмас.

– Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёргу бўлади, – деди лейтенант. – Тўғри айтасан. Лекин бир сен ё мен эмас, бутун халиқимизнинг виждони азобда. Бу виждон исён кўтармоқда. Бу виждон билан биз у шаҳар ва қишлоқларни, бутун ватанимизни ёвуз душмандан тозалаймиз. Бу виждон танкка, ҳарбий усталикка, жасорат ва матонатга, ҳужумкорликка айланмоқда. Душманнинг ҳужуми тўхтатилди, юзлаб дивизиялари ҳолдан тойдирилди. Ҳадемай қўшинаримиз душман устига шердек ҳамла қиласди.

– Шундай кунлар келармикан? – деди Ўринбек. Унинг қўзлари порлаб кетди. Чехрасидан ялат этиб офтоб чиққандай бўлди.

– Келади, албатта, келади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Улуғ



йүлбошчимиз айтганидек, бизнинг кўчамиизда ҳам байрам бўлади, – деди парторг ва қўлидаги газетани унга узатди.

4. Фақат олга

Ўринбек қувончили кунларга эришиди. Қизил армия даҳшатли ҳужум бошлади. Артиллерия гумбурулашлари Сталинграддан Кавказ тогларигача еру кўкни титратди. «Олга, фақат олга!» деган хитоб барча командир ва жангчиларнинг ягона шиори бўлиб қолди. Бу даҳшатли ҳужум тўлқини ичиди Ўринбек ҳам ўз ўртоқлаш қаторида шиддат билан гарбга борар эди.

Ўринбек Днепрдан кечиб ўтганда энди партияга кирган эди. Унинг миномёт расчёти биринчилар қаторида ўнг қирғоқча ўтиб олди. Улар шапалоқдай ерни эгаллаб, окопланиб олдилар. Жангчилар ватаннинг бу табаррук тупрогини кўзларига суртиб тенгсиз жангга тайёрландилар. Гитлерчилар қутуриб контратака билан ҳаракат қилди. У тўқиз марта позициясини ўзгартирди. Унга душман яқин келиб қолганда 75 метрга мина отишга ҳам тўғри келди.

Бирдан мина тамом бўлди: аҳвол жиiddий тус олди. Ўринбек қўлига автомат олиб илгари ташланди ва икки қўлини баланд кўтариб шердай наъра торти:

– Атакага, йигитлар! Ё голиб чиқамиз, ё шахид бўламиз!

Эрталаб мадад етиб келганда баҳодир миномётчилар немислар билан ҳамон қаттиқ жанг қилаётган эдилар. Унинг синган автомати стволини қўлда тутиб олган ҳолда жанг майдонида душманга ташланётганини кўрган старший лейтенант Донин ҳайратда қолди...

Днепр орқада қолиб кетди. Бир куни Н-чи миномёт қисми учун катта шодлик куни бўлди. Барча жангчи ва офицерлар Ўринбекни юксак ном – Қаҳрамон унвони билан табрикладилар. Ватан яна бир ўзбек йигитининг бошига шуҳрат тожини кийдирди.

5. Баҳтли дўстлар

Бугун Ўринбек Ёқубов ҳам шод, ҳам хафа. У шуниниг учун шодки, бугун младший лейте-

нантлар курсини битириб ўз қисмiga қайтиб келди ва олдинги доирадаги иссиқ землянкада ўзининг эски жанговар дўстларини – Илья Стонякини, Шафиевни, Римарёвни ва Хожиповни учратди. У бу дўстлари билан қайгули дамларда ажралган эди, энди тарихий галабалар шодлиги билан тўла дамларда яна учрашиди. Фронтда бирликда жанг қилган дўстлар билан учрашишдан ортиқ шодлик бўлиши мумкинми, ахир?!

Иккинчи томондан, Ўринбек шунинг учун хафа эдики, бугун ўзининг қадрдон ва севимли, шонли ва содик даҳшатли қуроли – 82 миллиметрли миномётни билан хайрлашишига тўғри келди. У бу жонсиз жанговар дўстига узоқ вақт тикалиб қаради, ундан ўйма рақамга – 528 га кўзи тушиб, бутун жанговар ўтмишини эслади. 1939 йили Ўринбек аскарликка келиб, биринчи марта шу миномётни билан танишиди, уни севди, авайлади, асрари, унда отишни машқ қилди. У шу миномётни билан биринчи жангга кирди, неча юзлаб гитлерчиларни қирди, неча ўнлаб нуқтапарини, ҶЗОТларни кўпорди. Энг қийин ва оғир вақтларда ҳам у бу қуролдан ажрамади, уни орқасига кўтариб сув ва ботқоқлардан, дарёлардан кечиб ўтди, тоглар ва довонлардан ошиди.

Қаҳрамон пировардида бу шонли совет қуролининг муздек совуқ стволига қизгин лабларини босиб ўпди ва шу хуш сўзларини айтди:

– Ҳайр, содик миномётим. Раҳмат сенга. Раҳмат сени ижод қилган рус олимига.

Ҳакиқатан ҳам, баҳтли дўстлар. Улардан бири шуҳрат қозонган совет қуроли сифатида қизил армия музейига жўнатилмоқда, иккинчиси эса янада зўр гайрат ва ҳиммат билан шердай жанг қилиши учун, Берлинга бориб галаба байрогини тиклаш учун ўз халиқининг баҳодир вакили ва оташин ватанпарвари сифатида совет ботирлари сафида қолмоқда...

Иккинчи Белоруссия фронти газетаси – «Фронт ҳақиқати»нинг 1944 йил май – ноябрь ойларидаги 33 – 44-, 46 – 47-, 49 – 54-, 56 – 59-, 63-, 65 – 71-, 73 – 82-, 86-сонлари, 1945 йил июль – декабрь ойларидаги 49 – 66-, 75 – 96-сонлари сақланган, қолган сонлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

1944 йил 3 май, 33 (123)-сон

Немисларга омон бермайман

Олий бош қўмондоннинг биринчи май муносабати билан чиқарган 70-сонли буйруги маккор душманни тамомила яксон қилиш учун жиҳдий вазифалар турганлигини яна бир марта уқтириб ўтади. Бу вазифаларни шараф билан бажариш учун мен ўз ҳарбий маҳоратимни доҳий талаб қилгандек муқаммаллаштироқдаман.

Икки марта жангта кирганимда ўз қўл пулемётим билан 11 немисни ўлдирдим. Мен олдимииздаги жангларда немисларга омон бермайман. Немис босқинчиларга қарши шердек курашаман.

*Қизил аскар
Хожааҳмад Солиев*

Душман яксон қилинади

Олий бош қўмондоннинг 1 май буйруги шонли қизил армиямизнинг оламшумул галабаларига яқун ясовчи тарихий ҳужжатdir.

Ўртоқ Сталин ўз буйругида биринчи даражали совет техникасини яхши ўзлаштириб олган артиллеристларимиз, миномётчиларимиз, танкистларимиз ва бошқа турдаги ҳарбий қўшинларимизнинг душманни ватанимиз тупрогидан суриси чиқариш йўлидаги жанговар ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Мен уруш бошидан бери немис босқинчиларга қарши жанг қилмоқдаман. Мен Сталинград остоналарида, Витебск ўрмонларида, Киев ёнида немис босқинчиларни қирдим. Киев учун бўлган жангда тўрт немисни найза билан саншиб ўлдирдим.

Мен ҳозир госпиталдаман. Тезда сафга қайтиб олий бош қўмондоннинг немис босқинчиларни ватанимиз тупрогидан қувиб чиқариш, ога-ини, опа-сингилларимизни фашизм асоратидан озод қилиш ҳақидаги буйругини бажаришда фидокорона қатнашажакман.

Душман ўз инида яксон қилинади.

*Қизил аскар
Даврон Шарипов*

«Фердинанд»га қарши

Хужум жанги бошланиши олдидан биз танкка қарши тўпимизни қулай мэррага ўрнатдик. Тўп командири сержант Барабоз душманни кузатар эди. Мен ҳашаматли тўпимни яна бир марта кўздан кечириб чиқдим. Ҳамма нарса жойида. Тўпимнинг панд бермаслигига тўла ишонар эдим. Тўртта «Фердинанд»нинг биз томонга қараб келаётганини кўрган сержант Барабов душман яқинлашиб, ўт очишимиш учун қулайроқ ерга етганини совуққонлик билан кутиб олиб:

– Мўлжалловчи Маматхонов, душман замбарагига қарши, прицель 8, броня тешувчи снаряд билан ўт очилсин! – деб буйруқ берди.

Дарҳол «Фердинанд»ни нишонга олдим. Биринчи снарядим душман замбарагини яксон қилди. Қолганлари эса бу кутилмаган зарбани кўриб орқага чекиндилар.

Кўп ўтмасдан йўлда битта ўрта танк ва битта машина пайдо бўлди. Шошмасдан нишонга олиб олдин танкни, сўнгра машинани ёндириб юбордик.

Қисқа жангда расчётишимиз душманнинг мақталган «Фердинанд»и, танк ва машинасининг кулини кўкка совурди. Шу муваффақиятларимиз учун қўмондонлик бутун расчётишимизни мукофотлади. Шулар қаторида мен ҳам «Жанговар хизматлари учун» медали ва III даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотландим. Менга сержант унвони берилди. Мен ҳозир тўпимни беш бармогимдай биламан.

Совет тўпчиларига немис танклари, «Фердинанд»лари қўрқинчли эмас.

*Сержант
Исмоилжон Маматхонов
Командир бўлдим*

Мен армия сафига оддий аскар бўлиб келган эдим. Тез кун ичида ўз милтигимни аъло даражада ўзлаштиридим. Уни севиб парваришладим. Қуролга бўлган муҳаббатимни кўрган командирим ўз ёнига чақириб:

– Жабборов, миномётчи бўлишни хоҳлайсанми? – деб сўради.

Бу менинг айни муддаом эди. Шу кундан бошлиб мен сержант Козеревнинг 50 мм миномёт расчётига мўлжалловчи бўлиб ўтдим.

Бошда мен рус тилини яхши билмас эдим.



Миномётнинг материал қисмини, командаларни ўзлаштириш қийин туюлди. Аммо мендаги қунт-сабот бу қийинчиликни енгди. Мен ўз миномётимни севиб ўргандим. Сержант Козревнинг кеча-қундуз берган ёрдами натижасида тез кун ичида, командиримнинг айтишича, яхши мўлжалловчи бўлиб қолдим.

Бизнинг қисмимиз душманнинг олдинги мэрраларини ёриб ҳужумни давом эттироқда эди. Бизнинг расчётга душманнинг чекиниш йўлларини ўққа тутиш, қочиб бораётган душман пиёдаларини қириб ташлаш буюрилди. Расчётимиз худди шундай қилди ҳам.

Олий бош қўмондоннинг ҳар бир жангчи ўз қуролининг моҳир устаси бўлсин деган буйругини амалда бажариб, ўз қуролимни тўла эгаллашим натижасида ҳозир расчёт командири бўлиб етишдим.

Ҳозир менинг расчётимда рус йигити Комелятов, украин Ткаченко ва лезгин Ифтихоров бор. Биз кўп миллатли иноқ бир оиласиз. Бизнинг мақсадимиз немисларни муқаддас еримиздан суриб чиқариш ва уларни қора ерга тиқишидир. Мен ўз жанговар тажрибаларимни ўртоқларимга ўргатмоқдаман. Бизнинг мино мёт расчётимиз душманга омон бермаяжак.

*Медалли сержант
Назир Жабборов*



Ватан ўз мудофаачиларининг ғамхўри. Ярадор жангчи жанг майдонида қолмайди. Уни санитарлар жанг майдонидан олиб чиқадилар. Госпиталларда энг яхши докторлар уни даволайдилар. Ҳамширалар бўлса меҳрибон онадек тарбия қиласидилар.

Расмда Н-чи госпиталь медицина ҳамширалари М.Захарова ва А.Куц. Ўнг томонда медицина ҳамшираси Захарова ўзбек йигити, оддий аскар Ю.Кўчкоровнинг ярасини боғламоқда.

А.Штирин фотоси

Разведкада

Разведкачилик мениям ҳунарим бўлиб қолди. Мен анча разведкаларда бўлдим, лекин ҳеч қачон вазифамни бажармасдан қайтмадим.

Старший лейтенант Комаров бошчилигидаги 13 кишидан иборат разведкачилар группаси олдига пиёда аскарларимизга йўл очиб бериш учун душманнинг биринчи мудофаа линясига ёриб кириш ва душман мудофаасининг ичкарисига кириб жанг давомида «тил» тутиш вазифаси қўйилди.

Кимнинг қандай ҳаракат қилиши кераклиги белгиланди. Мен, оддий аскар Шельков ва Лепешкин – уткамизга «тил» ушлаш вазифаси топширилди.

Бизлар душман траншеясига жуда яқин келганда немислар бизни сезиб қолдилар. Нима қилиш керак? Старший лейтенант Комаров жанг қилишга буйруқ берди. Биз ҳаммамиз душман траншеясига қараб гранаталар отдиқ ва олга ташландик. Траншея ичида юзма-юз жанг қизиб кетди. Йўлдошим Шельков гранаталар отиб чопиб бораётган эди, траншеянинг бир муюлишида бир немис унтер-офицерининг уни мўлжалга олаётганини кўрдим ва дарҳол немисга ташландим.

– Ҳалът! – деган эдим, у қўлидаги пистолетини менга ўқталди. Шу ондаёқ мен автоматимнинг кўндоги билан унинг қўлидаги пистолетни уриб туширидим ва ҳалқумидан бўғиб олиб, орқага қайтдим.

Қолган ўртоқларим эса жанг билан душманни траншеядан суриб чиқардилар. Бу жангда ўнлаб немис солдати қирилди. Шахсан мен ўзим ҳалиги қўлга туширилган унтер-офицердан ташқари з немисни ўлдирдим.

Топширилган вазифаларни муваффақиятли бажарганим, жангларда фидокорлик кўрсатганим учун қўмондонлик мени икки марта «Жансурлиги учун» медали, III даражали «Шуҳрат» ордени ва «Аълочи разведкачи» деган кўкрак нишони билан мукофотлади.

*Қизил аскар
Эргаш Валиев*

«БОСМАЧИЛАР»

ХУЖЖАТЛАР ТАЛҚИНИДА

Рустамбек Шамсутдинов, Одилжон Абдуқаҳхоров

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида мана бу сатрларни ўқиймиз: **«Биз ўтмишдаги ҳамма бузилишлар, хато ва жиноятларни қатъяян қоралаймиз. Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил этишининг тарафдоримиз. Биз «босмачилик» ҳаракати ҳақида бўлсин, колективлаштириш, репрессиялар, тургунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин – оқ додларнинг бутунлай тузатилиши тарафдоримиз».**¹

Ислом Каримов ўша мустабид советлар тузуми даврида одамлар бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деб гурухларга ажратиб ташланганини қайд этиб, «... шу боис ота-боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим»², – деб кўрсатган эди.

Совет тарихшунослигига Ўрта Осиёдаги «босмачилик» ҳаракатига қарши олиб борилган кураш тарихи, яъни голиб томон тарихи кўп ўрганилган, маглуб томон бўлмиш «босмачилик» ҳаракатининг ўзи ҳақида бундай тадқиқотлар олиб борилмаган. Хорижда «босмачилик» ҳаракати тарихи ўрганилган, кўп-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б.166.

² Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси мухбирининг берган саволларига жавоблари // Туркистон. 1999 йил 2 февраль.

лаб асарлар яратилган. Уларнинг барчасига совет фани тарихга буржуача ёндашув, сохтлаштириш деб қараган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, «босмачилик» ҳаракатига янгича, холисона ёндашув бошланди. Бунда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг нутқларида, маърузаларида, асарларида илгари сурилган методологик, концептуал гоялар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Архивларда узоқ вақтлардан бери «босмачилик» ҳаракати тарихига оид кўпдан-кўп ҳужжат ва материаллар «мутлақо маҳфий» тамгаси билан сақланиб келган. Мустақиллик туфайли ана шу ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Лекин уларнинг катта қисми ҳали-ҳамон илмий истеъмолга киритилганича, тадқиқотчиларга, кенг халқ оммасига етказилганича йўқ.

Шуни эътиборга олиб «босмачилик» тарихига оид айрим ҳужжат ва материалларни журналинизм саҳифаларида берib боришни маъқул топдик.

Андижон вилояти давлат архивида Андижон уезд-шахар революцион комитетиноми билан 90-фонд мавжуд. Унинг 1-рўйхат 160-сонли иши шундай номланган: **«Протоколы заседания пятерки по борьбе с басмачеством в Андижанско-Маргеланском районе, Чрезвычайная тройка старого города Андижана по борьбе с басмачеством в гарнизоне Мир-Рабат. Начало 22 августа 1922 г. Окончено 29 апреля 1923 г. На 26 листах».**

Эътиборингизга ана шу ишдаги ҳужжатлардан айримлари ҳавола қилинмоқда:



Протокол №1

Совещание тройки по борбе с басмачеством в гарнизоне Мир-Рабат. 27.VIII.22.

Председатель Абдусатторов.

Секретарь Петров.

Порядок дня:


1. Об изъятии родственников басмачей и влиятельных лиц.
2. Об усилении гарнизона конной милицией.
3. Текущие дела.

Слушали:

Абдусатторова. Он говорит, что для пользы дела, нам необходимо в данный момент послать представителей, выбранной населением, к Казак-баю с предложением сдаться, если же Казак-баю будет отвергнуто упомянутое предложение, то придётся приняться за беспощадное изъятие родственников басмачей и влиятельных лиц Алтынкульской волости.

Петров: Если мы сумеем все это закончить до 1 сентября, т.е. до определенного и назначенного срока, то вполне поддерживает мнение т. Абдусатторова.

Сагадеева: Вносит конкретное предложение: ходатайствовать перед пятёркой продлить срок до 5 сентября, ожидать приезда наших делегатов посланных к Казак-баю и после получения нереальных результатов приступить к изъятию и вообще к чрезвычайному строгому отношении к делу.



Постановили: Предложение т. Сагадеева принимается, этим разрешить вопрос об изъятие родственников басмачей и влиятельных лиц.³

Протокол №5

Заседание полит. пятерки по борьбе с басмачеством Андижанско-Маргеланского района от 13.09.1922 года.

Присутствовали: Гумеров, Рахимбабаев, Чанышев, комбриг и Енко и др.

Под председательством Гумерова.

Секретарь Юлдашев.

1. Слушали:

Информацию членов пятерки о своей деятельности, Рахимбабаев по агит-проп. работы и по использованию влиятельных лиц, Гумерова по взятию заложников и агит-проп. работе Чанышева о военных мероприятиях и Енко об осведомлении нахождения противника и постановки дела по этому вопросу.

³ Государственный архив Андижанской области (ГААО). фонд 90. опись 1. дело 160. лист 106.

**Постановили:**

1. Принимая во внимание мероприятия агит-проп. работы взятие заложников, вообще чекистскую работу и военного нажима и т.п., все же не можем внести решительный удар Казакбаю, почти не замечается разложение среди казакцев по этому постановляет:

- а) Обявить боевой двухнедельник по ликвидации Казак-бая;
- б) В течении двухнедельника произвести всякие меры по старым темпам и при чем особенно усилить чекистскую, для чего усилить взятые пособников басмачей и строгоправляться с ними, т.е. тот час же передавать суду ревтрибунала; в срочном порядке взять более авторитетных лиц в качестве заложников, по которому имеется материал у Гумерова;
- в) Предложить нач. особого отдела, чтобы урегулировал взаимоотношение своих уполномоченных с местными тройками, ревкомами, для чего дать своим сотрудникам указание о значении тройки и взаимоотношение их с работниками карательных органов.

2. Слушали:

Об уселение тройки в Мир-Абаде.

Постановили:

Старую тройку отозвать, на место ее назначенный в следующем составе: пред. Исраилова, членами Ашур-Али Ходжаева и Рахматуллаева. До вступления к своей должности новой тройки, старой остаётся на своем месте.

3. Слушали:

О тройке Аимской.

Аимскую тройку ликвидировать, ввиду ликвидации там басмачества. Всю работу, которая может быть возникать по басмачеству, передавать для исполнения райревкому и начгару.

4. Слушали:

Текущие дела.

а) Заявление упродкомиссара Ибрагим Хаджаева о помощи пятерки в продовольственной работе.

Постановили:

а) Давая первостепенное значение на вопрос «Борьба с басмачеством», за ним ставить продовольственную работу, для чего выделить вооруженную силу: в Хаккул-Абадском районе 20 милиционеров, Базар-Курганском районе 20 милиционеров ...

б) Предложить комбригу, угоркому и уревкому издать циркулярное письмо о том, что боевые участки, парт. органы, ревкомы обратили самое серьезное внимание на проработку, комбригу издать приказ начгарниза районах, что в случае ущерба оперативным заданиям, выделить вооруженную силу для выполнения продналога в басмаческих волостях;

в) Всем проработникам выдать мандаты с подписями угоркома, угорревкома и командования бригады, с указанием, чтобы имели правоправляться с теми лицами, которые тормозят прод. работу.

5. Слушали:

Заявление Мусина, что он имел возможность работать вне своего района, путем такого расширенного права, он мог бы повлиять на население вне его района и таким образом внести разложение басмачей.

Справка: согласно постановления пятерки, председатель троек до сих пор не имели возможности двигаться по другим районам.

Постановили:


Просьбу удовлетворить.

Председатель Гумеров, Секретарь Юлдашев.⁴

⁴ ГААО. ф 90. оп 1. д 160. л 9.



Протокол №5



Заседание политпятерки по борьбе с басмачеством Андижанского-Маргеланского района от 10 января 1923 года.

Присутствовали: т. Каримов, Гумеров, Уразалиев, Маршанов, Фомин и Енко.

Председатель Каримов. Секретарь Гумеров.

1. Слушали:

О дальнейшей работе в борьбе с басмачеством.

Постановили:

1. Считать необходимым сохранить гарнизон в Бута-Каре, для чего вменить в обязанность найти исход для установления гарнизона.

2. Ввиду оперирования Казак-байской шайки в черте старого города необходимо усилить старый город вооруженными силами используя для этого имеющейся в Андижане бронотряд в первую очередь и ходатайствовать перед областным совещанием об использовании красноармейских сил новобранцев, хотя бы на гарнизонную службу, откуда можно освободить и милицейские силы на непосредственно басмаческий фронт.

3. Ввиду слабости политработников в некоторых гарнизонах и боеучастках принять следующие меры: поручить тов. Каримову, Гумерову и Уразалиеву пересмотреть состав ранее мобилизованных работников и подобрать наикрупнейших политработников районного и уездного масштаба, проинструктировать таковых в отдельности каждого и перебросить на место назначения не позже 12-го числа сего месяца.

4. Запретить всякие самовольные уходы с мест службы мобилизованных работников для гарнизонов и боеучастков, допуская таковое явление только с разрешением председателя пятерки.

5. Ввиду слабости политработы в милиции и вообще вменить в обязанность угоркома КПТ пересмотреть весь состав политработников милиции, заменив несоответствующих соответствующими, вообще пополнить милицию качественными политработниками. После чего созвать совещание политработников милиции на предмет инструктирование и дачи конкретных заданий.

6. Введении слабости политработы в Маргеланском уезде. Федченко, Асака, Шахрихан, урегулировать таковую в дальнейшем, вызвать в Андижан ответственного секретаря угоркома КПТ или предугорревкому Маргеланского уезда совместно с председателями райревкомов Асака, Кува.

7. В отношении работы в отряде Мулла Хаджи в Булак-Башинском районе мобилизовать из Оша Хасanova и Гульдибаева, для политработы там. При сем для инструктирования и дачи конкретных заданий командировать туда же тов. Уразалиева, после чего Уразалиеву возвратиться в Андижан с подробным докладом о ходе работ в указанном районе.



2. Текущие дела:

Заявления комполка тов. Мартанус.

О запрещении снабжения милицейских частей патронами.

2. а) Принимая во внимание что в Андижанском районе вооруженная борьба с басмачеством в большой степени возлагается на милицейские части, запрещение о выдаче патрон таковым отражается на успешности борьбы с басмачеством, а потому просить областное совещание



Шахрух Халбатыров
(1890 – 1938)
репрессирован



Акбар Уразалиев
(1890 – 1938)
репрессирован

принять соответствующие меры в срочной порядке.

Председатель Каримов, секретарь Гумеров.

Протокол №1

Заседания пятерки по борьбе с басмачеством в Андижане-Маргеланском районе от 21.01.1923 года.

Присутствовали: Гумеров, Енько, Чанышев, Рахимбабаев, Уразалиев, Мартанус.
Председатель Гумеров, секретарь Чанышев.

Повестка дня:

- 1) Доклад о положении басмачества и усилении борьбы в дальнейшем;
- 2) Доклад о работе Булак-Башинского отряда Мулла Ходжи;
- 3) Текущие дела.

Слушали:

О положении басмачества входящем в указанный район и соображения о дальнейшей борьбе представителей различных учреждений участвующих в заседании.

**Постановили:**

1. Принимая во внимание, что борьба с басмачеством в Андижано-Маргеланском районе переживает кризис, благодаря что замечается некоторое усиление движения басмаческих шаек. Имеются наступательные движения против наших частей и вообще нашего строительства, поэтому начать усиленную подготовку и борьбу под лозунгом именно ликвидации Казак-баевской и Ахмет-Палванской шаек.

Предложить комполка Мартанусу обратить все внимание командировать оперативную работу против указанных курбашей, используя всю имеющуюся силу красной армии и милиции, надеясь помочи из центра.

Параллельно усилить политработу для чего поручить Гумерову, Уразалиеву пересмотреть состав политтроек, мобилизовав ещё лучших работников туземцев и считать в дальнейшем существование таковых троек целесообразным. При сем усилить живую связь с ними и пятеркой, давая контракты заданий.

Поручить т. Мартанусу командиров свод. отрядов, выделить из полка при сем угоркому КПТ поручить выделить каждому свод. отряду, одного военкома из туземцов-отвественных работников, хотя бы снимая с ответственных постов в ущерб другой работе.

Обеспечить мобилизованных политработников суточными в сумме 10 миллионов рублей из трофейных имуществ, а также для различных расходов пятерки по борьбе с басмачеством просить областное совещание день средства в сумме десять миллионов рублей.

2. Предложить Мулле-Хаджи и Зульфибаеву к очистке своего района. Вызвать Зульфибаева в Андикан для дачи директив дальнейшей борьбы по политоперации частей работы.

3. В виду отъезда Рахимбабаева в распоряжении Маргеланского угоркому членом на его место ввести т. Уразалиева.

Слушали:

Доклад Уразалиева о деятельности отряда Мулла-Ходжи Булак-Башинского района, который говорит, что благодаря заболеванию Мулла-Ходжи и мнения там некоторых, Юлчи – бывшему басмачу не занимать должность, предволовревкома предательских элементов работа ведется слабо. При сем мобилизовано из Оша 2 работника – Зульфибаев, Исмаилов, которые будут вести политработу. Зульфибаев является военкомом отряда.

3) **Текущие дела:** О члене пятерки на место т. Рахимбабаева.

Председатель Гумеров, секретарь Чанышев.⁵

Протокол №2

Заседания пятерки от 23 января 1923 г.

Присутствовали: т. Гумеров, Чанышев, Уразалиев, Енко, Миртаджи.

Повестка дня:

- 1) Доклад Военкома Мулла-Ходжи отряда Зульфибаева⁶ о положении отряда и района;
- 2) Доклад тов. Енко о побеге басмачей из тюрьмы при О.О.⁷
- 3) Текущие дела.

1. Слушали:

Тов. Зульфибаев.

17 января прибыл в Булак-Баши и сразу пошли на разведку по району. Связались с боеучастком. 20-го числа на Адире Киекли Таше в горах столкнулись с отрядом Юлчи-Аскат и Раимджан, взяли три человека в плен, 6 чел. убит, у нас три человека захватили, у них винтовки с патронами. 36-трехлинейных, 1-берданоч. и 2-револьверных. Благодаря темноте разбить отряд не уда-

⁵ ГААО. ф 90. оп 1. д 160. л 19.

⁶ Зульфибаев (Р.Ш. О.А.).

⁷ Особый отдел (Р.Ш. О.А.).

лось. В отряде боеспособных грабежей почти нет. Политработы среди населения производятся, но они пассивны, о басмачах не говорят. Араванская милиция бездействует и никакой помощи соседним отрядам не оказывает.

Агентурной работой ведает заместитель военкома Исмаилов. Патронов от 5 – 20 шт. Всего в отряде 75 чел. и 75 винтовок, все трехлинейные. Население более или менее сочувствует милиции и вообще соввласти.

Необходимо снабдить патронами.

Постановили:

Пятерка констатирует слабость и несладимость райревкома Мархаматского и волревкома Араванского и милиции в Араване – предложить предревкома Маргеланского уезда и начмилиции обратить внимание немедленно убрать председателя волревкома Аравана и привести в порядок Араванскую милицию.

Запросить командира о разрешениях выдать патроны Мулла-Хаджийскому отряду, а пока выдать взаимообразно.

Ввиду того, что начотряда Мулла-Хаджи убит Таштемиром – назначить на его место из этого отряда тов. Мулла Мирза Сайд и помощником Таджибай Кимсанова. Сообщить для сведения Ошской угормилиции. Военкому Зульфибаеву выдать полномочия от пятерки.

Вызвать из Маргелана начальника милиции и ответственного секретаря угоркома для урегулирования вопроса Мархаматского района совместно с новоназначенным предревкомом т. Рахимбабаевым.⁸

Тов. Зульфибаеву от имени пятерки разрешается произвести в своем районе чистку волостных и сельских ревкомов от басмаческих элементов, привлечь влиятельных лиц, совместно с Маргеланским ревкомом производить агитационно-политические работы среди населения, урегулировать агентурную работу, выдавая материальную помощь из трофейных имуществ. Поставить отряд на боевую ногу, обработать политически, поставить на правильную ногу, учет оружия и лошадей. Держать связь с начбоекчастка и пятеркой.

2. Слушали:

Доклад тов. Енко.

21 – 22 из арестного помещения убежало 6 человек, благодаря неопытности часовых из молодых солдат и караульного Н-ка, который после ухода одного арестованного в уборную оставил дверь открытой без замка, чем воспользовались, задушили часового и убежали. Из курбашей Мулла Исаил и Мулла Сабыр в карауле было 27 человек, имелось 7 постов у арестованных.

Постановили:

Немедленно вызвать выездную сессию и пропустить через ревтрибунал, вообще разгрузить арестное помещение О.О.⁹ Принять меры, поставить часовых из старых солдат, запросив командира вернуть роту из Наманганга.

Слушали:

Текущие дела.

Информация начальника О.О. о перешедших курбашей и находящихся на свободе (Султан, Мирзабек Максум, Абдукадыр), которые по сведениям собираются бежать и имеют связь с басмачами.

Тщательное наблюдение поставлено, которое должно было продолжать и в дальнейшем, в случае подтверждения факта арестовать.

Ахмад Палван после нашего удара распался и остался с 12 джигитами.

⁸ Рахим Рахимбабаев – один из руководящих советских работников Андижанского уезда и Ферганской области, в последствии заместитель Народного комисариата милиции Узбекской ССР, был одним из членов группы «18».

⁹ Особый отдел (махсус бўлим – Р.Ш., О.А.).



Постановили:

Необходимо использовать этот момент политическим, дав соответствующую задачу районной тройки Кизил-Аяк использовав кашгирское население.

Председатель Гумеров, секретарь Чанышев.

Протокол

Заседания пятерки по ликвидации басмачества в Андижанском районе, состоявшееся 1-го марта с.г.

Присутствовали: комвоиск, военком предревкома, секретарь горкома, начосбогорделя, командир 6-стр. полка, военком полка.

Повестка дня: Борьба с басмачеством.

Слушали:

1. Борьба с басмачеством и его политическое значение сделал доклад военком тов. Ильин, который отметил, что главной базой басмачества всей Ферганы является Андижанский район, на который обращено все внимание высшего командования и для уничтожения басмачества принимается самые суровые меры несмотря на то, что Андижанский район охванчен басмачеством, все же он получил поддержку от государства в виде семссудей выдача которой беднейшему населению имеет политическое значение в борьбе с басмачеством. Далее он указывал на методы укрепления за собой очищения от басмачей районов: т.е. первоначально устроить митинги демонстрации среди населения, а затем уже особый отдел должен проявить свою работу. Для устройства митингов демонстрации среди населения необходимо помочь угоркома, к который должен дать на время проведения кампании мусработников которым дать соответствующие директивы и даже тезисы для проведения этой работы, секретарь угоркома указал, что работа среди населения почти не ведется и проводят таковую через политсекретариаты милиции, далее он указал что в связи с наступлением весенней посевной кампании и свирепствующим басмачеством в уезде созывается совещание для распределения семссуды между жителями кишлаков освобожденных от басмачей.

Постановили:

Предложить секретарю парткома¹⁰ выделить достаточное количество мусработников для работы среди населения придав их военным частям. Поручить сек. парткома и военкому полка тов. Фалину разработать план устройства митингов и демонстрации в ст. Андижане. Поручить сек. парткома разослать соответствующие директивы – инструкции политкомам милиции для проведения параллельной работы с воинскими частями. Дабы внести в сознание милиции и трудовому населению необходимость покончить с басмачами до посевов.

Секретарю парткома мобилизовать мусработников для отправления на место с воинскими частями проинструктировав и дав им специальные тезисы. Выдачу **семссуды** согласовать с оперативным закреплением района. На едущего в Хакулабад тов. Уразалиева возложить обязанность морального воздействия на Сатыбалди, учитывая национальность жителей кишлаков. Эти 75 семейств использовать для агитации проведения вместе с ними митинг.

Нач. особоотдела прочел заявление 75 семейств жителей кишлака Хакен в котором жители кишлака просили себе поддержки для освобождения своего района от басмачей, просили если могут, их вооружить. Внесено было предложение о созыве совещаний пятерки в пять часов.

Подлинный подписал председатели с подлинным секретарь Гумеров. ¹¹

Протокол №3

Заселения пятерки по борьбе с басмачеством Андижанского-Маргеланского района от 30 января 1923 года.

¹¹ ГААО. ф 90. оп 1. д 160. л 5.

Присутствовали: т. Гумеров, Уразалиев, Чанышев, Мартанус, Поляков (начальник особого отдела), Абушахмеров и Халбатыров ¹² пред. Хаккулабадского райревкома.

Председатель т. Гумеров.

Слушали:

Доклад тов. Халбатырова о положении Хаккул-Абадского района, в связи с концентрацией басмаческих сил там и уходом бывш. главного курбashi упомянутого в район из тюрьмы Мулла-Сабура, который является посредником концентрации басмаческих сил и слушали информацию Комполка тов. Мартануса о положение фронтов, согласно новой инструкции командования Фер. области.

Постановили:

Необходимо констатировать, что учитывая экономическую сторону Хаккул-Абадского района, который является более лучшим районам и переходом бывшего курбashi туда Мулла-Сабура, басмачество в последнее время концентрирует свою силу, в силу чего результатом было нападение более крупных курбашей на Ходжабатские гарнизоны, потому усилить работу в следующем порядке:

а) Предложить особому отделению усилить агентурную работу, тесно связывая свою работу с местной властью района;

б) Учитывая, что в последнее время количество самоохраны довольно сокращено, что при данном положении мало соответствует своему назначению, считать необходимым усиление самоохраны двух гарнизонов (Ходжабад Баликчинский и Ходжабад Нарынский), выделяя, 50 годных винтовок из фонда угормилиции. тов. Халбатырову предложить, подобрать лучших новых бойцов из среды населения строго руководствуясь инструкцией на этот счет, о чем сообщить обл. пятерки на утверждение;

в) Учитывая важность района в отношении басмачества, желательно Хаккулабадский район сделать отдельным боевым участком, подчинив непосредственно штабу полка, для чего предложить комполка 6-отд. начальнику особого отделения и тов. Халбатырову выяснить о возможности такого выделения с точки зрения стратегической и постановки агентурных дел, о чем свои соображения сообщить пятерки.

Председатель: Гумеров.

С подлинным верно: Технический секретарь пятерки.¹³

Протокол №4

Заседания пятерки по борьбе с басмачеством, совместно с прибывшей комиссией Турцик.

Присутствовали: т. Гумеров, Уразалиев, Чанышев, Мартанус, Поляков, члены комиссии Турцика Алиходжаев, Уразаев, Садыков и начглавмилиции. Тр. 12.02.1923.

Слушали:

Информационный доклад членов пятерки о положение уезда связанной с басмачеством и борьба с таковым.

Постановили:

Принимая во внимание, что имеющейся вооруженные силы на басмаческом фронте мало, благодаря чего басмачество укрепляет свои ряды, что не дает возможности вести наступательную борьбу. Просить облсовещание выделить кавалерийскую часть не менее 200 человек для Андижанско-Маргиланского района.

Председатель Гумеров.

Секретарь Чанышев. ¹⁴

¹² Шахрух Халбатиров – председатель Хаккулабадского районного революционного комитета в 1937 – 1938 г.. репрессирован.

¹⁴ ГААО. ф 90. оп 1. д 160. л 7.



ОТРЫВКИ ИЗ ВОСПОМИНАНИЙ ГАФУРА ХАЙДАРОВА

(Давоми. Боши аввалги сонларда)

Мой брат задался целью вырастить арбузы. Для этого земли хватало, бери сколько хочешь и можешь. За нашим домом начиналась полынная степь. Брат для своей бахчи отмерил где-то полгектара земли и начал её окульттировать. Работал допоздна, не жалел себя, с надеждой, что соберёт урожай, продаст арбузы и поправит домашние дела. Я сколько мог – помогал ему. Целыми днями, терпя солнечную жару, жажду, убирали траву и комочки, их скирдовали, а затем приступили к чистке площадки от камней, которыми опоясили бахчу. Брат знал, что для богара не нужны грядки. Но он почему-то их провёл. Арбузные семечки посадил в луночку. После этого начался второй этап работы – полив посадки. Из артезианского колодца, находившегося от нас порядка 200 метров почти к оврагу, брат без устали, таскал на коромысле воду и лил в луночки. Вскоре выползли семядоли и потянулись к солнечному свету, а когда на них образовались пять или шесть листьев (это канун цветения), брат приступил к разрыхлению почвы и подтягиванию земли к шейхам растений. В середине апреля зацвели арбузы, отчего обрадованный брат расцвёл больше чем они. Брат, оказывается, родился в «рубашке» – в начале мая (как у Тютчева «люблю грозу в начале мая») пошёл сильный ливень в сопровождении грома и молнии.

От обильного дождя всё вокруг ожило: появились зелёные оазисы. Расцвела ковыль, а огороды и бахчи неизнаваемо преобразились – плоды и овощи быстро набрали вес, увеличивались не по дням, а по часам. А как радовался мой трудяга брат – передать не могу.

С увеличением арбузов возникла новая забота – их надо было беречь от дурного глаза. На самом деле, наши бахчи многих удивляли. Брат ночью сторожил свои арбузы. Мы с ним ночевали в шаташке, который установили в середине арбузнойплощади.

Арбузы стали созревать, мы даже испробовали один на вкус и цвет – получились чудесные, по всем компонентам не уступали знаменитому астраханскому сорту. Брат с кем-то договорился на оптовый сбыт, а на следующую ночь усыпили и украли арбузы, как говорится, подчистую, до единого.

Трудно передать состояние моего бедного брата от случившегося, рыдал и кричал, собирались соседи, начали утешать, но он не мог взять себя в руки. Пошёл к коменданту и рассказал о своей беде. Комендант был суровым, но добрым человеком и с большим сочувствием отнёсся к брату, стараясь утешить его, обещал найти воров и вернуть арбузы. Однако, как говорили в старину, «что с возу упало, то пропало», так и наши арбузы сплыли.

Я, семилетний ребёнок не мог своим умом понять человеческую натуру: разве допустимо так бесчеловечно поступать в отношении юноши, которому всего 12 лет отроду, – думал я, – который stoическим трудом вырастил злосчатые арбузы ради того, чтобы их стащили, изверги в лунную ночь. Я после этого случая стал с недоверием относиться к людям, избегать и бояться их.

Психический настрой и общее состояние брата резко изменились, он стал угрюмым, малословным. У него опустились руки, ничего по дому не делал, даже пропал аппетит.



1934 год. Я – детдомовец

Как-то за завтраком он сказал мне:

– Гафурджон, давай, пойдём в детдом.

Слова брата меня ошеломили, т.к. до этого на эту тему ни разу разговора не вёл, наоборот, подчеркивал, что до последнего дня пребывания в Николо-Александровске будем жить в нашем доме.

Понял, что арбузные события крайне негативно повлияли на брата. В ответ на его слова, сказал, что я не против его решения.

На следующий же день мы собирались в дорогу. Брат о нашем решении поставил в известность коменданта, попрощался с соседями, закрыли дом на замок и тронулись в путь, ничего не захватив с собой. (Что стало с нашим домашним скарбом – не припоминаю.)

Краткий, но ёмкий и трогательный рассказ М.А.Шолохова «Судьба человека», по которому был поставлен один из шедевров советской кинематографии, заканчивается такими строками:

«Два осиротевших человека, две песчинки, заброшенные в чужие края военным ураганом невиданной силы... Что-то ждёт их впереди? И хотелось бы думать, что этот русский человек, человек несгибаемой воли, выдюжит и около отцовского плеча вырастит тот, который повзрослев, сможет всё вытерпеть, всё преодолеть на своём пути, если к этому позовёт его Родина».

Мы такие же, как солдат Соколов и его усыновлённый Ванюша, осиротевшие братья, такие же песчинки, заброшенные в степи Ставрополья ураганом невиданной силы, поднявшимся в момент осуществления коллективизации, брели в сторону детдома, таска себя мыслю, что тма мы приобретём крышу над своей головой, вырастем, выйдем в люди, займём своё место в обществе.

Что ждало нас впереди? Михаил Александрович на этот резонный вопрос дал исчерпывающий ответ. Он предвидя дальнейшую судьбу своего героя, с уверенностью говорить, что «этот русский человек несгибаемой воли выдюжит» все тяготы, уготованные жизнью, «повзрослев, сможет всё вытерпеть, всё преодолеть на своём пути, если к этому позовёт его Родина».

Мы же, в те минуты коренного перелома нашей судьбы, конечно, не знали, куда ведёт нас свежая жизненная тропинка, что ждёт нас впереди. Однако мы вскоре поняли, что не ошиблись в выборе

пути – мы шли заре навстречу, к своему счастью. Восьмилетнее пребывание в детском доме сыграло решающую роль в формировании нашего мышления и воспитании нас достойными сыновьями Отечества. Брат Ходжиусмон, когда Родина позвала стать его солдатом, стал таковым, как Андрей Соколов, в 1941 – 1945 гг. грудью отстоял её честь и свободу.

Я поставил всего себя служению на ниве народного образования и науки.

Часам к 11-ти дня мы вступили на территорию детдома. Он располагался примерно в двух километрах от нашего «сотых».

Мы за 10 месяцев голодного существования, впервые поели по-человечески в столовой. На первое дали суп гороховый, а на второе – котлету с каким-то гарниром, хлеб лежал на тарелке – ешь сколько хочешь. Я ел и не верил тому, что есть, оказывается, на свете горячая пища и много хлеба.

После обеда миловидная воспитательница повела нас в детдомовскую баню, а что она с собою представляет, я уже знал. Нам дали нижнее бельё, верхнюю одежду, обувь и постельное бельё, а затем мы направились в общежитие. До 1935 года детдом не имел современного типового общежития, воспитанники с учётом возраста и пола жили в отдельных небольших с соломенными крышами домах-хатах, близко расположенных друг от друга.

Нас разлучили – брата зачислили в старшую группу, а меня – в младшую. Когда настала минута расставания, я зарыдал так громко и безостановочно, что трудно описать. Брат не мог никак успокоить меня, воспитательница пришла в отчаяние, но в конце меня уложили, а бедный брат просидел у изголовья, пока я не заснул.

Когда проснулся уже вечерело, а брата не оказалось в спальне. Я начал истерично плакать, потревожив ребят.

Брат для меня был превыше всего на свете. Я его сильно и нежно любил, как брата и друга. После смерти отца, он заменил его во всех отношениях: кормил, поил, одевал, обувал, стриг мне ногти и волосы, никому в обиду не давал, заботился о моём здоровье, берёг меня от простуды, ласкал.

Я настолько сильно привык к брату, что целые холодные дни у примёрзшего окна ждал появле-



ния его силуэта, а когда он входил в дом – моему счастью не было предела.

Мне получилось, будто у меня насильно отняли ближайшего человека и почувствовал себя оскорблённым, покинутым и отверженным, мир на моих глазах стал опостылым и пустым.

Какое-то чувство гнева вспыхнуло во мне, выбежал на улицу в поиске брата. Для меня детдом был совершенно незнакомым местом, всего какие-то полдня пробыл в нём, расположение хат-ночлег не знал, но всё равно пошёл искать его.

Территория детдома не освещалась (очень крохотная электростанция была построена в 1935 г.), не светилась, везде царила кромешная тьма, на небе ни единой звезды, а я шёл и шёл, не зная куда, при этом до хрипоты кричал, выговаривая слова: «Ако, акоджон, кани ту?» («Брат, брат родной, где ты?») Подходил к окошку каждой хаты и задавал этот вопрос, но никто не отзывался, потому что все уже крепко спали, а я продолжал свои поиски. Время шло быстро, уже было за полночь, ноги меня не держали, на каждого шагу на что-то натыкался, спотыкался, раз другой даже упал, ни одна душа на мои мольбы не отвечала, разве что собаки своим злым лаем. Наконец, я, до изнеможения уставший, пристроился в уголке веранды какого-то строения (позже узнал его – оно было зданием детдомовского радиоузла) и крепко уснул.

Так жутко страшно прошла моя первая ночь в детдоме и потому она сохранилась в глубине моей памяти и всплыла мгновенно, когда писались эти строки.

Ставропольский детский дом №26

Параллельно с заселением среднеазиатских спецпереселенцев в Николо-Александровске были открыты начальная школа, детский сад и детский дом.

Детдом располагался на противоположной от административного центра окраине, на правобережной стороне оврага, расстояние между которыми составляло порядка четыре километра.

По-своему размеру, структуре и расположению зданий, хат и пристроек, детдом представлял из себя комплексное хозяйствственно-бытовое заведение. Оно, очевидно, было помещичьей усадьбой, или, скорее всего, большим хутором зажиточного

кулака. Общая площадь детдома составляла примерно десять гектаров. Он напоминал небольшой островок в бескрайнем море пустыне, и лишь северная его часть была связана с селом благодаря тому, что в конце левобережья от оврага находилась школа, где мы – детдомовцы учились. Вообще жизнь детдома протекала «в автономном режиме», связь «с внешним миром» была далеко не призрачной.

Территория детдома никакими оградами не была огорожена и только на значительной его части, близко к оврагу, параллельно со зданием администрации, была уложена стена с небольшими воротами, а для чего она там стояла, такую функцию выполняла (ведь все четыре стороны территории детдома были открыты «настежь»), я лично не знал. Может быть – для эффекта – каждое серьёзное заведение должно же себя показать, находиться в ракурсе жизни.

Справа от ворот располагалось здание, построенное из добротного жёлтого сланца, где размещалась администрация детдома. Там находился кабинет директора, комната для воспитателей, бухгалтерия, касса, радиотрансляционный узел, небольшое почтовое отделение и т.р.

Расположение административного центра детдома можно было узнать даже издалека, по трём тополям, которые, как на московской Плющихе, высоко росли и своей границей радовали людской глаз.

В 1982 году, когда мы посетили развалины родного детдома, мы вновь увидели этих трёх красавиц, которые гордо качались на ветру. В Николо-Александровске росли исключительно белые акации, а на территории детдома были и некоторые жругие деревья, но эти три тополя своей величавой осанкой восхищали всех людей.

В притирку к воротам, напротив административного центра, стоял не очень большой смешанный магазин, который обслуживал сотрудников детдома. Там я иногда покупал 200 граммов леденцов из карманных денег, которые давал мне брат, и раздавал их своим друзьям.

Чуть дальше, почти в одном ряду с магазином, находился материальный склад, обслуживавший общежитие и другие объекты бытового назначения.



МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗ ДАРҒАЛАРИДАН БИРИ

Дурбек Мұмінов,
тарих фанлари номзоди

Фаргона водийси аҳли азал-азалдан хан-дага ўч. Бирор сайлу томоша, тўй-тантана, байрам-маросим йўқки, асқиясиз, ҳажвий қўшиқларсиз ёки ҳазил-мутойибасиз ўтса. Андижон ана шундай давраларга файз киритиб, одамларга хуш кайфият багишловчи кўплаб саъаткорларни тарбиялаб элга танитган гўшалардан бири саналади.

Таниқли бастакор, созанда, асқиячи, режиссер ва актёр Фуломжон Рўзибоев Андижоннинг сўлим масканларидан бири бўлган бетакрор Асака заминида ижод қилиб эл назарига тушганлардан бири эди. У 1919 йилнинг 30 январида Асакада ҳунармандкосиб оиласида таваллуд топди. Отаси Рўзиҳожи Аюбхон ўғли косиблик касбини эъзозлаш билан бирга дутор чалишнинг ҳам устаси эди. Шу боисдан бўлса керак, ёш Фуломжонда мусиқа санъатига ҳавас эрта уйгонди, у 15 – 16 ёшларидаёқ гижак чалишни ўрганиб олди, Фаргона шаҳридаги мусиқа билим юртига кириб ўқишини орзу қилди. Бироқ отаси Фуломжоннинг Андижон шаҳридаги педагогика билим юртига кириб ўқишини афзал қўрди. У ўқишини тамомлаганидан сўнг Асакадаги мактабларнинг бирида муаллим бўлиб ишлай бошлади. Кўп ўтмай Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишига кирди. У 4-курсда ўқиётган пайтда уруш бошланди. Фронтга сафарбарлик эълон қилинди.

«1941 йил октябрь ойида мени райкомга чақиришиб, уч ойлик сиёсий раҳбарлар курсида ўқишимни тавсия қилишди. Курс-



ни битириб младший лейтенант унвони билан Асакада тузилган ўзбек пиёдаларининг 93-бригадасига келдим ва рота политруки этиб тайинландим. 1942 йилнинг март ойида фронтга бир эшелон бўлиб жўнадик. Украина нинг Светлогорск шаҳрига бориб, Шимолий Донецк дарёсидан ўтиб Лазовая станцияси яқинидаги бир хоторга тушдик. Шу ердан бизни ҳаракатдаги армияга бўлиб юборишли», – деб ёзади Фуломжон Рўзибоев ўз хотираларида. У рота политруги бўлиб Харьков вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида олиб борилган жангларда қатнашди. Орадан икки ой ўтмасдан Фуломжон Рўзибоев хизмат қилаётган армия ва у билан ёнма-ён ҳаракатланаётган яна иккита армия қуршовда қолди. Дастребки кунларда қуршовда қолганларга самолётлар ёрдамида ўқдори, озиқ-овқат ташлаб турилди. Бироқ май, июнь, июль ойлари ўтгандан кейин ўқдори захиралари тугаб, душман ҳужумларини қайтаришнинг имкони қолмади.

Ғ.Рўзибоев шундай ёзган: «Бизнинг 6-армия Харьков обlastida қуршовда қолгани маълум бўлди. Уч ой душман билан урушдик, аёвсиз жанглар бўлди. Ўқдори, озиқовқат қолмади. Кўпчилик нобуд бўлди ва яраланди. 1942 йил июль ойининг ўрталарида биз асирга олиндик». Ўша даврда сабиқ совет матбуоти 170 000 аскар бедарак кетди деб ёзган бўлса, немис матбуоти 265 000 киши асири олинди деб ёзган эди. Учта армия сафида хизмат қилган 200 мингдан зиёд жангчилар танг бир ҳолатда таслим бўлди. Ҳарбий асиirlар Фермания ва Польшадаги қамоқ лагерларига олиб кетилди. Польшанинг Остров Мазовецкий қамоқ лагерида сақланган асиirlар орасида ротанинг сиёсий ишлар бўйича командири Ғуломжон Рўзибоев ҳам бор эди. Уни кўп сўроқ қилишди, совет ҳарбий тактикаси, сиёсий ишларга доир сирли маълумотларни олишга интилишди. Аммо Ғ.Рўзибоев жавоб беришдан бош тортди, ўзини магрур тутди, бирорта ҳарбий сирни айтмади. Очлик ва қасаллик кўп асиirlарни нобуд қилди. Шунда Вали Қаюмхон уларни Туркистон легионига жалб этди.

Санъаттага бўлган қизиқиши, мусиқа ижросини ўрганиб олганлиги Ғуломжонга асқотди. У Ферманияда Вали Қаюмхон томонидан ташкил этилган мусиқий ансамблга таклиф этилиб, муҳожирлар ва ҳарбий асиirlар учун концертлар беришда иштирок этади.

«Мен легионда музикант бўлиб хизмат қилдим, – деб эслайди хотира дафтарида Ғуломжон Рўзибоев, – 1943 йилда Туркистон мустақиллигини ёқтаб «Истиқлол» деган бир саҳна асари ёздим ва 1944 йил ёзида Вена шахрида туркистонликларнинг 2-кongressи қатнашчиларига ушбу саҳна асарини намойиш қилдик ва олқишлиарга сазовор бўлдик».

1945 йил фашист босқинчилари тормор бўлгач, асири тушганлар озод этилди. Ғуломжон Рўзибоев ҳам озодликка чиқиб, Москва шахридаги велосипед заводида ишлаб, 1946 йилнинг март ойида она юртига

қайтади. Дастлаб бухгалтерлар тайёрлаш курсида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

1946 йилнинг ноябрь ойида уни вилоят Давлат Хавфсизлик Комитетига чақириб сўроқ қилишди. Урушда асир тушгани, асиirlиқда совет тузумига қарши «Истиқлол» деган пьеса ёзгани ҳақидаги айблар қўйилиб, қораланди ва ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ғуломжон Рўзибоев 1953 йил август ойида муддатидан олдин озодликка чиқиб юртига қайтиб келди ва ўзининг меҳр қўйган ишини давом эттириди. Асакадаги бадиий ҳаваскорлик ансамбларига раҳбарлик қилди ва ҳалқ театрида режиссёр бўлиб ишлади. Шу даврда янги қўшиқ ва куйлар яратди.

Ғуломжон Рўзибоев кўп қиррали санъаткор эди. Дастлаб най чалишни ўрганган, кейинчалик гижжак ва дуторда ҳам куйларни маромига етказиб ижро этиб муҳлислар олқишига сазовор бўлган. Асосий касби тил-адабиёт муаллими бўлгани учун у киши шеърият билан ҳам яхши «тиллаша» олган. Сўзи ҳам, мусиқаси ҳам Ғуломжон Рўзибоев қаламига мансуб «Шаҳлоларинг» қўшиги дастлабки ижод маҳсули бўлиб, 1960 йилда яратилган. Қўшиқни Ўзбекистон ҳалқ артисти Обид Юнусов «Парвона» спектаклида меъёрига етказиб ижро этган. Кейинчалик унинг «Ширин хаёл», «Ёр десам», «Онадир», «Андижоним», «Гулноз», «Гул ва мен», «Санъат саодатимдир», «Сен кетурсан» каби қатор замонавий қўшиқлари яратилди. Ғуломжон Рўзибоев юздан ортиқ куй басталади. Шулардан зо га яқини республика радиоси томонидан ёзиб олинган ва радионинг олтин фондидаги сақланмоқда.

Ғуломжон Рўзибоевнинг «Табассум» радиожурнали учун чақириқ сифатида ёзиб олинган «Феруза» номли куйи ҳозиргача радио ихлосмандларига завқу шавқ багишлаб келмоқда.

1974 йили суратга олинган «Куйла, Санобар!» номли мусиқали фильм учун ёзилган қўшиқлари F.Рўзибоевга катта

шұхрат қелтирди. Гуломжон Рұзибоев табиатан дилкаш, одамохун, қулишни ва күлдиришни жон-дилидан севадиган инсон эди. Шу сабабдан у моҳир асқиячи, сўз устаси сифатида ҳам эл ардогига сазовор бўлди. Унга Ўзбекистон халқ артисти Ганижон Тошматов, машҳур асқиячи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулхай маҳсум Қозоқов ва Раҳматулла Яшаров устозлик қилган. У турли байрам ва маросимларга багишлаб юртимизда, хусусан, Фаргона водийсида ўтказилган сайилларда таниқли асқиячилар билан беллашиб инсонларга хуш кайфият ва кулгу улашди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Гуломжон Рұзибоевнинг маданият ва санъат соҳасидаги самарали хизматлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланди, 1992 йили унинг устидан чиқарилган суд қарори бекор қилинди.

Ўзбек миллий санъатининг улкан даргалидан бири, созанда, бастакор, актёр ва режиссёр, бадиий сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гуломжон Рұзибоев 2001 йил марта 83 ёшида оламдан ўтди. Ўлимидан бир йил аввал, 2000 йили Гуломжон Рұзибоев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига хат билан мурожаат қилган. Уни айнан келтирамиз:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири жаноби Абдусамат ПОЛВОНЗОДАга Андижон вилояти Асака шаҳар 2-тор кўчада яшовчи, II жаҳон уруши қатнашчиси Гуломжон Рұзибоевдан

АРИЗА

Мұхтарам Абдусамат Абдухамидович!

Яқинда бўлиб ўтган бир анжуманд юртбошимиз томонидан бизга жуда кўп ваколатлар берилгани туфайли сизга ушбуни ёзмоқдаман.

1941 йил октябрь ойида мени районга чақиришиб, уч ойлик сиёсий раҳбарлар курсида ўқишимни тавсия қилишди. Курсни битириб младший лейтенант увони билан Асакада тузилган ўзбек пиёдалар 93-бригадасига келдим ва рота политруги этиб тайинландим.

1942 йилнинг март ойида фронтга бир эшелон бўлиб жўнадик. Светогорск шаҳрига бориб, Шимолий Донецк дарёсидан ўтиб Лазовая станцияси яқинидаги бир хуторга тушдик. Бизни ҳаракатдаги армияга бўлиб юборишиди.

Мен бир ротада политрук бўлиб ишладим. 1942 йил май ойларида фронт газетасида «Боевой листок на узбекском языке» деган мақола чоп этилиб, унда менинг сиёсий фаолиятимга жуда яхши баҳо беришган эди. Икки кун ўтгач мени дивизия штабига чақириб, яна бир кубок билан сийлашиди ва лейтенант увонига сазовор бўлдим. Ўша кундан бошлиб 36-полкка полковой комсорг этиб тайинландим. Менга бир люлкали момоцикл ва бир ҳайдовчи беришиди.

Энди мен батальон ва роталарда ўз фаолиятимни давом эттиридим.

– Сени Ўзбекистонда таниқли одам қиласиз, – деган эди дивизия комиссари.

Афсуски, бизнинг 6-армия Харьков обlastida қуршовда қолгани маълум бўлди. 3 ой урушдик. Ўқ-дори, озиқ-овқат қолмади. Кўплар нобуд бўлди ва яраланди. 1942 йил июль ойининг ўрталарида биз асирга олиндик. Бизнинг матбуот 170 000 аскар бедарак кетди деб ёзган бўлса, немис матбуоти 265 000 асир олдик деб ёзган эди.

Шундан бизни Польшанинг Остров Мазовеций деган лагерига олиб боришиди.

Очлик ва касаллик кўпларни нобуд қилди. Шунда Вали Қаюмхон бизларни Туркистон легионига олиб чиқди, ҳаётимизни сақлаб қолди.

Мен легионда музикант бўлиб хизмат қилдим. 1943 йилда Туркистон мустақиллигини ёқлаб «Истиқлол» деган бир саҳна асари ёздим ва легионерларга қўйиб бердим.

1944 йил ёзида Вена шаҳрида туркистонликларнинг 2-конгресси бўлиб ўтди. Конгресс қатнашчиларига «Истиқлол» асарини кўрсатдим ва олқишилар олдим.

Легионерлар турган манзиллар:

Польшада – Остров Мазовеций, Биня Минова, Краков яқинидаги бир қишлоқ, Легионова шаҳри,

Францияда – Сантгоцденц, Ланцемезон, Алби, Кастрес.

1945 йилда репатриация қилиниб Москвага келдим. Қурилишда ишладим. 1946 йил март ойидаги Асакага келдим. Ҳарбий комиссариатга ҳарбий билет ёздирмоқчи бўлиб кирдим ва: «Мен 93-ўқчи бригадада хизмат қилганман. Политрук, лейтенант унвоним бор», – дедим. У ердагилар биз бундай деб ёзолмаймиз, рядовой деб ёзамиз дедилар. «Сослов», рядовой деб книжка ёзиб беришди. Уларда 93-бригаданинг шахсий состави ҳақида маълумот йўқ экан.

Мұхтарам Абдусамат Абдуҳамидович!

Салкам 50 йил шўро КГБсининг қора рўйхатидаги бўлиб, таъқибда юрдим. Маданият министрлигининг унвон ҳақидағы тавсиясини 4 марта қайта-ришигган эди.

Уруш қатнашчилариға бериладиган барча имтиёзлардан маҳрумман.

1992 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонини олдим. 1994 йили сизнинг имзоингиз билан реабилитация ҳақида область КГБ бошлигидан ҳужжат олдим.

Лекин уруши қатнашчиси деган ҳужжат беришмади. Шаҳар мудофаа бўлимига мурожаат қилдим. Улар Москва архивида сизнинг фамилияңгиз қайд қилинмаган деган жавобни беришди.

Биз ўша охирги жанг пайтида қуришовда қолган бўлсак, ҳужжатлар немислар қўлига тушибаслиги учун йўқ қилиниб ёқиб юборилган бўлса, Москва архивида менинг фамилиям йўқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Вилоят мудофаа бўлимига ҳам ушбуга ўхшаши ариза билан мурожаат қилдим, жавоб бўлмади. Охирни Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига шу йўсинда ариза, унвон ва оқланганим ҳақида стреокопия юбориб мурожаат қилдим. Улар область мудофаа бўлимига текширилсин, ҳужжатлар бўлса, бизга маълум қилинсин деган жавоб хатининг копиясини менга юборишди. Вилоятдан ҳеч қандай хабар бўлмади.

Ҳозир 82 ёшдаман. Имтиёзсиз, тиббий ёрдамсиз яшамоқдаман. Бу расмиятчилик ва бюрократик тўсиқлардан қутулиб олишда сизнинг ёрдамингизга муҳтоҷ бўлиб ушбуни ёздим. Охирги умидим сиздан. Ҳуқуқимни тиклашда ёрдам берарсиз деган умиддаман.

Сизга самимий салом йўллаб, эҳтиром билан Гуломжон Рўзибоев.



ТАРИХ – ҲАЁТ ИБРАТИ

*Тарих фанлари доктори, профессор
Мирсодиқ Исҳоқов билан сұхбат*

Америкалик олим, профессор

Фредерик Стар ўзининг «Хўш,

Американи ким кашф қилган?»

**сарлавҳали мақоласида «Американи
кашф этгандар қаторида Берунийни**

ҳам эътироф этиш керак»

деган таклифни илгари сурди.

**Ўша пайт Ўзбекистон миллий
телерадиокомпаниясида «Дунё бўйлаб»
телеканали эндиғина ташкил этилган**

эди. Биз Ф.Старнинг оламшумул

**эътирофи ҳақида ихчамгина фильм
тайёрлаб бердик. Унда Берунийнинг**

Америка қитъасининг мавжудлиги

ҳақида илгари сурған илмий

фаразлари қанчалик асосли бўлгани

ҳақида ҳам муҳим маълумотлар

берилди. Шунда томошабинлардан

жуда кўплаб хатлар олдик ва билдики,

юртдошларимиз тарихни – чинакам

тарихимизни билишини ва бизнинг буюк

ўтмишимизни бошқа ҳалқлар ҳам

билишини жуда-жуда хоҳлар экан.

Асрлар қаърига яширин воқеликларни аён этишда, тарихий ҳақиқатни тиклашда, албатта, тарихчи олимларнинг ҳиссаси бекиёс. Таниқли тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ Исҳоқов – ана шундай масъулиятли йўлни танлаган ва ҳозирга қадар бу йўлда событқадамлик билан қалам тебратиб келаётган катта ижодкор.

Сұхбатдошимиз қадими ёзма ёдгорликлар, хусусан, Марказий Осиёда қадими ёзувлар ва ёзув маданияти, сугд, хоразмий, парфиёний, бохтарий ёзувлари, авестошунослик устида олиб борган тадқиқотлари билан нафақат республикамиизда, балки жаҳон миқёсида тан олинган олимлардан бири. Шунингдек, Мирсодиқ Исҳоқов тарих тадқиқотлари методи ва методологияси масалалари билан қизгин шугулланиб келмоқда. У бир неча йирик фундаментал тадқиқотлар муаллифи, Республика фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар лойиҳаларининг илмий раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда. Бу олим ташкил этган «Марказий Осиё ҳалқлари тарихшунослиги, манбашунослиги ва тарихий тадқиқот методи ва методологиясининг долзарб масалалари» мавзуидаги анъанавий йиллик республика конференцияси самарали давом этмоқда. Мирсодиқ Исҳоқов Халқаро антик тадқиқотлар академиясининг аъзоси ҳамdir. Ҳозирда олим Тошкент давлат шарқшунослик институтида фаолиятини давом эттириб, талабаларга тарих фаннинг муҳим масалалари юзасидан сабоқ бермоқда.

Мирсодиқ Исҳоқовнинг республика вақтли матбуоти, телевидение ва радио орқали илмий мавзулардаги кўплаб чиқишлиари ҳалқимиз орасида катта эътибор қозониб келмоқда.



Савол: Болалигимизда атрофда ҳеч ким тарихга қизиқмайдигандек туюларди. Лекин каттароқ бўлиб билсак, аслида, ҳамма тарихий воқеаларни билишига, айниқса, ўз халқи тарихини ўрганишига қизиқар экан. Албатта, қизиқиши бошқа, тарихчи бўлиб шаклланши бошқа. Сиз нега айнан тарихчилик касбини танлагансиз?

Жавоб: Инсон ҳаёт йўлининг белгиланишида оила, у туғилиб ўсган муҳит, мактаб ва таълим жараёнлари, айниқса, устозлар таъсири чуқур из қолдирап экан. Аввало, менда билимга интилиш, дунёни англашга қизиқиши раҳматли отам туфайли болалигимдаёқ шаклланган эди десам ҳақ гапни айтган бўламан. Отам ҳар гал шаҳарга боргандрида Эски жўвадаги юмалоқ китоб дўконидан янги-янги китоблар олиб келар эдилар. Уларнинг сирли олами мени мафтун қиласди. Баъзи китобларни ўқиганимда ундаги воқеалар худди менга таниш ўз қишлоғим кўчаларида, майдону далаларида бўлаётгандек тасаввур қиласди. Кейинроқ, тарих дарслари таъсирида улар билан боялиқ бадиий асарлар ўқий бошлаганимдан сўнг эса китоблардаги воқеалар менинг тасаввуримда шоҳона саройларга, ўша менга нотаниш мамлақатларнинг ўрмонларига, тогу тошларига кўчгандек бўларди. Асарлар қаҳрамонлари билан хаёлимда гаплашиб юргандек бўлардим. 9-синфда ўқиётганимда мактабимиз кутубхонасида ёшимга тўгри келадиган китобларнинг ҳаммасини ўқиб бўлган эканман. Кутубхоначи Иnobat опа Соатова менга: «Бизда сен ўқимаган китоб қолмади, энди район марказидаги кутубхонага бориб ёзилгин», – деб қўлимга хат тутди. Район кутубхонаси боришим учун ноқулай экан. Амаллаб топиб бордим. Кутубхоначи менга маслаҳат бериб: «Ҳасанбойдан бу ерга қатнашинг қийин экан. Сен, яхшиси, Эски жўвадаги «Октябрь» кутубхонасига бориб ёзил», – деди. Ўша вақтда бундай инқилобий «қизил» номлар кўп эди. Аслида, мазкур кутубхона Турон кутубхонаси деб ном чиқарган зиё маскани бўлган. Шу баҳона жуда бой кутубхонага аъзо бўлиб олдим. Бу хотираларим,

балки, сухбатимиз мавзусига дахлдор эмасдир. Бироқ бу орқали ўқувчилар эътиборини китоб ўқишининг муҳимлигига қаратмоқчиман, холос. Афсуски, турли электрон ахборот воситалари туфайли китобдан йироқлашиб қолгандекмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизни китоб ўқишига бежиз чорламадилар. Чиндан ҳам, китоб хоҳ бадиий, хоҳ илмий бўлсин, инсон қалбини ёѓдуга тўлдиради.

Дарвоқе, сухбатимиз ўзанига қайтайлик. Тарихчилик касбини танлаганим ҳақида сўраган эдингиз. Менда гуманитар йўналишга иштиёқнинг шаклланишида мактабдаги устозларим Тоҳир Эшмуҳамедов, Одил Исҳоқовнинг таъсири катта бўлган. Тошкентнинг ёнгинасида – Ҳасанбой қишлоғидаги 19-мактабда ўқиганман. Бизнинг фамилиядошимиз, отам Мирсултон Исҳоқов билан ҳамкасб Одил Исҳоқов исмли домла тарих ўқитувчи-си эдилар. Ана шу устозимнинг тарих фанини ўқитиши ҳалигача кўз ўнгимдан кетмайди. Одил ака Исҳоқов шундай завқли одам эдиларки, тарихни жонли воқеадек, ўз кўзи билан кўргандек ҳикоя қиласди. Мен ҳам у кишининг ҳикояларини худди воқеалар ичида юргандек берилиб тинглар эдим. Одил аканинг ҳикоялари тарих дарсликлирида берилган материалдан кенгроқ бўлар эди. Гўё дарсликни шарҳлар эдилар. Мавзуга тегишли ҳужжатлар, ҳатто бадиий-оммабоп китоблардан маълумотлар келтириб, уларни дарслик материалини тушуниришда ишлардилар. Бир сўз билан айтганда, Одил ака Исҳоқов менинг қалбимда тарихга иштиёқ ўйготган илк устозим бўлганлар.

1959 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти тарих, тил ва адабиёт факультетига кирдим. Тарихчи улкан олим З.Нуриддинов, Ҳ.Бекмуҳамедов, ажойиб нотиқ, билимдон Козим Умаров сингари устозлардан таълим олдим. Филология йўналишида Мазлума Асқарова, Сайд Усмонов, Ортиқ Қаюмов, Латиф Халилов каби инсонлар таълимидан баҳраманд бўлдим. Тарих ва филология йўналишларининг бир факультетда жамланиши мен учун бир

бахтли ҳодиса бўлган. Ўша вақтда шундай факультет бор эди. Зеро, тарихни филологиядан ёки филологияни тарихдан ажратиб ўқитиш, менимча, қушнинг битта қанотини қирқиши билан тенг. Чунки тарих барча маданий жараёнлар қатори адабий жараённи ҳам, тилларнинг тарихий муносабатларини ҳам қамраб олади. Филология соҳасининг ўрганиш объектига, адабиётми, тил масалаларими, тарихий жараён ҳосиласи сифатида қаралмас экан, масалани ечилиди деб бўлмайди. Афсуски, 1963 йилдан бошлаб тарих ва филология йўналишлари ажратиб ташланди. Бу масалани ўйлаб кўриш учун ҳозир ҳам кеч эмас. Бугунги кунда халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмишини, биринчи Президентимиз марҳум Ислом Каримов айтганларидек, манбалар асосида ҳаққоний ва холисона ўрганиш зарурати ҳамон олдимизда турар экан, тарих ва филологиянинг ҳамкорлиги долзарблигича қолаверади.

Менинг тарихга муҳаббатимни янада кучайтирган устозларимдан буюк олим, фан фидойиси, халқимиз тарихини ўз багрида сақлаб ётган ёдгорликларнинг совет даври пахта сиёсати ва бошқа баҳоналар билан бузиб ташланишига қарши жасорат билан курашган аллома академик Яхё Ғуломов эдилар. Биз талабаларга ўқиган «Ўзбекистон тарихи» курслари шу қадар қизиқарли, содда, равон бўлардики, бизлар гўё тарихий хужжатли ҳикоя ичida қатнашаётгандек бўлардик. Энг муҳими, Яхё Ғуломов барча тарихий воқеаларни археологик, ёзма маълумотлар билан далил ва исботли тушунтирас эдилар. У кишидан олган билимларим ҳаётимнинг кейинги босқичларида асқотди, бу ҳақда кейинроқ айтарман.

1964 йили Тошкент давлат педагогика институтининг тарих ва филология факультетини битиргач ўз ташаббусим билан Тошкент вилоят маориф бўлими мудири Иброҳим Порсоевдан йўлланма олиб Бўка туманига ўқитувчи бўлиб ишга жўнадим. Бўка пахтачилик хўжалигининг Ўзбековул қишлоғида Абу Райҳон Беруний номи билан янтигина очиленган етти йиллик мактабда она тили, адабиёт

ва тарих фанларидан дарс бера бошладим. Ўқув йили яқунида дала ишлари бошланди. 5 – 7-синф ўқувчилари ўқишидан олиниб ёп-пасига яганага, чопиқса, ажриқ теришга ва бошқа дала юмушларига олиб чиқилар эди. Шундай қилиб, ўқувчиларга бошчилик қилиб далада юрган пайтимизда гўза қаторларига чопиқдан кейин оқсой соладиган трактор сўқасининг пўлат тиши қачонлардир кўмиб яширилган ниманидир синдириб ўтди. Ягана чопиқ қилаётган болалар «дув» этиб ўша жойга тўпланишиб, нималарнидир талашиб-тортиша бошлашди. Ҳаммасининг қўлида нимадир бор... Мен 15 – 20 метр нарироқда эдим, қизиқиб уларнинг ёнига бордим. Тасодифни қарангки, қўзадан бир қанча тангалар сочилиб қолган экан. Бирининг қўлида 5, бирининг қўлида 10 дегандек, кумуш тангалар. Мен кумуш тангаларни танидим. Улар сомонийлар ёки қораҳонийлар даврига хос кумуш дирҳамлар эди. Кўпроқ қораҳонийлар даврига хос. «Болалар, буларни йигиш керак, бу тарихий ёдгорлик», – дедим. Биласиз, хазина инсонларни ҳамиша ўзига жалб этиб келган, хуллас, болалар хазинани у ёқ-бу ёққа яширгандай бўлишиди, назаримда. Шунда 19,5 дона танга қолди қўлимдада. Ярим донасини атайлаб айтяпман, у вақтларда тангалар, масалан, бирор нарсанинг нархи ярим тангага тўгри келса, синдириб ҳам берилган.

Савол: Кумуш тангани синдириши мумкин бўлганми?

Жавоб: Ҳа, чунки материали қийматини йўқотмаган.

Хуллас, ўша тангалар билан эртасига Тошкентта қараб йўл олдим. Тарих институтига келдим. Мени ўша вақтдаги Тарих ва археология институтининг Археология бўлимида ҳозирда марҳум академик Абдулаҳад Мұҳаммаджонов кутиб олдилар. Мен келтирган тангаларни кўриб: «Зўр нарса топибсизларку, қаерда экан булар?» – деб сўраб-суриштирдилар. Манзили, тангалар қораҳонийлар даврига тегишли экани ҳақида гапирдим. Иккимиз ЎзФА тарих музейига жўнадик. Тангашунос С.Эшонхонов менинг тахминимни



тасдиқлади. Эртасига С.Эшонхоновни музей дала илмий сафарига жұнатди. Бұкада хазинанинг катта қисми үқувчилардан йигиб олишга эришилди. Қисқаси, ана шу топилма сабаб бұлыб мени ұша йили аспирантурага қабул қилишди. Устоз Яхё Гуломов бошлиқ комиссияга имтиҳон топшириб аспирантурага кирдим.

Савол: Демак, ұша тангалар сизнинг ҳаётингизда чин хазина бұлыб хизмат қылган экан-да?

Жавоб: Ҳа-а, нимасини айтасиз.

Бұка туманида ишлаб юрганимда Қурама тог тизмасидан бошланиб Сирдарё қыргоги-гача чүзилған, ұз вақтида деңқончилик воҳасини чұлдан бұладиган ҳужумлардан ҳимоя қилиш учун қурилған Жилонбұзған деган қадимий девор қолдиклари бўйлаб бир неча километр юриб үзимча ўрганиб чиққан әдим. Баҳтимга, имтиҳонда менга «Ұрта Осиёнинг қадимги мудофаа деворлари» деган савол тушди. Устозларга Жилонбұзған девори, үзим туғилиб үсгандық яқинидан ұтган Кампир девор ҳақида гапириб бердим. Менга аъло баҳо қўйиши.

Кейин яна бир ажойиб воқеа юз берди. Самарқандда, Афросиёб тепаликларида үтказилаётган археологик тадқиқотлар чогида VII аср үрталарига оид Сугд даври подшохларининг саройи, қабул маросимлари үтказиладиган катта зал очилған. 1965 йилда шу ердан деворий суратлар чиққан. Баъзи жойларida сугд ёзувида битиклар сақланған экан. Шу ёзувларни үқитиш учун Ленинград, ҳозирги Санкт-Петербургдан Владимир Аронович Лившитс деган мутахассис таклиф этилиб, ұша ёзувларнинг маъноси ойдинлаштирилиб, шундан кейин у ҳақдаги ахборотлар илмий муюмалага киришимдан сал олдинроқ бўлған гап. Бир куни Яхё Гуломов домла мени чақириб: «Мирсадик, – дедилар салмоқлаб. – Сиз араб ёзувини биласиз-а?» «Ҳа, сал хабарим бор», – дедим. «Мана, сиз боп бир иш бор», – дедилар. Эндигина аспирантурага имтиҳон топширган пайтларим

эди. Улар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ұрта Осиёда сугд ёзувини биладиган мутахассис үйқлигини айтдилар. Араб ёзувидан хабардор одам учун сугд ёзувини ўрганиш мураккаб бўлмайди дедилар. Менга ана шу сугд ёзувини ўрганиш вазифасини юклагандек бўлдилар. Кўп ўтмай В.А.Лившитснинг розилигини олиб, мени Ленинградга у кишининг ҳузурига мақсадли аспирантурага жұнатиши. Айни ұша Самарқанддаги сугд ёзувини үқиб бериб, маъносини тушунтириб кетган домла мени шогирдликка қабул қилди. 3-4 йиллик үқишим давомида Владимир Ароновичнинг уйларидаги кутубхонада шутгулланғанман. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ әди. Бу, биринчидан. Худди ұша йиллари авестошунослик йўналишида Сергей Николаевич Соколов менга устозлик килди. Профессор Л.Г.Гертсенберг эса санскрит тилини ўргатди. Михаил Николаевич Боголюбов қадимги форс тилидан дарс берди. Чунки сугд тили эроний тиллар оиласининг шарқий тармотига мансуб «ўлик» тил. Бизгача бу тил фекат ёзма ёдгорликларда етиб келган әди. Бу тилни ўрганиш учун, аввало, эроний тилларнинг тарихини ўрганишимга тўғри келган. Аспирантура давомида сугд тилининг феъл тизими устида тадқиқот олиб бордим. 1972 йили Москвада Шарқшунослик институтининг ҳимоялар кенгашида «Сугд тилида феълнинг шахс формалари» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаб филология фанлари номзоди илмий даражасини олдим.

Савол: Ўзбекистонда сугдшунослик мактаби сизнинг номингиз билан bogliq. Бу соҳада шогирдларингиз, олиб борилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтсангиз.

Жавоб: Сугдшунослик йўналишида бир неча шогирдлар етишиб чиқиши: Үқтам Мансуров, Шомансур Шоёқубов, Азимхўжа Отакўжаев, Файбулла Бобоёров, Б.Мамараҳимова ва ҳоказо. Улар орасида Азимхўжа Отакўжаев, Файбулла Бобоёров фан докторлари, республика ва халқаро миқёсда тан олинган олимлардир. Бу қаторга ёш иқтидорли тадқиқотчи Андрей Кубатинни ҳам



қўшиш мумкин. Битта армон шуки, ушбу мактаб салоҳияти турмуш-ҳаёт муаммолари туфайли бир ташкилий ядро атрофига тўпланиб, катта ҳамкорлик лойиҳаларида бирга эмаслар.

Савол: *Мирсадик Мирсултонович, Ўзбекистонда сизни авестошунос олим сифатида ҳам яхши билишади. Бу соҳадаги ишларингиз ва режаларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.*

Жавоб: «Авесто» ва зардуштийлик масалалари шарқшуносликнинг жаҳон миқёсидаги илмий соҳаларидан бирiga айланган. Масалан, салқам уч юз йилдан бўён Европа олимлари «Авесто» устида бош қотириб келмоқдалар. Эронда, Ҳиндистоннинг Мумбай, Гужарот вилоятида яшаб келаётган зардуштийларнинг жамоалари сабабли авестошуносликнинг Мумбайдаги Кома институти ишлаб турибди. Бу ҳали авестошуносликнинг янги, замонавий давридаги гаплар. Аслида, «Авесто» китобини илмий ва амалий мақсадларда ўрганиш қадим замонлардан бошланган. Масалан, Македониялик Александр босқинчилиги даврида «Авесто» ўтга ташлаб кўидирилган. Уни хотирада сақланган оғзаки шаклдан қайта ёзиб олиш ҳаракати Парфия подшолиги даврида бошланган. Сўнгра зардуштийлик Ўрта Осиёдан, аниқроги, ҳозирги Ўзбекистоннинг Амударё қуи оқимларидаги дастлаб шаклланган маконидан Зардуштнинг ҳижрати сабабли аввал Бақтрияга, ундан Қадимги Эронга кириб боргач сосонийлар даврида бу китобни тиклашга бир неча уринишлар бўлган. Барча ҳаракатлар тили унутилиб, муқаддас матнлар сифатида хотирада сақланган китоб матнининг аслидагидек бўлишини таъминлашга қаратилган. Гап шундаки, «Авесто» сўзларини бузмасдан, аслидаги каби талаффуз қилиш шарт эди. Жонли тиллар ўзгариб боргани сари муқаддас деб тушунилган «Авесто» матнининг ишончли тикланиши ўша вақтларда ё матн устида илмий изланишларни талаб қилган. Ниҳоят, Хусрав I Ануширвон даврида ташкил қилинган ўзига хос илмий

амалиётчи мульядлар гуруҳи «Авесто»нинг бизгача етиб келган таҳририни яратган. Бу таҳрир асосида қўчирилган XIII асрга оид «Авесто» (Копенгаген) нусхаси жаҳонда мавжуд энг эски нусха ҳисобланади. Ундан факсимил кўчирма нусха чоп этилган ва бу нашрнинг бир нусхаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида мавжуд.

Ўзбекистонда авестошунослик тарихи Абу Райҳон Беруний асарларидан бошланган десак муболага эмас. Бироқ замонавий авестошуносликка ўзбек олимлари XX аср ўрталаридан киришган. Н.М.Маллаев, А.П.Қаюмов, Ҳ.Ҳомидий, Т.Карим, Ҳ.Тўраев, С.Ҳасанов сингари саноқли муаллифлар бу соҳада маълум ишларни амалга оширишган. Бироқ уларнинг аксарияти асл манба билан эмас, русча, форсча нашрлар асосида фикр юритишган. Шу ўринда Г.М.Маҳмудованинг «Авесто» асосидаги фалсафий тадқиқотларини айтиб ўтмоқ лозим. Ёш иқтидорли тадқиқотчи Б.Жалолов «Авесто» Гоҳларининг асл матнини илова қилган ҳолда изоҳли таржимасини амалга ошириди ва нашр эттириди.

Ушбу қисқача тафсилотдан кейин мен ўзимнинг авестошуносликка оид ишларимни бу мураккаб соҳа олдида улкан қарздорлик ҳисси билан қайд этишни истар эдим. Бир неча мақолаларим, «Авесто» Яшт наскининг ўзбекча изоҳли таржимаси, Видевдот китобининг таржимаси (бу ҳам изоҳлар билан), Зардуштнинг пайгамбарлик даъвоси билан айтган бадиҳа даъват ярим шеърий қироатлари Гоҳларининг ўзбек тилига изоҳли таржимаси – шулар менинг «Авесто» бўйича қила олганларим. Бу соҳа бўйича илмий раҳбарлигимда бир фан номзоди (Б.Мадамин) «Авесто»да табиат қультлари мавзуида ҳимоя қилди. Рўразова «Авесто»да аёл маъбуналар ва уларнинг тарихий-ижтимоий талқини» мавзуида янги қоидалар бўйича фалсафа доктори (тарихий диншунослик) даражаси учун диссертация ёқлаш арафасида.

Савол: *Мустақилликка эришимасимиздан аввал Ўзбекистон ва Ўзбекистон халқлари тарихи анчайин сохталашириб юборилган*



эди. Буни бошқа одамлар унча сезмасалар-да, тарихчилар билардилар. Халққа тарихнинг нотўғри талқин қилинаётганини била туриб индамаслик эса оғир. Тарихимизни аслигича ёзишига уринишлар бўлганми, буларнинг оқибатлари ҳақида нималар дея оласиз?

Жавоб: Бизнинг минтақа ўтмишини имкон қадар сохталаштиришга уринилган. Айниқса, совет даврида. Лекин ҳатто мустақилликнинг илк дамларида ҳам бу таъсирдан тарихимизни қутқариш қийин бўлган. Бу аниқ гап!

Бу минтақадаги туркий халқларнинг тарихини камситишга қаратилган концептуал масала эди. Мазкур концептуал масаланинг юзага келишига XVIII – XIX асрлардаёқ Европада шаклланган ҳинд-европа назарияси сабаб бўлган.

Гап шундаки, XVIII асрнинг 2-ярми ва сўнгги чоракларида ёки XIX асрнинг бошларидан «Авесто» китоби ҳақидаги маълумотлар Европада илм аҳли доирасига кириб борган ва унга бўлган қизиқиш жуда кучайиб кетган. Европа олимлари «Авесто»ни Ригведага, яъни Ҳиндистонда шаклланган қадимги веда адабиётларида тилга солиштириб, санскрит ва бошқа даврлар тилларига хос ўхшашлик топишган, шу тариқа тил нуқтаи назаридан қадимда ҳинд-европа тиллари бўлган деган гояни келтириб чиқаришган. Ҳинд-европа гояси ёки ҳинд-европа назарий қарашлари Осиё минтақасидаги туркий халқларнинг азалий тарихига мутлақо зид эди.

Тўгри, минтақада ҳинд-европа тил муҳити шаклланган давр ҳам бўлган, лекин бу ҳинду орий тил муҳити ҳисобланиб, у кейинроқقا – эроний тил муҳити бошланган даврига, аниқроги, милоддан аввалги II мингийиллик ўрталарига тўгри келади. Милоддан аввалиг I мингийиллик дегани эса бронза асрининг энг юксак босқичидир. Айни шу даврда орийлар миграцияси жараёни кечган.

Аммо бунга қадар бу ерда юксак сугорма деҳқончилик маданияти шаклланиб улгурган эди. Бронза даври санъати ёки энеолит даврининг нафис турмуш асбоблари, рангли бўёқ билан безатилган сополлар, бронза дав-

рининг бир чертсанг овози жаранглайдиган сугд идишлари, бронздан ясалган нафис буюмлар, тақинчоқлар ва бошқалар, энг муҳими, сугорма деҳқончилик ва илк шаҳар цивилизациясини ким яратди деган саволга жавоб қани?

Савол: Демак, бу саволларга жавоблар очиқ қолаверган?

Жавоб: Энг ёмони, ҳаммага «Бутун тараққиёт орийлар миграциясидан кейин бўлдик», унгача бу ерлар бир ёввойи макон эди-ку» деганга ўхшаш, сиртдан қараганда, тўгридек кўринадиган гояни сингдиришга уриниш кучли эди ўша пайтларда.

Менимча, бугун бемалол прототуркий дунё ҳақида, прототуркий дунёнинг асл илдиз макони шу ерда шаклланган деган талқинда турсақ, бу жуда тўгри бўлади.

Энди яна бир гап. Ҳар бир тарихчи тарихга ўзининг муносабати билан кириб келади ёки ундан талаб қилинган муносабатлардан келиб чиқади. Талаблар эса кўпинча ҳақиқий тарихга зид келиб қолиши мумкин. Академик устозимиз Иброҳим Мўминовнинг Амир Темурнинг тарихдаги ўрни ҳақида рисола ёзгани боис миллатчиликда, Амир Темур шахсини идеаллаштиришда қоралангани эсингиздами?

Қарангки, ўшандада Москвада «Вопросы истории» журналига Анатолий Петрович Новосельцев¹ деган бир фан номзоди академик Иброҳим Мўминов рисоласига тақриз ёзил, академикни айبلاغан эди. Ўзингиз ўйланг, Москвадаги фан номзоди биладими Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатни ёки академик Мўминов кўпроқ биладими, бунисини ҳеч ким суриштиrmайди. Муҳими, ана шу Новосельцевдан шундай муносабат билдириш талаб этилган бўлса керак.

Савол: Шукрки, бугун тарихий ҳақиқат барибири тикланди...

¹ А.П.Новосельцев (1933 йил 26 июль, Иркутск – 1995 йил 12 сентябрь, Москва) – тарихчи, шарқшунос, 1974 йили «Пути развития и особенности феодальной формации в странах Закавказья» мавзууда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1987 йилдан СССР Фанлар академияси муҳбир аъзоси, СССР ҳудудидаги қадимги давлатлар тарихи сектори мудири. 1988 йили СССР тарихи институти директори булиб сайланган.



Жавоб: Албатта, ўзбек халқининг бошини қовуштирган, давлатчилигини тиклаб, уни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрамона тадбирлар халқимизни қанчалик қувонтирди ахир. Халқимиз ўша ҳақиқатни унутмабдику. Ўша ҳақиқатга бўлган ҳурматини йўқотмабди-ку. Демак, халқимиз тарихимизни чуқур идрок этиб, тушуниб келган. Аммо гапириб бўлмасди.

Савол: Ўтмишини бузиб талқин қилиш деганда биз муайян бир воқеаларни сунъий бўрттириб кўрсатишни ҳам тушунамиз, тўғрими? Чунки бу ҳолат ҳам тарихни соҳталаштиришга олиб келади ва асл ҳақиқатни билишдан чалгитади.

Жавоб: Айнан шундай, рус тарихи мисолида оладиган бўлсак, бу тарихни яратишида ўзига хос ёндашув, яъни рус халқининг тарихини шарафли қилиб кўрсатишга йўналтирилган маҳсус концептуал қараш мавжуд бўлган. Миллатчилик нуқтаи назаридан эмас, миллатнинг руҳини кўтаришга қаратилган маънодаги ёндашув эди бу, лекин охир-оқибат мазкур уринишлар рус тарихини маълум маънода ўзгалар тарихидан устун қилиб, ярқироқроқ кўрсатишга олиб келди. Масалан, Карамзиннинг тарихини оламизми ёки Татищевнинг тарихиними, ҳаммасида шу хусусият бор. Совет даврида эса ўзга халқлар тарихида рус халқи тарихи билан солишлирганда аниқ-равshan ютиб чиқадиган илгор тарихий фактлар бўлса, улардан кўз юмиш, инкор этиш, бордюю бирор фахрли факт ҳақида кимдир ёзиб қолса, уни «ўтмишини идеаллаштирувчи, феодал замонни қўмсаган душман» деб айблаш ҳукмрон бўлди.

Биринчи Президентимиз И.Каримов 1998 йилда тарихчилар билан қилган суҳбатларида тарихнинг холисоналигини таъминлаш зарур эканини уқтирган эдилар. Шу билан бирга, халқимизни унинг ҳаққоний тарихи билан қуроллантиришга даъват этгандилар. Мана шу сўзлар Ўзбекистонда тарихга

бўлган муносабатни ўзига хос йўлга солди, тадқиқотларнинг методологик, концептуал соглом йўлини белгилаб берди.

Савол: Мустақилликка эришилгандан сўнг ёки ўша 1998 йилги учрашувдан кейин ўтган давр мобайнида қандай натижаларга эришилди?

Жавоб: Қатор йирик тадқиқотлар вужудга кела бошлади. Масалан, ўзбек халқининг қелиб чиқиши ва этник тарихи, этногенез масаласи атрофида Шониёзов бошлаган катта йўналиш давомида бир қатор салмоқли ишлар қилинмоқда. Яқинда академик А.Асқаровнинг «Ўзбек халқининг қелиб чиқиши тарихи» номли йирик монографик тадқиқоти эълон қилинди. Баҳсли, мунозарали масалалар борлигига қарамай, яхлит маънода бу асарда туркий халқларга нисбатан автохтонлик, яъни туб жой асослари азалдан мавжудлигини кўрсатиш тенденцияси акс этган. Шунингдек, бу асарда маҳаллий этник, мадданий жараёнларда эронийзабон ва туркий тилли халқларнинг иштироки ўзаро мутансиблиги асослаб берилган.

Ўзбек давлатчилиги тарихи, тарихий манбашунослик ва тарихшунослиқда янги методологик ёндашувларнинг барқарорлиги таъминланмоқда. Минтақамиз халқларининг муштарақ тарихларини умумлаштирувчи халқаро нашрлар пайдо бўлди. Кўплаб халқаро анжуманлар ташкил этилиб, уларда минтақамиз тарихининг умумий ва хусусий масалалари муттасил муҳокама қилиб борилмоқда. Биргина 2014 йилнинг 15 – 16 май кунлари Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Шарқ алломаларининг илмий мероси, унинг бугунги жаҳон цивилизациясидаги ўрни ва аҳамияти масалаларига багишлиланган Самарқанд халқаро анжуманининг ўзиёқ бу йўналишдаги ишларнинг ёрқин мисолидир.

Республика тарихчиларининг академик Яҳё Ғуломов номидаги доимий семинари тарихимизнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиб бормоқда ва ўз тавсиялари, қарорлари билан тадқиқотларга йўналиш беришда фаол хизмат қилиб келмоқда.

Шахсан ўзим минтақамизнинг қадими ёзув маданияти тарихи билан кўп вақтлар давомида шугулланиб келаман. Бунинг сабаби, сугд ёзма ёдгорликларини ўрганиш мени қадими ёзувлар дунёсига олиб кирди. Натижада мен қадими хоразмий, бохтари ёзуви, унинг ҳам оромий, ҳам юонча шаклларини, шунингдек, парфиёний ёзув, сугд ёзуви, сугд ёзувидан уйгур ёзувининг ўсиб чиқиши ва уйгур ёзуви орқали алифбели ёзувларнинг тўгридан-тўгри Буюк ипак йўли бўйлаб тарқалиш жараёнларини ўрганиб чиқдим. Бу ёзувларнинг қўшни ҳалқларга таъсирини тадқиқ қилдим. Айниқса, фонетик ёзув, яъни нутқ товушига мос келадиган ҳарф белгилари тизимидан иборат алфавитли ёзувнинг таъсири корейс алифбесигача етиб боргани исботланди. Афросиёбдаги шоҳ саройи деворларида чизилган суратларда подшо Варҳуман қабулига кириб келаётган элчилар тасвирланган. Ана шу элчилар қаторида икки нафари Кореядан келган деб тан олинди. Улар Самарқандда сугд ёзувининг хусусиятини ўрганишган. Шу каби ҳарф-тovуш алифбели ёзув уларга маъқул бўлган. Чунки Кореяда ўша замонларда амал қилган хитой иероглиф ёзуви корейс тилининг атглютинатив хусусиятларига тўгри келмас эди. Буни англаб етган элчилар корейс тили учун сугд алфавити андозасидан фойдаланиш гоясини биринчи бўлиб Кореяга Афросиёбдан олиб кетган десак муболага бўлмайди. Бироқ тарихий вазият ўзгариб кетиши сабабли бу гоя Кореяда ҳаётга тўлиқ сингмай қолган. Ниҳоят, XV асрда Корея подшоси Се Жон (1418 – 1450) подшолиги даврида корейс алифбели ёзуви маҳсус фармон билан Кореянинг расмий ёзуви сифатида жорий қилинди. Се Жон корейс ёзуви ҳарфларининг график асоси учун сугд ёзувининг қадимги элчилик миссиялари олиб борган ҳамда сугд савдогарлари орқали Буюк ипак йўли бўйлаб туркий ҳалқларда тарқалган варианtlарини олган. Ҳарфлар сонини сугдий алифбедаги 22 тадан 29 тага етказган. Ўзининг 1446 йили эълон қилган «Хун мин чўним» номли фармони билан корейс алифбесини миллий ёзув

асосига қўйган. Унинг корейс ҳалқи тарихи олдидағи улган хизмати шундан иборат.

Хуллас, Марказий Осиё ёзув маданиятининг таъсири Узоқ Шарққача етиб борди. Ҳолбуки, Марказий Осиё минтақасида алифбели ёзувлар ва ёзув маданияти тарихи қарийб 2500 йилга teng. Биргина илк ўрта асрларда минтақамизда ўндан ортиқ алифбели ёзувлар амал қилган. VII аср охири – VIII аср бошларида улар қаторига араб ёзуви ҳам қўшилди. Бизнинг ажоддларимиз араб ёзувини ҳам жуда тез ўзлаштиришган. Чунки қадими ёзув маданияти тажрибасига эга ҳалқлар учун бу муаммо ҳисобланмаган.

Савол: Мени яна бир масала қизиқтиради. Негадир қадимги туркий ёзув ёдгорликлари қандайдир чекланган ҳудудий тасаввур берувчи ўрхун-енисей битиклари деб юритиб келинади. Ҳолбуки, қадимги туркий ёзма ёдгорликлар топилган жойлар фақат Ўрхун дарёси ёки Енисей ҳавзаси эмас. Шу тўгрими?

Жавоб: Бу саволингиз ўринли. Чиндан ҳам, бугун туркология фани эришган ютуклар шу каби баъзи тушунчаларни қайта кўриб чиқишини долзарб қилиб қўймоқда. Аслида, ўрхун-енисей битиклари деб аталишига сабаб бу ёзма ёдгорликларнинг дастлабки намуналари Ўрхун ва Енисей дарёлари бўйларидан топилганидир. Демак, бу атама шартли равишда қўлланиб келмоқда. Бугун фанда қадимги туркий ёзув, унинг турли маҳаллий вариантларида битилган ёдгорликлар Осиё қитъасининг катта қисми, Европанинг Дунай дарёси бўйларигача бўлган улкан минтақаларга ёйилгани маълум. Россиялик эпиграфик ёдгорликлар археологияси билан шугулланган олим И.Л.Кизласов «Древнетюркская руническая письменность Евразии. Опыт палеографического анализа» номли асарида бу масалани исботлаб берди. Шуларни эътиборга олиб бугун «қадимги туркий ёзма ёдгорликлар» деб аташни маъқул деб биламан. Шунда Ўрхун ва Енисей бўйи ёдгорликлари қадимги туркий ёзувининг локал (маҳаллий) намуналари маъносинигина ифодалаган бўлади. Чиндан ҳам, тур-



кий битиклар Фаргона водийсида Андижон яқинидаги Лўмбитетадан, Исфарадан, Қашқадарёдан, Қозогистон ҳудудларидан, Жанубий Қозогистон миңтақаларидан топилган, бу туркий битикларнинг ҳаттоки Дунайгача бориб етган намуналари бор. Масалан, Волгабўйи ҳудудларидан қадимги Ўрхун-Енисей ёзувининг маҳаллий турларидан фойдаланган туркий халқлар ёдгорликлари кўплаб етиб келган. Шимолий Кавказда туркий ёзувларнинг турли намуналари топилган ва ҳоказо. Мана шуларнинг ўзи ҳам туркий халқлар яшаган жуда улкан ҳудуд, Евроосиё бўйлаб ёйилган туркий халқларнинг муҳити ҳақидаги маълумот сифатида эътиборга лойиқ.

Савол: Мана шу ютуқларнинг ҳаммаси олимларимиз томонидан халқимиз олдида, ўзимизнинг илмий муҳитда исботлаб берилгани битта масала, шу илмий натижалар, илмий хуносалар дунёга олиб чиқилиши бошқа бир алоҳида масала. Мана шу борада фикрларинигизни билишини истардим.

Жавоб: Мен ўзим бир неча халқаро конференцияларда, масалан, Кореяning Сеул ва Конгжу шаҳрларида бўлдим. «Корейс ёзувининг шаклланиши ва Буюк ипак йўли» деган мавзу атрофида 2006 йилдан бошлаб 5-6 та конференцияда қатнашдим. Корейсларнинг ўzlари ҳам ёзувлари биздан борганилигини охир-оқибат тан олишди.

Шу ўринда яна бир жиҳат, ўз даврида бизнинг ўлкамиз будда динининг ўзига хос марказларидан бирига айланган. Гап шундаки, будда динининг шарқ халқларига тарқалиши Ўрта Осиё орқали кечган. Сугд тилида яратилган ва бизгача етиб келган кўплаб буддавий адабиётлар бор. Шу масала ҳозирда Кореяни ҳам, Хитойни ҳам жуда қизиқтириб қўйган. Улар: «Бизга етиб келган адабиёт шаклларининг илдизлари бу ёқда экан-да, бизга етиб боргунча шунчалик ўзгарган экан-да...» – деб қатор тадқиқотлар бошлаб юборишган.

Шунингдек, Европа олимларининг ҳам бизнинг тарихимизга муносабати кейинги

вақтда кескин ўзгара бошлади дейиш мумкин. Айниқса, темурийлар тарихи борасида. Темурийлар тарихини борича, бутун деталлари билан, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари, оқибатлари, воқеликнинг кечиш жараёнларигача батафсил очиб берётган асарлар пайдо бўлмоқда.

Савол: Мирсадиқ ака, ҳеч муболагасиз айтиши мумкинки, Ўзбекистон – тарихий обидалар ва табиий ёдгорликларга бой мамлакат. Уларнинг ҳар бирини кўрганингизда кўнгил гууррга тўлади. Лекин... бундан бир неча йил аввал француз тилида гаплашувчи сайёҳларни Самарқанд бўйлаб, аниқроги, Амир Темур мақбараси атрофида айлантириб юрган қиз – гид сайёҳларга мутлақо нотўгри, эски, совет даврида яратилган, бемаъни маълумотларни бераётганини кўриб жуда хафа бўлдим. Ўша сайёҳлар Амир Темур тўғрисидаги хато фаразларга ишониб қайтаётганини кўриб хунобим ошиди. Қизга ҳам, унинг раҳбарига ҳам танбеҳ бердим. Ўзимча ўйлаб қолдим. Мана шундай гидлар ҳам тарихчилардан олинса ёки тарихчилар томонидан тез-тез имтиҳон қилиб турилса бўлмайдими?

Жавоб: Бу жуда яхши фикр. Ўз ишининг устаси, билимдон гидлар ҳам йўқ эмас. Лекин сиз айтгандек ҳолатларда сайёҳлар гиднинг нотўгри маълумотларини эшитиб: «Шундай экан-да», – деб кетиши ёмон. Сиз ҳақсиз, гидларни аввал яхшилаб ўқитишини йўлга қўйилса ёмон бўлмасди. Тошкент шаҳрида шунга ўхшаш бир мактаб ташкил қилинган. У ерда ҳатто бир марта дарс беришинга ҳам тўгри келди.

Савол: Айнан тарихчилар ўқитяптими уларни?

Жавоб: Уларда ўқиётгандарнинг айримлари Жаҳон тиллари университетининг хорижий тилларни биладиган талабалари, айримлари эса Рассомчилик ва дизайн институтининг музей бўлими талабалари ва шунга ўхшаш. Мен ҳам маҳсус дарсларга таклиф қилинганман. Шунда тушундимки, улар учун тарихчи мутахассислар сабоги жуда зарур экан. Негаки мен айтиб бераёт-



ган гапларнинг ақсарияти тингловчиларимнинг тасаввурида ҳам йўқлиги билиниб турад эди. Улар гапларимни жуда қизиқиб эшитишди ва ўзлари фойдаланаётган махсус адабиётлар камлигини айтиб бу ҳақда истакларини баён этишди. Хуллас, билимларни тарғиб қилиш, музей хизматининг илмий асосларини кучайтиришга эҳтиёж катта экани шубҳасиз.

Савол: Аммо нима дейсиз, 2-3 та дарс улар учун кам-да.

Жавоб: Кам. Менимча, бўлажак гид – эксперсоводларни юқори талаблар асосида махсус ўқитиш шарт.

Савол: Шу ўринда тарихий обидаларга муносабат масаласига, тарихий масканларда, бино ичидағи ва очиқ осмон остидағи музейларда юриши маданияти масаласига ҳам тўхталиб ўтсангиз. Ёшларимизнинг, умуман, юртошлиларимизнинг бу борадаги ички маданияти қониқарлами ёки...

Жавоб: Жуда жиддий масалага тўхтадингиз. Бу анчадан бери мени ўйлантириб, қалбимга оғриқ бериб келаётган масалалардан бири. Мен сизга бир мисолни айтай. Сармишсой деган жудаям ноёб бир ёдгорлик мажмуаси бор. Сармишсой қоятош суратлари жаҳон аҳамиятига молик ҳисобланади. Сармишсой қоятош суратларининг шундок-қина тагидан тог орқали орқа қишлоқларга ўтиладиган автомобиль қатновига йўл очиб қўйилиби. У ерлар илгари табиатнинг сўлим бир гўшаси эди. У ерга аста бориб, томоша қилиб, зиёрат қилиб қайтадиган жой эди. Энди эса унинг тагидан машиналар гур哩лаб қатнаб ётибди. У йўлни албатта беркитиш керак. Сармишсой қоятош суратлари мажмуининг ҳимоясини расмий равишда сақлашга қаратилган жиддий чоралар кўриш, ҳатто қўриқхонага айлантириш лозим.

Икки йил олдин Сармишсойни зиёрат қилиб, суратга олган пайтимда бир нарсага гувоҳ бўлдим. Бир ноёб сурат бор, зардуштийлик тарихига оид сурат ҳисобланади. Шунинг тепасига бугунги кундаги қаттиқ материал билан ўйиб катта ҳарфлар билан

«Саша» деб ёзиб кўйибди, даҳшат-ку бу, ахир. Бунинг устига, сурат туширилган жойдан кичикроқ тошларни ажратиб, ўзлари билан олиб кетиши ҳолатлари пайдо бўлган деб гапиришяпти. Ўша тошлардаги суратларда бутун ритуал – маросим ҳолатлари тасвирланган. Бутун инсониятнинг орзу-умидларини акс эттирган суратлар улар. Қоятошларда 3500 га яқин сурат бор. Агар битта-битта синдириб кетсак қанчалар катта зарап етказамиз. Шунинг учун бундай тасвирий обидаларни, қанчага тушишидан қатъи назар, қўриқлашимиз шарт.

Айрим жойларда археологик ёдгорликнинг ёнидан тупроқ қазиб олиб кетиши ҳолатлари ҳалигача давом этмоқда. Ўгринча қилишади, албатта, бу ишларни. Ёдгорликларга онгли муносабат бўлмас экан, бунинг оқибатларини тасаввур этиш қийин эмас.

Савол: Айнан шу маданиятни, тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиши одобини шакллантиришга ким масъул, аслида?

Жавоб: Буни оиласдан бошлаш мумкин. Ота-оналар фарзандларини зиёратгоҳларга ўзлари олиб борсалар ва у ерда ўзини тутиш одоби қандай бўлишини амалда кўрсатиб берсалар, уқтирасалар. Қолаверса, мактаб, матбуот, радио, телевидение орқали таргигбот ишларини кучайтириш лозим деб ҳисоблайман. Бу масалалардан, зарур бўлса, молиявий таъминотни аямаслик керак. Зоро, гап тарихимизнинг моддий манбалари ҳакида бормоқда.

Шундай ёдгорликларимиз борки, дунёда ягона ҳисобланади. Масалан, Учтут деган жойда тарихий шахталар қазиб ўрганилди. Неолит даврининг шахталари. 4 – 4,5 м. Қудук қазиб тушиб, ер остки қатламларида жойлашган чақмоқтошни (кремнийни) ўша ернинг ўзида тог жинсларидан ажратиб олиб, чармдан қилинган чодирларда юқорига узатишар экан. Кейин яна ён томонга кавлаб 2-қудукқа ўтадиган йўллар очишар экан. 40 – 50 та неолит даврига оид ана шундай қудук-шахталар очилган. Бундай шахталар жаҳонда фақат 4 та жойда бор, шундан бит-

таси Ўзбекистонда. Бу фахрли эмасми? Мен яқинда жаҳонга машҳур палеолит даври ёдгорлиги Кўлбулоқда бўлдим. У ердан ярим миллион йиллар билан ўлчанадиган тошдан ясалган ноёб меҳнат қуроллари, узоқ муддат фойдаланилган манзилгоҳ излари топиб ўрганилган. Аммо ёдгорликнинг бугунги аҳволи гоят ачинарли. Ўша қадимий инсон аждодлари учун ҳаёт манбаи бўлган Кўлбулоқ чашмаси бугун ҳам қайнаб турибди. Аммо сув чиқиб турган ҳовузчаси чириган шох-шаббалар, турли пластмасса буюмлар билан қопланган. Булоқ суви оқиб кетишига ариқ ҳам йўқ. Сув булоқ пойидаги дараҳтзорга ёйилганча оқиб турибди. Ёдгорлик атрофи мутлақо қаровсиз, ташландик ҳолда. Ахир бу ўзимизнинг Ангрен шаҳримизнинг ёнгинасида жойлашган жаҳоншумул ёдгорлик-ку. Наҳотки, маҳаллий ҳокимият, унинг маънавий таргибот хизматлари, яқин атрофдаги мактаб, коллежлар раҳбарияти, лоақал, шулар ёдгорлик тақдирни билан қизиқмасалар. Бу ёдгорликни ҳаттоқи туристик манзилга айлантириш ҳам мумкин-ку. Тарих дарсликларида, қомусларда, археологик атамаларнинг жаҳонга машҳур энциклопедик изоҳли лугатларида Кўлбулоқ қандай юксак таърифлар билан берилиб турса-ю, ўзимиз бу ёдгорликнинг аянчли аҳволидан бехабар бўлсан. Бу қандай гап?

Савол: Тарих тадқиқотларида ҳаққонийлик, холислик каби масалалар бугун долзарб эканидан хабарим бор. Айниқса, СССР парчаланиб, тарих совет даврининг мағкуравий қолипларидан қутулишига киришиган пайтда методологик муаммолар яққол кўзга ташланиб қолди. Сизнинг бу масалаларга бағишланган айрим мақолаларингизни ўқиганман. Учрашуви миздан фойдаланиб шу ҳақдаги фикрларингизни билмоқчи эдим.

Жавоб: СССР таркибидан ажralиб чиқсан қатор ҳалқарнинг ўз тарихи ҳақидаги бугунги қарашлари, илмий тадқиқотларнинг мураккаб методологик манзаралари ҳақида эмас, ўз минтақамиз ҳалқлари тарихини ёритишдаги методологик ёндашувлар хил-

ма-хиллиги ҳақида бир неча сўз айтишим мумкиндир. Аввало, минтақамизда азалдан ёнма-ён, бирга яшаб қелаётган ўзбек, тоҷик, қозоқ, қирғиз, туркман ҳалқарининг тарихий илдизлари бир эканини таъкидлашни истардим. Азалдан бу ҳалқларнинг дарёлари, тогу тошлари, яйловлари, далаю даштлари муштарак бўлган. Маданиятлари, маънавий дунёлари бир бўлган. Марказий Осиё иқтисодий умумий майдон бўлиб қелган. Бу ўлкада ўтрок дәҳқончилик ва шаҳар маданиятининг илдизлари муштарак. Энеолит ва бронза даврларидан бошлаб Алтиндепе, Намозгоҳ, Сополли-Жарқўтон, Дашли – қадимий Ўрта Амударё цивилизацияси ўчоги Марказий Осиё ҳалқарининг умумий тарихида ёрқин саҳифа. Кейинги тарихий босқичларда ҳам минтақамиз ҳалқарининг тақдирлари доимо туташ бўлиб қелган. Улкан давлатлар таркибида ҳам ҳалқларимиз ҳеч қачон сен-менга борган эмас. Бас, шундай экан, минтақамиз ҳалқлари тарихини методологик универсал форматларда, яхлит концептуал қарашлар остида ўрганиш ва шу йўсинда тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қолаверса, прототуркий даврлардан бошлаб, айниқса, орийлар миграцияси оқибатида туркий ва эронийзабон ҳалқларнинг минтақамиз маданий тарихий жараёнларида бирга ва ёнма-ён яшаб қелаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шунинг натижаси сифатида ўзбек ва тоҷик ҳалқарининг синкрет маданий муштараклиги юзага келгани ҳам маълум, илмий жиҳатдан асосланган ҳақиқатдир. Бу масалаларда тарих фанини тор миллий ўлчамларга солишга уриниш мутлақо ўзини оқламайди. Тарихимизнинг буюклиги унинг минтақамиз ҳалқарининг барчаси учун муштараклигидадир.

Тарихни «Ҳаёт ибрати» деб таърифладингиз. Мана шу ибратни янада ёрқинроқ, янада чиройли ва кенгроқ ёритиб боришингизда сизга ва сиз каби барча тарих фидойиларига омадлар тилаймиз.

Бугунги суҳбат учун ташаккур. Саломат бўлинг.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА АМИР УМАРХОННИНГ КАНИЗИ

Наим Каримов,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби

Ўзбек адабиётида роман жанрига XX асрнинг 20-йилларида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» асарлари билан асос солинди. Одатда, ёзувчилар роман жанрига мурожаат этгандаридан мавзуу ва қаҳрамонларни ўзларига яқин тарихий ҳамда жуғрофий муҳитдан танлаб оладилар. Абдулла Қодирий Тошкентда туғилгани ва бутун умри Тошкентда кечганига қарамай, ҳар икки асари учун мавзуу ва қаҳрамонларни асосан Қўқон хонлигидан олган. Маълум бўлишича, адибнинг учинчи романи – «Амир Умархоннинг канизи» ҳам Қўқон хонлигига кечган тарихий воқеаларга багишланган экан.

Бу тасодифий ҳол эмас. Зеро, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган уч давлатдан бири – Қўқон хонлигига XVIII – XIX асрларда рўй берган воқеалар ва шу воқеаларда қатнашган шахслар А. Қодирий романнавислик концепциясининг бадиий муҷассамланишига имкон бериши муқаррар, қолаверса, Тошкент Қўқон хонлигига қарган шаҳар, шу хонликнинг бир қисми эди.

Шу нарса ажабланарлики, Совет давлатининг адабий сиёсатига жавобан замонавий мавзуда асалар ёзишга ваъда берган Абдулла Қодирий ваъдага вафо қилиб 1932 – 1934 йилларда «Обид кетмон» қиссасини ёзган. Аммо китобхонлар ҳали бу қиссани ўқиб ул-

турмасларидан 1935 йили «Амир Умархоннинг канизи» романига материал тўплаш ниятида яна Фаргона водийсига йўл олган.

Янги романни ёзиш тараддути

Адибнинг тўнгич ўгли Ҳабибулла Қодирий замондошларнинг отаси ҳақидаги хотираларини ёзиб ола бошлаган бо-йилларда илк бор учрашгани шоир Файратийдир. 1902 йили тугилган, уруш ва урушдан кейинги йилларда адабиётдан четлатиб қўйилган, шу боис руҳий пўртаналарни бошидан кечирган шоир 1931 – 1932 йилларда Абдулла Қодирий билан бирга Қўқонга бориб, жоме масжиди мутаваллиси Мирзо Хўқандий билан учрашгани ва у зотнинг марҳамати билан шу масжид ҳужраларидан бирида яшаганини айтган. Ҳ. Қодирий унинг хотиррасини ё ўзи ёзиб олиб, ё унинг ўзига ёздириб, уларни «Абдулла Қодирий замондошлиари хотирасида» (1983) китобида эълон қилган.

«Мирзойи Хўқандий, – деб ёзган Файратий шу китобдаги ёдномасида, – ҳар куни шаҳарнинг кекса, унинг тарихидан хабардор кишиларни ҳужрамизга чорлаб келар, Абдулла акам улар билан суҳбатлашар, баъзан эса у бизни турли кимсалар уйига меҳмонга бошлаб борар эди.

Хотирамда, бир куни Мирзойи Хўқандий бизни бир кишиниг уйига меҳмонга бошлаб борди. Бу киши ҳам кексароқ ёшда, кўп тарихларни билувчи, Николай замонида қандайдир ҳарбий лавозимда ишлаган, кейин-

ги чоғларда, чамаси, китобфурушлик билан шугулланар әкан. Абдулла акам бу киши билан узоқ сўзлашиб ўтирилар. Китобфуруш сандигини очиб, ундан иккита фоторасм ва бир қўлёзма китоб олиб қўрсатди. Бу китоб Амир Умархоннинг жияни бўлмиш Ўратепа ҳокими Ҳакимбек тўра томонидан ёзилган тарихий хотира бўлиб, унда Умархон ва Мадалихон даврлари тасвирланган экан».¹¹

Илмий-мемуар адабиётдан яхши маълумки, Абдулла Қодирий 1932 – 1933 йилларда «Обид қетмон» қиссасини ёзиш учун Тошкент ва Намангандан шаҳарлари атрофидағи жамоа хўжаликларига бориб, қишлоқ раёнларда кечеётган ўзгаришларни ўрганади. Қишлоқ ҳаёти ҳақида асар ёзишга киришганининг сабаби эса ВКП(б) МКнинг 1932 йил 23 апрелда чиқарган «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида»ги қарори эди. Қарорда кўтарилилган асосий масалалардан бири замонавий мавзуда бадиий адабиёт асарларини ёзиш бўлган. А.Қодирий шу қарорнинг икки йиллиги муносабати билан ёзилган «Кутилган гўзал совга ҳақида»ги мақоласида, жумладан, қўйидағи сатрларни битган: «Коллектив хўжалик асосида дев қадамлар билан илгари юрган янги қишлоғимиз, унинг қаҳрамон ёшлиари, йигитлари, огалари, хотин-қизлари бизнинг нафис асарларимизда гавдаландими? Шаҳарларимизда ҳайратбахш ва азим бинолар, солинаётган заводлар, фабрикалар, гидирлар²², билмадим, яна нималар ва уларнинг чарчамас девкорлари, зарборлари бизнинг достонларимизга, ҳикоя ва романларимизга шонли, нафис зийнат бўла оладиларми?...»³³

А.Қодирийнинг шу руҳдаги фикрлари мазкур қарор чиқиши муносабати билан 1932 йилда ёзган бошқа мақолаларида ҳам такорланган.

Бизнингча, Файратийнинг юқорида тилга олинган сафари 1931 – 1932 йилларда эмас,

¹¹ Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. – Тошкент. 1986. – Б.17.

²² Гидирлар – гидроэлектростанциялар сўзининг жонли тилдаги бузилган кўриниши.

³³ Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. – Тошкент. 1969. – Б.193.

1935 йилда, «Обид қетмон» романи чоп этилганидан кейин рўй берган. Ҳ.Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида келтирилган хотириларни ўқиган киши шу тахминнинг асосли эканлигига ишониши мумкин. Маргилонлик журналист Наби Юсуфийнинг ёзишича, 1935 йилда шаҳар раҳбарларидан бири уни чақириб, Абдулла Қодирийнинг Маргилонга келганини айтган ва: «Бу киши Маргилонга янги ёзмоқчи бўлган романлари учун материал йиққани келганлар. Кетгунларича ҳамроҳ бўласан, истаган жойларига олиб борасан», – деган унга.⁴⁴ А.Қодирий Маргилонда Абдуллахон Абдураҳмонов, Юсуфжон қизиқ каби кўпни кўрган, тарихни билган кишилар билан учрашиб сұхбатлашган; Юсуфжон қизиқ билан бирга Увайсий яшаган уйга бориб, унинг асарлари, қариндошур углари билан танишган; Асакага бориб, «қўп тарих билгувчи, аллома табиат, шоирнамо», Умархон, Мадалихон шеърларини ёд биладиган кекса киши билан уч кун бирга бўлиб, сұхбатлашган.

А.Қодирий 1935 йилнинг ёз ойларида Фаргона водийсига ижодий сафар билан борганида Учқўргонда ҳам бўлиб, Аҳмад амиркончи исмли 116 яшар чол билан учрашган. Адаб шу учрашувдан олган таасуротларини «1819 йил ёдгори» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1935 йил 6 июль) мақоласида эълон қилган. Мақоладан маълум бўлишича, адаб шу вақтга қадар бўлган муддатда Мадалихон ва у яшаган даврни тарихий ҳужжатлар, хотирилар асосида пухта ўрганган. «Қўлимдаги баъзи тарихий ҳужжатлар ва кишиларнинг ривоятларига кўра, мен бир даража Мадалихоннинг қиёфат ва сиймосини биламан», – деб ёзган у шу мақолада. Қодирийнинг сўзларига қараганда, у нафақат 1935 йилдаги ижодий сафари давомида, балки «Меҳробдан чаён» романини ёзишга тайёргарлик кўрган кезларида ҳам Умархон ва Мадалихон ҳаётини, улар хонлик қилган даврда рўй берган воқеаларни ўрганиб, улар «қиёфати ва сийрати» ҳақида аниқ тасаввур ва билимга эга бўлган. Шунга

⁴⁴ Ҳабибулла Қодирий. Отамдан хотира. – Тошкент. 2005. – Б.287.

қарамай, у 1935 йилда яна водий бўйлаб сафарга чиқиб, кўпни кўрган кишилар, жумладан, Аҳмад амиркончи билан учрашган ва ёзажак романи учун янги материалларни тўплашда давом этган.

Ҳ.Қодирий китобидан меҳнат фахрийси Сафохон Аминзоданинг ҳикояси ҳам жой олган. Хотиранависнинг ёзишича, у 1925 йилнинг ёз кунларида дўсти Мунирхон Муинзода билан А.Қодирийни зиёрат қилиш учун ташриф буюришганида адаб Фаргона водийсига ижодий сафар билан борганлиги ҳақида сўзлаб, меҳмонларга бундай деган: «Мен ёзмоқчи бўлган асаримга материал тўплаш учун яқинда Фаргона шаҳарларига сафар қилиб қайтдим. Жумладан, сизнинг шаҳрингиз Хўжандда ҳам бўлдим... Хўжанддан Кўқон, Маргилон, Андижон тарафларга ўтдим. Учқўргонда Аҳмад амиркончи исмли бир кекса билан учрашдим. У киши, асли, хўжандлик бўлиб, ёши юзлардан ошган, Мадалихон, Шералихон, Худоёрхон, Маллахон даврларини кўрган экан. Суҳбатлашиб анча маълумотлар олдим». ⁵

Юқорида келтирилган шу мазмундаги иқтибослар А.Қодирийнинг 1935 йили «Амир Умархоннинг канизи» романи учун материал тўплаш – кекса замондошларининг Умархон ва Мадалихон даврига оид хотирапарини ёзиб олиш, ўша йилларда яшаган кишиларнинг турмуш тарзи, қиёфалари, гап-сўзлари, либослари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун водийга сафар қилгани, шундай тайёргарликдан кейингина роман ёзишга чоғланганидан далолат беради.

Ҳ.Қодирийнинг ёзишича, шу сафар чогида тўпланган материаллар 1945 йилгача, яъни ўзи қамоққа олинган қунга қадар сақланган. «...Материаллар, – деб ёзган у, – анча, бўлак-бўлак қозозларда, дафтарларда турли вақтларда қалам ва сиёҳ билан араб алифбосида ёзилган бўлиб, усти қандайдир араб ёзуvida нақшланган жигарранг юмшоқ чарм муқова ичida сақланар эди. Баъзан мен темир сандиқда сақланувчи бу материалларни олиб ўқирдим. Материаллар турли ким-

салардан, манбалардан олинган тарихий воқеалар, фактлар, мулоҳазалардан иборат эди. Материаллар ҳали маълум тартибга, бадиий тусга солинмаган бўлса ҳам, ҳар бирида ўзига хос мазмун, қизиқлик сезилиб турар эди. Шунинг учун материалларнинг аксари ёшлик хотирамда ҳамон сақланган...»⁶

«Амир Умархоннинг канизи» асари ёзилганми?

А.Қодирийнинг Фаргона сафари ҳақидаги хотирапар қанчалик илмий қимматга эга бўлмасин, уларда адабнинг айнан Амир Умархоннинг канизи тўгрисида асар ёзмоқчи бўлганини тасдиқловчи бирорта сўз ёки ишора йўқ. Хотиранавислар асосан адабнинг Умархон ва Мадалихон даври билан қизиқсанлигини айтганлар, холос. Лекин Ҳ.Қодирий адаб замондошларининг хотирапарини баён қилгач: «Энди шу изланишлар натижасида романга йигилган айrim материалларни қуида бериб ўтмоқчиман. Шуни ҳам айтиш керакки, бу берилаётган материаллар деярли ҳеч ерда эълон қилинмаган, 35 – 40 йил бурун менгина ўқиган маълумотлардир» ⁷, – деб ёзган.

Шу нарса ажабланарлики, «Отам ҳақида» китобининг 1974 йил нашрида ҳам, 1983 йил нашрида ҳам, ҳатто 2005 йилда босилган «Отамдан хотира» китобида ҳам Ҳ.Қодирийнинг шу маълумотларни 35 – 40 йил бурун ўқиганлиги айтилган. Ҳолбуки, китоб муаллифининг бу материалларни ўқиганига 1983 йилда 44 – 49, 2005 йилда эса 60 – 65 йил бўлган! Агар Ҳ.Қодирий «бу материалларни 1945 йилнинг 28 майига қадар ўқиган бўлса-да, уларни қамоқхона ва лагерларда кечган ҳаёти давомида «хотира сандиги»да «фотографик аниқлик» билан сақлаб қолганига ишониш қийин. Шунинг учун Ҳ.Қодирий отасининг ёндафтарига 35 – 40 йил муқаддам ёзган қайдларини эълон қилишдан аввал бундай изоҳ беришни лозим топган: «...у материаллар ҳақида хотирамда айrim-айrim тасаввурлар қолган бўлса ҳам, баъзи

⁵ Ҳабибулла Қодирий. Отамдан хотира. – Тошкент. 2005. – Б.291.

⁷ Ҳабибулла Қодирий. Отамдан хотира. – Тошкент. 2005. – Б.293.



шахслар номи, тарихий саналар, тафсилотлар ёдимдан кўтарилиган бўлиши мумкин. Бундай муаммо ҳолларни хабардор шахслардан сўраб, тарихдан ўқиб аниқлашга ҳаракат қилдим (таъкид бизники – Н.К.)»⁸

Бу сўзларга қараганда, Ҳ.Қодирийнинг «Отам ҳақида» ва «Отамдан хотира» китобларидағи «Амир Умархоннинг канизи» бобида берилган маълумотларга отаси томонидан тўпланган ва ёзиб олинган материаллар сифатида қарашиб тўгри эмас.

Афсус ва надомат билан айтиш лозимки, Ҳ.Қодирий адаб романларини ўқиган китобхонлар нафақат 1937 – 1938 йиллар, балки кейин ҳам қамоққа олингандарини яхши билганига қарамай, талаба дўстлари даврасида «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романини яширин равишда ўқиб юрган. Унинг 1945 йил 28 майда қамоққа олиниши сабабларидан бири ҳам худди шудир. Шу куни Қодирийлар уйида ўтказилган тинтувда адабнинг 1937 йил гулханларидан омон қолган асарлари, қўлёзмалари, жумладан, сўнгги, тугалланган ёки тугалланмай қолган романи қўлёзмаси ва шу роман учун тўпланган материаллар ҳам НКВД ходимлари томонидан олиб кетилган.

Ҳ.Қодирийнинг таъкидлашича, «бу роман ҳали ёзилмаган, фақат ният қилинган». ⁹ У давом этиб яна ёзади: «Бироқ бაъзи ўртоқлар ёзиб тугатилган эди, йўқолган деб ўз мақолаларида хабар берадилар...»¹⁰ Ҳ.Қодирий шу сўзлардан кейин «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 14 июль сонида босилган «Ўзбекистон совет ёзувчилари союзи пленумининг якунлари» деган мақолага эътибор қаратган. Унда эса А.Қодирий «яқинда топширажак романини ёзувчилар колективи томонидан кўриб чиқилиши кераклигини айтди» деган сўзлар ёзилган экан. Агар Қодирий бу романни ёзиб тугатмагани ёки тугатиш арафасида турмаганида ёзувчилар даврасида бундай нақд гапни айтмаган бўларди.

⁸ Ҳабибулла Қодирий. Отамдан хотира. – Тошкент. 2005. – Б.293.

⁹ Ҳабибулла Қодирий. Отамдан хотира. – Тошкент. 2005. – Б.282.

¹⁰ Ўша ерда.

Мустақиллик арафасида КФБнинг темир сандиқлари очилиб, тарихчи ва адабиётшунос олимларга Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари «халқ душманлари» деб келинган улугларнинг «жиноий-архив ишлари» билан танишиш имконияти берилди. Биз шу имкониятдан фойдаланиб бир қанча ёзувчилар, жумладан, Қодирийнинг «иш»и билан ҳам танишдик. Шундай кунлардан бирида атоқли адабиётшунос олим, Қодирийнинг оқланишига катта ҳисса қўшган Иzzат Сulton каминага бундай деган эди: «Наимжон, Қодирий «иш»и билан танишा�ётганингизда терлов материалларини синчковлик билан ўрганинг. Айрим ёзма кўрсатмалар, саволжавоблар Қодирий қўлёзмаларининг орқа томонига ёзилган. Қодирийни оқлаш ишлари бошланганида менга КФБ архивида ишлаш имконияти берилган. Қодирий «иш»ини ўрганиб чиқиб, ёзма кўрсатма беришим зарур бўлганида менга орқа саҳифаси ёзилган бир неча қоғозларни беришди. Мен бу қоғозларнинг орт томонидаги ёзувларга назар ташласам, улар Қодирий сўнгги романи қўлёзмасининг саҳифалари экан!»

Машхур олимнинг бу сўзлари менда шу романнинг тугалланмаган бўлса-да, асосий қисмининг ёзилганига ишонч, унинг ҳозир ҳам МХХ архивидан топилиши мумкинлигига умид уйготади.

Яна бир масала бор. Маълумки, «Мехробдан чаён» романининг иккинчи боби «Амир Умархоннинг канизи» деб аталган. Қодирий сўнгти романида яна шу мавзуга мурожаат этганмикин? Унинг бу мавзуга яна қайтишига етарли даражада асослар борми?! Ахир адабнинг «Амир Умархоннинг канизи» романини ёзмоқчи бўлганлиги тўгрисида на унинг ўзи, на замондошлари аниқ маълумот бермаганлар-ку.

Қодирий замондошларида бири Файратий хотираларида бу саволга фақат умумий жавоб берилган: «Мен Абдулла акамнинг Умархон давридан роман ёзмоқчиликлари билардим». Файратий бу сўзларни ёзишдан олдин Мирзои Хўқандийнинг адаб билан ўзини қўқонлик китобфурушлардан



бирининг уйига олиб боргани, китобфурушнинг эса адига бир «қўлёзма китоб»ни кўрсатганлигини айтган. Бу Мұҳаммад Ҳакимхоннинг (у, Гайратий ёзганидек, Ўратепада ҳоким бўлган эмас) тарихий асари бўлиб, унда Амир Умархоннинг қанизи тўгрисида мукаммал маълумот берилган эди. «Бироқ у, – деб ёзади Гайратий, – китоб қўлёзмасининг асли эмас, аслидан бирмунча қисқартириб қўчирилган нусха экан. Асли эса Тошкент «Шарқ» кутубхонасида сақланар экан». ¹¹

Агар Қодирий шу китоб билан танишиш имкониятига эга бўлган бўлса, демак, у шу китобдаги Хонпошша билан bogлиқ воқеаларни ўқиган ва шу романбоп сюжет асосида «Амир Умархоннинг қанизи» асарини ёзиш орзуси билан яшаган.

A.Қодирий Умархоннинг қанизи ҳақида қандай маълумотларга эга бўлган?

А.Қодирий «Ўткан қунлар» ва «Мехробдан чаён» романлари учун материал тўплаш истагида Фаргона водийсига илк маротаба борганидаёт Амир Умархон ва унинг қанизини кўрган ёки эшитган кишилар билан учрашган, улардан баъзи бир маълумотларни олган бўлиши мумкин. Унинг «Мехробдан чаён» романи бошларидаёт китобхон эътиборини Амир Умархоннинг қанизига қаратгани тасодифий эмас. Шу боб Солиҳ маҳдум ҳақидаги бир неча жумладан кейин қўйидағи сўзлар билан бошланади:

«Туркистон хонлиги тарихидан хабардор кишиларга маълумдирким, Амир Умархон охир умрида ўз саройидаги ёш қанизаклардан бирига муҳаббат қўяди. Қаниз ёш бўлганлиги ва балогатта етмаганлиги учун уни никоҳига ололмай кутади. Шу кутиб юриш йилларида Умархон муродига етолмай вафот қиласи, тахтга ўғли Мадалихон минади. Орадан бир неча йиллар ўтиб бояги қиз балогатта етади ва бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилиб, отанинг боласи бўлган Мадали-

¹¹ Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. – Тошкент. 1986. – 5.17.

хонни ҳам ўзига ошиқ қиласи. Ўз саройида ўсган бу қизни ёш хон ҳамиша кўз ўнгидага юритса ҳам, бироқ... тарихнинг бизга хабар беришига қараганда, Мадалихон шу қизнинг дардида неча йиллар ёнади, чунки уламолар бу ёш гўзални Мадалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир ёш хоннинг орзусига кўндаланг келадилар...» ¹²

Романда тасвирланишича, Мадалихон уламоларни ранжитган бу масалани хийла «совутиб», сўнг «орзусига қарши борган» уламоларни ишдан олиб, улар сафини янгилаб, ниҳоят, улардан розилик фатвосини олгач мурод-мақсадига етади. Буни қарангки, «кимларнинг воситаси биландир» қанизнинг гўзаллигини эшитган Бухоро амири Насрулло ҳам унга гойибона ошиқ бўлиб юрган экан. У Мадалихоннинг онаси мақомидаги қизга уйланганидан қаттиқ ранжиб, Бухоронинг забардаст уламоларидан фатво олиб Фаргона устига юради.

Қодирий шу бобга нуқта қўйищдан аввал Насруллонинг юриши натижалари ҳақида бундай маълумот берган: «Амири Насруллонинг бу «холисона» жиҳоди Туркистон хонлиги томонидан қандай муқоваматларга учради ва икки тарафдан қанча бошлар кесилди, албатта, бу тўғрида бизнинг ишимиз йўқдир.Faқат бу можародан бизга кераклик нуқта шундаким (таъкид бизники – Н.К.), натижада Мадалихон шикаст топди ҳам Амир Насрулло томонидан қатл қилинди. Мадалихонга фатво ёзиб берган Қўқон уламоларидан бир нечалари ҳад урулдилар ва бир нечалари қочиб қутулдилар. Амир Насрулло бўлса Фаргона ҳукуматига ўз кишисини қўйди, фатҳу нусрат билан қанизни олиб Бухорога қайтди». ¹³

Юқорида биз таъкидлаб ўтган сўзлардан аён бўлишича, Қодирийни «Мехробдан чаён» романидаги кўпроқ қизиқтирган масала Мадалихоннинг қатл этилиши, унга фатво ёзиб берган уламолардан бир гурухининг жазоланиб, иккинчи гурухининг қочиб кетиши, Амир Насруллонинг Фаргонага ўз

¹² Абдулла Қодирий. Танланган асрлар. – Тошкент. 2014. – 5.312.

¹³ Ӯша жойда.

одамини қўйиб, «фатҳу нусрат билан канизни олиб Бухорога қайтишидир». Агар бу сўзларга жиддий назар ташласак, улар бўлажак роман сюjetининг муҳим ҳалқаларини ташкил этажақдек бўлиб кўринади.

Мадалихон ўгай онасига уйланганми?

А.Қодирий «Мехробдан чаён»ни ёзишдан аввал ҳам, «Амир Умархоннинг канизи» романини ёзишга жазм этганида ҳам дастлаб роман қаҳрамонлари ҳаракат қиласажак «майдон» – Кўқон кўчалари, тарихий бинолар, бозорлар ва бошқаларни бориб кўрган, кекса кишилар билан учрашиб, уларнинг Умархон ва Мадалихон даври ҳақидаги хотираларини ёзиб олган. Аммо тарихий роман ёзиш учун, бундан ташқари, Умархон ва Мадалихон даври ҳақидаги тарихий асарларни ҳам ўқиб-ўрганиш зарур эди. Афсуски, хотиранавислар бу ҳақда етарли маълумот ёзиб қолдирмаганлар. Ҳолбуки, Қодирий нафақат Тошкент, балки Кўқондаги давлат ва хусусий кутубхоналарда сақланаётган шу мавзудаги илмий-мемуар асарларни топиб ўрганган бўлиши мумкин. Аммо, ҳамма гап шундаки, мазкур даврга оид тарихий китоблар етарли даражада бўлганига қарамай, муаллифлар айрим тарихий шахслар ва воқеаларни талқин қилишда субъективизмни четлаб ўта олмаган эдилар. Бу ҳол Қодирийни чалгитиши ҳеч гап эмасди.

Канизак, «Мехробдан чаён» романида ёзилишича, ёш бўлганлиги ва балогатга етмаганлиги учун Амир Умархон уни «никоҳига ололмай» ва «муродига етолмай» вафот қиласан. Қодирий ёзажак романи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу факт-маълумотни берганидан сўнг давом этиб ёзган: «Тарихнинг бизга хабар беришига қараганда, Мадалихон шу қизнинг дардида неча йиллар ёнади, чунки уламолар бу ёш гўзални Мадалига она мақомида ҳисоблаб нима учундир ёш хоннинг орзусига кўндаланг келадилар (таъкид бизники – Н.К.)».

Адибнинг бу сўзларидан аён бўлишича,

у, биринчидан, шу масалага оид тарихий манбаларни ўрганган; иккинчидан, Умархонни канизакка уйланмаган деб ҳисоблаган; учинчидан, Умархон канизакка уйланмаганлиги учун уламоларнинг «ёш хоннинг орзуси»га тўганоқ бўлганлари сабабини тушунмаган. Бошқача айтганда, Қодирий наزارида, Амир Насруллонинг Фаргона устига юриш қилишига асос бўлмаган.

Қодирийнинг бундай хulosага келишига Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фаргона» асарида берилган қуйидаги маълумот таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Ибрат асарнинг «Асри Муҳаммад Алихон ибн Умархон» деган бобида бундай ёзган: «Муҳаммад Алихон аносини олди деган сўз афвоҳи носда жорий бўлса ҳам, бу сўз рост бўлмай, бухорийлар қатларини айбини сатри учун қилган қабиҳаларини тавжиҳига чиқарилмиш сўзлари экан. Асл муддао бўлак экан. Чунончи, Умархон оламан деган Подшоҳхон ойимни(нг) ҳуснини эшигуб, гойибона мафтуни жамоли ўлуб, муни анга сабаб қилиб келган. Асл муддао висол бўлса ҳам, зоҳирда Муҳаммад Алихонни ҳалқни(нг) кўзига осий, гунаҳкор кўрсатиб, шариатни поймол қилди, танбех даркор деб келиб, қанча хонзода ва мазлума ойимларни қатли багайри ҳақ қилуб, охиругламр мурод ўшал ойим экан... »¹⁴

Амир Умархон – канизак – Мадалихон муаммосининг шу талқини замонавий ўзбек тарихшунослигига ҳам устуворлик қиласади. Лекин масалага кенгроқ назар ташласак, бу муаммога оид бошқа қарашлар ҳам борлиги маълум бўлади.

Таниқли шарқшунос Бахтиёр Бобожонвоннинг «Кўқон хонлиги: ҳокимият, сиёсат, дин» монографиясида Мулла Ниёз Муҳаммад ибн Ашур Муҳаммад Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳрухий» асарига асосланган ҳолда ёзилишича, Кўқон хонлигининг Мадалихон ҳукмронлиги даврида таназзулга кетиши сабаблари мухолифатнинг сиёсий даъволари билан bogлиқ. «Бундан ташқари, – деб ёзган у яна, – хонлиқда хоннинг хулқ-атворидан сокин норозилик кучаяётган бўлиб, кўпгина

¹⁴ Исҳоқхон Тура Ибрат. Танланган асарлар. – Тошкент. 2005. – Б.104.

замондошлар бу ҳолни шариатдан ошкора чекиниш деб баҳолаётган эдилар. Хоннинг айш-ишратда меъёр деган нарсани билмаслиги, ичкиликка ружу қўйғанлиги ва энг қораланадиган амал – отасининг (шариатга қўра, унга она бўлган) сабиқ хотинини никоҳга олганлиги (таъкид бизники – Н.К.) хонга қўйилган асосий айб эди». ¹⁵

Қодирийга маълум бўлган манбаларга қараганда, Умархон ўз канизагига уйланмаган. Шунинг учун ҳам адаб уламоларнинг «ёш хоннинг орзуси»га кўндаланг бўлганларини, бинобарин, Насруллонинг Мадалихонни шариатта қарши иш тутганликда айبلاغанини нотўри деб билади. Ҳолбуки, Б.Бобожоновнинг юқорида келтирилган сўзларидан равshan бўлишича, Пошшохон (Хонпошша) Амир Умархоннинг «сабиқ хотини» бўлган. Шарқшунос Энвер Хуршут ҳам Мұҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ат-таворих» асарига асосланиб Пошшохоннинг Умархонга қонуний хотин бўлганини қайд этган. «Ҳакимхоннинг маълум қилишича, – деб ёзган у, – Пошшохон Умархон билан қонуний никоҳда икки йилу тўрт ой... яшаган». ¹⁶

Э.Хуршут Мұҳаммад Ҳакимхон асарида берилган шу фактга асосланиб ўртага: «Нима учун А.Қодирий тарихий ҳақиқатдан чекинган?» – дея савол ташлаган ва бу саволга ўзи жавоб бериб, романнависнинг адабий тўқимадан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини айтган.

Масалани ўрганиш шундан шаҳодат берадики, А.Қодирий Мұҳаммад Ҳакимхон қаламига мансуб «Мунтахаб ат-таворих» асарининг мукаммал нусхаси билан, бинобарин, юқорида келтирилган маълумот билан танишиш имконига эга бўлмаган.

Хонпошшо – Турон Клеопатраси

«Мунтахаб ат-таворих» – Қўқон хонлиги тарихи ҳақида маълумот берувчи мўътабар илмий манба, унинг муаллифи эса XX асрга

¹⁵ Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент. 2010. – С.174.

¹⁶ Энвер Хуршут. Комментарии историка к роману «Скорпион из алтаря» // Адабий мерос. 1988. №6. – Б.8.

қадар яшаган энг машҳур тарихчилардан бири бўлишига қарамай, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида Мұҳаммад Ҳакимхон ва унинг асари ҳақида маълумот берилмаган. Ҳолбуки, у XIX аср бошларида Қўқонда тугилган йирик тарихчи, адабиётчи, сайёх, географ ва маърифатпарвар олимдир. Катта ақл-заковат соҳиби бўлган бу инсон «Мунтахаб ат-таворих» асарида тасвирланган аксар воқеаларнинг гувоҳи ва бевосита иштирокчисидир. Мұҳаммад Ҳакимхон Амир Умархоннинг жияни, онаси эса амирнинг синглиси бўлган. Бутун умри сарсон-саргардонликда кечган бу инсон Хонпошшани яхши билган. Шунинг учун ҳам унинг Амир Умархон ва унинг канизаги ҳақидаги хотиралари тарихий ҳужжат мақомига эгадир.

«Исми Хонпошша бўлган Амир Умархон канизагининг тақдири, – ёзади Э.Хуршут, – унинг диққат-эътиборини бежиз қозонмаган, зеро, бир талай асарларни мутолаа қилган ва ўзига хос истеъдод соҳибаси бўлган бу аёл бениҳоя гўзаллиги, етарли даражада маълумотли ва маърифатли бўлганлиги билан ажралган. Чунончи, у шайх Иноятулла Канбунинг (XVIII аср ўрталари) «Баҳори дониш», Зиёуддин Нахшабийнинг (XIII – XIV асрлар) «Тўтинома», Бархурдор туркманинг (XVIII аср) «Маҳфилара», Хусрав Деҳлавийга нисбат берилган «Чаҳор дарвеш» ва бошқа асарлар билан яхши таниш бўлган.

«Мунтахаб ат-таворих»ни пухта ўрганган Э.Хуршутнинг ёзишича, Умархон Қўқон хонлиги вилоятларига қилган сафарларидан бирида Шаҳрихонда тўхтаб, шаҳар ҳокими Жиловдор иноқ ва унинг хотини билан учрашади. Шу воқеадан аввал Ўратепада яшаган ва қандайдир гуноҳи учун у ердан бадарга қилинган Саидгози деган киши оиласи билан Шаҳрихонга кўчиб қелган, бегона кишилар орасига тушиб қолгани учунми, хилватда, ночор бир аҳволда яшаётган экан. Ҳокимнинг хотини шу ҳурматли инсон аҳволига ачинганиданми ё бошқа манфаат юзасиданми, Шаҳрихонга қелган хон ҳузурига кириб, уни шу воқеадан воқиф этади.



Сўнгра гап орасида Саидгозининг Хонпошша деган соҳибжамол қизи борлигини айтади. «Қиз шунчалар гўзалки, – дейди у, – агар хон ҳазратлари у билан учрашиб қолсалар, нур таратиб турган қўёш қизнинг порлоқ чехрасидан уялиб, юзига булулардан парда тортиб олишини, унинг хиромон қадди-қоматидан, хушбўй бинафша гуллар эса унинг кокиллари таратган мушк-анбардан хижолат чекиб қолишини кўрадилар».

«Аёл қизнинг таъриф-мақтовини шу қадар келтириб тасвиirlайдики, – деб ёзади Э.Хуршут Мұхаммад Ҳакимхон тасвирига асосланиб, – Умархон шу кечасиёқ буйруқ бериб, совчилик ишларида тажрибаси катта икки кайвони кампирни Саидгозихўжанинг уйига юборади. Лекин хон ҳазратларига қуда бўлмоқ қанчалик шараф ва обрў келтирмасин, ота бу хушхабардан қувонмайди. Қизининг аллақачон унаштириб қўйилганини, шу яқин кунларда жияни ва қизининг тўйи бўлишини айтиб, совчилардан узр сўрайди.

Совчилар шу заҳоти хон ҳузурига қайтиб, эшитганларини оқизмай-томизмай унга етказишади. Хон кампирларни яна изига қайтариб, уларга Баҳодирхўжа дастурхончини ҳам бирга қўшиб юборади. Бу сафар совчилар илтимос ва панд-насиҳатлар билангина чекланиб қолмайдилар. Орага дўқ-пўписа ва таҳдидлар ҳам аралашгач, Саидгозихўжа йиглаб, бошига кулфатлар ёғдирган, ўзини ва жигарпораларини дарбадарликка, сургунга гирифтор қилган золим фалақдан, шум қисматдан шикоятлар қилади. Унинг қизи бошқа бирорга унаштириб қўйилган, шунинг учун ҳам хон ҳазратлари на урф-одатга, на шариатга биноан уни жуфти ҳалолликка қабул қилолмайди. Наҳотки, хон ҳазратлари куч ишлатиб, қизни зўравонлик билан тортиб олиб кетса?! Биз ожиз ва ҳимоясиз факирлармиз. Шу гапларни айтиб ҳўжанинг кўз ёшлари сел бўлиб оқади...»¹⁷

¹⁷ Энвер Хуршут. «Амир Умархоннинг канизи» ёхуд «Мехробдан чайн» романидаги тарихий воқеа ҳақида мулоҳазалар // Шарқ юлдузи. 1989. №9. – Б.176.

Лекин бечора отанинг кўз ёшларию дод-фарёдлари ҳам, шариат қонун-қоидаларига нисбатан ҳурматсизликнинг ёмон оқибатларга олиб бориши ҳақидаги қўркув ва илтижолари ҳам хонга кор қилмайди. У Саидгозихўжанинг биттаю битта қизини гўзал бўлганлиги учун куч билан тортиб олади.

«Хоннинг сабрсизлиги, – давом этади Э.Хуршут, – шу даражага етган эдики, шу куннинг ўзидаёқ тўй-тантаналарга тадорикни бошлаб юборишиди. Қиз бечоранинг кийимлари ямоқ босиб кетганлиқдан унга ҳатто хизматкор ходималар ҳам ачиниб қарашди. Улар Хонпошшани ювиб-тараб, ипак қўйлакларга ўраб кўриқдан ўтказдилар, қизнинг ҳуснини қўриб лол-ҳайрон бўлиб қолдилар ва шариат қонунларига мувофиқ Умархонга узатдилар. Хон ҳазратлари, ниҳоят, «ҳаловат ҳазинасига эгалик қилиб, қанча изтиробу армонлардан сўнг кўнтил муродига етишди». ¹⁸

Мұхаммад Ҳакимхон бу воқеаларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган, ҳатто Хонпошшага устоз ва ота даражасида яқин бўлган. Бинобарин, «Мунтахаб ат-таворих»даги Умархоннинг унга тўй қилиб уйлангани, Мадалихоннинг отаси тирик вақтидаёқ ўтай онасига кўз олайтириб юргани, отаси вафотидан кейин эса унга уйланиб, уч нафар фарзанд кўргани ва бошқа воқеалар ҳақидаги хотиралар тарих ҳужжатлари сифатида баҳоланиши мумкин.

Мадалихоннинг Хонпошшага – отасининг хотинига уйланиб, ундан фарзанд кўриши нафақат руҳонийлар, балки Қўқоннинг улар таъсиридаги аҳолисида ҳам ёш хонга нисбатан нафрат уйготади. Хонпошша бир-биридан даҳшатли воқеалар гирдобига тушади. Хонпошшанинг гўзалиги овозасидан сархуш бўлиб Қўқонга ислом байроги остида лашкар тортиб келган Насрулло уни Бухорога олиб кетиб, унга уйланади. Аммо Хонпошша ва унинг ўгиллари номаълум сабабларга кўра Амир Насрулло буйруги билан қатл этилади. (Ҳакимхоннинг ёзишича, мишишларга

¹⁸ Ўша ерда.

қараганда, унинг фарзандлари тирик қолишган.)

Хуллас, Турон Клеопатраси – Хонпошша Амир Умархон билан икки йилу тўрт ой, Муҳаммад Алихон билан ўн беш йил, Амир Насрулло билан икки ой, жами 38 йил яшади.

Етиб келмаган роман

Ҳ.Қодирийнинг ёзишича, адаб унга бундай деган: «Романга қеракли материаллар етарли бўлиб қолди. Энди Тошкент «Шарқ» кутубхонасида Умархоннинг укаси ёзган¹⁹, ўша давр тарихига оид нодир бир қўлёзма бор экан, шу китобни ҳам бирор ой ўтириб ўқиб чиқсам ва Бухорога бир бориб келсан бас. Уй-рўзгор ишларидан хотиржам бўлиб олиб, бир қиши қаттиқ ўтирсан романни ёзиси битираман». ²⁰

А.Қодирий бу сўзларни 1937 йил 14 июль куни «Қизил Ўзбекистон» газетасида ёзувчилар пленуми якунлари ҳақидаги мақола чиққанидан кейин айтган кўринади. Бу сўзларни ўқиган китобхонда, албатта, қўша-қўша саволлар туғилади. Агар Қодирий «Шарқ» кутубхонасидаги «ўша давр тарихига оид нодир бир қўлёзма»ни ҳанузгача ўқимаган, амирнинг канизаги Хонпошшанинг Бухородаги ҳаётини ўрганмаган, «бир қиши қаттиқ ўтириб» романни тугатиш у ёқда турсин, ҳатто бошламаган бўлса, қандай қилиб пленумда романни «ёзувчилар колективи» кўриб чиқиши учун яқинда топширишини айтган?!

Ҳамма гап шундаки, «халқ душмани» сифатида айбланган ёзувчилар отиб ташланган, ҳатто уларнинг номини тилга олиш, асарларини ўқиш сиёсий жиноят деб қаралган мудҳиш йилларда улар маълум даражада халқ хотирадан кўтарила бошлаган. Халқнинг улар оқланиши, асарларининг нашр этилишига бўлган умиди ҳаво шаридек пучайиб кетган. «Халқ душманла-

ри»нинг Ҳ.Қодирий сингари жабрдийда фарзандларида ҳам оталарининг ёзувчи сифатида адабиётдан ўрин олишига бўлган умидлари саргая бошлаган. Шу ҳол туфайли уларнинг «хотира сандиқлари»даги кўп нарса аралаш-қуралаш бўлиб қетган.

Модомики Қодирий пленум минбарига чиқиб, янги романини яқинда топшираҗаги ва уни «ёзувчилар колективи» муҳокамасига тавсия этажагини айтган экан, демак, у «Амир Умархоннинг канизи» романини ёзиси тугаллаган ёки тугаллаш арафасида бўлган. Акс ҳолда, Қодирийдек бир сўзли инсон ва адаб Ўзбекистон ёзувчиларининг турфазабон жамоаси олдида бундай ваъддани бермаган бўларди.

Камина Қодирийнинг бизга етиб келмаган шу сўнгги романни ҳақида ўйлар эканман, адабни яхши билган ва унинг ҳурматини қозонган сиймолардан бири Музайяна Алавиянинг қуйидаги хотираси ёдимга келади:

«Абдулла ака, – деб ёзган эди олима, – кўпинча ўз хонасида мутолаа ва ёзиш билан машгул бўлиб ўтиради...

...Бир кун Абдулла акани қизиқ ҳолатда кўрдим. Хонасида узоқ ўтириб, китоблар орасидан чиқиб келди. Кўзлари йиглагансимон, аммо руҳи баланд эди. Ҳайрон бўлиб қараб қолганимни сезиб: «Ўйлаб юрган романимни ёзиси битирсан, китоб бўлиб чиқса, қўрқаманки, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романларимни ҳеч ким ўқимай қўяди дейман», – деди».

Адаб ижодхонасидан йиглагансимон бўлиб чиққанида, балки, Амир Умархоннинг канизи Хонпошша бошига тушган фожиали воқеаларни тасвирлай туриб шундай маъюс, гамгин, мунгли руҳий ҳолатга тушгандир...

¹⁹ «Мунтаҳаб ат-таворих» асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон назарда тутилмоқда. У Амир Умархоннинг укаси эмас. жияни бўлган.

²⁰ Ҳабибулла Қодирий. Отамдан хотира. – Тошкент. 2005. – Б.283.

АБДУЛЛАЕВ ҲАБИБ МУҲАММЕДОВИЧ

(1912 – 1962)

Рустамбек Шамсутдинов

(Давоми. Боши 2017 йил 1-сонида)

Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат дехқонини, нафақат ишчисини, ҳаттотки шоири олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча хор қилиши, инсони шаънини тупроққа қориши мумкин экан. Буни биз кўрдик, биз яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳияти, қадр-қийматини теран англаб етишини, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга тайёр туришимиз шарт.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

Юртбошимизнинг бу одилона, ҳаққоний фикри нақадар асосли, ҳаётий экани 50 – 60-йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президенти Ҳабиб Абдуллаев ва унинг яқин сафдошларига нисбатан совет тузуми қўллаган асоссиз тазииклардан ҳам маълум.

Совет давлати ва компартияниң сиёсий, мафкуравий ўйинларидан бири буюртма билан ташкил этилган имзосиз ва имзоли, юмалоқ ҳат ва шикоятлар асосида инсоф-диёнатли, иймон-эътиқодли, ростгўй, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган турли вазифадаги раҳбар ходимларни асоссиз бадном қилиш, руҳий эзиш, партиявий жазолаш, лавозимидан бўшатиш, ҳатто қамоққа олиш ҳолатлари бўлганига кечаги тарихимиз шоҳиддир. Бундай ярамас усул Ҳ.М.Абдуллаев-дек буюқ олим ва унинг атрофидаги фидойи илм кишиларига нисбатан ҳам қўлланилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан сайловолди учрашуви-даги нутқи // Халқ сўзи. 2016 йил 19 ноябрь.

50-йилларда илм-фан кишиларига қарши олиб борилган асоссиз зугум, таъқиб, бадном этиш, лавозимидан маҳрум қилиш каби қабиҳ ишлар ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон Компартияси МКнинг иккинчи котиби Ефим Николаевич Мельников ва унинг атрофида гирдиқапалак бўлган миллий «садоқатли» ходимлар, КГБдаги айрим мансабдор шахслар бўлгани ҳужжатларда акс эттирилган. Ўша вақтда область, шаҳар ва район партия комитетлари, жумладан, Тошкент шаҳар партия комитети кадрлар билан шугулланаётган иккинчи секретарлар ҳам европалик миллатларга мансуб кишилардан эди. Улар Е.Н.Мельниковнинг бевосита раҳбарлигида фаолият кўрсатганлар. Бутун республика бўйича раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш функцияси асосан ана шу иккинчи секретарлар ихтиёрида эди. Кадрлар ҳақида тушган шикоят ва аризаларни текшириш, аниқлаш, чора кўриш вазифалари ҳам улар қўлида бўлган. Бу эса миллий раҳбар кадрлар учун ниҳоятда оғир ҳолат эди. Ана шундай оғир шароитда 50-йиллар бошларида ёқ бир груп олимлар Ҳ.М.Абдуллаевга қарши туҳмат ва бўхтон хатлар билан республика ва Москвадаги тегишли партия органларига бирин-кетин хатлар йўллаганлар. Текширишлар, савол-жавоблар, мажлислар бўлиб ўтган, уларда танбеҳлар, руҳий зарбалар берилган. Ҳ.М.Абдуллаев адолатсиз зарбалар қуршовида қолган. Оқибатда 1952 йил апрелида ВКП(б) МКнинг органи «Правда» газетаси бosh муҳарририга хат билан мурожаат қилишга мажбур бўлган. Бу билан нафақат ўзини, балки Тошкентдаги геологларнинг катта жамоаси манфаатини ҳам ҳимоя қилмоқчи бўлган. Хатни қисқача шарҳлашни лозим билдик.

Олимнинг кўрсатишича, 1950 йил июлида ҳозирги замон геологиясининг энг мураккаб ва назарий жиҳатдан мунозарали масалаларидан бири бўйича Ҳ.М.Абдуллаевнинг монографик асари нашр қилинган. Китобда кўтарилиган барча масалалар тўлигича ҳал этилмаган, бир қатор масалаларда фақат айрим қарашлар айтилган эди. Китоб жуда оз

нусхада чоп қилинган, чунки 1950 йил октябррида СССР Фанлар академияси тог геология фанлари бўлими билан ЎзССР Фанлар академиясининг бирлашган сессиясини ўтказиш белгиланган эди. Шундан фойдаланиб Ҳ.М.-Абдуллаев анжуманга келган олимларнинг танқидий фикрларини олиб, сўнгра тузатилган вариантини тайёрлаб кенгроқ нашрини тайёрламоқчи бўлган.

Сессияда китобнинг асосий мазмуни бағасил муҳокама қилинган. Шундан сўнг Ҳ.М.Абдуллаев дарҳол китобни қайта узилкесил нашр этиш учун тайёрлашга киришган. Бироқ барча геологлар ҳам объектив позицияда бўлмаганлар. Сессия қатнашчиларининг асосий қисми адолатли мулоҳазалар билан бирга геологларнинг унча катта бўлмаган груп (В.Э.Поярков, А.В.Пуркин, Н.В.Нечелюстов ва бошқалар) ноҳолис, бирёзламалик, тарафкашлик позициясида бўлганлар. Улар асарни бошдан-оёқ ёмонлаб, китобнинг муҳим хуносаларини зарарли деб ҳисоблаганлар. Сессия қатнашчиларининг китобга берган умумий ижобий баҳоси янги илмий келишмовчиликларни юзага чиқарган, кейинчалик Ҳ.М.Абдуллаевни олим сифатида таъқиб қилишга ва очиқдан-очиқ унга қарши фитначиликка ўтганлар.

«Правда»га йўлланган хатда шундай дейилган:

«1. 1951 йил январида ЎзССР Фанлар академияси Геология институти илмий кенгашида, асарни Сталин мукофотига тақдим этиши чогида кескин танқид қилиб, американлик геологлар гояларини олиб киришда айблаб илмий ходим Г.Г.Грушкин (Илмий кенгаши баённомаси илова қилинмоқда) чиқши қилди. Маълум вақт ўтгач Г.Г.Грушкин ўзининг нутқини мазмуни бизга маълум бўлмаган ариза билан бирга ВКП(б) МКсига жўнатган. 1951 йил мартада СССР Фанлар академияси Геология фанлари институтида менинг китобимда баён қилинган назарий ҳолат очиқ муҳокама этилди. Мунозара материаллари нашр этилган (СССР ФА ахбороти. 1951 йил 11-сон)».²²

²² Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. 2575-фонд

Бу материаллар эълон қилинганидан сўнг Г.Г.Грушкин «Правда» газетаси редакцияси га ўша журнал сонида босилган 4 та фан докторининг тақризларини принципиал эмас деган раддия билан хат йўллаган. Бу хатда Москвадаги мунозара иштирокчилари Абдуллаевнинг китобидаги мафкуравий хатларни очиб ташлай олмаганлар деган фикр билдирилган. Аммо бу хат ўзининг фойдасига зид эканлиги ҳақида жавоб олгач Г.Г.Грушкин энди илмий мунозара олиб боришдан тўхтаб Ҳ.Абдуллаевни бошқа жиҳатдан фош этиш йўлига ўтган. Бир қанча вақтдан кейин у Ҳ.Абдуллаев монографиясида ёритилган «скарно-руда конларининг з турга бўлиниши масаласи бўйича» уни плагиатлиқда айблаб «Правда»га бошқа бир хат йўллаган. Унга жавоб олганидан кейин ҳам тинчланмаган Г.Г.Грушкин Ҳ.М.Абдуллаевнинг эълон қилинган асарлари устида ишлашда давом этган ва 1952 йил бошларида ЎзССР Фанлар академияси Геология институти партия йигилишида яна уни плагиатлиқда айблаб чиқкан. Ўша йилнинг июнида ЎзССР Фанлар академиясининг умумпартиявий мажлисида Г.Г.Грушкин яна Ҳ.М.Абдуллаевни айблаб чиқкан ва бу чиқишидаги фикрларни ариза қилиб партия ташкилотига топширган.

1952 йил октябрида Г.Г.Грушкиннинг чиқишилари ва аризалари анча тўпланиб қолгани муносабати билан Тошкент шаҳар партия комитети шаҳардаги турли геологик ташкилотлар вакилларидан иборат комиссия тузган. Комиссия 2 ой давомида ишлаган ва Г.Г.Грушкин билдирилган айбларни исботлай олмаган. Шаҳар партия комитети комиссияси билдирилган айблар нотўғрилиги ҳақида хulosса чиқарган. Хулосада бундан бўён Г.Г.Грушкин илмий тадқиқот иши олиб бориш учун ўз кучини сарфлаш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Тошкент шаҳар партия комитети комиссияси иши жараёнида Г.Г.Грушкин Ҳ.Абдуллаевни 1939 – 1941 йиллардаги асарлари бўйича плагиатлиқда айблаб ВКП(б) МК Фан бўлимига яна ариза ёзган, ариза нусхаси Ўз-

бекистон КП Тошкент шаҳар партия комитетига берилган.

Кўриб турибмизки, 1951 йил январидан Геология институти илмий кенгашидаги сўзлаган нутқидан кейин 1952 йил охирига-ча Грушкин турли ташкилотларга 10 га яқин ариза ёзган, аризалар характеристи ҳар доим ўзгариб турган. Аввалбошда Ҳ.Абдуллаевга америкалиқ геологлар гояларини киритганликда, кейин эса илгари сурилган бу гояларнинг зарари ҳақида ёзган, ниҳоят, охирги аризада Ҳ.Абдуллаевни плагиатлиқда айблаган.

А.В.Пуркин, Н.Э.Поярков ва бошқалар норасмий сұхбатларда Ҳ.Абдуллаевни деярли Америка позициясидалигига, конлар шаклланишининг совет назариясидан қайтганликда айблашган. Геология институти партия гуруҳи А.В.Пуркиндан принциписиз гапларни тўхтатишни бас қилиш, ўзининг танқидий фикрларини матбуот орқали билдиришини маслаҳат берган.

А.В.Пуркин 1952 йил январда маҳсус асар тақдим этиб, унда Ҳ.Абдуллаев китобида илгари сурилган деярли барча қарашлари ёлгон ва зааралигини «исботлаш»га уринган. бо саҳифага яқин ҳажмдаги асарида А.В.Пуркин Ҳ.Абдуллаевга жуда ҳам жиддий сиёсий айблар қўйган. Ҳ.М.Абдуллаевни сохталашибувчи, Ўрта Осиёнинг кончилик имкониятини камситувчи киши сифатида, унинг ҳаракатларини зааркунданалик деб таърифлашгача етиб борган. Кўп ўтмай айрим геологлар А.В.Пуркин ижоди билан танишиб чиқсанларидан сўнг бу олимнинг тарафкашлик билан баъзида Ҳ.Абдуллаевнинг назарий қарашларини тушунмасдан туриб бадном этаётганига осонгина ишонч ҳосил қилганлар.

1952 йил февралида ВКП(б) МК фан бўлимидан ходим Митрейкин иштироқидаги ЎзССР Фанлар академияси умумий партия йигилишида А.В.Пуркин ўз нутқида Ҳ.Абдуллаев китобидаги назарий тадқиқотлар мазмун жиҳатидан янги конлар очиб бериш мумкин бўлмаслиги, борларини ёпиб қўйиш ва геологлар эса Ўрта Осиёдан чиқиб кетиши



ларига тўгри келади деган фикрни илгари сурган. Аммо у ўзининг танқидий мулоҳазалари билан матбуотда чиқиши қилишга журъат этолмаган. Илмий кенгашнинг кенгайтирилган йигилишида (1951 йил 25 декабрь) Ҳ.Абдуллаев китобини тузатилган вариантини муҳокама қилиш чогида А.В.Пуркин чиқиши қилмаган. Йигилишда Ҳ.Абдуллаев китоби тўгрисида янги ва жуда қимматли мулоҳазалар билан бир қаторда, умуман, асарга ижобий баҳо берилган. Аммо Ҳ.Абдуллаевга жуда ҳам оғир айб қўяётган А.В.Пуркин чиқиши ва танқид қилишга жасорат эта олмаган.

1952 йил апрелида собиқ СССР Геология министрлиги томонидан Ленинградда конлар шаклланиши назарияси бўйича Бутуниттифоқ кенгashi чақирилиб, бунда ҳам Ҳ.М.Абдуллаев ўз китобида кўтарилган энг асосий масала бўйича маъруза қилган. Кенгашда мамлакатнинг барча нуқталаридан кон шаклланиши назарияси бўйича етакчи мутахассислар қатнашишган. Кенгаш 7 кун давом этган. А.В.Пуркин ҳам кенгашда иштирок этган, лекин чиқиши қилмаган. Ваҳлонки, у Тошкентда узоқ вақт давомида бу кенгашга тайёргарлик кўрган ва ёзма рвишда ўзининг мақоласини олиб келган эди. У ўзининг айловлари билан кенгаш иштирокчиларини ишонтиrolmasligini яхши билган бўлса керак.

Шу кенгаш Ҳ.Абдуллаевнинг назарий душманлари режаларини узил-кесил вайрон қилган. Шаҳар партия комитети комиссияси эса уларни ноқулай ҳолатга солиб қўйган. Чунки Ҳ.Абдуллаев асарларида плагиат билан бөглиқ бирон-бир жиддий нарса топа олмаганлар. Шунда 1952 йил ноябрь – декабрда А.В.Пуркин Ҳ.Абдуллаевнинг бошқа назарий душманлари бўлган В.Э.Поярков, Н.В.Нечелюстов ва Н.Д.Ушаковни бирлаштириб, жамоа бўлиб унга зарба беришга аҳд қилгандар. Шу мақсадда улар Ҳ.М.Абдуллаевнинг докторлик диссертацияси қўлёзма вариантини олиб ундаги айrim илмий хulosаларни ва faktik materiallarни «фош этиш»га киришганлар.

Маълумки, Ҳ.Абдуллаев докторлик диссертациясини Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети раиси ўринbosари ва Давлат план комиссияси раиси лавозимидалигида ёзган, ўзининг асосий иши ҳаддан ташқари кўплиги туфайли бундай ҳолатларда айrim камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин эди. Ҳ.Абдуллаев 1946 йил майида докторлик диссертациясини ҳимоя қилгани, 1947 йил 13 сентябрда ОАК қарори билан профессорлик илмий унвонига эга бўлгани ҳолда орадан 7-8 йил вақт ўтгач айrim ҳолатларни исботлаб бериши жуда қийин эди. Текширувчи ташкилотда эса эски архивни ковлаштириш имкони бўлмаган. Шундай ҳолатда янги ҳужжат яратилиб, унда Ҳ.Абдуллаевга американпаст, заараркунанда унсур сифатида эмас, балки плагиат деган ёрлиқ ёпиштириш мақсади қўйилган. Буни исботлаш учун маҳсус «фактлар» териб олиб сохталаштиришдан иборат жирканч йўл тутилган. Бу ҳақдаги ариза ОАК, нусхаси Ўзбекистон Компартияси МКга юборилган. Ариза жўнатилиши орқасидан олдиндан ишлов бериш учун Н.В.Нечелюстов Москвага (1953 йил январь) борган. 1953 йил март ойи охирни ва апрель ойи бошларида бу ишни мазкур таруҳнинг бошқа иштирокчиси А.В.Пуркин бажарган.

Ҳ.М.Абдуллаевнинг «Правда»га йўллаган хатининг қолган қисмини айнан келтирамиз:

«Бу ариза ҳар доим одатига кўра аввал бошда ОАКнинг геология эксперт комиссиясига келиб тушди. Афтидан, бунда тўла мақсадга эришишга кўзи етмай, улар бу ҳужжатни эксперт комиссиясидан олишган ва бошқа комиссия аъзолари аниқ тарафкаш кишилардан танлаб олинган. Унинг таркибида шу соҳада ишлаётган биронта ҳам мутахассис бўлмаган. Бу комиссия аъзолари ичида 2 кишининг бу ишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган (проф. Тюремнев тариф бўйича мутахассис ва проф. Жданов нефтчи) учинчи комиссия аъзоси проф. Ф.И.Вальфсон менинг назарий душманим ҳисобланади, унга қарши ўз монографиямда қарши чиққанман. Навбатдаги комиссия аъзоси

илмий кишиларга мутлақо алоқаси йўқ, лекин бундан бир йил аввал ОАКга Ленинграддаги бир профессор устидан ариза ёзган ва бирмунча муваффақиятга эришган инженер М.Д.Дроздов криминал ишлар бўйича мутахассис сифатида чиқиш қилган. Ваҳолонки, у ҳатто шу билан танишмасдан, бирданига Давлат геология нашриётининг бош муҳаррири сифатида терилиб, саҳифаланган китобимнинг иккинчи нашрини тұхтатиб кўйди. Айни вақтда ўрт. Дроздов аввалбошдаёқ ОАКга берилган ариза менинг сўнгги мақоламга ҳеч алоқаси йўқлигини билганди. Ниҳоят, бу комиссияни СССР ФА муҳбир аъзоси проф А.Г.Бетехнин бошқарди. У ҳам менинг илмий қарашларимни қўлламайтган эди, у академик С.С.Смирнов, Ю.А.Билибин мактабига мансуб эди, уларнинг муҳим қарашларига қарши ўз китобимда қарши чиққан эдим. Бу ўринда А.В.Пуркин ва Н.В.Нечелюстов академик С.С.Смирновнинг шогирдлари эканини ҳам қайд этиш зарур. Хуллас, комиссия маҳсус танлаб тузилган, қолмишига, комиссияни шакллантиришда, афтидан, менинг устимдан ариза ёзган ўртоқлар ҳам иштирок этишган. Комиссия таркиби нотўрги тузилгани ҳақида КПСС МК Фан бўлими ходимларига (Митрейкин ва Шутлив ўртоқларни) хабар бериб қўйиб, улардан комиссия таркибини бу ишда объектив мутахассис кишилар билан ўзgartиришни, бу масала чалкаш эканига эътибор қаратиб, масала тарихини ҳисобга олишни илтимос қилганиман. Бунга қарамасдан, комиссия эски таркибда қолаверди, ОАК президиуми ўзининг эксперт комиссиясини четлаб қарор қабул қиласди. Нохолис, мутасадди бўлмаган кишилардан иборат шу комиссия хulosаси асосида қарор қабул қиласди.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, менинг монографик алоқам юзага келганидан сўнг мен жуда ҳам оғир ҳолатга гирифтор бўлдим. Ҳар хил шаклда, бироқ, аслида, ўз гояларим ва янги назарий фикрларим учун мен ҳар тарафдан бошқача позицияда турган шахсларнинг уюшган бўхтонлар келтиргандаридан кўринадики, менинг

монографик асарим юзага келишдан сўнг жуда ҳам оғир вазиятга тушиб қолдим.

Аслини олганда, ҳар хил шаклларда менинг гоя ва янги назарий фикрларим учун бошқа позицияда турган шахслар томонидан менга уюшган таъқиб қилинмоқда. Ўртоқлар ўз олдиларига геологиядаги менинг фаолиятимни ҳамда менинг гражданлик ва коммунистлигимни қатъян қоралашни, бадном этишни вазифа қилиб қўйганлар. Бу мақсад учун менинг назарий душманларим ҳеч қандай воситалардан ҳам жирканмаяптилар.

Буларнинг жами мени, ўртоқ бош муҳаррир, партиямиз матбуот органи раҳбари сифатида сизга мурожаат қилишга мажбур этмоқда.

Бироқ ушбу аризани берарканман, мен ўзимни хатога йўл қўймайдиган, бенуқсон одам сифатида ҳисобламайман. Ҳар қандай инсон каби хато қилиш менга ҳам хосдир. Энди босиб ўтган йўлга қайрилиб боқарканман, ўз асарларимни кўриб чиқарканман, қатор жиддий дефектларни кўрмоқдаман. Бироқ улар мени икки йил давомида уюшган таъқиб қилиш учун асос бўла олмайди.

Менинг сўнгги монографиямда ва олдинги асарларимда жиддий дефектлар бўлган. Охирги монографиямда мен қатор хатоларга йўл қўйганман:

А) айрим фактларга мен ҳаддан ташқари кенгайтирилган шарҳ берганман. Уларни Ўрта Осиё учун қўллаб мен ўз хulosаларимни дунё ва СССРнинг бошқа ҳудудларига ёйишга уринганман, шу билан ўз хulosаларимни ортиқча баҳолаб юборганман. Бу масалада мен эҳтиёт бўлишим лозим эди;

Б) сессия учун нашр этилган китобим шошилинч тарзда, такриз этилмаган, такрорлаш учраган, айрим илмий гоялар аниқ, яққол умумлаштирилмаган эди;

В) китобда мен ёзган айрим назарий фикрлар амалий материаллар билан асослаб берилмаганди. Бутун бир ҳолда асар ҳам эди, мен уни олдиндан таҳрир этишим лозим эди ва асосий хulosаларни атрофлича ўйлаб чиқишим керак эди.



Бироқ Совет Иттифоқи геологлар жамоатчилиги китобни яхши қаршилаб олган. Совет Иттифоқининг йирик шаҳарларида китоб муҳокама қилинган. Москвада деярли барча илмий геологик муассасаларда муҳокама этилган, журналларда тақризлар эълон қилинган эди. Аммо бирон-бир оммавий чиқишида тақризларда А.В.Пуркин илгари сурган конлар шаклланишининг совет назариясидан қайтганим, қолаверса, айrim хуносаларнинг зарарлиги тўгрисида менга ҳеч қандай эътиrozлар билдирилмаган. Докторлик диссертациям юзасидан менинг душманларим геологлар жамоасининг аризасида айтилган фикрлар бўйича қўйидагиларни хабар қиласман.

Мен докторлик диссертацияни уруш йилларида (1943 – 1945) ёзганман, уни 1946 йил мартаидаги туттаганман.

Мен уни иш орасида, ишдан бўшаганимда ва дам олиш кунларида, кўпроқ хизмат сафарларида бўлганимда ёзганман. Уни СССР Фанлар академияси геология институти Илмий кенгашида ҳимоя қилганман, ҳимоя очиқ бўлган, кенгаш аъзолари 34 кишидан ташқари кўплаб одамлар, жумладан, Тошкентдан 10 киши қатнашган. Қатнашганлар орасида ҳозирда менинг устимдан шикоят ёзган Н.В.Нечелюстов ҳам бўлган. Барча тақризлар ижобий бўлган, яқдиллик билан овоз берилган. Сўнг докторлик диссертацияси алоҳида китоб бўлиб нашр этилган (1974 йил) ва у ҳақда СССР Фанлар академияси ахборотларида академик В.А.Обручевнинг ижобий тақризи эълон қилинди (Известия АН СССР, серия геологическая, №6, 1947 г.).

Докторлик диссертациянинг қўлёзма варианти билан шикоят ёзган ўртоқларнинг деярли барчаси таниш бўлмаслиги мумкин эмасди, чунки шикоятнинг бош ташкилотчиси сифатида А.В.Пуркин 4 йил давомида ЎзССР Фанлар академияси Геология институти илмий ходими ва директор ўринбосари бўлиб, кутубхонада қўлёзма вариантининг бир неча нусхалари турган. Шикоятнинг бошқа бир иштирокчиси В.Э.Поярков китоб нашр этилгунга қадар мен Ўзбекистон Фан-

лар академиясига ҳақиқий аъзо қилиб қўрсатилганимда китоб нашр қилинмасданоқ ижобий тақриз берган.

Кейин нашр этилган вариантнинг қўлёзма вариантдан ҳеч қандай фарқи йўқ. Шунинг учун 6 йил давомида нашр этилгандан сўнг ва 7 йил ҳимоя қилингандан ўтиб улар мени нафақат «фош этиш» ва барча бу ишларни аллақачон тугаллаш имконига эга эдилар. Қолаверса, айrim айловлар нафақат менинг докторлик диссертациямга нисбатан, ҳатто менинг аввалги асарларимга ҳам қаратилган.

Масалан, геология-қидибув партияси томонидан тузилган Лангар конининг янги харитаси менга тегишли қилиб қўрсатилган. Аммо бу хариталар нафақат менинг докторлик диссертациямда келтирилган, улардан бирини 1939 йили мен эълон этганман (Труды МГРИ, т.15), бошқасини 1941 йили чоп эттирганман (Известия АН СССР, №4-5, 1941).

Шундай қилиб, 10 йилдан кўп илгари бу хариталар босилиб чиқсан, агар «фош этиш» зарур бўлса, 10 йил ичидаги ўртоқлар тўласинча ҳал этиб олиш имконига эга эдилар. Улар ўз шикоятларида мени ҳозиргача фош эта олмаганларига сабаб қилиб масъул лавозимдалигим қўрсатилган. Мен бу хариталарни эълон қилганимда оддий аспирант эдим ва илмий ходим эдим. Бундан ташқари, мен Министрлар Советида 1948 йил ўрталаригача ишладим. 1948 йилдан 1952 йил охиригача эса улар етарли вақтга эга эдилар. Улар шикоятидаги бу барча важ-карсонлар ёлгон, ҳақиқий сабаб илмий келишмовчиликдир ва уларнинг заифлигидир. Улар ўзларининг илмий позицияларини ҳалоллик билан ҳимоя эта олмайдилар ва қуролнинг ноҳалол усулини қўлламоқдалар. Бу бош сабабга қўшимча қилиб қатор хизматдаги ҳолатлар бу ўртоқларнинг менга нисбатан шахсий адватини келтириб чиқарди.

Геология институти директори ва ЎзССР ФА вице-президентлигимда Шехтман ва Поярков ўртоқларни институтга ишга олмаганман. Чунки ўрт. Шехтман институтда ишдан ташқари вақтда маошга эга бўлиш-

ни хоҳлаганди, ўртоқ Поярковга эса сиёсий жиҳатдан ишонмаганман, чунки унинг отаси советларга қарши фаолияти учун совет суди томонидан ҳукм этилган ва қамоқда эди. Бундан ташқари, у илмий унвонга эга эмасди ва характери жиҳатидан типик карьеристдир. А.В.Пуркин институтда 4 йил ишлаб илмий маҳсулот бермаган ва режалаштирилган тематик режа бажармаган, бунинг учун мен вице-президент ва институт директори сифатида унга танбех берганман, ишлашга мажбур этганман. Бундан ташқари, П.А.Шехтманнинг докторлик диссертациясига ижобий тақриз беришга рози бўлмаганман.

Буларнинг ҳаммасини яхлит олиб менинг олимлигимни бадном қилишга қаратилган. Бу ҳолатни Тошкентдаги геологларнинг катта жамоаси яхши билади. Масала тарихини қисқа баён этиб ушбу аризамда сиздан илтимос қиласман:

- 1) обўли олимлардан комиссия тузиб менинг илмий йўналишимни таҳлил қилиб бериш, агар илмий фаолиятимда жиддий хатолар бўлса, бунда менга ёрдам қилсангиз;
- 2) менга қўйилган плагиат айбини моҳиятан қараб чиқиш ва юзаки келган оғир аҳволдан қутулишга ёрдам кўрсатсангиз. Бунда мен шу нарсани билдиришим керакки, менинг ишларимдаги барча хатолар ва камчиликлар учун мен тўла жавобгарлигимни ҳис қиласман, бироқ улар менинг олимлигимни қоралаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Менинг ВКП(б) Марказий Комитети ва Олий аттестация комиссиясига ёзма ва оғзаки мурожаатларим ҳеч нарсага олиб келмади, шунинг учун ҳам сизга мазкур илтимос билан мурожаат қилмоқдаман. Менинг аризамсиз ҳам сизнинг ишингиз жуда кўплигини жуда яхши тушунаман, бироқ вазият, ҳолат айни сиздан «Правда»нинг бош муҳаррири сифатида ёрдам сўрашга мажбур этмоқда.

Ҳозирги вақтда мен ЎзССР Фанлар академияси президиуми аъзоси ва геология-химия ва техника фанлари бўлими раиси бўлиб ишламоқдаман ва бир вақтнинг ўзида Ўрта Осиё политехника институтида янги ташкил

етилган петрология ва металлогения кафедрасига мудирлик қилмоқдаман».³³

Бу ўринда Ҳ.М.Абдуллаевнинг аҳли аёли раҳматли Фотимахон аянинг эсдаликларидан кичик бир лавҳа келтирамиз: «Одатда, ҳар қандай янгилик ҳаётда ўзига қийинчилек билан йўл очади. Қарама-қарши фикрлар баён этилишига сабаб бўлади. Ҳ.М.Абдуллаевнинг янги асари нашр этилганда ҳам худди шу ҳолат тақорорланди. Бу асар Иттифоқимиз геология жамоатчилиги томонидан Москва, Ленинград, Киев, Боку, Свердловск, Тошкент ва бошқа шаҳарларда кенг муҳокама қилинди ва унда олдинга сурилган фикрлар маъқулланди. 1954 йилда китоб Москвада қайта нашр қилинди. Афсуски, Тошкентда асар устидаги тортишувлар дастлаб яхши бошлиниб, кейинроқ носоглом тус олди.

Мен геолог бўлмаганим учун қуйида Ҳабиб Муҳаммедовичнинг СССР Фанлар академиясининг Геология ва география бўлимининг академик секретари, академик Д.С.Белянкинга ёзган мактубини келтирсам, тортишувлар натижаси равшан бўлиб қолади. Бу мактубни Ҳабиб Муҳаммедович ўз қули билан ёзган.

«Қимматли Дмитрий Степанович!

Координация советининг мажлиси тугагандан сўнг бир ойдан кўпроқ Москвада бўлдим, шу вақт ичида сизнинг қабулингизга кириб, ўз ишим хусусида гапира олмадим. Сизнинг қабулингизда бўлмаганим вақтим йўқлигидан эмас, аксинча, менинг устимдан булаётган изволарни сизга гапиришдан уяланганим сабаблидир. Бусиз ҳам сизга тез-тез мурожаат қилиб турман-ку. Тошкентга қайтгач сизга хат орқали мурожаат этишига қарор қилдим.

1950 йилда менинг «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» номли китобим босилиб чиқкандан сўнг баъзи геолог олимлар аввал назариямга, сўнгра ўзимга қарши чиқдилар. Бошланишида буларнинг ҳаммаси илмий мулоҳаза тарзида бўлиб, улар назариямни ўз мақолаларида ва мажлисларда танқид қилишиди. Энди эса шу кишилар

³³ Узбекистон Республикаси марказий давлат архиви. 2575-фонд. 1-рўйхат. 141-иш. 1 – 13-варақлар.

устимдан юқори партия ва совет ташкилотларига ёзмоқдалар. Авваллари ҳар хил рецензиялар, кейинрок игволар ёза бошлашиди. Тошкент шаҳар партия комитети томонидан тузилган комиссия ишин текшириб, уларни ноҳақ деб топганидан сўнг ҳам ёзишида давом этишияпти. Докторлик ишимнинг қўлёзмаси устида ҳам катта жанжал қўтаришиди.

Ўзингизга маълум, мен докторлик ишимни юқори лавозимдалик давримда ёзганман, шунинг учун керакли материалларни ўзим иига олмаганман ва, табиийки, мен бошқа геологларнинг материалларидан фойдаланганман ва бу ҳақда кириш сўзида ва керак жойларда эслатиб ўтганман. Менинг докторлик ишим 52 манбадан фойдаланиб ёзилган бўлса, шундан 7-8 тасини ўзим ўрганганман, қолганларида бошқаларнинг материалларидан фойдаланганман.

Энди диссертация ёқлагандан 7 йил кейин, нашр бўлганига 6 йил тўлгач улар менга бошқаларнинг материалларидан фойдаланган, бошқа геологларнинг фикрини тақрорлашдан нарига ўтмаган деб даъво қилмоқдалар.

Лангар манбаси устида иккита картани мен ишлаб чиққанман, шундан биттасини 1939 йилда Москва геология институтининг ишларида чиқарганман, иккинчисини СССР Фанлар академиясининг ахборот геология журналида 1941 или нашр эттирганман.

Бир группа геологлар илмий советга ҳам, менинг оппонентларимга ҳам ишончсизлик билдирияптилар. Албатта, бундай шароитда ҳақиқатни юзага чиқариш жуда қийинdir.

Мен юқорида кўрсатган материалларнинг ҳаммаси ВАКнинг эксперт комиссияси томонидан тўғри тушунилди. Бу ҳужжатлар очиқдан-очиқ игводир. ВАКнинг эксперт комиссиясини эътиборсиз қолдириб бошқа комиссия тузилди. Бу комиссия Бетехтин бошлиқ, составига Вольфсан, нашиёт редактори Дрождов, ишга ва соҳага ҳеч алоқаси бўлмаган профессор Жданов, нефть бўйича мутахассис ва профессор Тюретнов киритилди. Мана шу комиссия менинг ишимни текшириши керак. Тузилган комиссия сос-

тавидан ҳафсалам пир бўлиб 20 марта Тошкентга қайтдим, энди комиссия қарорини кутиб ўтирибман.

Бу масала бўйича мен ўртоқ Жданов ҳузурда бўлдим. У бу масала билан Топчиев шугулланади деди. Топчиев ҳузурига бордим. У киши масалани жуда ҳам эътибор билан қараб чиқиб, ҳақиқат томонига ҳал қиламан деб ваъда берди.

Мана ишининг қисқача мазмуни. Менинг Москвада кўпроқ ушланишимнинг боиси шу. Шу сабабларга кўра мен яқинда бўладиган петрография мажлисига қатнаша олмайман.

Азизим Дмитрий Степанович! Шахсий ва ҷалкашиб кетган ишларим билан сизнинг дилингизда ҳам ноҳушилик уйготганимдан хижолатдаман, ҳозирги вазият шуни тақозо этяпти. Тез вақтда бундай гаплар тугайди деган умиддаман. Бу икки ишдан бери давом этяпти, бу ишга жуда жиддий киришган ва охирiga етказиши учун қаттиқ туришибди. Текшириш вақтида Геология институти Илмий советидан ва ишлаб чиқарувчилар фикрини сўрашмади, чунки улар мен билан бирга ишлаганлар. Натижада ҳақиқатни юзага чиқариш қийин бўляпти. Мана шу кишилар ўз вақтида В.И.Смирнов устидан ҳам ёзганлар. Дмитрий Иванович Шчербаков ва Ўрта Осиё геологлари ишим ҳақида кўп нарсани айтишлари мумкин. Тошкентга қайтиб келиб ишга тушдим, аммо ҳеч қўллим ишга бормаяпти. Одамларнинг ишлаш ўрнига шундай игволар билан шугулланishi нақадар ачинарли. Мен илм билан шугулланмай, ўнлаб тушунтириши хатлари ёзишига мажбур бўлиб ўтирибман.

Хурматли Дмитрий Степанович, сизни безовзта қилганим учун яна бир бор узр сўрайман.

Сизга ҳурмат билан Ҳ.Абдуллаев, 1953 йил март». ⁴

(Давоми кейинги сонда)

⁴ Абдуллаева Ф. Эл фарзанди. Ленин мукофоти лауреати Ҳабиб Абдуллаев ҳақида хотиралар // Шарқ юлдузи. 1987. №3. – Б.121. 122, 123.



ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

БУЮК ИНСОН АНДИЖОНЛИКЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартағи «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тұғрисида»ги қарори бутун республика халқи каби андижонликларни ҳам беҳад қувонтириб юборди. Қарорда Ўзбекистонни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқарып юртимиз тараққиеті йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқти ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуглаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш кўрсатиб ўтилди. Чиндан ҳам, Шароф Рашидов республиканинг биринчи раҳбари сифатида ниҳоятда оғир шароитда фаолият кўрсатди. Чунки ватан мустақил эмас эди. Совет мустамлакачилиги ҳукмрон эди. Барча соҳалар марказдан бошқариларди. Шароф Рашидов, бир томондан, КПСС МК сиёсий бюроси, Марказком бош секретари, иккинчи томондан, марказнинг алоҳида маҳсус ваколати ва вазифаси билан тайинланган европалик миллат вакилидан иборат иккинчи секретар, учинчи томондан, КГБ (ДХК) ва унинг ҳам миллати ўзбек бўлмаган амалдорлари назорати остида фаолият олиб боришга мажбур эди. Бундан ташқари, республиканинг ўзида марказнинг сиёсий, партиявий фитначилиги туфайли ва унинг таъсирига тушган республика

партия ва совет органларидаги айрим оппозициячи миллий ходимлар Шароф Рашидовга қарши турғанларида ҳам андижонлик раҳбар ходимлар республика оқсоқолини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар.

Шароф Рашидов даврида Андижонда ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш, айниқса, қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлиги, маший турмуши анча юксалган эди. Бунёдкорлик ишларида ҳам ютуқлар қўлга киритилган эди. Ҳозирги аэропорт, унинг ёнидаги кўприқ, Оқёрдаги айланма йўл кўпрги, темир йўл вокзалининг янги биноси, Андижон давлат университетининг янги биноси, ҳозирги Богишамол дам олиш маскани, Андижон сув омбори, Андижон – Шаҳрихон автомобиль йўли каби қатор иншоотлар айни Шароф Рашидов даврида бунёд этилган эди. 1964 йили Андижонда пахтачилик институти очилиши ҳам бевосита Шароф Рашидов номи билан болжиқдир. Ўша вақтда Иттифоқда яқкаю ягона пахтачилик институти очилиши тантанасида Шароф Рашидовнинг шахсан ўзи қатнашган, нутқ сўзлаган эди. Шунинг учун бўлса керак, андижонликлар бу арбобни ҳали-ҳануз фақат ижобий жиҳатдан эслайдилар. Бу сиймони шахсан таниган, билган, бирга ишлаган, унинг меҳригиёсидан баҳра олган андижонликлар талайгина. Улардан айримларининг фикрларини сиз муҳтарам журнアルонларга тақдим этмоқдамиз.

Нуроний Пўлат Қаюмов

Кутлуг 100 ёшни қоралаётган, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, ҳозирда эл ардогида азизу мукаррам бўлиб, истиқлол инъом этган неъматлардан баҳраманд бўлиб фаровон ҳаёт кечираётган фаҳрий Пўлатжон ота Қаюмов Президентимизнинг Шароф Рашидовнинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қароридан беҳад руҳланиб, илҳомланиб ана шу буюк сиймо ҳақида тўлқинланиб биз билан бўлган сұхбатда ушбу эсдаликларини изҳор этди:

«Бу улутвор, хайрли қарорда белгиланган барча тадбирлар халқимизнинг айни дилидаги ўй ва мақсадлардир. Зоти олий Шароф Рашидов, ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг энг улуг фарзанди эди. Бу қарорни чиқаргани учун Президентимизга жуда катта миннатдорчилик билдиришни ўз бурчим деб биламан. Чунки бу ажойиб арбобнинг, омма етакчисининг, буюк бадиий сўз устасининг босиб ўтган мashaқатли, заҳматли, лекин шон-шарафли йўли бутун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг бундан кейинги, янгидан-янги авлодларнинг миллий ва мъянавий камолотида ибрат бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқдир. Бу қарорни бутун халқ севиб, хурсанд бўлиб қабул қилди. Ўйлайманки, Шароф Рашидов ўзбек халқининг энг кўзга кўринган давлат, жамоат, илм-фан, маданият, санъат арбоби эди. Мен Шароф Рашидов билан «Қизил Ўзбекистон» газетаси бош муҳарририлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети раислигига, айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказкомининг биринчи котиби бўлиб ишлаётганида кўп учрашувларда бирга бўлганман, унинг сермазмун, мантиги пухта, жозибали нутқ ва маърузаларини тинглаганман. Республиkaning биринчи раҳбари сифатида бу инсон қарийб чорак аср мобайнинда юртимиз равнақи, ободончилиги, фаровонлиги йўлида катта жасорат кўрсатиб меҳнат қилди. Унинг раҳбарлик услубидаги энг асосий фазилатларидан бири кадрларни тўгри танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларни тарбиялаш эди. Кўплар қатори мен ҳам у кишининг эътиборига тушган, меҳрини қозонган раҳбар ходимла-

ридан бўлганим билан фаҳрланаман. Бу инсон билан ҳар бир учрашувимиз, сұхбатимиз биз учун катта ибрат мактаби эди. Мен Андижонда раҳбарлик лавозимида ишлаётган пайтимда Фаргона область партия комитети раҳбариятида ўзгариш бўлиб, бу область партия комитетининг биринчи котиблигига миллати армани бўлган Габрильянц тайинланган эди. Унгача Габрильянц Марказкомининг қишлоқ хўжалик бўйича котиби эди. Мени шунда Шароф Рашидов чақириб: «Анчадан бўён сиз Андижонда раҳбарлик лавозимида ишляпсиз, Фаргонани яхши биласиз, биз у ерда энди яхши ишлар қилишимиз керак, область партия комитетининг биринчи секретари арман миллатига мансублигини эътиборга олсак, Фаргона область ижроия комитети маҳаллий миллат вакили бўлиши лозим. Бизга маҳаллий халқ билан тиллашадиган, унинг дардига қулоқ осадиган, қалбига йўл топадиган раҳбар керак», – деди. Шу гапни айтиш билан мени Фаргона область ижроия комитети раиси лавозимида ишлашим ҳақида маслаҳатлашди. Натижада мен Фаргона область ижроия комитети раиси лавозимида фаолият кўрсата бошладим. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Москванинг кўрсатмаси билан Андижон ва Наманган областларини қўшиб битта Андижон области ташкил этиладиган бўлди. Шу муносабат билан Шароф Рашидов мени ўз ҳузурига чақириб сұхбатлашди. «Сиз биласизки, мана, иккита областни бирлаштиридик. Бу областлар республика пахтасининг учдан бир қисмини, яъни Андижон вилояти 400 минг тонна, Наманган вилояти 400 минг тонна пахта берарди, энди 800 минг тонна миқдордаги пахтани ким беради?» – деб сўради. «Андижон ва Наманган вилоятларида, яъни ҳозирги бирлашган Андижон вилоятида ажойиб миришкор, пахтачилик сир-асрорларини биладиган, меҳнаткаш деҳқонлар, пахтакорлар кўпки, пахтани ана шу инсонлар яратади», – деб жавоб қайтардим. Шунда Шароф Рашидов: «Тўгри айтасиз, пахтани шулар беради, лекин буларга ким раҳбарлик қиласи? Агар бошқа вилоятдан раҳбар тайинлайдиган бўлсак, вилоят иқлимини, далалардаги шарт-шароитни



Пұлат Қаюмов

үрганишига камида 1 йил вақт кетади. Сиз эса бу ернинг ҳамма шароитини, раҳбарларини биласиз, шунинг учун биз сизни раҳбарлик лавозимига тайинлаймиз, Андіжонга қайтарсак деган умиддамиз, шунга нима дейсиз?» – деб мурожаат қилди.

Мен бу таклифга розилик билдиридим. Яна Андіжон вилоят ижроия комитетининг раиси бўлиб сайландим.

Шароф Рашидовнинг энг яхши фазилатларидан бири жуда маданиятли эди, ҳаттоқи йигилишларда, семинарларда ҳам инсонларга доим мулойим гапирав эди. Ўша пайтлар мени бир масала бўйича чақирирди. Республикада энг қолоқ соҳа касб-хунар, техника билим юртлари эди. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, умуман, ҳалқ хўжалиги соҳаларида малакали ишчи кадрлар етишмасди. Шу боис республикадаги касб-хунар, техника билим юртлари моддий-техник базасини, ўқув-тажриба дарслари сифатини яхшилаш, умуман, малакали ишчи-кадрлар тарбиялашни тубдан янгилаш кун тартибига қўйилганди. Шароф Рашидов Ўрта маҳсус ва техника билим юртлари комитетида раис лавозимида фаолият кўрсатишими илтимос қилди. Шу соҳанинг Иттифоқ раиси Москвадан келаётганини айтди. Мен бу лавозимда фаолият кўрсата бошладим. Ўқув юртлари сони ҳам ўси, қурилишлар ҳам кўп бўлди, бир неча бинолар қурилиб мактабларга берилди, ўқувчилар ҳам кўпайди. Кейин бу соҳадаги Ўзбекистон тажрибасидан бошқа республикаларда ҳам фойдаланиш зарурлиги инобатга олиниб Тошкентда Умумиттифоқ кенгаши чақирилди. Шароф Рашидовнинг шахсий кўрсатмаси билан ўша анжуマンда маъруза билан чиқиш қилдим.

Бу инсон бутун ҳаётини ҳалқ манфаати, юртимиз равнақи, ёшлар камолоти йўлида сарфлагани барча-барчага маълум. Шу боис

Шароф Рашидов хотирасини ҳар қанча эъзозласак, унинг бой ва бетакрор меросини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида тарғиб ва ташвиқ этиш, қарорда кўрсатилган барча тадбирларни намунали ва сифатли қилиб бажариш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчидир.

Нуроний Эркин Тўхтасинов

... Андіжон область партия комитетининг биринчи котиби Абдураззоқ Мавлоновнинг ўтли билан дўст эдим. Биз Андіжон қишлоқ хўжалик техникумida ўқиганмиз. Дўстим Тошкентта ишга кетди, мени 1950 йили амалиётта ва ишга Олтинқўл тумани иккинчи МТСга юборишган. МТС раҳбари Охунов мени

«Коминтерн» колхозига участка агрономи қилиб юборди. Мен от билан колхоз далаларини айланиб юрардим. От касал бўлиб қолгач, уйдаги мотоциклимни миниб ишга келдим. 3-4 бригадани айланиб чиқдим. Йўл ёмонлиги, тупроқ туфайли устим ва юзим чанг.

Абдумўминнинг бригадасига келган эдим. Чунки у пахта планини биринчи бўлиб бажаргани учун «Коммунист», «Андижанская правда» газеталарида мақолалар чиққанди. Бригада шийпонига соат 10 ларда келганимда бу ерда бир шляпа кийган одам ёнига папкасини қўйиб олиб бригадирни кутиб ўтирган экан. Шийпондаги сўрининг 5-6 та тахталари синиб кетган, михлари бўртиб чиққан, яроқсиз ҳолда экан. У одам сўрининг сог жойини топиб ўтирган экан. Мотоциклдан ҳамма жойим чанг ҳолатда тушиб у киши билан сўрашиб, шийпондаги уйга кирдим. У ерда 2-3 та аёллар бор эди. «Сизларда одамгарчилик борми? Аnavи келган одамга тўшак ҳам солиб қўймаб сизлар, синган сўри чеккасида ноқулай ҳолатда ўтирибди меҳмон», – дедим уларга. Аёл-



Эркин Тўхтасинов



лар: «Уни машинада бир киши ташлаб кетди, ҳалитдан бери ўтирибди, бригадирни сўраган эди, йўқ дедик, келадими деган эди, келади деб айтдик, кутиб туришини айтди», – дейишиди. Шунда қумгонда чой дамламоқчи бўлиб чойнакни ариқчада яхшилаб тозалаб ювдим. Қайнаётган чойни дамладим. Мени зимдан кузатиб турган эди. Олдига бориб чой қўйиб бердим, чанқаган экан, хурсанд бўлиб кетди. «Сиз кимсиз, ука?» – деб сўради. «Мен шу колхоз агрономи бўламан», – дедим. У кишини «Коммунист» газетаси муҳаррири Обокул Эгамов юк машинасида ташлаб, Абдумўмин билан сухбатлашасиз, қайтишда олиб кетаман деб кетган экан.

Гаплашиб ўтирдик. Мендан Абдумўминни топиб беришимни илтимос қилди. Хўп деб 500 метрча нарида пахта тераётган қизларнинг олдига бориб табетчидан Абдумўминни сўрадим. Табелчи унинг Янги бозорга пиво ичгани кетганлигини айтди. Қайтиб келиб ўтирган одамга: «Райкомга кетган экан», – деб ёлғон гапиришга мажбур бўлдим. «Райкомга кетган бўлса ҳали бери келмайди», – деб мендан Абдумўмин ҳақида 1-2 маълумот олди. Сўнг: «Мени йўлга мотоциклда олиб чиқиб қўйинг», – деди. Мотоциклнинг орқа ўриндигига меҳмон учун з қават этак солиб қўйдим. Мотоциклни юргизиш учун педални тепганимда ўт олмади, ўт олдириш учун шийлон бўйлаб итариб юргиздим, лекин ўт олмади. Меҳмон ҳам менга қўшилиб мотоциклни биргаликда юргиздик. Меҳмон чиройли оқ қўйлак ва костюм-шимда, портфелини ўриндиқ устига қўйиб ўтириб олди. Ўша пайтда мен у киши кимлигини билмаган эдим. Ислами-шарифини сўраш ҳам хаёлимга келмаган экан. Меҳмонни Ленинскдаги (ҳозирги Истиқлол кўчаси) меҳмонхонага олиб бордим. Шунда у киши менга «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳарри-

ри Рашидов келди деб Абдумўминга етказиб қўйишимни илтимос қилди, у ҳақида очерк ёзмоқчилигини, сухбатлашиши кераклигини айтди. Абдумўминни Янги бозордаги пивохонадан олиб чиқиб: «Рашидов деган одам сен



Шароф Рашидов Андижон сув омборида вилоят раҳбарлари билан.

Чапдан ўнга. 1. Поветко – область ижроия комитети раиси. 2. Солижон Мамарасулов – область партия комитетининг биринчи котиби. 3. Акбар Үразалиев – Андижон шаҳар ижроия комитети раиси. 4. Жўра Ҳасанов – Андижон область ижроия комитети раиси. 5. Шендрик – Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари. 6. Шароф Рашидов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари. 7. Мирзажон Муҳитдинов – Андижон область партия комитетининг секретари.

ҳақингда очерк ёзмоқчи экан», – дедим. Иккаламиз бозордан нон, узум олиб меҳмонхонага келдик. Шароф Рашидов хонасини тақиллатиб: «Мана, Абдумўминни олиб келдим», – дедим. Шароф Рашидов бет-қўлини ювиб, чиройли, тоза кийимларда ўтирган экан. «Абдумўминни 2 соатга ташлаб кетасиз», – деди. «Хўп бўлади, 2 соат бўлса 2 соат, унгача ўйдаги ишларимни қилиб оламан», – деб чиқиб кетдим. 2 соатдан кейин меҳмонхонага бордим, Шароф ака хурсанд бўлиб: «Келинг, Эркинжон», – деб кутиб олди. Сухбатда мени суриштириб қолди. Отам ҳақида кичик маълумот бердим. Шунда у: «Нурмат аканинг ўғли экансиз-да, отангиз билан кўп гаплашганман, яхни одам эди», – деди. Блокнотини олиб нечанчи йил тугилганимни, телефон рақамимни ёзиб олди. Кейин меҳмонхонадан чиқиб хайрлашиб колхозга қайтдим. Шу тариқа Шароф ака билан танишиб қолдим. Бу орада мени Олтинқўлдан Бўздаги МТСга жўнаташди, у ердан яна Олтинқўл райони қишлоқ хўжалик бошқармасига юбо-

ришди, бу ерда участка агрономи бўлиб ишлай бошладим.

Бир куни мени обкомга чақириб қолишиди. Обкомнинг қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Александр Петрович Шанко: «Биз сени ишга оламиз, мана сенга шахсий варага, уни тўлгизиб эртага келасан, сени инструктор қилиб тайинлаймиз», – деди. Эртасига ҳужжатларни тўғрилаб келдим. Мендан партияга қачон аъзо бўлгансиз деб сўрашди. Мен аъзо бўлмаганлигимни айтдим, улар ҳайрон бўлишиди. А.П.Шанко оғзимга уриб кейинги хонага олиб чиқди. Кейин билсан, Шароф Рашидов обкомга: «Шу болани олиб тарбия қилиб ишлатинглар, фаол йигит», – деб тайинлаган экан. Кейин ўша куни кечки пайт қишлоқ хўжалиги бўлими партия ташкилоти секретари Попов коммунистларни тўплади ва мени партияга қабул қилишиди. Бир кунда бошлангич партия ташкилотида партияга қабул қилиндим. Эртасига шаҳар партия комитетига олиб боришиди, бююда партияга қабул қилишиди ва обком қишлоқ хўжалиги бўлимида инструктор бўлиб хизмат қила бошладим. Орадан кўп ўтмай обкомнинг биринчи котиби Раҳмонқул Қурбонов хонасига чақириб: «Эркин, сизни Москвага ишга чақиришапти, эртага самолётта ўтирасиз, финхоз бўлимига кириб сафар харажатларини оласиз, ҳужжат ва иш варақаларингизни олиб учуб кетасиз», – деди. Хуллас, Москвага бордим, мени ВЛКСМ Марказий Комитетининг Ўзбекистон, Туркменистан, Қирғизистон, Тоҷикистон, Қозогистон ва Озарбайжон пахтакор республикалари ёшлиари билан ишлаш бўйича маъсул ташкилотчи вазифасига қўйишиди. Бу соҳада фаолият кўрсатдим. Ўша республикаларда бўлиб, ёшлар ташкилотлари билан танишиб ишлаб юрдим. Ишхонам Москвада, квартира беришган эди. Бу орада Шароф Рашидов Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми раислигидан Ўзкомпартия МКнинг биринчи секретари лавозимига кўтарилиганди. Шароф Рашидовнинг ёрдамчиси телефон қилиб, «Москва» меҳмонхонасига кеч соат 6 дан кейин келишимни, Шароф ака мени сўраётганини маълум қилди. Меҳмонхонага бордим. У кишини охирги марта шийпонда учратганимдан кейин кўрмаган

эдим. Шароф ака билан бирга Тошкент обкомининг биринчи секретари Малик Абдураззоқович, Министрлар Советининг раиси Раҳмонқул Қурбонов ва яна бир қанча кишилар ўтиришган экан. Шароф ака мендан ҳол-аҳвол сўраб: «Зерикib қолмаяпсизми? Ўзбекистонга олиб кетайми?» – деб сўради. «Сиз нима десангиз шу-да», – дедим. Кейин Шароф ака билан бирга тушлик қилиб сухбатлашдик, бир қанча маслаҳатлар берди, қилаётган ишларимни дафтарга ёзиб юришимни тайинлади ва мендан ўзи хабар олиб туришини билдириди. Орадан ҳеч қанча ўтмасдан Андижон область комсомол ташкилоти биринчи котиби Ҳайитбой Азимовни Москвадаги академияга ўқишга кетиши муносабати билан мени Андижон область комсомол комитети биринчи секретари вазифасига қўйишиди. Бу ерда 1 йил ишлаганимдан сўнг Тошкентга, комсомол марказий комитети секретари қилиб олишиди. Тошкентда ишлаб юрган пайтимда Шароф Рашидов чақириб: «Ўзкомпартия қишлоқ хўжалиги бўлими мудири ўринбосарлиги вазифасида ишлайсиз», – деб айтди. Бу вазифада маълум вақт ишлагач Шароф ака чақириб: «Энди сиз Фаргона область партия комитетига ишга ўтасиз, у ердаги обком секретарлари ичидаги биронта ўзбек йўқ», – деб айтди. Шу чоғда Москвадан Шароф акага телефон бўлиб қолди ва у кишининг қабулидан чиқиб кетдим.

Бир ҳафтадан кейин Шароф ака мени чақиририб: «Республика ички ишлар министри ўринбосари бўлиб борасиз, нимага десангиз, сизнинг отангиз номи милиция органида сақланиши керак», – деб айтди. Шунда отамнинг «Катта бўлсанг милиция соҳасида фаолият кўрсатмагин» деган васияти ёдимга тушди. Бу ҳақда Шароф акага айтиб мазкур вазифада ишлашим тўғри бўлмаслигини айтдим.

2 ой ўтиб Шароф ака мени яна чақиририди. Қабулига кирганимда у билан бирга давлат назорати раисига муовин бўлиб ишлашингизни сўрашмоқда, бу лавозимда Поспелов ишлар эди, унинг ўрнига ўтасиз», – деб таклиф қилди. Мен агрономлигимни, бу соҳада тажрибам



йўқлигини ва ўйлаб кўришимни билдириб хонадан чиқиб қетдим. Орадан кўп ўтмай кабинетимга Ёдгор Насриддинова, Матчонов, Малик Абдураззоқов кириб: «Эркин, сизга Шароф ака иш таклиф қилса, ўйлаб кўраман дебсиз, бу одамнинг назаридан қолманг, қанақа иш айтса, хўп бўлади деб таклифини қабул қилишингиз керак», – деб маслаҳат беришди.

КПСС Марказий Комитети топшириги билан Андижон ва Наманган областларини кўшиб битта Андижон области ташкил этилиши кун тартибига қўйилганди. Шунда Шароф ака мени яна чақириб энди Андижонга бориб ишлашимни айтди ва розилик бердим. Ўша пайт ҳатто қандай ишга жўнатилганимни ҳам билмаган эдим. Эртаси куни Москвага боришимни айтишди. Самолётда Мангельден, Ҳакимов билан бирга Москвага учдик. Домодедоводаги аэропортда трапдан тушаётган вақтимизда қора «Волга»да КГБ ходими пастда турганини кўрдик. КГБ майори олдимга келиб: «Сиз Тўхтасиновмисиз?» – деб сўради. «Ҳа», – деб жавоб бердим. Шерикларим кўркиб орқага, самолётга қайтиб кириб кетишди. Менда ҳам аввалига қўрқув бўлди, кейин яхши муомала қилиб кутиб олаётганини кўриб тинчландим. Улар мени КГБ қабулхонасига олиб боришли. Қабулхонада Ўзбекистон КГБ раиси мен билан суҳбатлашди. «Эркин, Андижон билан Наманган қўшиляпти, ўша ерга КГБ бошқармаси бошлиги бўласан», – деб айтди. Бу лавозим менга 1962 йилда берилди. У ердан Андижон-Наманган КГБ бошлиги бўлиб Тошкентта келиб, тўгри Шароф Рашидов олдига кирдим. Шароф Рашидов: «Андижонга борсангиз, ички ишлар бошқармаси бошлиги Намангандан Дзержинскийнинг ҳайкалини ва яна 1-2 та кабинет буюмларини олиб кетиб қолибди, шу нарсаларни жойига қайташ керак, Андижон ва Наманган ўртасида можаро чиқмаслиги учун. Бу иш билан сиз шугулланинг, Эркин», – деди.

Бу лавозимда мен 8 йил ишладим. Ишлаб юрган пайтимда бир куни обкомга келиб кетишими сўрашди. Обком секретари Бектош Раҳимов 5-6 та оқсоқоллар билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Шунда Бектош Раҳимов: «Мана

бу оқсоқоллар вилоятимизда бир хил номдаги колхоз ва совхозлар номини ўзимиздан етишиб чиққан инсонлар номига ўзгартиришни таклиф этишмоқда. Масалан: «Андижон районида 2 та колхозга Дзержинский номи қўйилган, бири Хирабекда, бири Сойда. Карл Маркс колхози бор, Маркс совхози ҳам бор ва XVII партсьезд, XVIII – XIX партсьезд номли колхозлар бор. Булоқбошида бўлса Ленинград, Ленин, Ленинизм, Ленин йўли колхозлари бор. Битта туманда бир хил номдаги 4 та колхоз, бу нима деган гап?» – деб қолишиди. Шу боис Дзержинский номли колхознинг бирига халқ агрономи деган унвонга эга бўлган Тешабой Мирзаев номини, Карл Маркс совхози ўрнига Ойбек номини, Ленинград колхози ўрнига Бобур номини, партсьездлар номли колхозлардан бирига Машраб номини беришни таклиф қилишяпти», – эди. Шунда таклиф биз учун ҳам маъқуллигини, лекин бу ишлар КГБ ваколатига кирмаслигини айтдим. Улар КГБ ваколатига кирмаса ҳам ёрдам берасиз деб туриб олишиди ва мен рози бўлдим. Орадан маълум вақт ўтгач, Шароф Рашидов Андижонга келганида унинг дачасига Бектош Раҳимов, область ижроия комитети раиси Пўлат Қаюмов ва мен бирга бориб суҳбатда оқсоқолларнинг илтимосларини баён этдик. Бу оқсоқоллар битта районда бир номдаги колхозлар кўплигини, одамлар шу сабабли адашиб кетаётганини айтдик. Хуллас, бу фикр Шароф акага маъқул бўлди. «Бу масалани жойларда тегишли йигилишлар ўтказиб, халқ муҳокамасига қўйинглар, одамлар қўл кўтариб рози бўлишса, район ижроия комитетида кўриб чиқиши лозим, партия бюросида тасдиқланганидан кейин амалга ошириш мумкин», – деди. Шундан кейин бирин-кетин колхоз-совхозлар номи ўзгара бошлади. Уларга Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий берилди. Жалақудуқдаги Жданов колхозига отам Нурмат Тўхтасинов номи қўйилди. Ўша даврда ҳозирги Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича 180 та колхоз ва совхоз номлари ўзгартирилган эди.

Орадан 1 йил ўтиб мени Ю.А.Андропов Москвага чақирди. Шунда Ш.Рашидовга қарши оппозиция ҳам кўтарилиди. Бектош



Раҳимовга ҳам айб қўйила бошланди. Марказдагилар ва уларнинг республикадаги маслақдошлари, жумладан, Ўзкомпартия идеология секретари Раъно Абдуллаева ва бошқалар бизни «пантуркизм», «панисломизм» гояларини илгари сурғанликда айбладилар. Мен ҳам қаттиқ сикувга олиндим. Тошкентга чакиришди. Тегишли идорада менга: «Карл Маркс ким, биласанми?» – деб сўрашди. «Ҳа, у коммунизм гояси асосчиси, «Капитал» асари муаллифи», – деб жавоб бердим. Кейин: «Ойбек ким?» – деб сўрашди. Ойбек «Навоий» ро-

диларинг, ахир, у совет ҳукуматига қарши чиққан қўрбошилардан бири эди-ку», – деди. Бу гаплар Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик комитетининг ёпиқ мажлисида бўляпти. Бу мажлисда Бектош Раҳимов ҳам мен билан бирга эди, мажлисни шахсан Ўзбекистон давлат хавфсизлик комитети раиси, Ўзкомпартия бюроси аъзоси Безчастний ўтказяпти. Шунда у: «Сизларни партиядан ўчирамиз», – деб дагдага қилди. Мажлис иштирокчиларидан айримлари: «Колхозлар номини ўзгартирганлиги учун партиядан ўчира олмаймиз», – дейишиди. ДҲҚ раиси эса: «Партиядан буларни ўчиришга биронта бошқа сабаб топамиз, чунки ДҲҚ давлатнинг қуролланган отрядидир, партиянинг топшириги эса қонун», – деди. Шу тариқа бизни давлат мулкини ўзлаштириш тўғрисидаги айблар билан партиядан чиқаришди. Улар, аслида, биздан колхоз ва совхозлар номи ўзгартирилиши Шароф Рашидовнинг иши эканлиги тўғрисида кўрсатма олмоқчи бўлганлар. Лекин мен, Бектош Раҳимов, Мирзажон Мұхитдинов (обком идеология секретари) Шароф Рашидовга қарши ҳеч қандай кўрсат-



Чапдан ўнгга. 1. Ашур Хайдаров – Андижон область партия комитетининг биринчи котиби. 2. А.Шарипов – Андижон область прокурори. 3. А.И.Шалигин – Андижон область партия комитети иккинчи котиби. 4. Э.Н.Тухтасинов – СССР ДҲҚнинг Андижон области бўйича бошқарма бошлиғи. 5. П.Қ.Қаюмов – Андижон область ижроия комитети раиси. 6. В.Е.Семичастний – СССР ДҲҚ раиси, армия генерали. 7. С.И.Киселев – СССР ДҲҚнинг Ўзбекистон бўйича раиси, генерал-майор. 8. Р.К.Курбонов – ЎзССР Министрлар Совети раиси.

мани муаллифи эканлигини айтдим. «Ленин ким?» – деб сўрашди, мен Ленин Совет давлати асосчиси эканлигини айтдим. Бобур ким эканлигини сўрадилар. «Бобур андижонлик шоир, «Бобурнома» асари муаллифи», – деб жавоб қилдим. «Сизлар қаёққа кетяпсизлар? Ахир Бобур босқинчи, одамхўр, қонхўр, Ҳиндистонда одамлар каллаларидан пирамида қилган шахс», – дейишиди. Дзержинский ким деб сўрашди. «Дзержинский давлат хавфсизлик органи асосчиси, ҳамма етимлар отаси», – дедим. «У ҳолда нимага Дзержинский номини ўчириб, Тешабой Мирзаев номини қўй-

ма бермадик. Чунки биз Шароф Рашидовни ниҳоятда ишchan, ҳалол, ҳалқ манфаатини қўзловчи буюк шахс эканлигини билар эдик. У кадрларнинг ишchanлигига, масъулиятни чукур ҳис этишига, мутасаддилигига қараб танлар ва ишга олар эди.

Эсимда, Шароф Рашидов «Андижанская правда» газетаси мухбири Георгий Алексеевич Крайновнинг шу газетадаги «Обзор промышленности по Андижанской области» мақоласига қўзи тушиб, уни ўқиб, менга шу инсонни топиб келишни топширган эди. Эртаси куни газета редактори Рубен Акопо-



вич Сафаров (кейинчалик академик бўлиб сайланган) билан биргалиқда Г.А.Крайновни олиб Шароф Рашидов олдига бордик. Шароф ака Г.А.Крайновни яхши журналист экансиз деб мақтаб ўзига ёрдамчи қилиб олди, кейинчалик Г.А.Крайнов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов билан ҳам бирга кўп йиллар ишлаган эди.

Нуроний Жўра Ҳасанов

Муҳтарам Шароф Рашидов билан илк бор кўришишим, сұхбатлашишим Андижон область ижроия комитети раиси лавозимида хизмат қилиб юрган вақтимга тўгри келади. Мени бамисоли ўглидай кўриб, ёнимда область партия



Жўра Ҳасанов

комитети биринчи секретари ва секретарлари турган кезларда ҳам бевосита топшириқ, вазифалар берар, қилинган ишлар, камчилик ва етишмовчиликлар билан қизиқар, янгиликлар сўрар эди. Кўпроқ баланд-паст ишларни ҳам сўрар эди. Бундай ишларни бошқалар яширишга ҳаракат қилас эди. У кишини алдаб бўлмасди. «Фалон жойда фалон иш бўлибдими? Нимага шундай бўлибди?» – деб сўраб қолар эди. Кейин мен ҳам олиб қочмасдан билганимча соддароқ қилиб айтиб беришга интилардим.

Обком секретари ҳам: «Жўра Ҳасанов, Шароф Рашидов келяпти экан, 1-2 та объектни кўрсатишмиз керак, қаерни кўрсатсан экан?» – дер эди. Машинада кетаёттанды олдинда шоғёр, орқада Шароф Рашидов, ёнида мен ўтирадим, менинг ёнимда телефон аппарати турарди.

Бир куни Андижонга Шароф Рашидов келди. Ўша куни Хонободга боришимиз керак эди. Шароф Рашидов: «Жўра Ҳасанович, бизга нималарни кўрсатасиз?» – деб сўради. У киши: «Нима қийинчилик, нима таклифлар

бор?» – деб ҳам сўраб қолар эди. Шу боис бўлса керак, айрим муаммоларни айтишга жазм қиласадим. Ўша пайтларда Андижон темир йўл вокзалини таъмиrlашаётган, лекин бу жараён жуда ҳам чўзилиб кетганди. Вокзални Республика темир йўл ташкилоти қураётганди. Орадан талай вақт ўтганига қарамай, возкал биноси 2 метрча кўтариб қўйилган, иш тўхтаб қолган, ишчи ва усталарни Фаргонага жўнатиб юборишиганди. Тошкентдаги соҳа раҳбари Қодировга ҳар ким ҳам рўпара бўлиб муаммони айтишга журъат этолмасди. Жумладан, Андижон область партия комитетининг секретари ҳам бу масалада ожиз эди. Шу боис обком секретари имкон топиб вокзал қурилиши ҳақида Шароф Рашидовга билдириб қўйиш зарурлигини айтганди.

Хонобод сари йўлга чиққанимизда журъат этиб: «Шароф Рашидович, агар мумкин бўлса, бир илтимос бор эди, ҳали вақtingиз бўладими, йўқми, Андижон вокзали қурилиши жуда чўзилиб кетаёттанини билдиromoқчи эдим», – дедим. Шароф ака: «Нимага?» – деб сўради. «Қурувчи ва усталарни Фаргонага олиб кетишган, ўртоқ Қодировга бу ҳақда айттолмаяпмиз, шунинг учун унга бир оғиз айтиб қўйсангиз яхши бўларди», – дедим. Шароф Рашидов: «У ҳолда ҳозир вокзалга борамиз», – деди. Вокзалга келдик. Шароф Рашидов вокзал 2 метрча кўтарилгани, қурилиш охиригача етказилмагани, ресторан қурилган-у, аммо оддий буфетдан фарқи йўқлигига гувоҳ бўлди. «Шароф Рашидович, шу ердан кўраверайлик», – десам, юзимга бир қараб қўйиб: «Хўп», – деди. Кейин бинонинг 2-этажига чиқдик. Томгача анча бор эди. Шароф Рашидов кўрди-да, «Ҳеч мурожаат қилдингизми?» – деди. «Қодировга мурожаат қилиш қийин, тортинамиз», – дедим. Кейин машинага ўтиридик. Шароф Рашидов: «Жўра Ҳасанов, Қодировга теринг», – деди. Қодиров билан аввал ўзларининг ишларини гаплашди, сўнг: «Ўртоқ Қодиров, Андижондаги вокзал қурилишини нега тўхтатиб қўйдингиз?» – деди. Қодировнинг гапи менга эшитилмади. «Эртага бир Андижонга келинг, Андижонга багишлаб нима ишлар қилинган, нима ишлар бошланган, нима ишлар бошланмаганлиги ҳақида



Шароф Рашидов Андикон сув омборида вилоят раҳбарлари билан. Чапдан ўнгга. 1. Поветко – область ижроия комитети раиси. 2. Солижон Мамарасулов – область партия комитетининг биринчи котиби. 3. Акбар Ўразалиев – Андикон шаҳар ижроия комитети раиси. 4. Жўра Ҳасанов – Андикон область ижроия комитети раиси. 5. Шендрек – Андикон область партия комитетининг иккинчи секретари. 6. Шароф Рашидов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари. 7. Мирзажон Мухитдинов – Андикон область партия комитетининг секретари.

менга ярим соат ахборот берасиз, сизга гапирадиган гапим бор, ундей қилманг. Мен аралашган нарсани биринчи навбатда қилишингиз керак. Ҳурматингизни қилиб унча-мунча баланд-паст гапларни айтмайман», – деди. Сўнг яна йўлга чиқдик. Сув омбори ва Қирғизистон томондаги адирликнинг чап тарафида Андиконга қарайдиган озгина bog ерлар бор эди. Ўша жойлар бошлиги Солижон Меҳмонов эди. Сув омборининг сув тушадиган жойидан чап тарафига адирнинг ичидан тунел қилиб Хонободга 100 – 150 гектар ер қўшишга эришдик. Шу билан адир ерининг 200 – 250 гектар ерини ўзлаштиришга келишдик. Шароф Рашидов кўрсатмаси билан адирнинг ўнг тарафидан чап тарафига темир йўл қурилди.

Бир куни Шароф Рашидов: «Бу қўшнилар билан учрашиб турибсизми?» – деди. «Онда-сонда учрашиб турибмиз, қурилишга ҳам қатнашиб туришибди», – дедим. «Улар билан

яхши алоқада бўлиш керак», – деди у киши. Сўнг қурилишни, аҳолининг тинчлигини сўради. «Қўшнилар билан яхшимиз, улар биз билан донини йигиштиради, комбайн билан пахтасини йигиштиради, 5 – 10 та комбайн берамиз уларга», – дедим. Шароф Рашидов: «Сизларга-чи?» – деди. «Биз пахта терган вақтда уларнинг машиналарини қўшимча ишлатамиз», – дедим.

Избоскандаги машхур колхоз раиси, социалистик меҳнат қаҳрамони Абдусамад Тиллабоев менинг устозим эди. Шароф Рашидов келганида албатта у киши билан кўришиб, суҳбатлашиб нима керак деб сўрар эдилар. Мен ана шу учрашувларда, самимий суҳбатларда иштирок этганим-



Шароф Рашидов Андиконда. Ўнгдан чапга биринчи қаторда. 1. Шароф Рашидов. 2. Солижон Мамарасулов. Иккинчи қаторда. 1. Жўра Ҳасанов. 2. Поветко ва бошқа раҳбар ходимлар.

дан, Шароф Рашидовнинг пурмаъно фикрлари, маслаҳатларидан баҳраманд бўлганимдан ҳали-ҳануз фахрланиб юраман.

Эсадаликларни ёзиб олган,
материални тайёрлаганлар
Р.Шамсутдинов, О.Абдуқаҳоров,
А.Отахонов

«ВОДИЙНОМА»

(ТАРИХИЙ МЕРОС) ЖУРНАЛИДА

ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА

ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- 1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага муаллиф(лар) ишлаётган мұассаса раҳбариятинг йўлланма хати ва эксперт хайъати далолатномаси 2 нусхада илова қилинади.**
- 2. Мақолалар ўзбек, рус тилларида ёзилиши мумкин.**
- 3. Мақола журнал таҳририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» шрифт тида 11 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианти (CD дискда) билан топширилади.**
- 4. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8 – 10 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.**
- 5. Муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй ва хизмат телефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.**
- 6. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар кири-тилган бўлса, улар аниқ ва равшан тасвирланган, алоҳида файлда jpg, jpeg, tiff, pdf форматида бўлиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим.**
- 7. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатрости изоҳи тарзида кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм-фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа рақами кўрсатилади.**
- 8. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқilmайдi.**
- 9. Таҳририятга тақдим қилинган мақолалар таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътиrozлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари қайтарилмайди.**
- 10. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартришлар киритишга ҳақли.**
- 11. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма, маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгар. Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.**